


*Адиб
жамият*



Собир ЎНАР

ОЛДИНДА ЁНГАН МАЁК

Бадий-публицистик мақолалар, хотиралар,
сұхбатлар ва эсселар

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
“ИЖОД” ЖАМОАТ ФОНДИ

*Адиб ва
жамият*

Собир ЎНАР

ОЛДИНДА ЁНГАН МАЁҚ

(Бадиий-публицистик мақолалар, хотиралар,
сұхбатлар ва эсселар)



ТОШКЕНТ
“MASHHUR-PRESS”
2020

821.512.133-3

84(5Ў)6

Ў 75

Ўнар, Собир

Ўлдинда ёнганд маёқ [Матн]: Бадиий-публицистик мақолалар,
хотиралар, сұхбатлар өссеңдер / С. Ўнар.
– Тошкент: "MASHHUR-PRESS" нашриёти, 2020. – 352 б.

ISBN 978-9943-6131-5-7

Таниқли ижодкор Собир Ўнарни ёзувчигина эмас, истеъдодли публицист сифатида ҳам яхши биламиз. Мазкур китобга унинг мустақиллик йилларида вақтли матбуотда, адабий нашрларда чоп этилган бадиий-публицистик мақола, сұхбат ва эсселари саралаб олинди. Ўйлаймизки, ушбу асарларда адид ва журналистнинг фуқаролик позицияси бўртиб кўринади, ўз навбатида ўқувчининг зътиборини торгади.


УЎК 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)6

*Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
"Ижод" жамоат фонди ҳомийлигида чоп этилди.*

ISBN 978-9943-6131-5-7

© Собир Ўнар, 2020
© "MASHHUR-PRESS", 2020



**НУР ТАРАЛАР
ШАФАҚЛАРДАН**

• •

ЭЛБОШИЛАР

Биласизми, биродар, шу ёшга келиб каминанинг асосий мавзуларидан бирига айланаётган бу гап чиндан ҳам жуда муҳим. Ҳа, ҳар элга бош керак. “Минг ишчига бир бошчи” деганлари сингари. Мазкур фикрни, эҳтимол, бир парда кўтарибон айтмоқ зарур.

Эсингизда, албатта, бултур қиши анча забтига оловди. Икки ҳафталаб қор эримай, шаҳар йўлларида ҳам юришга ноқулайлик пайдо бўлувди: йўлларда ҳам машина тагидан тушган палахса-палахса муз, айланиб ўтасан, қияликлар ҳам ялтираб музлаб кетган. Қисқаси, совуқ ва қор одамларни керагича бездириб қўйган.

“Кунига бир матал”, – дер эди раҳматли отам. Қирқ йилдан зиёд давлатнинг молини боққан содда одамнинг топиб олган муҳим фалсафаларидан эди бу. Энди ўйласам ва мағзини чақсам: ҳар куннинг ўз матали бор, бугун кечагига ўхшамайди, дегани экан. Мисол, довдир-шовдир сурон солиб юрган кечаги одам бугун йўқ. Отам чуқур хўрсишиб, ичида бир нарсалар деб, сўнг баралла: кунига бир маталда-е, деб юборар эди.

Қиши-қировли кунларда қишлоқдан уч-тўртта таъзия хабарини эшийтдим. Ҳаммаси ҳам қариндош – бориши керак. Аммо ҳаво бундай: ўзингни хатарга қўйиб ҳайё-хуйт деб таваккал қилолмайсан.

Ниҳоят эрув бошланди. Тоғам янгам билан чамаси икки ойдан бери Тошкентда эди. Етмишдан ошиб бобой бўлганда пойтахтдаги ўғлиницида қишини илим-иссиқ ўтказгиси келади-да. Қишлоқда бўлса ўт ёқиладиган биргина печка атрофида неваралари билан жой талашиб ётар эди. Ёшлигида қор-ёмғирда қўра-қўтон кезавериб оёқни совуққа олдирган. Кейин ҳам бир палакат бўлиб оёғи синиб икки ой гипсда ётган, йиллар ўтгани

билин жойи симиллаб туради. Муҳими, олти боланинг ташвишидан қутулган. Янаям мен учун кераги – умри молдӯхтир, зоотехникликда кечган бу одам ўта зиёли, ўқиган, адабиётнинг шайдоси, тағин табобатга, тарихга, диний йўриқларга қизиқиб ўзича кашфиётлар ҳам қилиб юради. Минғирламайди, шикоят қилмайди, аниқ ва лўнда гапни яхши кўради.

Отиниям айтмабман: Худойқул Тинибеков. Қўшработда тақдири чорва билан боғланиб ўсганнинг бари билади.

Шу одам менга Ҳусан Ҳакимов ҳақида кўп ҳикоялар сўзлаган. Мен унда ёш эдим ва шундан келиб чиқилган бўлса керак, ўша инсонга ихлос қўймаганман. Тоғам бўлса гапираверади: ниҳоятда каллали одам, жу-уда камгап, сиёсати чатоқ, индамай туриб жонингни олади.

Ҳай энди, шу одамнинг нимаси яхши экан. Биринчи курсни битирудимми, ишқилиб, қишлоқда саланглаб юрган эдим, тоғам ўғлидан хабар жўнатибди: Собир тез кийиниб келсин, Қўшработга, Ҳакимовнинг тўйига бориб келамиз. Эски “Москвич”га ўтириб тириллаб жўнадик. Тошкентни кўриб қўйган йигит Қўшработга ўхшаган қишлоқни писанд қиласдими? Бироқ Самарқанддан Қўшработга қараб ошувода жуда катта боғ кўрдим. Ўзиям учи-қўйруғи йўқ. Аниқ ҳажмини айттолмайман, лекин нариги ёғи Саксончел қишлоғига туташиб кетган, бу ёғи қўрғон бошланмасдан то у тугагунча – ўнг бет яшнаб ётибди. Чўл эди, дашт эди, сув йўқ эди, э қаддингдан аканг!

Худойқул тоғам гидлик мақомида, каминага ҳафсала билан тушунтириш бермоқда: Ҳусан аканинг иши, икки йилда шу ишни қилди, артезиан чиқарди, тош йўл ётқизди, атрофини ўради.

У пайтлар бу ишлар давлатнинг пули ҳисобидан қилинарди, тушунаман. Лекин қўчатниям давлат ўс-

тиармиди, яйдоқ даштни ҳам ўзлаштири, дермиди ёхуд ўзи келиб экиб берармиди – шуниси қизик. Қизиқки... бир он ўйланиб туриб қолдим.

Тўй ўтганига икки-уч кун бўлган, биз қутлуғ бўлсинга кирган эканмиз. Тоғам билан оқсоқол бирга ишлаган – хабарим бор, аммо ўзини танимайман. Қанақадир чала битган, поли бор-у, эшик-ромлари қўйилмаган бир уйга бошлаб киришди. Ўн-үн беш йигит ғимирлаб юрганидан билса бўладики, ҳали тўйнинг тафти ўтмаган, ҳовлидаги ўчоқ тагида ҳам ўтин тутаб турибди. Бизни алоҳида столга бошлашди. Нариги столда тўртбеш ҷоғли бир-биридан семиз зотлар хурсанд, бир-бирининг гапини эшитяптими, эшитмаяптими, мастона-мастона сузилиб нуқул кулади. Охирида “оббо, акам-ей” дейди. Ким акаси экан? Мен – ҳушёрман-да.

Биз ўтиromoқчи бўлган столнинг бошида бир катта ғўла турибди. Мўла деса ҳам бўлади. Унинг нималигини сиз билмайсиз, биздан сўранг: бу томонда қир кўп, тоғ, адир кўп, ҳаммасининг ҳам номи бор деб ўйлайсизми – йў-ўқ. Шу сабаб чўпон-чўлиқлар мол ортидан юриб, бекорчиликда, эрмакка атрофидаги тошлардан уйиб мўла ясашади – одам бўйидир, паст ё баландdir, ишқилиб, бир белги-да. Эртасига қарабсизки, анов Салим чўпоннинг мўласи, оқмўла, қорамўла, Абдулланинг сойи, Солининг сойи, Токли сой, Оқ зов, Қора зов – бир белги, хуллас.

“Мўла” пича бош кўтарган бўлиб, хиёл бош чайқади. Ёнидаги столга ишора қилгандай бўлди. Тоғам пилдираб бориб “мўла”нинг қўлидан тутмоқчи эди, у қўллар илтифотни сезмаган каби фотиҳага ёйилди. Тоғам тамом довдираб, “ёшлар баҳтли бўлсин, ёшлар баҳтли бўлсин!” деб икки марта омин қилиб юборди. Бизга эса бари бир – бегонаман. Тоғам бўлса тиззамга бир туртди: хапа, деб қўйди. Сўнг илтижоли бир суратда “мўла”га термулди.

- Кўринмайдилар, – деди “мўла”. Аммо кўзи юмуқ.
- А-а, Ҳусан ака, энди бизам инвалид одам, катта давраларга ярамаяпмиз. Тўй куни издиҳом катта деб тортиндик, ака. Обком келган тўйга бизга йўл бўлсин.
- Шундай денг, унчалик эмасдир. Обком бова дов-доска қипкепти, кўйинг десам қўймади.
- Эшитдим-эшитдим, “Волга” қуллуқ бўлсин, ака.

Тоғам шундай деб, қанчалиги эсимда эмас, кисса-сидан камтарона тўёна чиқарди.

Яrim қарич келадиган икки қош бир қўтарилиб тушди. Қора-қизил рангдаги сергўшт бурун тагидаги оғиз ҳаракатга келиб:

- Боря! – деб бақирди.

Новча бир йигит келиб қўл қовуштириди.

- Қолган вино-пиноларингдан опкел-да.

Новча ғойиб бўлди. “Мўла” ўша-ўша ҳолатда: на тебранади, на чой ичади, на бошқа гапиради. Мўла-да!

Э, қаддингдан, э, уста Худойим!

Тоғам қулоғимга шипшиди:

- Тўёнаям ёқмади. Вино-пино деганини кўрдинг, ароқ демади. Биз отдан тушган бўлсак.

Шундай деди-ю, тоғам кулиб юборди. Афтидан, бу сиёsatни кўп кўриб юргани учун ўзини тутолмади. Бу одамнинг қўлида ишламаётган бўлса – энди барибир эмасми?

Столда егулик сероб, калла-пocha ҳам бор. Тўйдан кейин ҳам қўйлар сўйилаётганининг белгиси бу. Бироқ бу нарсалар ҳали менинг мижозимга ботмас эди. Уйда онам тайёрлаган қатиқقا нон тўғраб есам, подшодай юравераман. Бу дов-доскалар, бу ҳашаматлар... Қабул қилолмас эдим-да. Ёшлиқ қилардим чоғи. Ҳа, дарвоқе, бундан ҳам ёшроқ вақтим – саккизинчи синфда бир синфдошим билан таътилда “Кўшработ” совхозининг ғалла хирмонига ишлашга келганмиз. Бир яrim ой кечаю кундуз ишлаганмиз. Охири безор

бўлиб қочиб кетганмиз. Хирмон мудири Бегмат Усмонов ортимиздан бир оз чойчаقا ва хирмондан кафсан жўнатиб юборган.

Эрталаб ҳам, кечқурун ҳам шилдир шўрва ичамиз. Тегирмони нон. Охири ёқмайлар кетган. Биздан каттароқ Абдурайим аканинг ташаббуси билан бир куни кечаси боққа ўғирликка кирдик. Узум айни пишган пайт. Иккита катта ит вовиллаб келиб қолди-ку. Қочиб-суриниб, ким тиконли симга кийимини илдириб, ким тупроққа думалаб, ишқилиб, хирмонжойга ҳаллослаб қутулиб келиб қўрпага бурканамиз. Орқамиздан бирор қувганини кўрмадик. Бироқ эртаси куни ошпазимиз Эшбой акага бир аёл икки челак узум ташлаб кетибди.

– Ёш боллар бор экан, уйидан олисда очирқаниб юргандир, беринг, есин, – дебди.

Ана холос. Ким бўлди экан бу валломат. Йўқ, аслида билар эдик, Ҳакимовнинг чорбоғи, уйи шу ерда, боғи катта, кўриб юрардик, болалик-да – кундузи оқ, қора кишмиш, тойфи, оламантўйди деган узум бошларининг симларда осилиб хор бўлиб ётганини кўриб, кечаси бир додини бермайликми, деган режалар бўлган. Не тонгки, саргузаштимиз боягидай ниҳоя топган. Бу Ҳакимовнинг ишимиди ёки кампирининг шахсан ҳомийлиги эдими – шу топда хаёл опқочди.

Бунга сари тоғам:

– Ҳусан ака, бу жияним бўлади. Журналист бўлмоқчи, ўқияпти, мақолалар ёзади, – деди.

Оқсоқол бирйўла икки кўзини ҳам очиб менга ўқдек қаради. Аҳамият бергани мени саросимага солди. “Ўша ўғирлик қилиб юрган сен бола энди журналист бўлмоқчимисан?” деган каби таъқиб қилаётгандай туюлди. Лекин оқсоқол:

– Куйинг, ичинглар, – деди-да қўйди. Кўзлари ҳамон юмуқ.

Оқсоқол (энди “мұла” демайман) тоғам айтгани сингари ҳар балони билса, демак, мени ҳам билади деган хавотир ич-этимни тирнади.

– Ҳамро кеп-кетди, – деди Ҳусан ака.

– Тоға кепти-да, бу йигит Ҳамро тоғанинг невараси-да, укасининг ўғли.

– Ҳамзанинг, – деб қўйди оқсоқол. Шу ҳолатида у биздан бошқа кимнингдир сұхбатини олиб, ичида маъқул кўриб ўтирганга ўхшарди.

Мен ҳайрон қолдим: отамни билар экан, Ҳамро бом-ку, қўлида йилқичи. Қойил.

– Ҳамро қочиб-пусиб кетди. Калонов уни тузлайман деяпти. Тузламайди. Қишлоққа борганда айтинг, Исмоилнинг тракторини акт қилиб кетсин.

Ана энди бу ёқлари бошқа гаплар. Биз сизга “мұла”-дан ибратли оқсоқол ясаб берамиз.

Тоғам мудом тилдан қўймай мақтайдиган одам шу – Ҳусан Ҳакимов. У замонларда, биласиз, бир туманда ўнтага яқин совхоз бўларди. Ҳакимовнинг хўжалиги эса “Биопункт” дейиларди. “Пангат” хўжалиги ҳам шунинг ичида, йилқичилик, қўйчилик, ғаллачилик тармоқлари бор, боз устига Пойариқнинг Кўлтўсин, Фаллаоролнинг Лалмикор деган жойларини ҳам хўжалик ҳисобига киритган, яъниким юзлаб эмас, балки минглаб ишчилари бор эди. Мустақиллик йилларида йилқичиликни хусусийлаштиришга жон-жаҳди билан қарши тургани боис ҳозир ҳам сақланиб қолган. Билмадим, тағин қаерда бор – Жиззахда “Конний завод” – от хўжалиги бор деб эшитардим, ҳозир ҳам бормикан, бироқ мана, мен айтяпман – Кўшработда бор.

Пангатнинг ўзини токзор боғ қилиб юборди. Сув чиқмайдиган қир-адирлар ҳам токзор бўлди. Очифи, бу ишларни бир одам қўли билан бунёд этолмайди-ку. Одамларнинг бошини қўшган, ишлатган, ҳақ берган. Натижада “Бу дунёда Пангат, у дунёда – жаннат” деган

мақол пайдо бўлди. Ободончилик ишини пухта қилар эди. Тоғам: “У одам деярли ухламас эди, кечаю кундуз юрар эди, бошқаларният тиндирмас эди, – дейди. – Вилоятга борсаям, обрўси катта, хўжалик учун бир катта нарса ундиришмай қайтмас эди”, – дейди.

Хозир тирик бўлганида, балки, жудаям катта бир фермерлик хўжалигига бош бўларди. Лекин оқсоқолчилигининг зўр белгиси – биронта ишчисининг бурни қонашига йўл қўймаган. Четдан бирорларни аралаштирган. Боя Ҳамро бобом ва Исмоил тракторчи ҳақида гап бўлди.

Бобом Ҳакимовнинг йилқи-биячилик хўжалигининг бир фермасида бош чўпон эди. Аввал ўзимизнинг қишлоқда, сўнг Лолаҳовуз қишлоғида. Чўпон деганиям бола-чақали, еярмон-ичармон дегани-да. Ҳашак, арпадан уйига опкетиши бор, йилқига жондор (бўри) теса ё касалланса, ҳалоллаб сўйиб олсаям, зоотехник (Жўрақул Калонов – хозир 90 ёшни қоралаб қолди, тарих билимдони, зўр одам)ка молнинг калласини кўрсатиб, ҳаром ўлди, деб тураверади. Албатта, ҳадидан ошса, Ҳакимов ҳам, Калонов ҳам қараб турмайди. Ишнинг машаққати аён. Шу боис, Ҳамрони Калоновга тузлатиб қўймайман, деяпти. Бу – раҳбарнинг ишга инсоф кўзи билан қараётганининг белгиси.

Энди, Исмоил ака дедик. У киши ҳам бизга амаки. Ўзи зўр, жуда оққўнгил одам. Ичишни бир йил ташлаб, иккинчи йили меъёридан ҳам ошириб ичига юрадиган одати бор эди. Шу ҳолда пат-патининг рулига ўтириб кетаверар эди. Етмишни қоралаяпти, умринг узун бўлгур, ҳалиям одати шу: бир йил ташлайди, бир йил обдон ҳиссасини чиқаради.

Кунларнинг бирида... Э, бу қизиқ воқеа жуда. Унда отаси Облоқул бобом – Ўнар бобомнинг укаси, уруш қатнашчиси, чарс, валломат одам – тирик эди. Ўша куни бўлим кассири маош тарқатган экан. Акам ше-

риклари билан пўла бўлгунча ичган. Яна Зармитанданми, қаердандир бир яшик пиво ҳам олган. Трактор кабинасига ортволиб, кайф зўр, қўшиқни ванг қўйиб келаверган. Қишлоқ йўли тик, қияликлардан иборат, ўнқир-чўнқир, тор.

Опаси Саломат аммам Қўрғонтепанинг пастида туради, тракторининг овозидан таниб Исмоилжон билан қўришиб-сўрашиб қолайин деб йўлга чиқса, тепада трактор тарр-тарр қилиб турганмиш-у, акам рулда ётиб олиб уйқуни ураётганмиш. Бир маҳал трактор секин орқага тисарилибди. Аммамвой-вой, ҳой-ҳой, ким бор деганча қолаверибди, транспорт орқага тисарила-тисарила бошқарув йўқолгач, пастга қараб қулаб кетибди. Бир думалабди, икки думалабди, ниҳоят, масофаси бир чақиримча келадиган сайҳонликка тик қиядан сочилиб-парчаланиб думалаб кетибди.

Ўртада Омон муаллимнинг уйи бор, уйига зарар қилмай чорбоғининг деворларини бузиб ўтиб кетибди. Сойдаги сувга иккита баллон етиб борибди, тракторнинг қолган қисми йўлда сочилиб адо бўлган.

Худонинг сақлаганини қаранг: трактор биринчи қулаган заҳотиёқ кабина эшиги очилиб, акам тушиб қолган экан. Яна қизифи, ўша бир яшик пивоси ҳам кучоғида эмиш. Аммам буни кўрмаган экан, ой-ҳой, Исмоилжоним нима бўлди, қаранглар, деб айюҳаннос солиб бақиравмиш. Қарашса, акам бир яшик ароқ қўйнида, етиб келган одамларга ҳиринг-ҳиринг кулиб ётганмиш. Бирор жойи лат емаган.

Ҳа, яратган Эгам сақлайман деса, қирқ йиллик қирғиндаям сақлайвераркан. Акамизнинг омон қолгани яхши – Худо қайтариб берди, ахир. Айби ҳам ўзи билан. Лекин мен бошқа нарсани айтаман: Ҳакимов бу воқеани эшитиб хурсанд бўлмагани аниқ, жазаваси қўзигандир балки, шунга қарамасдан акамни кечирганини қаранг!

“Кал бўлсам ҳам, тарофим тиллодан” деганлари сингари амаким ориятчил одам, Ҳакимов қанча сўрраттирасаям, бормай юрди. Ҳамро отам иккита баллонни отига хуржун қилиб Қўшработга оборса, директор: бўлди ҳисоб, Исмоилжонга айт, қочиб юрмай бир келсин, дебди. Исмоил акам барибир бормади: юзи чидамади, шекилли. Охири орқасидан бир янги “Беларус” жўнатибди оқсоқол. Акам шуниям минолмай бир муддат қийшанглаб юрди. Отасидан даккими, таёқми егач рулга ўтиради. “Беларус”ни миниб пенсияга чиқди, аммо оқсоқолнинг вафотигача унинг қўзидан қочиб юрди.

Исмоил ақамнинг меҳнаткашлиги, оққўнгиллиги, балки орияти ёққандир, эҳтимол, жўжабирдай жон – шуни ўйлагандир, ҳар нечук, кечиргани бор гап.

Ўзи катта қалбли одамларнинг меҳриям катта бўлади, шекилли.

Ҳа, Ҳакимов Қўшработнинг оқсоқоли эди. Одамларнинг бошини қўшишни яхши эпларди. Неча райком, неча обком билан ишлади – ҳурмат-обрўйини йўқотмади. Кўл остидагиларга қўрс, қўпол муомалали бўлиб туюлди, аммо бирортасига зуғум қилмади. Шунинг учун тоғам у кишини тилдан қўймайди.

Мана, у одам дунёдан ўтгандан кейин ҳам туманга уч-тўрт раҳбар келиб-кетди. Лекин бирортаси “Э, бу оқсоқолнинг боғ-роғлари қаровсиз қопти-ку”, деб саъй қилмади. Энди, уларнинг ичida ҳам фидойилари бўлгандир-ку, аммо айтаманки, юрт оқсоқоли бўлолмадилар чоғи. Бўлмаса Ҳусан Ҳакимов шу боғларни Қўшработ халқи есин, тўйсин, даромад қилсин, соясида сояласин деб қилган-ку, ўтин бўлсин, кесиб печига ёқсин демагандир-ку. Гапнинг ўролиям шу-да.

Энди ҳикоямизнинг бошидаги ҳангомага қайтамиз.

Эрув бошлангач тоғам билан қишлоққа кетяпмиз. Қир-адирларда анчадан бери муз қотган қорлар ғала-

ти тарзда, янги жилғалар ясаб пастликка оқиб тушади. Йўллар чети лойқа-бўтана сувга тўлган, асфальт йўл тагидаги қувурлардан сув тўлиб оқиб чиқаётир. Ҳайрон бўлманг: лалмикор буғдой, махсар экилган шудгор ерларнинг оқиб тушаётган лойлари кейин қаерга тўпланаркин?

Охири бахайр бўлсин, ишқилиб. Шу куни тоғам билан иккита жойга кириб фотиҳа қилдик. Ҳаммаёқ билч-билч қилиб ётибди. Исмоил акамнинг кампипри Ойсара чечаям яқинда қайтиш қилган. Маъракаси ўтди, эндиям бормасам, тоза уят. Бироқ юқорига машина чиқолмади. Тоғамни пастда, машинада қолдириб ўзим пиёда чиқиб келдим. Ўзиям тиззамгача жиққа хўл бўлди. Лекин қарзимдан қутулдим. Эртаси куни тагин икки жойга кириб “қўл қайтариб” чиқиб ортга жўнадик.

Кечасиям илмилиқ ҳаво бўлгани учун эрув кучайиб текис жойлардаям шарқираб бўтана оқиб ётибди. Кўлтўсинга етганимизда кўприк тагига сув сиғмай сел асфальт устидан оқаётганининг устидан чиқдик. Бир тўда одамлар чиқиб томоша қилаётир. Биз, ўтсак бўладими, деб сўрадик. Ўтаверинг, деб қўйди бири. Кўрқа-писа ўтиб олдик. Шу кўйи Ғаллаорол туманига қарашли Гулчамбар, Оқтош қишлоқларидан ҳам ўтдик. Эртаси куни ўша биз ўтган қишлоқлардан бирини сел ювиб кетгани ҳақида шумхабар тарқалди. Яхши гапдан кўра ёмони тез ёйилади. Ҳартугул, қурбонлар бўлмабди. Кейинги кун укам телефон қилиб қолди: “Кўлтўсингдаги, кеча сизлар ўтган кўприкни бир соатдан кейин сел бузиб, ундан бошқа йўлнинг бир қисминијам катта жар қилиб ўйиб ташлабди. Шукрки, одам оқмаган”.

Ана энди шу талафотгаям роса бир йил бўлди. Кўкламдан ёзгача Кўлтўсин орқали юрувчи транспорт воситалари бир неча чақирим наридаги Довтепа қишлоғи орқали чанг-лой кўчадан айланиб ўтадиган бў-

лишди. Ёзда Фаллаоролнинг Оқтош, Кўчарбулоқ қишлоқлари кўприклари янгиланди. Айниқса, Кўчарбулоқда бундай сел-тошқинларга bemalol дош берувчи катта кўприк қурилди. Лекин Кўлтўсинда... ёзда хув йўлни жар қилиб бузиб кетган жойга одамлар шахсий ташаббус билан иккита каттакон қувур ётқизиб, устидан шағал-тош тўкиб чиқишиби. Енгил машина, микроавтобуслар амаллаб ўтса бўладиган қўлбола кўприк. Бироқ катта ҳажмга эга юк транспортлари, автобуслар ўтолмайди. Бу йўлдан ҳар куни турли юмуш билан юзлаб эмас, минглаб одамлар ўтади. Тошкент, Жиззах, Сирдарёдан Кўлтўсин, Накурт, Кудуқча ва Кўшработнинг ўнлаб қишлоқларига Заркент, Зармитан кўрғонларига, жумладан, бизнинг Кудуқча, Тумановул, Майинтепа, Камаровул, Жобутой, Куристой, Кувкалла қишлоқларига ҳам шу йўл орқали ўтилади. Илгари одамлар йўлнинг ўйдим-чуқурлигидан нолишарди. Энди шу йўл ҳам ғанимат бўлиб қолди. Бояги қўлбола кўприк баҳорнинг ilk сели келгандаёқ оқиб кетади. Шундай катта ва серқатнов йўлга муносиб кўприк солиш нима учун бошқаларни қизиқтирумайди – ҳайрон қоласан киши.

Бир ойдан ошди, тоғам янгам билан яна Тошкентга келган. Қиши-қировли кунларда қишлоқдан бирин-кетин икки жаноза хабарини эшилдиц. Орада бир ҳафтача илиқроқ, ёғин-сочиниз кунлар ҳам бўлди. Барибир йўлни ўйлаймиз. Кечаги гаплашганимизда тоғам Кўлтўсинда кўприкнинг йўқлиги, бир йилдан бери раҳбарлар эътибор бермаётганини айтиб нолиди.

– Собир-эй, – деди сўнг, – бурун юз қўйли одамни катта бой дер эдик. Шу айби учун улар қулоқ ҳам бўлиб кетишиди. Ҳозир қишлоқларнинг ўзида бурунги бойлардан юз карра бойлар бор. Машинанинг зўридан минади, уйини қават-қават қилиб қуради, тўйига фалон минг доллар сарфлаб, номдор артистни чақириб кери-

лади. Иномарка машиналари хароб йўллардан юрса, бу йўлларни эрта-индин келиб давлат қуриб, созлаб бериши керакдай ҳаммага қўшилиб нолиб юраверишади. Қанақа юраги қотиб кетган одамлар булар?

– Тоға, булар асли давлатдан юлиб бой бўлишни фазилат деб билишади. Халқ фаровонлиги деб пул сарфлашга ор қилишади. Шунақа пишиқ бойлар булар.

– Эҳ, Ҳусан Ҳакимов яшамади-да шу кунларда. Барисини уйидан қувиб чиқиб тикка қилмасмиди! Ў, ноинсоф, пулинг бор экан, молинг бор экан, уйингнинг ичини ялтиратгунча бу ёққаям қара, кўр бўлгур, дерди. Ҳа, айтарди шу гапларни. Ёки кўприклар учун мутасадди бўлганинг эшиги олдида итдай ётиб оларди. Ҳай, аттанг, қадри ўтди-да раҳматлининг.

Яқинда дунёдан ўтган биринчи адабиёт устозим Омон ака Кўчқоров тоғамнинг tengқури эди. Маъракаси ҳам ўтибди. Йўлни ўйлаймиз. Кўшиқдаги “йўллар олис, отим ориқ, етолмайман-ей” деган сатрлар эсга тушади. Ҳолбуки, бу йўлларга полвон отлар ҳам дош бериши қийин энди. Қишлоғимиз узун сойнинг икки бетида жойлашгани учун орада 4-5 та кўприк қурилган. Бултурги сел уларниям омон қолдирмаган. Бир эпини қилиш одамларнинг ўзига ҳавола. Ҳоқимга ёзадими, у келиб қўриб, ёрдам берамиз, дейдими, охир-оқибат, барибир гап ўзларида қолади. Бир ташаббускор оқсоқол жон куйдирмаса қийин.

Мана, йўлга чиқдик ҳам дейлик. Фаллаорол, Маржонбулоқ йўли билан энди юриб бўлмайди. Чунки Кўлтўсиннинг бултурги кўприги ўрнида бугун ҳай-ҳотдай жарлик бор. Жарлик тагига қилинган омонат кўприкни кичкина сел ҳам чалпак қилиб ташлайди. Шу боис Самарқанд ёки бўлмаса Жомбой, ундан Пойариқнинг Эшимоқсоқ қишлоғи орқали Челак, Митан, Кўшработни айланиб бориш керак. Унда камида 70 чақирим ортиқча йўл босишга тўғри келади.

Тоғамга айтдим:

– Ҳадеб Ҳакимов деяверманг. У одам энди кетди. Ҳозиргилар жуда закунчи. Бирорга бир нарса дейиш қийин. Бор йўлдан юриб тураверамиз. Шунисигаям шукр. Биздан кўра кўлтўсинликларга қийин, чунки жарлик бир қишлоқни қоқ иккига ажратиб қўйди. Уларга қийин бўлди, бизлар бўлса... шу қишлоқдан ўтиб-қайтувчи йўловчилармиз, холос. Шундай эмасми? Эртага отланаверинг, йўлга тушамиз!

Йўлга тушармиз, бориб ҳам келармиз.

Тасаввур қиласман: чўққисоқол, чорпахил, юзни қоралаган оқсоқол Ҳакимов 200 та йилқиси бор янги замон бойи Абдулланинг дарвозасини уряпти. Абдулла чиқиб чолни жеркияпти. Тахминан бундай дейди: “Ну и что! Транспорт налогини бензинга қўшиб тўляяпманми – тўляяпман. Фермер хўжалигидан йўл солиғини қуртдай ундириб олишяптими – олишяпти шоввозлар! Олиб қаёқقا бекитишаپти? А, қаёқقا бекитишаپти? Ана, ўшалар қуриб беришсин кўприкни! Сизнинг замонингиз ўтди, бобой!”

“Бобой” мулзам тортиб қолар эди, эҳтимол.

Эҳтимол, чиндан ҳам замони ўтганига афсус чекарди, лекин ўзибўларчиликка чидай олмас эди.

Оқсоқолчилик шунда керак!

Ҳа, ҳар элга бош керак!

“Ёшлик” журнали, 2012 йил, 6-сон.

ВАТАН ИЧРА ГҮЗАЛ ВАТАН

Кўшработнинг Оқтепа қишлоғи яқинида Тўлабосди деган жой бор. Ўтган асрнинг бошларида одамлар бу ерда асосан ертўлаларда яшашган. Буларнинг бириникига олисдан келган бой одам ташриф буюради. Ёмғирли кун экан, мезбон қизлари, хотини билан кўчада овқатга уннабди, ниҳоят, бир товоқ кулчатойни кўтариб кираётса, ертўла гуп этиб чангигб кетибди. Ёмғирда ивиган ертўланинг томи нураб тушиб кетган экан. Мезбон жуда хафа бўлибди. У бир вақтлар шу бойнинг кўлида қўйичивон бўлган, бир яхшилаб меҳмон қилишни кўнглига туғиб юраркан. Энг ёмони – у шундай ёғин-сочинли кунда бола-чақаси билан кўчада қолиб кетган. Шундан буён бу ер Тўлабосди аталаркан. Шундан буён одамлар ертўладан чиқиб, иморат қуриб яшашни одат қилишибди.

Шу кунларда, ўша Тўлабосди қишлоғи атрофидағи катта йўлдан бир ўтиб кўринг. Митан кўргонидан Кўшработ йўли билан бораётиб йўлнинг ўнгу сўлидаги қатор иморатларни томоша қилинг. Тикланган намунали уйларнинг, ҳовли ва атрофларининг саранжом-саришталигига, бундан кўнгли тўқ одамларнинг мамнунлигига, баҳтиёрлигига бир боқинг сиз!

Ўнг томондаги поёни кўринмайдиган даштда энди қўзилаган ўнлаб жайдари қўйлар, эчкилар қўзи, улоқларини эргаштириб, ниш урган майсаларни қиртишлаб ёйилиб юрибди.

Келинлар янги ўтган сувқувурдан чеълакка сув олиб, янги уйнинг дарвозасини ланг очиб қўйганча чангбосди сув сепиб, ҳовли супурмоқдалар. Кенг чорпоядаги қалин кўрпача устига ўтириб олган қайнона кузги қўй жунидан ўралган чуйканага билагига ўраб ур-

чук ўигирияпти. Қабатида баланд болишларга ёнбошлиб олган қайнота бармоқларини бирин-кетин букиб, эҳтимол, бу йилги туғилажак қўзиларнинг чўтини қиляпти.

Эҳтимол, отамзамондаги шу ерлардаги ертўлаларни хаёл қилаётгандир. Балки, ўша ертўлада қолиб ҳалок бўлган бой, унинг Накурт қишлоғидаги минг ўришли қўйи, укалари ўртасида талаш бўлган мулки хусусида ўйлаётгандир.

Хўп замонлар экан, ота-боболар қай кунларни кўрган экан-да. Ўша ертўлаларда уйланиб, ўғил, қиз ўстириб қайси кунларни орзу қилишган экан? Бой-боённинг боласига, каттанинг қобоғига салом бериб эгилган у кунлар ҳам кун эмишми? Очин-тўқин, юпун ўтган ўша замоннинг фақатгина заҳмати бўлган, роҳати бўлмаган чамаси. “Камбағалнинг бир тўйгани – бой бўлгани”. Бошқа байрам бўлганми ўзи?..

Мана бу шарт-шароитга у даврни таққосласанг, ўзи бир гувраниб тушасан. Болаларга айтсанг-ку, эртак эшийтгандай анграйиб қолади. Ахир, биз кўрмаганимиз – ибтидоий жамоа тузумидаги аждодларимизни кўз олдимизга келтира олмаймиз-ку.

Кўшработ шаҳарчасига кираверишдаги йўл четидаги намунали уйлар эндиғина бўёқдан чиққан, уй эгалари ҳам усталарга қўшилиб у-бу ишларга қарашиб юрибди. Ўзларига қолса эртароқ уйга кириб ўрнашиб мебел жойлаштиrsa, алвон гиламлар тўшаб, қўй сўйиб қариндошларни уй тўйига чорласа. Эрта баҳор ҳар хил кўчатлар экиб, ёзда тушадиган келини келгунча ҳовлини ҳам яшнатиб қўйса.

Тўрт хонали уйнинг калити қўлига теккан Садирбек Рустамов бизни янги уйнинг ҳар бир хонасига бошлаб кирди. Мехмонхонаю ошхонага тўшаладиган гиламларнинг рангию, бунга мос мебелларни Самарқанддаги уста мебелсозларга буюртма бергани

ҳақида түлқинланиб сўзлади. Ювениш хонаси, санузел хонасигача кўздан кечирдик. Фоят чиройли, ораста.

Ҳамма замонда ҳам одамзод яхши, қулай яшашни орзу қилган, албатта. Аммо қачон яхши яшаган?

Онам раҳматли бир сафар уйлар ҳали расм бўлмаган вақтларни гапириб берган эди.

– Қайнота, қайнона, қайнин, қайнисингил, бола-чақа битта қора уй(ўтов)да яшаганмиз, – деган эди.

– Қишлоғини кунлари ўртага ўт ёқамиз, уй тутунга тўлади, бир вақтлар тутун тепа чонгороқдан чиқиб кетади, қор ёғса ҳам шу туйнукдан тушади, эртаси куни кўрпамизнинг қорини қоқиб ташлаб юмушимизга туриб кетаверар эдик.

Қора уйда яшаган кексалар бугун ҳам умргузаронлик қилишмоқда, 80, 90, 100 ёшга кириб, уруш даврини эслаетгандаримиз қанча?

Бир парча ерни, бир парча том остини “шу менинг Ватаним” дея бир умр роҳатланиб яшаганлари қанча?

Бу гўзал иморат бугун Кўшработда ҳам, Олтинсойда ҳам, Чимбойободда ҳам, Шовоту Дехқонободда ҳам бор.

Мустақиллик даври баҳтли одамларининг гўзал либослари, роҳатланиб оёқ узатадиган жонажон Ватанлари улар!

ВИЖДОН

Ғайбар дегич момомиз бўлар эди. Холамнинг қайнонаси, яъниким поччамизнинг онаси. Асли исми Хонсулув эканини ўлганидан кейин билдим. Ўзиям тўқсондан ошуви. Ғайбар – момонинг полvonлигига, эркишиларга ҳам бел бермаганига ишора экан.

Ёшлигида колхознинг ўроғида буғдой ўриб юрганида қишлоқнинг манаман деган зўр йигитини ҳаволатиб ерга пўстак қилиб урган экан. Шу-шу ғайир – одобсизлик қилса раис жанобларига ҳам хезланиб қоларкан.

Ғайбар момодан уч тирноқ қолди: бир ўғил, икки қиз. Қизлар бугун ўзидек момой, ўғли – чол.

Момоси тушгурнинг ажаб одатлари бор эди. Масалан, невараларини аzonлаб қичқириб уйғотарди. Ҳар бирига юмушлар буюриб ҳар ёқقا тарқатиб юборар, ўчоқда чой қайнагунча, қозонда сут пишгунча улар бир дунё ишни битириб келар эдилар. Эрталабдан ишлаган болалар бир коса сутни шаппа ичиб, кейин мактабга йўл олар эдилар. Мабодо косада овқат сарқит бўлса, ўзи нон бурдасини иккига ёриб суртиб косани тозалаб уриб ташларди. Чой юқини, ҳатто шамани ҳам қолдирмас эди. Уволдан қўрқ, дерди. Чамамда, момо тўқсоннинг ошувида ҳам полvon, иштаҳаси бинойидек эди.

Бу ҳам эмас, қишлоқ ўртасида куздан охир баҳоргача оқиб турувчи сойдан ўнг тараф уйларга ариқ қаздириб сув ўтказган, “оқсоқолчилик” қилиб турган, жами одамларнинг бошини қўшиб ишлатган ҳам шу кампир бўлади. Товуши ҳам ҳавони йирттар даражада баланд эди. Ишдан бўйин товлаганларни икки чақирим нариги қишлоқдан чақириб олганларини эшитганмиз.

У замонлар техника йўқ, одамлар ҳам камроқ – сукунат оромида эканми, дейман-да. Биз бугун шу даражада шовқину маломату ташвишга кўмилганмизки, ўн қадам наридаги боламизни ҳам “сотка”да чақирамиз. Шундаям у шўрлик эшитса, “эшитмай қолибман” деган беозор баҳоналар ҳам чиққан...

Жарлар устига катта қувурлар ўтказиш учун тўрт сўм-беш сўмдан йиғдириб тракторчининг қўлига тутқазган, сўнг бошида туриб бедар кетаётган сой сувидан адокдаги ҳовлилар қурилишига, кўп томорқали бўлиб қолишига ҳам шу кампир катталик қилган.

Виждонли аёл эди!

Қишлоқ удумини бузиб, ўзи тенги қайнларини ҳам сенсираб юбораверар эди. Лекин бундан натижа чиқар эди. Ўзи гавдаси катта бўлмасаям, ҳайбати баланд эди. Ғайир эди – ялқовлик, ўзибўларчилик, ғирромликнинг душмани эди. Тўй-ҳашаму маъракада ҳам кампирнинг оғзига қарап эдилар. Яқин одамларининг азасида ҳам бошқаларга ўхшаб рўмол, қасабалари ечилиб, соч юлиб йиғлаганларини кўрмаганман. Дардга маҳкам эди! Қайтанга расм-маросимни тезроқ, жой-жойида, интизом билан ўтказиш пайдан бўлар эди.

Ахир, соч юлиб йиғласангиз, бирор раҳмат дейдими? Ўлган одам қайтиб келадими ёки?

Албатта, бу кампир фалон-писмадон бунёдкорлик ишларини амалга оширди, деб бир оз тўқиб-бичсам, ёлғон бўлар эди. Гап шундаки, у кампирми, чолми, ёшми – одамларнинг виждонини уйғотиб турар эди. Айтайлик, биргина қариндошинг ёки қўшнингни ёмонликдан қайтариб қолсанг, уни жаҳолат тузоғидан қутқариб қолишинг мумкин-ку!

Момо тўқсондан уч-тўрт довон ошиб жимгина нариги дунёга кетди. Балки, шу бақироқдан қутулдик, деганлар ҳам бордир. Элчилик... Лекин кўп йиллар мон

монинг ўрнини тўлдириб келган бирор эркакни қўрмадим...

Элга бошчи керак экан!

Мустақиллик йилларида юрт ободонлиги учун қўп ишлар бошлаб юборилганида, Юртбошимизнинг шахсан саъй-ҳаракатлари билан Имом Бухорий, Хожа Нақшбанд ҳазратларининг мақбаралари тикланаётганда қишлоғимиздан тағин бир оқсоқол чиқди.

Хей эл, – деди. – Шу ердан ўтган Нонбер ота кимдан кам, – деди. – Келинглар, шу зотнинг қўйиндисини обод қиласайлик! – деб даъват қилди.

У зот авлиё бўлган. Шу ердаги мачит ёнида кофирлар узган боши ғойиб бўлган. Шунинг учун қўйинди – мозор. Усти ёпилган эди-ю, чолдевор эди-да. Ёнидаги мачит ҳам полвонроқ одамнинг елкаси тегиб кетса зилзила қўпгандек бўларди.

Не бўлгайки, оқсоқол Келдибой Кўшмуродовнинг даъвати элга эм бўлди. Менимча, ҳашарга келмаганлар бўлса бордир-у, ҳисса қўшмаган одам қолмади. Мисол, мачитни бир оз кенгайтириш, ёнидаги мақбарани мақбара дегулил қилиш учун маблағ керак. Эсли уста, унга қўл ҳақи, яна шунга яраша материаллар керак. Буни қарангки, қишлоқда яшовчилар ҳам камбағалман демади. Шаҳарда яшаётганлар ҳам авлиё бобомнинг савобидан баҳраманд бўлайлик, деди – пулини, ёрдамини аямади. Бирпасда қутидеккина шинам мақбара қад кўтарди. Қуббаси ялтирарди. Самарқандлик усталар уни бежиримгина қилиб бўяшди. Улуғ зотлар, минораю мадраса, мақбаралар шаҳри – Самарқанднинг бир парчаси шу ерга қўчиб келгандай бўлди. Чин маънодаги зиёратгоҳга айланди. Келин-куёвлар ҳам шу ердаги урушдан қайтмаганлар хотира-тахтасини, Нонбер ота мақбарасини зиёрат қилиб, кейин тўй бошлашади.

Бу авлиё зот ким бўлди?

Келинг, Нонбер ота ҳақида билганимни қисқа-ча баён этай. Бундан 450 йиллар бурун яшаб ўтган. Түғилган ери биздан анча олис – Нурота йўлидаги Қоратов биқинидаги бир қишлоқ бўлган. Полвон йигит бўлган. Елкаси ер кўрмаган. Асли исми Жиянбек, полвон бўлиб танилгач, Жиянбек полвон деб ном қозонган. Бир куни тушида полвон Қоратов бошига чиқиб пешоб тўкибди. Қараса, пешоб тоғни эгаллаб атрофга жобдираб оқибди, Қоратов баттар қорайибди. Туриб иниларига айтибдики, ёронларим, энди биз бир жойда ғуж бўлмасдан жобдираб яшашимиз керак экан, кунчиқар қишлоқларда бизнинг уруғдошларимиз бор. Бўғажили, қайдасан, деб уруғимни излайман, қўшилганинг мен билан юр!

Шуйтиб ўша вақтдан бизнинг қишлоқ ҳам эл бўлган, сонга қўшилган.

Атроф тўқайзор, сувли бўлган. Тўқайзорлар очи-либ, уйлар қурилган. Энди очин-тўқин йиллар экан шекилли-да, полвон бир куни Худога ёлбориб: “Парвардигоро! Менга қуш-қумурсқадан ортган ушоқни бер! Ризқим шундан бўлақолсин!” – дейди. Ана шуйтиб полвон қолдиқ нон ушоғи, увоғи билан кун кечириб юради.

Айтадиларки, ҳар замон Самарқандга бориб жума намози ўқиб келаркан. Асрни Кўшработда, шомни ўзининг қишлоғига келиб ўқиркан. Бизнинг Кувкалла қишлоғи билан Самарқанд ораси 125 километр...

Энди чамалаб кўрсангиз, Самарқанддан бу жойга-ча қаноти бор қуш ҳам ҳориб-толиб келгани, балки у ҳам шом намозига бир оз кечикиб келиши мумкинлигини тасаввур қиласиз.

Авлиёning зоҳир каромати шу-да!

Вақти-кунлари қаҳатчилик обдон зўр келиб ушоқлар ҳам топилмай қолар экан. Ахир, ушоқ ҳам тўқларнинг нонидан тўкилади-ку. Авлиё отамиз бу-

лоқ этагидаги балчиққа тушган ушоқларни булоққа ювиб, қушлар билан талашиб еб туриб бирдан хўрлиги келибди. Ўзининг хорлигига ачиниб силкиниб-силкиниб йиғлайверибди. Шунда хотифдан бир товуш эшитилибди:

Эй, ўғлон. Биз сизга нон кароматини бердик! Ўрнингиздан туриング, элни тўйғазинг!

Бобомиз қўйнию тўнининг барлари тўла ноннинг салмоғидан зўрға турибди. Ҳозирги қишлоқ ўртасидаги мачит ёнига келиб қўйнидан иссиқ оби нонлардан чиқарибди. Ўтган-кетганга улашибди. Оч қолдим деганлар яна келибди – нон улашаверибди. Иссиқ буғланиб турган тўйимли нонлар.

Қизиги – бу нонлар ҳеч тугамас эмиш!

Полвон тахаллуси ўзгариб “Нонбер ота” бўлибди. Халқ биргина шу одамнинг бағридан чиқсан нонга тўйибди.

Очарчиликни бартараф этиш бир одамнинг қўлидан келаркан-да. Агар Оллоҳ унга тилагини берса, ҳабибим деса, авлиёлигини зухур этса...

Бу иш бекларга ёқмабди. Митан бегими ё Хатирчи беги одам жўнатиб бу чинми, ёлғонлигини текшириб кўрибди. Қараса – чин. “Э, бу қаёқдаги ялангоёқ гадо ким бўлдики, биз турганда бир ўзи халқни тўйғазса”. Лашкар жўнатиб: «Уни тириклай ё бўлмаса жасадини олиб келинглар, қани мен бир кўрай», – дебди.

Бир кишига бутун бошли лашкар жўнатибди. Отамиз буни сезиб тоққа қараб қочган. Лашкар қувган. Лашкар отда, авлиё – пиёда. Чамамда, мачитгача икки чақирим бор, ўша жойга етганда аскарлар етиб олишган. Бир номард у билан олишиб барака топмаслигини, қўл олишувида лашкарни талотўп қилиб ташлашига кўзи етиб отамизнинг бўйнидан қилич солади. Бош ерга узилиб тушади. Энди уни қопга ўраймиз деганда бош ўз-ўзидан қирга қараб думалаб чиқиб ке-

тади, сүнг пастга думалайди, яна қирга. Аскар дегани от билан қувиб етолмайди. “Кув каллани, кув, калла кетди!” – деб бўкиради. Калла эса ўзиб кетаверади. Қува-кува бояги нон тарқатган ергача келади. Энди ушлайман деганда ер калла ҳажмида ўйик ҳолга келади ва бош ўша ўйиқдан тубсизликка қараб тушиб кетади. Аскар ҳайрон: у ёқдан қарайди, бу ёқдан қарайди, чуқурга таёқ суқиб кўради, бўлмайди – таёқ узунлигидан чуқур. Чор-ночор лашкар ортга, жасад қолган жойга от қўяди. Бекка жасадни кўрсатиш илинжида бўлади. Бориша, у жойда аждарҳо ҳажмидаги катта қора илон ётганмиш. У бошини кўтариб қирқта боши билан қирқ аскарни ямлаб ютиб юборибди.

Шундайин бобомиз бекнинг зулмидан шаҳид бўлган. Энди у бекни ким эслайди? Мен, масалан, суриштириб отини ҳам билолмадим. Авлиё отамизни, Нонбер отани эса кунига юзлаб одам зиёрат қилади.

Бугун чиройли бир мақбара ялтираб қад кўтариб турибди.

Бундан тўрт аср муқаддам “Кув, калла! Калла кетди, қув!” деган кофирларнинг “хурмати”га қишлоғимиз “Кувкалла” аталиб қолган.

Аканг қарағай қувкаллаликман!

Ўн беш йил бурун Жиянбек бобомизнинг шажараси бормикан, деб обдон уриндим. Нуротага бордим, кексалардан суриштирудим. Ҳаракатим зое кетди. Оллоҳга суюмли банда бўлди, авлиёликка эришди, аммо бошқа қавмдошлар ҳам бир жойга “отам бу, отамнинг отаси у” деб ёзиб қўймаган экан.

Ҳафсалам пир бўлди. Чунки у пирлардан авло банда эди-ку!

Хуллас, қишлоқ оқсоқоли Келдибой Қўшмуродов мачитни ҳам, мақбарани ҳам эпга келтирди. Ҳатто бобомизнинг тепа қишлоқда майити қолган (Азлар тепа деймиз – Азизлар бўлса керак) жойга ҳам

мақбара ўрнаттириди. Мачит олдидаги намозхонлар ўтиб-қайтувчи, мудом баҳор сели ювиб, улоқтириб ташлагувчи кўприкни ҳам шу одам мустаҳкам қилиб курдирди. Сўнг пастдаги сувтегирмон қошида сув қайрилиб-бурилиб оқадиган бурамадаги кўприкни ҳам шу одам элга жар солиб, керак бўлса, жарима солиб курдирди.

Оғзига кучи етмаганлар: “Келдибой халқдан пул йиғди, ўзи еди, қолганини мачитга харжлади”, – деди.

Элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди.

Бир йил бурун у одам қазо қилди. “Эди-эди, деди-дедилар”дан анча олисга, овлоқ манзилга кетди. Ана энди ўрнига шундай оқсоқол тополамизми, қайда у, дейишди, “деди-деди”чилар.

Оқсоқол халқقا қайишадиган, куйинадиган, ибрат кўрсата оладиган, фидойи, виждонли одам. Шунинг учун ҳам одамлар унга эргашади, айтганини тўғри деб билади.

Қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам шундай. Чунки маҳалла деган мақом фақат Ўзбекистонда бор. Маҳалланинг оқсоқоли виждонли бўлиши керак. Тили қисик, муттаҳам одам бирорга гапини ўтказолмайди.

Иттифоқо, бир куни Тошкентнинг бир чеккасидаги янги қурилган ҳовлилар ичидан оралаб қолдим. Бир табибни излаб юрган эдим. Чунонам қасрлар қурилибдики, эсинг оғиб қолаёзади. Отангга раҳмат, қонуний пул топ, хоҳлаганингдай қуриб олавер – қандингни ур! Ора-чора баъзи пастқам иморатларга ҳам кўзим тушди. Курби етмаганидан шундай турибди. Тушунарли. Кимдир уни ҳам сотиб олиб кошонага айлантиради. Бу ҳам тушунарли.

Аммо менга бир нарса тушунарсиз кўринди: нечта шундай кўчага кирган бўлсам, ҳаммаси ўйдим-чуқур, машина эмас, пиёдалар ҳам юриши ўнғайсиз. Ўйилиб кетган, асфальтлар синиб-емирилиб тушавериб адойи

тамом бўлган, лой (ҳа, лой!) ёзда чанг. Катта кўчагача юз қадам, икки юз қадам, балки кўпроқ. Аммо шу жойгача атроф қасрлардан иборат. Шу миллиардерлар ичидан биронта инсофлиси чиқиб: “Эй, биродарлар, мана бу кўчамизнинг аҳволини қаранглар, уят эмасми?” демайдими? Ҳашар қилиб тузатиб қўймайдими? Ёки буларда оқсоқол йўқми?

Ҳарқалай, каминага ушбу ҳолат қўшнисини ёхуд бошқаларни писанд қилмаслик, “бу кўча меники эмас, уй ўзимнинг мулким, бошқасига ўт тушиб кетмайдими” деган худбин кимсаларнинг иши бўлиб туюлади. Уларнинг мундайроқ уюштирган эҳсон оши ёки бирор чет эл сафарига бундай кўчалардан ўнтаси теп-текис бўлиб кетишига шубҳа қилмайман. Лекин зинҳор ва зинҳор “кўча”га пул сарфлагиси йўқ. Негаки, кўча унинг мулки эмас.

Шунақа жойларнинг ҳам сўровчиси бор, албатта. Лекин у лоқайд. Жонини сира койитгиси келмайди ёки қилсаям, пул эвазига қиласди. Бўлмаса азим пойтахтимиз, кўзга тўтиё қилиб, дунёга мақтангулик шаҳримиз йўлларига шундоқ бефарқ қараймизми?

Ота-бобомиз, момоларимизнинг атрофга тутуми бўлакча бўлган. Ҳар нечук, у замонларда майший чиқиндилар ҳозиргидай тоғ-тоғ уюлиб кетмаган чиқар. Лекин ҳарқалай, қурби етса – боғ қилган, дарахт кўкартиргани рост. Анча вақтлар бурун майший чиқиндиларга ҳозиргидай тартиб ўрнатилмаган эди. Маҳалла ободлиги йўлидаги ишлар ёшларга ҳам таъсирини ўтказаётганини рўй-рост айтмоқ керак. Бурун ҳар қадамда бетартиб айқашиб, сасиб ётувчи ахлатларга бирмунча чек қўйилди. Ҳайтовур, одамларнинг ҳам пича эси кириб қолгандек. Кўчада “мусор” қолдириб кетаётган болага тепа қаватдаги қўшни аёл: “Хой тарбиясиз бола, кўтар анови нарсангни, ота-онанг шунақа ўргатганми сенга?” – деб бақиради. Боланинг

виждони бўлса, қайтиб келиб уни олади, бўлмаса, иложйўқ. Лекин одамлар унга бефарқ қараётгани йўқ-ку.

Сингапурда, Америкада кўчага туфлагани ёки сигарет қолдиғини ташлагани учун одамни полиция тутиб олиб фалон доллар миқдорида жарима солиши ҳақида матбуотда бот-бот ўқиймиз.

Бизда ҳам шундай бўлиши керак!

Нима, биз саранжом-саришталикни ёқтирмайдиган халқимизми? Бугун бу ерни ифлос қилиб, эртага нарироқча кўчиб кетадиган мўлтони эмаслигимизни яхши биламиз. Лекин айбни бировга ағдаришни пухта эгаллаганмиз. Бу “пухталик”дан ҳали қўп панд есак керак.

Маънавият ҳақида узоқ маъруза ўқиётганимизда, ўз фарзандларимиз ахлоқи ҳақида, экология тозалиги ҳақида бонг ураётганимизда ўз яшаётган уйимизда, ўйлагимизда ва қолаверса, ҳовлимиздаги аҳвол ҳақида ҳам ўйлаб қайғурсак, чакки бўлмайди.

Ғайбар момонинг дағн маросимидан бир муддат ўтгач, одамлар даштдаги ўша қабр биқинидан янги ўрик ниҳоли кўкариб чиққанини айтишди. Бориб кўрганимдан сўнг ёз чилласида қакроқ ерда дарахт яшнаб турганига ҳайрон қолдим. Одамлар айтишди, бу фазилатли одамлардагина бўлиши мумкин. Сабаби, ўша дарахт момонинг номидан Оллоҳга тасбех айтиб турармиш. Тасбех ўғирган сари унинг гуноҳлари дувдув тўкилиб борармиш.

Юртнинг дардини, кўпнинг ташвишини ўйлаб яшаган одам, асли фазилатли ва виждонли Инсондир...

МАЪНАВИЯТ САБОҚЛАРИ

Яқинда йўлим тушиб Жиззахга борган эдим. Шаҳарга яқин Бўстон қўрғонида истеъдодли ёзувчи

акамиз Абулқосим Мамарасулов истиқомат қилади. Каттагина дәхқон-фермер хўжалиги бор. Умр йўлдоши, таниқли пахтакор Зулайҳо Сатторова билан йил қуруқ эмас – ҳар гал режадаги пахтани дўндиришади. Олаётган даромадлари ҳам чакки эмас. Уй-жойни кенгайтиришибди, тагда машина, еб-ичиш, бола-чақани кийинтириш ҳам бошқаларникидан ортиқ бўлса ортиқки, кам жойи йўқ. “Аммо ёзишдан қўлим чиқиб кетяпти, – дейди, – ғирт дәхқон бўлдим-қолдим. Лекин жуда соғиняпман ёзишни”.

Суҳбат асноси Абулқосим ака: “Шу, маънавият масаласини жуда оширвормаяпсизларми, а?” – деб қолди. Сўнг каттакон бир раҳбарнинг дәхқон хўжалиги даласини айланиб юриб, тупроққа кўимилиб ётган синик плугни кўрсатиб: “Шуми маънавият? Эй, қачон маънавият кириб келади сенинг далангга?” – дея дўқ урганини кула-кула айтиб берди. Хўп кулишдик. Кулишдиг-у, кейин ўйладим: наҳотки, биз маънавият деган улуғ тушунчани шу қадар тор тушунсак? Демак, ўша раҳбар маънавиятни шудгордаги синик плугдан топибди-да. Бу бизнинг илгариги совет тузуми касалликларимиздан бири – тушунуксиз кампаниябозликни эслатмайдими? Янаям ёмони – у раҳбар телевизорданми, радиоданми маънавиятга эътибор кучайганини эшитган ёки бўлмаса ўзидан катта раҳбардан худди шу тахлит дўқ эшитган, нари борса Президентнинг маънавият соҳасига доир фармонларини, чиқишиларини чала-ярим, маъносини уқмай тингланган, лекин зинҳор ўқимаган ва на ўзига, на бошқа бирордан “Хўш, маънавият нима ўзи, у қаердан келган, маъноси нима?” деб сўраб кўрмаган. Ўзича тусмол қилади, холос. Ва хатони дўқ эшитувчи, яъни унга бўйсинувчи минглаб фуқаронинг бирортаси юрак ютиб айттолмайди. Ўйлаб туриб мен “ёшлик

қилиб”, у одамни ноҳақ айбламаяпманмикан, деб мулоҳаза қилдим. Балки, раҳбар бу гапни чуқур рамзий маънода айтган бўлса-чи? Ҳар нечук... бу ҳақда кейин тўхталармиз.

Шу ҳангома туртки бўлди-ю, маънавият ҳақида ўйлаб юрган баъзи мулоҳазаларимни баҳоли қудрат ёзишга қарор қилдим.

Матбуотда чоп этилаётган кўпгина мақолалар мазмунидан кўринадики, биз аввало маънавиятнинг асл маъносини тушуниб ултурганимизча йўқ. Хўш, ўзи у нима эди, деган жонланиш бошланди. Албатта, маънавият жуда кенг тушунча. Биз бўлсак, қадим қадриятларни, обидаларни, баъзан маданиятнигина маънавият деб, кўпроқ шуларни сақлашга, уларни юксалтиришга (мавҳум!) унданмоқдамиз. Мен ҳам унга мутлоқ таъриф бериш даъвом йўқ. Гап шундаки, маънавиятнинг ўзини шундоқ олиб тушунтиргандан кўра маънавиятсизлик ёки маънавий етуклик ҳақида гапириш ўнғайроқ кўринади.

Масалан, олайлик, гиёҳвандликка берилган ёшларни, ичкиликка ружу қўйганларни, унинг касофатидан юзлаб ажрашиб кетаётган оиласаларни, албатта, ибратли, маънавиятли қилиб кўрсатолмаймиз. Тўғри эмасми? Гарчи ичкилик бўлмаса ҳам ғурбат, шовқин, уруш-жанжал аримайдиган бошқа оиласаларни-чи? Йўқ, албатта. Нарироққа борайлик: таъмагир, порахўр раҳбарни-чи? Бир қараганда, у сипо, сиёсий хато қилмайди, қонун доирасида гапиради. Лекин... у пора олади-ку?!

Менингча, маънавият алоҳида ҳолда мавжуд бўлмайди. У иймонни, ҳалолликни, зехн-зийраклик, ахлоқлилик, билимлилик, ифтихорни ва шунга ўхшаш қатор унсурларни ўз ичига олади. Шунингдек, у турғун нарса ҳам эмас: муттасил ҳаракат, фаолият билан чамбарчас боғлиқ. Аммо унинг даражаси бор. Бу даража эса пахта режаси, мажбуриятини улдалаганимиз ёки уdda-

лай олмаганимиз сингари натижаси лўнда бўлмайди. Бироқ у ҳам эришилгандан сўнг намоён бўлади. Унинг комиллик манзили инсондан илгари юради. Шу каби унинг охир чўққиси ҳам йўқ. Шу ерда адашдик чамаси. Бор унинг чўққиси, у чўққи – ҳаётий жаннат!..

Маънавият ҳаракат ва фаолият билан боғлиқ дедик. Мисол билан гапирайлик.

Кўз ўнгингизда дилбандингиз – фарзандингиз тобора улғаймоқда. Сиз зиёлисиз, яъни тижорат билан шуғулланмайсиз. Сиз ўз эҳтиёжларингизни ўғлингизнинг эҳтиёжларига айлантира бошлаган одам – отасиз. Шу туфайли унинг: “Дада, биз ҳам машина олайлик” деган таклифига хўрсиник билан жавоб қайтарасиз. Ўғлингиз бир-икки ҳафта ўтгач, “дада, фалончилар ҳам машина олишибди-я” дейди сизга яқин бир таниш ё қариндошингизнинг исмини айтиб.

Сиз ҳам буткул камбағалликни бўйинга олвоган киши эмассиз: хомаки бир режангиз бор, негадир сира амалга ошавермайди, сиз ўттиз қилганни Худо тўққиз қилиб қўяверади. Шу боис бу сафар ҳам хўрсинасиз. Лекин ўғилнинг кечаги иштиёқидан бугунгиси баландроқ ва сизга таъсирлироқ қилиб айтди. У ёқни ўйладингиз, бу ёқни ўйладингиз, калаванинг учини тополмадингиз. Бироқ ишонч билан дедингиз:

– Ўғлим, биз ҳам албатта олами машина. Олсак ҳам зўридан оламиз. Лекин сен ҳали мактабингни тугатиб ол, мен ҳам фалон-фалон ишларни қилиб олай, кейин оламиз. Намунча қизиқмасанг шу машинаси туштурга!

Шу билан бирор йиллар ўтиб кетади орадан. Ўғлингиз, эҳтимол, энди у таклифни бошқача йўсинда айтар. Шунда Сиз, албатта, яна бошқа сабабларни айтасиз. Ишқилиб, у ҳалол яшаган одамнинг косаси оқармас экан, деган хулосага келмаса бўлди. Агар шу хулосага келиб бўлса, албатта, у яшаш тарзини ўзгартиради. Ўғри бўлиб кетишидан Худо асрасин. Сиз бот-бот фа-

лон бола шу ишни қилиб қамалиб кетибди, деган маънода огоҳлантириш бериб борасиз. Китоблар ўқитасиз. Иши юришаётган зиёли одамларни уйга таклиф қилиб, уларни ибрат қилиб кўрсатасиз ва ҳоказо.

Бу эса узвий давом этувчи мувозанат. Шундай мувозанатки, ундан маънавият келиб чиқади. Маънавият эса тарбия билан чамбарчас боғлиқ, тарбия – вақт, ҳаракат билан боғлиқ.

Давримизнинг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматов: “Ҳар бир оила, ўз фарзандларини мафкуравий тажовуздан муҳофаза қилишга тайёр туриши керак”, деб ёзади. Мафкуравий тажовуз эса ҳар бир жойда, ҳар вақтда ҳамла қилавериши мумкин.

Куз палласи эди. Ҳаво салқинлаб қолган. Аммо кундузи ҳаво анча илиқ. Ўғлим билан Чорвоқقا борадиган бўлдик. Чорвоқнинг ўнг биқинидан ёзувчилар уюшмасига далаҳовли жой беришган. Бир парчаси каминага ҳам теккани боис ўғилни ёнга олиб, бир хабар олиб келгани йўлга тушдик. Қуёш анчагина қиздира бошлади. Устимдаги жемперни ўғлимга бердим, ўзим эса сафархалтамни елкага ташлаб олдим. Горький метросидан чиқсан жойдаги бекатда анча маҳал автобус кутиб қолдик. Бир-иккитаси одам лиқ тўла бўлгани учун тўхтамай ўтиб кетди. Пешонасига “Ғазалкент” деб ёзилган автобус келиб тўхтади-ю, ўғлим иккаلامиз, ҳарна яқинлашиб қоламиз Чорвоқقا, деб шошилиб чиқиб олдик. Ярим йўлга етганда ичим шув этди: жемпер қолиб кетибди бекатда. Аламим қўзиб, ўғлимни айбдор қилдим. “Оловиддин, жемпер қани, жўра?” Уям ялт этиб менга қаради. Бекат қошидаги темир суяничиқقا қўйиб, ўйинга овунгани эсига тушди, қолиб кетганини билди. Бироқ баҳона қилиб, айбни менга тўнкади. “Сизга бергандим-ку, сеткага солган бўлсан-

гиз керак?" Унинг авзойига қараб қаттиқ оғринаётганини сездим, айбдорона, шаштсиз, дўқ ёки шапалоқни бўйнига олиб, мўлтираб турарди.

– Йўқ, қолиб кетибди. Менгаям берганинг йўқ, – дедим.

– Бўлмаса, автобусчига айтинг, орқага ҳайдасин, – деди у.

– Орқага ҳайдамайди-да. Чунки одамлар олдинга кетиши керак.

Менинг кайфиятим тушгани унга таъсир қилиб, овунтиришга тушди.

– Дада, кечқурун қайтиб келиб оламиз унда. Ҳеч ким тегмайди, – деди ўзича ишонч билан.

– Обкетиб қолади, – дедим мен ҳам ишонч билан.

– Йў-ўқ, – дея бошини чайқади олти яшар ўғлим. – Ўғирлаб кетса – гуноҳ бўлади, кейин дўзахда ёнади-ку.

Боланинг миясида ёлғон гапирган, ўғирлик қилган одам жаҳаннам оловида қуяди, деган гап қолган. Шунга ҳозир қаттиқ ишонади. Бироқ мен учун қайтиб келганимизда жемпернинг жойида турмагани эмас, тургани ҳайратланарли ҳодиса эканини у тасаввур этолмайди.

– Тўғри, ўғрилар дўзахда қуяди. Оллоҳ уларни шундай жазолайди, – дедим мен ҳам ва бу билан унга таскин бердим. Гўё ўғри биз ўйлаган нарсаларни ўйлаб ўтирибди-ю, бироннинг жемперига тегмайди, деган ишонч қолди.

Чорвоқдан кеч тушганда қайтдик. Жемпер Оловиддиннинг эсидан чиқиб кетганди. Автобусдан тушгач мен:

– Жемпер анови ерда қолганди-я? – дедим.

– Ҳа, – деди у ҳам! – Юринг, бориб оламиз, – деди ишонч билан.

Бироқ... Унинг ишончи эмас, менинг ишончим ҳақиқат бўлиб чиқди: жемпер жойида йўқ эди. Хуллас,

мўъжиза рўй бермади. Ўғлим тағин хафа бўлди, ўзининг айбдор экани ёдига тушди.

– Дада, ўша маҳал, жемперни олвол, деб айтмабсиз-да, – деб қўйди.

– Мен ҳам айтмабман, иккаламизнинг ҳам эсимиздан чиқибида-да. Кўявер, бошқа янгисидан оламан, ўзи эски эди-ку.

Шу билан ўғлим хотиржам бўлди. Уйга келгач, ойисининг қулоғига Оловиддин эшитмайдиган қилиб тушунтирдим. Уч-тўрт қун ўтгач, ойиси унга танбеҳ бериб қўйибди: ахир, у ҳам тушунсин, жемпер оддий кийим бўлгани билан ҳали аскотарди-ку, қолаверса, кичкина оиланинг бинойидек мулки, шуни эсида тутсин. Дўзах ўтидан қўрқиши, у ҳақда ўйлагани яхши, бироқ ҳаммаям уни ўйламаслигини, ҳаёт бошқа, одамлар ҳар хил эканини билиб қўйсин.

Чингиз Айтматов Люксембургда элчилик вазифасида эканида ёш қизи Ширин трамвайда ўқувчилик гувоҳномаси, дафтар ва унинг орасида озроқ пулини унутиб қолдириб кетади ва буни келиб дадасига “йўқотиб қўйдим” деб тушунтиради. Отаси қизини юпатган бўлади. Бироқ орадан кўп ўтмай, элчинонага полиция қўнғироқ қиласи ҳамда Айтматовга қизининг буюмлари полицияда экани, келиб олиб кетишини тайинлайди. Ота Шириннинг ўзини юборади. Не тонгки, нафақат дафтар-қалам, ҳатто ўша озгина пул ҳам жойида турган экан. “Демократия шу қадар ривожланганки, у ерда, – дейди Айтматов, – мана шу арзимасдек туюлган иш ҳар бир фуқаронинг гражданлик бурчига айланган”. Акс ҳолда, ўша дафтар-қаламни пуллари билан бирор чўнтағига солиб, йўлига равона бўлса, ким ҳам топарди. Ҳеч ким тополмайди, албатта. Хўш, улар кимдан қўрқади: Оллоҳданми? Йўқ, қўрқмайди. Бироқ жамият олдидағи улкан бурч бирорвга халақит бермасликни тақозо қилишини жуда

яхши тушунишади, холос. Бизда эса трамвайда тугул кўлингдагини юлиб кетишади-ю...

Биз Худодан, қарғишдан қўрқамиз. Кўпинча гуноҳи кабиралардан қўрқамиз, лекин не учундир ўзимизни мусулмон ҳисоблаймиз-у, ёлғон гапирамиз, ўғирлик қилишдан, бошқа гуноҳлар қиласаверишни ҳам ҳаром деб ҳисобламаймиз.

Гоҳи кезларда кўнгилда бир шаккок фикр уйғонади: мунофиқ мусулмондан гарчи иймон келтирмаса-да, ахлоқи пок, тўғрисўз, ҳаромдан парҳез қилувчи кишилар кўпроқ фойдали эмасмикин? Негаки, унинг амали, ҳаётий тамойили аён, мунофиқлиги эса тушунарсиз; иймондан гапириб, амалда тескарисини қиласиди... Лекин Оллоҳдан қўрқиб гуноҳдан тийилиш барибир афзалдир. Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳу ривоят қиласидилар: “Ичида юз динор бор бир ҳамён топиб олдим-да, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бордим. Жаноб Расулуллоҳ: “Ҳамён топиб олганингни бир йил давомида эълон қил!” – дедилар. Мен айтганларидек, ҳамён топиб олганимни эълон қилдим, аммо унинг эгасини топмадим. Сўнг ул зотнинг ҳузурларига (яна) бордим. Шунда жаноб Расулуллоҳ (яна): “Ҳамён топиб олганингни бир йил давомида эълон қил!” – деб айтдилар. Мен ҳамён топиб олганимни яна эълон қилдим, аммо (бу сафар ҳам) унинг эгасини топмадим. Кейин, учинчи марта ул зотнинг ҳузурларига бордим. Жаноб Расулуллоҳ (бу гал): “Топилманинг халтаси бирлан боғичи қанақа эканлигини, ичидаги пул қанчалигини ёдингда сақла, гар эгаси келса, қайтариб бер, акс ҳолда, ундан ўзинг фойдаланавер”, – дедилар. Сўнг мен ундан фойдаландим”.

Кейинги ўн йил теграсида юзлаб диний, ахлоқ, иймон мавзуида асарлар чоп этилди, десам, лоф бўлмас. Уч-тўрт йил бурун бир фариштачехра одамдан эшитган эдим: “Биродар, агар шу чиққан асарларнинг ўзи-

нигина ўқиб амал қилсак, жаннатнинг эшигидан тик туриб кириб кетсак керак".

Аммо ҳаёт шундай бир мувозанат устига қурилганки, мудом ғам билан шодликнинг ораси бир қадам (Наполеон Бонапарт).

Сирдарё вилоятидан куни кеча бир совуқ хабар эшишиб, этим жунжиқди. Менга яхши таниш бир оиласлининг оқила қизи бир йигитга кўнгил бериб турмуш қуришди. Ҳаётлари ширингина давом этди. Бирин-кетин фарзандлар туғилди. Аммо кейинги пайтларда йигитнинг иши юришмай қолди. Ўз ихтисоси бўйича бирор юмуш тополмади. Ишга жойлаб қўяман, деб пулени олиб, алдаб кетищди бировлар. Мўмин-қобилгина йигит, эҳтимол, омадсизлик алам қилганиданdir, ичкиликка берилди. Хотинини калтаклайдиган одат чиқарди. Келинчак бечора дардини бировга айтольмайди. Онасига ёрилай деса, йўл анча олис, боз устига ўзи кўнгил қўйиб, шундан бошқасига тегмайман, деб туриб олган бошида. Худди бошқалар "Ўзинг пиширган ош, айланиб-ўргилиб ичавер" дейдигандек туюлаверади. Ич-этини еб, қийналиб юраверади. Кўрққанидан икки қизини қишлоққа – қайнонасиникига бериб юборади. Аммо кўза қунига келиб синади. Эр аллақа-ёқдан ароққа тўйиб келади, хотинни уришга тушади. Шу даражада калтаклайдики, бехуш бўлиб қолгандан сўнг ҳам бошию қорни оралатиб тепаверади. Оқибатда... Эр қўрқиб кетиб ўзи "тез ёрдам" чақиради. Аммо "тез ёрдам"нинг "тез" етиб келиши бефойда эди. Тез ёрдамчилар уч яшар норасида гўдак жонсиз онаси ни "уйқудан уйғотиш учун" чирқираб турткилаётган маҳалда етиб келишади.

Энди эса аҳвол маълум: суд ҳукми билан эрга олий жазо берилиши мумкин, аммо уч нафар фарзанд бераҳм отанинг исноди билан улғайишади. Эртага бир кун фалончининг қизиман, деб айтишга истиҳола

қилишади улар. Бу бузилишни, йўқотишни ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Балки шаҳардаги маҳалла фаоллари ёхуд ўз ота-оналари фожианинг олдини олишлари мумкин эди. Лекин ҳукуматимиз, Президентимиз томонидан алоҳида ҳуқуқларга эга бўлган маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органлари – фуқаролар йифини, маҳалла оқсоқоллари, қолаверса, участка инспектори шу нарса рўй бериши мумкинлигини сезишмасмиди. Агар чиндан ҳам сезишмаган бўлса, бу ёмонлик аломати. Ахир, бизда маҳалла йирик тарбия, қовишириув, уюштирув ҳокимияти ҳисобланади? Дунёning бирор нуқтасида бунақа ўз-ўзини бошқарадиган тизим йўқ ва булар ўз навбатида ҳукуматнинг ҳам, фуқароларнинг ҳам ишончини оқлаши шарт.

Шу ўринда Наврўз арафасида бир гурӯҳ Академия тингловчилари билан Сирғали туманидаги маҳалла-хайрия жамғармаси, хусусан, Амир Темур гузарида ўтказган машғулотимиз эсга тушади. Гузарга тегишли маҳаллаларда 87 та қаровчиси бўлмаган қариялар истиқомат қилишаркан. Шулардан 51 таси мутлақо тўшакка михланган ногиронлар экан. Маҳалла, гарчанд турли-туман миллат вакилларидан ташкил топган бўлса-да, уларнинг кундалик иссиқ-совуғидан хабар олиб туришаркан. Бу, албатта, намуна бўларлик иш.

Маҳалла ҳамманинг ўлигини кўтарадиган мардикор ҳам эмас, чунки у хайриҳоҳ, виждонли одамларнинг фаолияти натижасида вужудга келган восита. Шу туфайли ҳам биз маҳаллани, маҳалла бизни тарбиялади, деб teng масъулият билан яшашга ўрганишимиз зарур.

Гап умумтарбия, умумтаъсир хусусида кетаётганини англаб турибсиз. Негаки, жамиятда маънавий баркамол инсонлар сони кўп бўлгандагина у бошқаларни ўз таъсирига олиши мумкин.

Юқорида биз ичкилик оқибатида рўй берган муддиш ҳодисани ягона бир мисол сифатида келтирмадик. Афсуски, бундай мисоллар қўп ҳаётда. Айниқса, ёшларнинг ичкиликка, нашавандликка, бузуқликка, жуда бўлмаса бекорчиликка берилишлари жудаям ёмон иллат.

Ўзбекистонимизда, шукур қилишимиз керак, ўғирлик жинояти камайгандек кўринади. Аммо гиёҳвандлар, ичкиликбозлар камайди, деб айтмолмаймиз. Бузуқлик ҳам, қароқчилик ҳам учрайди. Расмий маълумотларга қараганда, кейинги йилларда МДҲ давлатларида жиноятчилик 8-10 баравар кўпайган, алоҳида жиноят турлари эса 14 бараваргача ўсган.

Чингиз Айтматов айтади: “Ўз меҳнатинг билан ўзингни боқолмас экансан – бизнес сиртмоғига илинасан. Эҳтимол, ёзувчилар ҳам бозордан четга чиқиб қолишини хоҳламагани учундир – китоб дўконлари, лавка ва бозорлар енгил-елпи детектив, жиноятга етаклайдиган ўзига хос дарслик вазифасини ўтовчи зўрлик, қотиллик, ўғирлик руҳи билан суғорилган асарларга тўлиб кетди.

Бу маънавиятсизлик учун ким жавоб беради? Жавоб бериш қийин бу саволга, чунки бизнинг мамлакатимиз демократик йўлдан бормоқда.

Шундай бўлсин ҳам, лекин бизнинг жамиятда демократик эркинліклар нотўғри тушунилади. Ахир, арzon адабиётларда учрайдиган шубҳали қадриятларни ўзларига сингдириб олаётган келажак авлодга “ўтиш даврининг муқаррарлиги учун шундай бўляпти” деб хотиржам тушунтиришимиз тўғри бўладими?”

Тўғри эмас, албатта. Арzon адабиёт, арzon матбуот бизнинг ҳам бозоримизга аллақачон бостириб келди. Биз бу моҳияти енгил нашрлар тарафдори эмасмиз. Уларни босиб чиқариб, сотишга ҳам иштиёқмандли-

гимиз йўқ. Аммо ёшлар-чи? Оғир, панднома асарларни ўқимаётган, ўз нашрларимизни четга суриб қўйиб, телевизорни ўзига ёқсан бошқа каналга қўйиб завқ олаётган келажагимиз-чи?

Шунинг учун ҳам айтмоқчиманки, маънавият масаласи аввало тарбия масаласидир. Эришган муваффақиятларимизни асраб-авайлашимиз, қадриятларимиз салмоғини бутун бўй-басти билан кўрсатиб, фахрланишимиз яхши. Лекин маънавият инсонларнинг ички дунёсида яшашини ҳисобга олишимиз зарур. Бу борада ва санъат, қўшиқчиликда, кинода сезиларли силжишлар кўринмаяпти. Енгил-елпи қўшиқлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетяпти. Эсда қоларлик, мазмундор фильмлар, спектакллар йўқ. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг Наврўзолди йиғинида талабчанлик билан бу соҳадаги юзакиликларни, ўзбўларчиликни танқид қилганида ҳикмат бор. Ҳолбуки, бу нарсалар халқ дилига биринчи галда таъсир этувчи воситалардир.

Бухоро Вилоят Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, шоир Садриддин Салим “Хуррият” газетасида ёзади: "...маънавият ходими мудраган бўлса, бу – даҳшат! Маънавият ходими кўр бўлса, бу – даҳшат! Мини юбка кийган, тирноқлари бир қарич аёл миллий кийим, миллий анъана ҳақида гапирса, бу – даҳшат! Пораҳўр ҳалоллиқдан, фоҳиша эзгуликдан, мансабпраст инсофдан гапириши мумкинми?

Мен маънавият сабоқларини аввал ўзимдан, кейин ходимларимдан бошладим".

Нақадар оқилона таъкид. Дарҳақиқат, маънавият деган юксак тушунча қалб, юрак ислоҳотларини талаб этувчи, масъулиятимизни тағин-да оширадиган туйғу, ҳаракатдир. Президентимиз Ислом Каримов кейинги йилларда маънавият соҳасига алоҳида ургу берадиганларини мен ўзимча шундоқ тушундим.

Яъни аввало маънавият – тарбия, ахлоқ, эзгулик, ҳалолликдан бошланишини, бунга нафақат ёзувчилар, балки барча соҳа вакиллари бирдек жавобгар эканликларини уқдим.

Тўрт йил бурун қишлоғимизда Раҳмат ака деган тракторчининг бип-бинойидек уйи фалокат босиб ёниб кетди. На бирор тўшайдиган тўшамчи, на бирор парча мебелу ёғоч қолмай бус-бутун ёниб битган эди. Чердакда қишига ғамлаган бироз ғалласи ҳам омон қолмади. Яхшиям, уйидаги фарзандлари қочиб чиқишига улгuriшган. Ўт балосининг нақадар даҳшатли эканини қишлоқдагилар ўз кўзлари билан кўришди.

Қишлоқ фуқаролар йиғинига мурожаат қилишди. Фуқаролар йиғини раиси, суғурта қилдириб қўймаган экансиз-да уйни, деган. Майли, лекин қўлдан келса, ёрдам қиласиз, дея мавҳум ваъда берган.

Адашмасам, қишлоқقا биринчи тракторни шу Раҳмат ака миниб келган. Ўша ер ҳайдайдиган ягона трактор билан умри ўтди. То пенсияга чиққуничча авайлаб-асраб ҳайдади. Билмадим, ўша трактор билан Раҳмат ака колхоз далаларию одамларнинг томорқаларини неча минг марта айланиб чиққан. Шу даражада моҳир эканки, трактор қаримади-ю, ўзи олтмишга кириб улгурди.

Оғзи ошга етиб, оёқни узатиб ётар маҳал... йиққан мол-дунёси кул бўлди.

Мен шунда кўрганман: қишлоқ аҳли уйнинг қурилиш молидан тортиб кийим-кечаккача йиғиб берган. Ахир, куйиб битган ҳовли-жойни қайтадан бус-бутун қилиш ёши бир жойга келган одамни хароб қилиб қўймасмиди? Яхшиям, эл бор, қўшни, қариндош бор. Агар оғир кунда улар тескари қараб, “селсовет” ундоқ деб турса... тасаввур қилиб кўринг.

Кеча Наврўз куни қишлоқقا бориб Раҳмат акадан “Маънавият нима?” деб сўрадим атайлаб, “Ким бил-

син, яхши артистларнинг қўшиғи, ўйини маънавият бўлса керак-да. Ўзинг биласан, бизнинг қишлоққа бирорта донгдор артист келмаган. Шундай бўлгандан кейин бизларда маънавият нима қилсин. Тинчгина намозимизни ўқиб, боққа, молга қараб юрибмиз-да, жигар”, – дейди.

Раҳмат ака бошига иш тушганда гуррос ёрдамга шошилганларни тирик умри эсидан чиқармайди. Эслатсангиз, йиғлаб юбориши мумкин. Ҳамқишлоқларининг зўр одамгарчилик қилишганини яхши билади. Аммо уларнинг маънавияти, виждони, иймони зўрлигидан шундай қилган десангиз, “қайдан билай буларни, жигар”, деб кўяди. Жуда ўсмоқчилайверсангиз, ғаши келади. Аслида маънавият ана шу оддий одамгарчиликдан амал топмайдими?

Бу қишлоқда одамлар уйларини девор билан ўрамайдилар. Ўраб каттакон дарвоза ҳам қурмайдилар. Сиз ўёгини қўйинг, ақалли уйларига қулф осишни ҳам одат қилишмаган. Азбаройи бир-бирига ишонганидан.

Биз сўзлаётган осойишталик, бир-бирига суюниш, ишониш нимадан? Сабаби – тўйи ҳам, азаси ҳам бир уларнинг. Шунинг учун қулф осилмаган эшикка кўз олайтириш – уят! Шу каби қишлоқда тентираб ишсиз юриш, муттасил ичиш, одобсизлик, уриш-жанжал билан бир-бирларининг кўнгилларини қолдириш ҳам уят!

Улар содда, лекин тушунчаси, дунёқараши соғлом одамлар. Ўзи туғилган тупроқнинг қадрига етаётган одамга ватанпарварлик ҳақида, гўзал яшаётган оиласига доғ туширмай, гулдай парвариш қилаётган билимли ва бир олам орзуладар билан яшаётганларга ҳадеб маънавиятдан дарс ўқисангиз андак ноинсофлик бўлиши мумкин.

Бизнинг айтаётган маънавият эса инсофдан, адолатдан, одобу ахлоқдан, ватансеварликдан мосуво

бўлган, қалби кир, қўзи сўқирлар учун кичик бир идаодир. Зотан, улар ўнгланса, жамият ўнгланади.

Сўзимиз бошида Бўстон деган қўрғончадаги кулгули ҳангомани айтиб эдик. Абулқосим аканинг раҳбари, эҳтимол, фалсафий мушоҳада юритгандир, деб ҳам ўйлаб турибман. Масалан, дейлик, далани занг босиб кетган юракка ўхшатган бўлса-ю, бу юракни синиқ плугга ўхшаган восита билан тозалаб бўлмайди, дея уқтирган бўлса-чи?.. Илойим, шундай чуқур ўйланган бўлсин. Шоҳ нариги шоҳдан юртида мушук, итлар семизми эканини сўраганда, Афанди қўрпача тагидан шоҳнинг оёқ бармоғига ўралган ипни бир тортиб тўхтатиб қўйиб: “Азиз меҳмон, тўғри тушунинг, бизнинг шоҳимиз ғоят рамзий сўзлайдилар, юртингизда ғариблар, гадойлар бўлмаса керак, ҳамма тўқ фаровон яшаётгандир, деб сўрайтилар дея”, – изоҳ берганида, шоҳи: “Шундай бамаъни гапирган бўлсам, нега ипни тортдинг, аҳмоқ”, – дея ўшқирган экан. Биз дўқ эшитиб қолмаслик учун олдиндан узр сўраб демоқчимиз: Сиз рост айтасиз, катта ақл, маънавият далада синиқ плуглар билан ўралашиб ётмасин, яхшиси, қалбларингга солиб, юрак маънавиятини, тозариш, тузалиш маънавиятини юксалтиринглар деган хулосангизга қўшиламиз. Баракалла, отангизга раҳмат!

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”,
1997 йил, 21-сон.

ҚИСМАТ ҮЙИНИ

Нуроталик 86 ёшли ҳожи
Жўрақул КАЛОН ўғли оғзидан

Бизни Эрсари авлод дейдилар. Хийла танбал, хийла қайсар, лекин ориятли одамлармиз. Инқилобдан олдинги йилларда бобомизнинг бирори Кўлтўсин офтобрўсини ер қилиб эгаллаган. Кўлтўсиннинг тупроғи қора, семиз, ёғингарчилик мўл, одам кўмадиган кўлларининг атрофи қамиш, на бўлғай, қишин-ёзин қорамол, ушоқ мол еб тўймай семириб ётаберади, қишиликка хашак тўплаб ўтиришга ҳожат йўқ. Бобомизга эргашиб Нурота туркманлариям жобдираб келиб бу жойдан уй қилиб эл бўлади. Бобомизга Худой қиз тирноқ берибди, ўғил тирноқ бермабди. Кунларнинг бирида яйдоқ ерлик бир митани йигит келиб бобомизга кўп хушомад қилиб, энди мен сизнинг тутинган ўғлингиз бўлайн, бир-биrimизга эмранишиб, суюнишиб юрайлик, дебди. Бу гап чолга ёқибди. Эй, кел, ўғил бўлса ўғил-да, ўзиям хушсурат бола экан, деб кўнибди. Йигит миниб юрган отини чолга ҳадя қилибди. Чол: “Кўявер энди, менинг юзлаб от, байталларим ўтлаб юрибди, буни нима қиласман”, – деб унамабди.

Йигит қўярда-қўймай: “Бу менинг чин ўғиллик белгим бўлсин, чунки бор бойлигим шу, холос. Йўқ деманг”, – дебди.

Бобомиз бу гапдан хурсанд бўлибди. Ҳадяни олибди. Энди ота-ўғил бўлдик, ўғил ҳадя қилса, ота қараб турама, кел, мен ҳам сени бир нарса билан сийлайн, сўра, отардаги қўй-қўзими, от, туя, мол, нимамдан берай, дебди.

Йигит ўйлаб ўтирмай манов кўриниб турган қирлар ичини, кўл-пўлларни сеники деб қўйсангиз бўлди,

ўғил шунга хурсанд бўлади-да, дебди. Чол ўйлаб ўтирамай, ол, ана, шу мулк сеники, дебди. Йигитга, уйингдан рози-ризолик олиб кел, деб эгар-жубдуқ қўйиб бир отга миндирибди. Йигит отга миниб йўлга чиқибди-ю, тағин қайтиб келибди.

– Ота, – дебди, – энди менинг жону жаҳоним сиз бўлдингиз, уйимдаги ота-онам не учун ўзгага фарзанд бўлдинг, деса, хўп, бир Худо берган эрсари туркманинг молига учдим, мулким сеники бўлди, деб айтди, дерман. Лекин исботинг қани, деса, не дейман, бир энлик васиқаям ёзиб берақолинг, – дебди.

Чол қавмдошларининг ҳайҳайлашига қарамай бир энлик васиқаям ёзиб боланинг қўлига тутқазиб юборибди.

– Энди бола орттирдим деб хурсанд бўлмайсиз, сиз учун бола эмас, бир бало бўлади бу, – дебди оқсоқоллар.

– Нима бўлгандаям, у менга ўғил фарзанд бўлди, қаёққаям борарди, мулкка эгалик қиласа, мени боқади-да, – дебди бобомиз.

Шуйтиб оқсоқоллар ўпкалашиб турса, боёқиш йигит ўзининг қишлоғига эмас, Митанга қараб от қўйиб қирдан ошиб кетаётганини кўриб қолишибди.

– Энди ўлдинг, бой, – дебди бир кекса, – бу боланинг нияти бузуқ. Шу кетишида у аниқ Каттақўрғонга боради. Васиқани муҳрлатиб олиб, қайтиб бизни қишлоқдан қувиб чиқади.

Бобомиз бошини чангллабди.

– Икки митан – бир шайтон дегани шуякан-да, орқасидан от қўй, қувиб етинглар, – дебди.

Йигит шу кетища Митанга етибди. Одамлар унга етай деганда у от алмаштирибди. Митанликлар буларга от бермабди. У эса Иштихонга бориб тағин от алмаштирибди. Буларнинг оти ҳориб-толибди. Хуллас, изма-из қувишиб Каттақўрғонга бориб тас-

диқлов идорасига етишса, йигит идорадан муртини бураб тиржайиб чиқиб келаётганмиш. Туркманлар бирин-кетин отдан тушиб уни дўппослай кетишибди. Миршаблар аралашиб йигитни ҳақ дейишибди. На бўлғай, ўғил тутинган баччағар келиб бир кечада буларни қишлоғидан қувиб чиқибди. “Отаси”нинг ёлворишигаям қарамай мулкига эгалик қилиб, униям ҳайдаб солибди. Шуйтиб Эрсари авлод яқин атрофда жобдираб, бирор у қишлоқ, бирор бу қишлоқда ўрнашиб, барибир бойлиги камайиб буларга муте бўлиб қолибди.

Очарчилик, сўнг уруш, сўнг тағин қаҳатчилик йиллари – одамларнинг обдон силласи қуриган йиллар.

Отам мулла Калон Бухоро мадрасасида таълим олиб қишлоқда муллалик қилиб бир нави кун кўриб юраркан. Биринчи энамдан бир қиз фарзанд қолган, энамиз касалдан нобуд бўлгач отам яна бир энамизга уйланади, Улаш дегич бир ўғил туғади. Қаҳатчиликда бир камбағал қизини отамга назр қилиб беради. Бу менинг энам Сулув экан. Энам икки қиздан кейин менга юқ кўтаради. Аммо мен отамни кўрмадим. Отамнинг қотилини кўрдим, холос...

Отамнинг тоғаси Толлибой ўркач мардикорчиликка чақирилиб, Қозоғистон тарафларда пусиб юради. Талай йиллардан кейин қишлоғи Кўрсапарга келади. Эски Кўлтўсингдаги “ўғил” унинг хабарини миршабларга етказади. Толлибой ўркач аввал қочиб кетади. Орқасида биргина гўдак қизи Назокатга алағда, тағин қишлоғига келиб Назокатни бегона қўлда қолмасин деб уни қўлтиқлаб тонг аzonда Боғожотнинг қиридан ошиб кетаётганда Митан томондан бир отлик келиб унинг орқа бўйнидан отади. Якка ўқ бўйинни тешиб оғзидан ўпириб, тиши-лабини юлиб чиқади. Тоғамни таниб бўлмай қолади. Эл қатори жасадни отам ҳам бориб кўради. Мурда икки кун чивинга таланиб ётиб

ҳидлана бошлайди. Бирор унга яқинлашишга қўрқади. “Ановилар” тағин сотиб қўйса, кунимиз не кечади, дейди. Отам учинчи куни икки-уч ҳамроҳ топиб кечаси тоғамни мозорга қўмади. Одамзоддан гап қоладими – икки кун ўтмай отам қамоққа олиниб, Каттақўрғон турмасига ташланади. Шу ётишда икки йил ўтади. Турма миршаблари орасида Ёрбек чўнтоқ дегани билан танишади. Гапдан гап чиқса Ёрбек чўнтоқ қоракиссалик эрсари авлоддан экан. Ёрбек чўнтоқ лақабини олганига сабаб у Нурота туманида ўқишга бориб биринчи камзул кийиб келган одам, тенгқурлари, бу чўнтоқни қаранглар, деб масхара қилишган экан. Шу чўнтоқ отамни қочириб юбориб, орқасидан жўрттага ўқ узган, отам ўзини Қорадарёга ташлаган. Дарёдан тўғри сузиб чиқиб Митан, ундан Қўшработга келиб бемалол одамлар билан салом-алик қилиб юрганиш.

Одамнинг авомлигиям шунча бўладими?

Маҳаллий ревком вакиллари энди яна уни қўлга олишади. Бир қанча маҳбуслар билан қўшиб, тоққа қараб ҳайдашади. Шуларнинг ичидаги отамни йўлда отиб ташлаш буюрилади. Бу иш Эшонқул деган наримоновлик одамга топширилади.

Унга “одамлардан бир бўйин четга чиқарасан-да, қочмоқчи бўлди, деб отиб ташлайсан” деган буйруқ бўлади.

У одамнинг юраги дов бермайди.

– Мени қўйинг, бирор топширинг, менинг ўқим Калонга тегмайди, – дейди.

Хуллас, шу одам барибир пўписадан қўрқиб отамни отади.

Бу вақтда мен – икки ёшга етақча қақалоқ энамни эмиб ётган бола эканман.

Орада ўгай акам Улаш ҳам, ўн тўрт ёшлик навниҳол йигит – қўзикиб қазо қилибди.

Энамнинг айтишига қараганда акам бозорга борса отамнинг дўстларидан бири кўриб қолибди.

– Мулла Калонга ўхшайсан, – деб суйибди.

– Ўғли бўламан, – дебди уям.

– Э, баччағар, мулла Калон ўлмаган экан-да!

Шу бир оғиз гап. Акам, ёш бола, лов-лов ёниб уйга келади. Иситмалаб юзи, бадани қорая беради. Ўгай энам бир соатда кўзининг ёлғиз нуридийдасидан айрилиб қолади.

Мен – отамнинг ёлғиз ўғил тирноғи етти ёшимга-ча энамни эмдим. Энам айттар эди:

– Болам, сен илигинг тўқ ўсяпсан, Худо хоҳласа, ёмон кўзлардан паноҳ берса, касал бўлмай ўсасан.

Онам айтганидай бўлди: мана, саксон олтидан ошдим, не доғули кунларни кўрдим, ошқозон, ўпка юрак, буйрак – Худога шукр, ҳаммаси соғ, фақат кўп юрсам оёғим қақшайди, холос. Бундан ҳам ўпкалиги йўқ, оёқ ҳам, саксон олти йил сени кўтардим, бўлди-да, энди, деётгандир-да.

Авлоддан кимдир кўпроқ яшашининг ҳам ҳикмати бордир-ов дейман. Мана, қизиқ мисол, мен отамни отган одамни излаб топдим, гаплашдим. Наримоновда, Пойариқда яшаркан... Ўшанда у олтмишдан ошиб бобой бўлиб қолган экан. Сира бўйнига олмади.

Йиллар ўтиб, мен ҳам ўзимни босиб олдим. У одам тағин кексайди. Жўшда бир тўйда учрашдик.

Қабатига ўтиб секин гапга солдим. Ўшанда у отам қўшилган маҳбусларни Кўшработдан Оқмачитгача олиб келишганини айтди.

– Сўнг менинг отим ўйнаб ловловлади, икки юз қадам четга чиққан эдим, отангни миршаблардан бирори отиб кўйди, кўрмай қолдим, – деди.

– Ие, – дедим. Отини айдим, – Фалончи ака, Кўшработдан Оқмачитгача қанча йўл – эллик беш-олтмиш чақирим чиқар-ов. Отингиз Кўшработда ловловла-

мапти, Ҳасанбобо, Эски Қўшработ, Жўш – ҳеч қаерда ўйнамай, чарчаб, ҳориб қолганда – Оқмачитга келиб ловловладими?

– Эй, Калоннинг ўғли, ўшанда ёш эдинг, сенда интиқом олиш чўтинг кучли эди, бўйнимга олмаб эдим. Қани айт, сен Калоннинг ўғли бўлиб нима жабр кўрдинг?

– Жабр кўрмадим, қайтанга ҳурмат кўрдим. Қаерга борсам, мулла Калоннинг ўғли экансан деб тўрга ўтқазишиди. Ўқидим, уйландим, бола-чақали бўлдим. Ишляпман. Ҳурматим зиёда, – дедим.

– Ана, кўрдингми? Мулла Калоннинг сенга зарари тегмадими – сенинг ҳам унга зааринг тегмасин. Қотганни ивитмаган маъкул – сасийди!

Шу гап бўлди-ю, мен ҳам ортиқ ўсмоқчиламадим. Қолаверса, бу банданинг ҳам бир бегуноҳни отиб ташлашга қўли бормагани аниқ, бу бўлмаса, бошқаси отар эди. Бор ҳақиқат шу. Уни айблаб ёзғириш – шамолга қараб қўшиқ айтгандай гап.

Не бўлганда ҳам, қолган умримда ҳалол ишладим. Ветврач бўлдим. Нурота офтобрўсида молдўхтири Калонов деса ҳануз барча билади. “Калонов” фамилияли одамлар юзга яқинлашди. Улар менинг Оллоҳ ато этган фарзандларим, невараларим, чевараларимдир. Ўғилларим Нуриддин ва Аслиддин юртга танилган рассом, Бадиий Академия аъзолари. Қолганларининг ҳам турмушлари чакки эмас. Мустақилликдан ўргилай, ҳозир нафақам унча-мунча ишлаётган одамнинг маошидан кўп – юз эллик мингга боради.

Фарзанд, невараларимни йўқлаб Нуротадан Самарқанд, Жомбой, Гулистон, Чиноз, сўнг Тошкентга йўлга чиқсан, ўн кун ҳам камлик қиласи уларнинг дийдорига тўйишга. Бир яшаргандай, оёқларимга ҳам кувват ингандай бўламан. Яна “Афросиёб” поездига ўтириб Самарқандга шошаман. У ердаги болаларим

Нуротага кузатиб қўйишади. Нуротага етгунимча бир қанча ҳожи дўсту улфатларим соғиниб туришади.

Шу-да умр, шу-да ҳаётнинг завқу сафоси!
Э, мулла Калоннинг боласи-ей!..

“Баъзи мулоҳазалар туфайли бир хил жой номлари, исмлар ўзгартирилиб, воқеликлар нисбийлаштирилди. Жўрақул Калонов 2019 йил бошида, юз ёшда қайтиш қилди. (Муаллиф).

“Халқ сўзи” газетаси, 2009 йил.

МАЊНАВИЯТИМИЗ ҚАДР-ҚИЙМАТИ

Айрим мулоҳазалар

Мастура холам

Икки ойча бурун адабиёт газетамизда Кўчкор Норқобилнинг бир эссе намо мақоласини ўқиб кўнглимда бир нарсалар кечган эди. Кўнглимдан кечгани ёзишга арзимайди, деб ўйладим ёки ҳафсаласизлик зўр келди шекилли, ёзмадим. Унда китобдан, маърифатдан узилиб, видео ва телевизорга ёпишиб қолган дунёга қараб бонг урилган эди. Кеча эса “Соҳилингдан узилма, дунё!” деган эссесини ўқиб, яна бир қур шунга ўхшаган, айни пайтда унга ўхшамаганроқ кечинмаларимни ёзишга туртки топдим. Бу учун Кўчкор дўстимга, виждони уйғоқ ёш адигба самимий раҳмат айтаман!

Мен ўйлайманки, миллатнинг, юртнинг бутунлигига, мањнавиятига, ҳатто моддий бойликларига рахна соловчи ҳар қандай куч ёки шахс ўз вақтида қаламкашлар томонидан аёвсиз танқид қилиб турилиши, аксинча бўлса, керагида мақтаб ҳам турилиши керак. Жамиятнинг юзида фақат қора доғларни кўрувчи ёки айрим шаклларни умр бўйи шон-шарафга буркаб ўтгувчи журналистларга бир нарса дейишим қийин... Худо инсоф берсин уларга.

Президентимиз талай йиллар олдин, шарм-ҳаё, мањнавият деган тушунчалар, айтинглар-чи, яна қайси халқда бор, деганини эшитиб ҳайрон бўлганман: умр бўйи ижтимоий фанлардан дарс бериб келган домла ёки қалам аҳларидан бири эмас, айнан Президентнинг ўзи топиб айтаяпти-я буни!

Бу орада Республика мизда бутун бир мањнавият тизими, керак бўлса, институти шаклланди. Албатта,

ундан кўзда тутилган мақсадга мувофиқ маънавий тизимнинг иши бундан ўн карра самаралироқ бўлиши мумкин эди. Бироқ... Сирасини айтганда, унинг сабаблари бориб-бориб ҳаммамизга тақалиб тўхтайди...

Болалик давримда қазо қилиб кетган Мастура деган холам бўларди. Ўзи тўладан келган, кўкраги тўла шода мунчоқ, икки қошининг ўртасини жуволдизда ясалган майда холлар қўшиб тургувчи, овози бир оз бўғиқ бўлса-да, ўқтам аёл эди. Гарчи биз туғишган жигарлар бўлмасак ҳам, беш уй нари турувчи холаникига ийманмай чопиб борардик. Кўпинча қиши кезлари шифтга осиғлик қамиш саватдан турли хил ҳўл меваларнинг қоқиси, беҳи, туршак ва бошқа шириналик-тортиқлар ҳадя этарди. Табиийки, биз болалигимиизга бориб бир-биримиз билан талашиб-ёқалашардик. Шунда холам тушмагур “уют бўлади” деган сўзни шунақа таъсирли қилиб, ўнг қўли кўрсаткич бармоғини ёноғидан тортиб кўрсатардик, кўзлари олайиб кетарди. Бу ҳолат чиндан таъсирли эди. Сўнг томоғини чўқиллатиб, бошини чайқаб биримиз-бири-миздан олти ойлик катта ё кичикилигимиизга, биримиз бўйчанроқ, биримиз нимжонроқлигимиизга қараб танбеҳ бериб кўярди. “Эҳ, афсус, сен нодон бола бу ишинг уят эканлигини билмадинг-а!” дегандай бир таъкид бўларди унда. Бу ҳозирги катта одамга: “Эркак киши ҳам овқат талашадими? Нафсинг учун шу қадар шармандаликини раво кўрдингми? Бўй-бастингдан дев ҳуркади, иснод эмасми?” деган танбеҳдан ҳам баландроқ пардада, тамом шармисорлик танқиди билан айтилардик, биз ҳали эси кирмаган бола бўлсак ҳам, қулоқларимизгача қизиб уялиб кетардик. Қўлимиздаги туршак таъмсиз, арзимасдек туюлиб қолар, кимдан тортиб олган бўлсак, ўшанга ихтиёрсиз равишда берардик, гарчи кечирим сўрашга ақлимиз етмаса-да, бу одамгарчиликдан эмаслигини қалбдан ҳис қиласдик.

Мастура холам бўлса, энди бу ишни билмай қилиб кўйди, ўзи асли эс-хушли, ақлли, гапга тушунадиган бола, бошқа ҳеч қачон бундай қилмайди, деб меҳр кўрсатиб бизни алқаб қўярди. Мастура холам бизни танбеҳ билан руҳсизлантириб юборса безиллаб қолишимизни ҳис қиласарди, шекилли, одобсиз, уятсизлигимиздан кейин ҳам бир қур меҳрибончилик қилиб қўярдик, кейинги гал тағин “Мастура хола-а!” деб шаталоқ отиб бораверардик.

Фарзандлари улғайиб, ана-мана невара кутаётган кампир учун қишлоқ болаларини бағрига босиш нима керак эди, бундан нима фойда бор эди, деб ўйлайман...

Афсуски, бугунги мен сингари қирқ ёшни қоралаётган эркак ё аёлгина эмас, кўпчилик чол-кампирлар ҳам мана шу “фойдали” иш ҳақида худди шундай ўйлайдилар.

...европалашиб боряпмиз!

Европа маънавиятсизми?

Бир ғалати талқин бор: файз-бараканинг микдорини ўлчаб бўлмайди. Статистик ҳисобини чиқариш нуфузли ташкилотларнинг ҳам қўлидан келмайди. Унда илоҳийлик бор дейиш мумкин, холос. Аммо маънавиятсизлик, шармсизлик оқибатлари мавжуд. У шундоқ кўз олдимизда намоён бўлади. Керак бўлса, намоён бўляяпти ҳам.

Европа шармсизлигининг маҳсули бўлган киноларни кўряпмиз. Ҳаё, уят деган нарсаларни буткул эсидан чиқариб қўйган, реклама кўзгусига айланган шир яланғоч қизлар ҳам дийдамизни қотириб бораётгани бор гап. Уларни ўзимиз ҳам, хоҳламасак-да, фарзандларимиз ҳам кўраёттир. Боламизни, буни кўрма, деб уришамиз, дарҳол телевизорни бошқа каналга ўтказамиз. Жаноб Европа худди асабингизга ўйнаёт-

гандек бошқа каналда ҳам бундан баттарроқ манзарани намойиш қилиб туради. Ўзбекистонга бурайсан, журналист қайсиdir ширкат хўжалигининг раисини далага опчикиб алмисоқдан қолган саволларни беради, юксак муваффақиятнинг сабабларини ўсмоқчилаб сўрайди, бу қўрсатувнинг эса ўша раис билан тележурналистдан бошқа бир кишигаям қизиғи йўқ. Ҳатто ўша ширкат аъзоси бўлган деҳқонгаям қизиқ эмас. Чунки шу раис гарчи режа бажарилса-да, унга неча йиллардан бери маош бермайди, яна миллионлардан гапиргани ортиқча. Ўғлинг бўлса, фалон каналдаги Жеки Чаннинг киносини кўрмоқчи. Ўн дақиқадан кам давом этмайдиган рекламанинг поёнини кутаётir. Аммо унгача неча яланғоч таналар кўз-кўз бўлиши, неча лаблар қовушиши ва носвой билан героиндан бошқа ҳамма нарсаларнинг рекламасига мунтазир таналар экранга чиқиши керак. Алҳол ҳали мактабга бормаган олти яшар қизинг: “Дада, мен кўзимни бекитиб туряпман, кино бошланганда очаман”, – деб қолади. Сесканиб кетасан...

Қизинг бу нарсаларнинг уят эканини яхши тушунади. Чунки уят нарсани кўрса, ойиси ё дадасидан танбех эшитади. Аммо Европаси тушмагур нуқул тескари иш қиласи-да. Нима қилишни билмай обдон гаранг бўласан.

Ота бўлганингдан кейин бу нарсаларни ўйлайсан. Норасиданинг келажаги ҳали олдинда эканини эслаб ўйга ботасан. Абдулла Ориповда бир ажойиб сатр бор: “Оталар жимгина олар хавотир”...

Сен-ку ёнингдаги болангни уришиб, танбех бериб турибсан, анави экрандаги либоссиз қизнинг ҳам ота-онаси, тоғаси, бобоси йўқми, ўшалардан уялмайдими? Бу саволни ақл тиши чиққан болангдан эшитсанг яхши, албатта. Лекин у бир умр шу савол хаёлига ҳам келмай, аслида менинг ота-онам замондан орқада

қолиб кетган қолоқ одамлар деган фикрда ўсаётган бўлса-чи? Бундан оғирроқ, бундан даҳшатлироқ савдо борми дунёда?

Европалик боласи улғайгач, уни пул топ деб ўз ҳолига ташлаб қўяди. Энди у нима қилиб бўлсаям пул то пиши, ўзининг аравасини ўзи тортиши керак. Шу туфайли у бир йигитнинг баҳтини очиб юбориши мумкин бўлган топ-тоза, узумнинг сувидеккина қизининг беҳаё қилиқларига парво қилмайди. Ёки ўша қиз онаси билан худди Эсмеральда ва унинг онаси каби бир суткада 24 соат севги ҳақида сўйлашиб оғизларининг таноби қочиб ётади.

Худо умрдан қисмаса, тағин 25–30 йилдан кейин хотининг кампир, сен чол бўларкансан деб ўйлайман баъзан. Хўш, ўша пайтдаги фарзандинг ё неваранг қай ҳолатда бўларкан? Замоннинг шиддати қошида кўпинча лол қоласан. Бироқ давр шамоли ҳеч қачон сенинг истагингга бўйсунмайди. Унинг ўзининг тўфонлари, гоҳо сусайишлари бор, олдиндан фалон нарса бўлади деб сира каромат қилиб бўлмайди. Айниқса, ҳозир.

“Кругом ёлғончилик!”

Куз бошланди дегунча дехқоннинг оёғи дала-дан аrimай қолади: ҳосилни йиғишириш керак! Куз бошландими, газета-журнал муҳаррирларининг ҳам пайтавасига қурт тушади: обунага югуриш керак. У дехқонларнинг бошлиғи этагидан тутади. Мана, пахтага, теримга пул тушсин, одамларимизни обуна қилдириб берамиз, дейди дехқонлар раҳнамоси. Теримчи терим пулига обуна бўлишни хоҳламайди. Биринчидан, унга тирикчилик учун пул керак. Иккинчидан, обуна бўлганинг билан почтачи газета-журнални опкелиб бермайди, бекорга пулингга куйганинг қолади. Яхшиси...

Кузнинг охирларида дехқон раҳнамосига сим қоқиб: ака, обуна суст-ку, ваъда қилгандингиз, деб жаврайди муҳаррир. Раҳнамо бўлса, мана, режа охирлаб қолди, уддаласак, пахтазавод хўжаликларга пул туширади, иннанкейин нақ мингта обуна қилиб юборамиз газетангизга, деб ишонтиради. Бекорларни айтади. Мингта эмас, ўнтаям обуна қилиб бермайди. Чунки у режани уддалаёлмайди, янги йилгача пахта териб амаллаб режани уддаласа ҳам охирида, муҳаррир ака, режани-ку амалладик, аммо пахтамизнинг сорти чатоқ, бешинчи сорт пахтани гугуртгаем алмashiб бўлмас экан, биз зарар билан чиқдик, ким билади, энди бу ёғи нима бўлади, деб қўя қолади. Муҳаррир газета саҳифасида раҳнамони мақтаб мақола ёзганига, унинг гапларига ишонганига афсус чекади. Қайтанга шаҳарлараро алоқага чиқавериб телефон пулига куйгани қолди. Хўрсиниб гўшакни қўяркан, бир дўстининг ишонч билан гапиргани ёдига тушади: “кругом ёлғончилик!”

Кимга ишонса бўлади ўзи?

Савод масаласи

Камина ўз бошимдан кечгани, кечиб ётгани учун айнан муҳаррир савдосидан айтдим. Мисол, у газетада чоп этаётган мақола ва асарлар чунон салмоқли, саводли, маърифатли. Аммо... афсус, ўқийдиган одам йўқ. Йўқ эмас, албатта, бор. Азалдан шу газетани ўқиб келаётган содик ўқувчилар, домлалар, ижодкорлар. Улар ҳам аксарият газета дўконларидан сотиб олиб ўқишади. Обуна баҳоси қимматлиги учун вақтида обуна бўлмайди. Боз устига матбуот тарқатувчиларнинг масъулиятсизлиги туфайли ё кеч олади, ё бутунлай ололмайди. Сотув ишончлироқ.

Ҳарқалай, ўқишади.

Бироқ кези келган замонда бир миллион нусхада чиққан бу газета мұхаррири учун “обуна бўлинглар” деб республика бўйлаб ҳар кимнинг этагига осилиб юришнинг зарурати йўқ эди.

Ҳеч бир иш осон эмас. Аммо ҳозиргидай чигал бир даврда маънавият ва маърифат, унинг нашрлари савдосини йўлга қўйиш яна ҳам мураккаблашди. Агар матбуот яхши чиқмаётган, замондан орқада қолаётган, савияси паст бўлганида ундан ўпкаласа бўларди. Қизиғи шундаки, нега фалон нашрни ўқимайсан-у, буни ўқияпсан, деб ҳам бўлмайди-да бирорвга. Камина ҳалқ таълими тизимидағи талай нашрлар ўз йўлига, аммо ўқувчилар, талабалар, керак бўлса, ўқитувчилар маънавий дунёсини бевосита кенгайтиришга, адабиёт ва маърифат оламининг янгиликлари билан танишишга астойдил хизмат қилаётган “Тафаккур”, “Жаҳон адабиёти”, “Ёшлиқ”, “Шарқ юлдузи”, “Ёш куч”, “Синфдош” журналлари, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталиги каби нашрлар савияли, фойдали, керак деб ҳисоблайман улар учун.

Баъзан ҳайрон бўламанки, бирорлар “Ёшлиқ”, “Шарқ юлдузи” деган журналлар ҳақида, ҳозир ҳам чиқадими, деб сўраб қолишиади. Жаҳлим чиқса ҳам, ҳали-ҳамон уларнинг борлиги, чиқиб тургани, фалон-пистон ёзувчиларнинг фалон асарлари босилаётганини батафсил тушунтиришга ҳаракат қиласман. Кўрдингизми, улар “бир пайтлар қизиқ романлар босадиган” бу журналларнинг бор-йўқлигига ҳам қизиқмайдилар. Демак, дўконларга умуман яқинлашмайдилар.

Бир гал ички ишлар ходими ҳарчанд тушунтирмайин, “Ёшлиқ” журналини “Ёшлар” телеканали деб тушуниб, “Ҳандалак”ни кўриб тураман, деганини эшийтдим-да, роса ҳафсалам пир бўлди. Бу зот, эҳтимол, газета, китобни тасаввур қиласар, аммо бу дунёда газетадан каттароқ, катта китобдан кичикроқ вараклаб

ўқиладиган журнал деган нарса ҳам мавжуд эканини бутунлай билмас экан. Мен, бечора шуларнинг ичида “Ёшлик” деган журнал ҳам борлигини беҳуда тушунтириб ўтирибман.

Бир танишим йўл хавфсизлиги хизмати ходими унинг ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйиб баённома тузганида, азбаройи ходимнинг бадхат ва бадсаводлигидан қайта-қайта ўқиса ҳам ҳеч балони тушунмаганидан нолиб гапирган эди. Ёмони шундаки, у саводсизлигидан заррача хижолат ҳам чекмади, кейин мен жаҳлим чиқиб баённомага қўл қўймадим, лекин барибир жарима тўладим, дейди танишим.

Камина, ўзим оғиртабиат бўлганим билан мудом ичимда бир қарши куч яشاшига иқрор бўлганман. Бу куч шундан иборатки, саводсиз одам билан ҳеч муроса қилолмайман. Яхшиси, уни ташлаб қочиб қоламан. Чунки у ҳамма нарсага ўзининг билимсизлигидан келиб чиқиб баҳо беради, сениям ўз фикрига қўшилишга ундаиди.

Саводсизлик – одамзоднинг энг катта айби.

Кейинги вақтларда олий ўқув юртларида иншо деган нарса бутунлай истеъмолдан чиқиб кетди. Мен ўйлайманки, шунинг ўрнини босувчи, қандайдир эркин фикрлаб ёзадиган ёзма ишларни йўлга қўйиш керак. Ҳар қандай маълумотли одам даставвал ёзиш жараёнида илм ва хуснихатини, сўнгра фикрлаб ёзиш малақасини ўзида шакллантиради. Тайёр тест синовлари эса бундай малакани беришга қодир эмас.

Маърифат ва орият

Китоб одамнинг саводини ўстирибгина қолмайди, балки дидини, савиясини ҳам ривожлантиради. Шу маънода бадиий адабиёт ҳамма жабҳадаги одамлар учун ҳам керак. Негаки, зўр бадиий асар ишқибози

безорилик, каллакесарлик ёки ишратбозлиқдан нари юради. Адабиёт, ҳатто у дидактикадан иборат бўлса ҳам, инсон маънавий дунёсини поклайди, ўқувчи ўзига ўхшаган образни асарда кўрса қўшилиб эзилади, кувонади, гуноҳлардан қочади, ўйлади... Ҳа, у ўйлади.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг шу йил ярим йиллик якунларига бағишилаб ўтказилган йиғилишида қишлоқ одамлари ҳаётидаги қийинчиликлардан куйиниб гапирди. Газ бўлмаса, электр токи бўлмаса, ичимлик сувни ташиб ичса, бу ҳам етмагандай унинг шундоқ ҳам кам маошини 5–6 ойлаб беришмаса.

Бу одамлар газета, журнал, китобни сотиб олиб, ўқишига тоқати борми?

Шаҳардаги бола телевизорга ёпишиб олган, китобга яқинлаштиrolмайсан. Қишлоқдаги болада эса ҳар иккаласиям йўқ.

Икковигаям бир хил маънавий мадад керак. Юртимиздаги 60 фоиздан ортиқ одам қишлоқда яшаётганини инобатга олсак, маънавий-маърифий ишларни жонлантириб, йўлга қўйиб юбориш эҳтиёжи нақадар долзарб экани аён бўлади.

Обуна бўлмаган одамни обуна бўлмагани учун айблаб бўлмайди. Аммо мутлақо ҳеч нарса ўқимайдиган одамни нима деб аташ керак. Уни камида ноинсоф дер эдим.

Макулатура билан бизнес қилувчи бир укамизнинг омборига йўлим тушиб бориб қолдим. Тахминан 4–5 тонна макулатуранинг қарийб ярми бадиий китоблар эди. Уларнинг аксариятида кутубхоналарнинг тамғалари, яъни шифрлари ёзилган... Тавба, деб ёқамни ушладим: Навоий, Бобур, Пушкин, Шекспир, жаҳон адабиётининг букинистик дўконларда ҳам топилмайдиган ўнлаб китоблари! Ўрнига қофоз бераман деб китоблардан 15–20 тасини териб олдим. Аммо қолганларини ҳам кўз қиймайди. Бир кишига илтимос қилиб ўша

китобларнинг рўйхатини туздирдим. Булар З мингдан зиёд китоб эди. Китобларнинг рўйхатини компьютерда кўчириб заҳматкаш олим, миллий кутубхона директори Абдусалом Умаровга олиб бордим. У киши хайрихоҳлик билан кутиб олди. Ўзида йўқ асарларни сотиб оладиган бўлди. Ҳар тугул, шунча китоб бехуда қоғоз бўлиб нималаргадир ишлатилиб кетмасин дедим-да.

Шу китобларни тўплаб макулатурага топширган одамга унинг килоси, тоннаси ҳисоб. Шунга қараб у макулатура олувчидан пул олади. Китобнинг муаллифи, унинг қадри унга бир пул! Тош босса бўлгани!

Бундай эгасизлик, ўша тамғалардаги манзиллардан билдимки, юртимизнинг ҳамма еридаям бор. Ким уларга бу китобларни макулатурага топширишга буйруқ берган, ҳайронман. Республикаиз бўйича ҳар куни тонналаб макулатура қоғозлари ичидаги минглаб маърифат улашиши мумкин бўлган бундай асарлар борлигини ўйласанг, юрагинг орқага тортиб кетади.

Уларга “ноинсоф” деган сўзнинг ўзи камлик қиласи, ғирт жиноятчилик эмасми бу? Бу ишларнинг наҳотки на сўроғи, на жавоби бўлмаса!

Ўзимни қаламкаш, демакки, маънавий-маърифий ишларга дахли бор киши деб ҳисоблаганим учун эгасиз китобларга жоним ачиди. Аксинча, маънавият марказларидағи, қишлоқ кутубхоналаридағи бор китобларни увол қилиш ўрнига, янги нашрлар, ҳар бир газета, ҳар бир журнал ва китоблардан жиллақурса бир нусхадан етказиб беришни, қишлоқ одамлари ҳам уларни ўқиб баҳра олишларини йўлга қўйиш зарур деб ўйлайман.

Бугунги адабиёт

Ҳозирги адабиётимизда жонланиш бор, ҳатто буни бир парда юқорироқ кўтариб юксалиш дея

мақтаб қўйгим келади. Бир пайтлар “Шеър кўп, шоир-чи?” “Шоир кўп, шеър-чи?”, “Адабиёт ўладими?” деган мунозара, баҳслар бўлган эди. Аммо у баҳсларнинг адабиёт ривожига қай даражада таъсири бўлгани ҳақида бир нарса деб бўлмайди. Ҳартугул, адабиёт қозони қайнаб, унинг атрофида эътироф ҳам, эътиroz ҳам, қизғин баҳс ҳам бўлиб тургани яхши.

Бахром Рўзимуҳаммад шеърлари қаторида турли мавзуларда муҳокама, баҳс қилса бўладиган кўп мақолалар ёзди. Ҳеч ким унга эътибор бермади. Навоийшуносларимизнинг ҳам эринчоқлиги тутган, шекилли, Б.Рўзимуҳаммад “Гули Навоийнинг маъшуқаси эди” десаям лоақал бу исбот талаб қиласиган нозик масала-ку, деб қўя қолишмади. Қизиқ бир ҳолат.

Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” деган романи ҳақида устозимиз У.Норматов бир сұхбатидаги фикрлардан ташқари деярли ҳеч ким ҳеч нарса демади. Тўхтамурод Рустамнинг “Капалаклар ўйини” романи ёхуд Абдуқаюм Йўлдошнинг қатор қиссалари ҳақида ҳам бирор пинагини бузиб бир гап айтиб қўймади. Ёки Зулфия (Куролбой қизи) Йўлдошеванинг жудаям бақувват ҳикоялари эълон қилиндиям, тағин жимжитлик.

Майли, фикр айтмади, деб бирорларга иддао қилиш ҳам ярашмайдиган иш. Бундан қатъи назар Ш.Бўтаев, Л.Бўрихон, Қ.Норқобил, Н.Норқобилов, И.Шомуродов сингари ёш адиларнинг асарлари, қиссалари матбуот юзини кўрди. Юқорида саналган муаллифларнинг асарларида бугунги одамлар, ёшлар тақдирлари, ўйлари бир қадар кўламли, бадиий жиҳатдан пишиқ талқин этилган. “Мувозанат” романи эса тамомила янги асардир. Бугунги ёш зиёлининг тақдир-кечинмаларини барча мураккабликлари билан ифода этолган бошқа мукаммал асарни топиш қийин. Бунинг учун ёзувчидаги етарли дунёвий-ухровий

билимдан ташқари баланд истеъдод, қувваи ҳофиза, чигал мاشаққатлар ҳам зарурлигини ҳисобга олсак, “Мувозанат” муаллиф У.Ҳамдамнинггина эмас, ҳозирги ўзбек насрининг улкан муваффақияти деб эътироф этишга арзиди.

Наср шеърият ва публицистикадан фарқли ўлароқ оғиркарвон жанрдир. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида у замондан орқада қолиб кетгани, яъни ҳамон шўро одамлари анча муддат асарларда дунёни тарқ этолмай ғимирсиб юргани бор гап. Бугуннинг асари бугуннинг одамлари, уларнинг бугунги кечмишлиари ва ўйлари билан қизиқ. Шу боис 93-йилда берилган “Адабиёт ўладими?” деган саволга: “Шукур, ака, адабиёт ўлмайдиган бўлди”, - деб жавоб берса бўлади.

Хуллас, наср бугуннинг руҳига тушиб олди.

Хулосаи калом

“Эгамен” деган сўз бор, 1989 йилда ардоқли шоиримиз Эркин Воҳидов бир сухбатида “бизда эгаменлик, яъни, бу юртнинг эгаси ўзимман” деган туйғу етишмайди, деган эди. Мана, мустақиллик давримизнинг ўн иккинчи йилида яшаяпмиз. Бугунга келиб эгаменликдан бошқа тушунча энди бизга ёт бўлиб қолди. Шу азиз ватаннинг ҳар бир нарсаси ўзимизга тааллуқли эканини ҳис қилмай, Ғафур Ғулом сўзи билан айтганда, бироннинг меҳрли сўзи “нондек арзанда” бўлиб яшадик. Энди у вақтлар тамом орқада қолди.

Устоз шоиримиз Абдулла Орипов Япония сафаридан қайтиб келгач: қаранг, уларда бизники сингари битмас-туганмас табиий бойликлар йўқ. Ўзларида мавжуд ўрмонлардан ҳам бирорта дараҳт кесмай, келажак авлодга асраб қўяётган экан. Ўзларига керакли ёғочни Канададан сотиб олишаркан. Уларнинг бутун бойлиги кашфиётларида ва одамларининг тиниб-тин-

чимаслигига экан. Бу бизга ўрнак бўлиши, ялқовликни ташлашимиз керак, деди.

Албатта, камина маънавий туриш-турмушимиз, маърифат ва адабиёт ҳақида баъзи ўйлаб юрганларимни ожиз қаламим билан ё ифода этдим, ё ифода этолмадим. Муҳтарам Президентимиз журналистлар ва ижодкорларга кўп бора билдирган рағбатларидан илҳомланиб эътироф ҳам, эътиroz ҳам ўз вақтида бўлгани яхши деб ўйладим. Шу, холос.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”,
2008 йил, 28-сон.

ХОЖА НОНБЕР ОТА ёхуд Кувкалла қишлоғининг тарихи

Юртимизда зиёратгоҳлар кўп. Ҳар бирининг ажиг тарихи бор. Бир-биридан қизиқ, бир-биридан аломат. Бирини биридан сира паст қўйиб бўлмайди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз ташаббуси билан Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Исмоил Бухорий ва бошқа улуғ аллома ҳамда авлиёларнинг масжид-мақбаралари халқимизнинг кўзга тўтиё қилгулик зиёратгоҳларига айлантирилди. Шарқ ва бутун дунё мусулмонларига оқил маънавий йўлбошчи бўлган Мотрудий, Марғиноний зиёратгоҳларининг барпо этилиши-чи? Бу тарихда бизга иймон-эътиқод, илм, заковат маёғини ёқиб келган улуғларимиз арвоҳларига халқимиз, ҳукуматимизнинг чексиз эҳтиромидир. Мазкур ҳурмат-эъзоз муттасил давом этаётир. “Хотира хиёбони”, “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлиги бунёд этилганига кўп бўлгани йўқ. “Қатағон қурбонлари” хотира музейининг очилиши ҳам юқоридаги фикрларимизнинг исботидир. Зоро, Президентимиз таъбир этганидек, тарихий хотира – халқнинг келажагини белгилайди.

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, бу ҳурмат-эҳтиром рамзи ҳисобланмиш кўркам, юксак иншоотлар қурилиши замирида эҳтиромдан бошқа яна бир катта маъно бордир. Бу ҳам бўлса, меҳнаткаш, заҳматкаш, жафокаш халқимиз маънавий руҳини кўтариш, бекиёс қатағон ва адолатсизликлар гирдобида синган кўнгилларга далда, кувват беришдир. Бинобарин, нариги асрнинг 30-йилларида, уруш йиллари ҳамда шўро даврининг тинимсиз хунхўрлик, қонхўрлик, ноодил сиё-

сатини кўриб келаётган қўзи тириклар қанча? Улар учун бугунги қунлар мисоли бир эртак. Ҳа, эртак!

Мен бир нарсани ўйлайман. Тарихда қилич, найза, қурол, фатҳ, куч билан салтанат барпо этганлар, шунинг орқасидан хонлик, шоҳлик мартабаси ва шуҳратини топганлар бор. Улар кўп. Аммо ўтган азиз-авлиё оталаримиз-чи? Тамом бунинг тескариси. Парҳез, бе-озорлик, тоат-ибодат, илм йўлидаги тинимсиз риёзат орқасидан шоҳлар ҳам эриша олмаган юксак мартаба соҳиби бўлганлар. Улар қиличидан қон томган шоҳлардан кўпроқ... Ва яна қизиғи, ҳатто ўз номларини ҳам яшириб, тезроқ хоки-тупроққа айланишни қўмсаганлар. Биргина Аҳмад Яссавий ҳазратларини эсланг, Аллоҳ унга узун умр ато этганига қарамай пайғамбар ёшига етгач, ўзини қоронғи ертўла қаърига олган. Усти тупроқ, ости тупроқ...

Ўтган азизлар тарихига чуқурроқ назар солсангиз, улар ҳар бир қишлоқдан топилади. Бундай азиз қадамжолар Ўзбекистонда ўнлаб эмас, юзлабдир.

Юртимиз раҳбарининг бу борадаги оқилона сиёсати, ғояси ва маънавий далласи туфайли уларнинг ҳар бирининг тарихи тикланяпти, зиёратгоҳлар қурил япти.

Камина Кўшработ туманинг Қувкалла деган қишлоғида туғилганман. Мактабда ўқиб юрган пайтларда қишлоғимиз тарихи нега “Қувкалла” деб аталиши тўғрисида баъзи кексалардан узуқ-юлуқ афсоналар эшитар эдим ва бошқа тенгкурларим қатори ота-оналаримизнинг чала-чулпа эътиқодлари асосида вужудга келган тасаввуримиздаги кўримсиз масжид, (бу ерда фақат ҳайит қунларигина 5-10 чол намоз ўқирди, жума намози ҳам ўқилмас эди) унинг ёнидаги кичик бир хужра, ҳатто атрофи ўралган чангальзор ва дараҳтлардан ҳам қўрқар эдик. Эмишки, мана шу дараҳтнинг бирор шохини бехосдан синдириб қўйсанг, оғзинг қийшайиб

қолади, ё бирор балога гирифтор бўласан. Фалон вақти пистончи ўтаётиб оти билан йиқилиб тушибди, ўлибди, тентак бўлиб қолибди, кўзи оқиб тушибди... ва ҳоказо. Ваҳимали, қўрқинчли гаплар эди улар.

Балки собиқ шўронинг қаттиқ сиёсати туфайли одамлар хотирасида қолган чала-ярим, у ҳам бўлса тушунмаслик оқибатидаги бидъат бир тушунча, қўрқинч ва ваҳимагина қолган эди, холос.

Мустақиллигимизнинг ёқимли шабадаси ўлароқ вужудга келган конституцион хуқуқ, виждан ва дин эркинлиги ҳам бу қишлоқларга бир оз кечикиб кириб келган. Диний билимларни очиқ кўз билан, эмин-эркин ўргатадиган янги ўқув юртларига ҳам одамлар “қандай бўлар экан” деган шубҳа-гумонлар билан болаларини кейин-кейин ўқишга жўнатадиган бўлдилар.

Бугун масжидда ҳам, турли диний байрам ва маросимларда ҳам қироатдан тортиб қоидасигача била-диган, ўқиган, очиқкўз фарзандлар, ҳақиқий билимли ёшлар кўмакдош бўла бошладилар.

Қишлоқ тарихи ҳақида ҳам одамлар энди чинакамига қизиқа бошладилар. Нонбер ота ўтмишини ўрганиб, қаровсиз қолиб кетган мақбара-хужрани ҳам қайтадан қуришга жазм этдилар ва Нонбер отамизнинг шажарасини суриштиришга тушдилар.

Аввалдан қолиб келаётган ва баъзи тўпланган маълумотларга асосан қуйидагилар аён бўлди.

Нонбер ота чинакам авлиё киши бўлган. Бундан 430–450 йил миёнаси илгари яшаб ўтган. Асли исми Жиянбек полвон бўлган, отасининг исми Тўғой, укасининг исми Нўғой бўлган. Иккита хотин олган. Биринчисидан Ойбош, Жумаш, Қурбалаш, Бегмаш, Узун кавеш, Қилич исмли, иккинчи хотини – Тўқолдан Қайдал исмли ўғиллари бўлган.

Ҳам полвонлик, ҳам авлиёлик рутбасига эриша олган. Фаридуддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” аса-

рида ўнлаб валийлар ҳикмати баён этилади. Тасаввуф аҳли хусусида бошқа асарлар ва ушбуни ўқиб бир хулосага келиш мумкин: ҳаракат, парҳез, илм, заковат заҳмати билан валийликка Худонинг инояти ўлароқ эришиш мумкин, аммо пайғамбарлик эришадиган мартаба эмас.

Жиянбек полvon отамизнинг ҳам “Нонбер ота” тахаллусли авлиё бўлиб етишишларида парҳез ва ибодат етакчи асос бўлган. Мен ўзим она томонидан бобом Тинибек Жонибек ўғлидан бирталай ривоятлар эшитганман. Арвоҳлари шод бўлсин Тинибек бобомнинг, жуда қумқулоқ, доно одам эди. Кўп достонларни ёддан айтиб берарди.

Бобом тарихий далиллар билан келтирмаса-да, ўндаидай таъриф берган: Нонбер ота авлиё эди (гап Жиянбек Баҳодир бобомиз ҳақида кетяпти, нима учун “Нонбер ота” тахаллусини олгани қуида англашилди). Авлиёликка бундай эришган эди. Худодан ризқ ўрнига фақат ушоқ сўрар эди. Фақат тўкилган-сочилган ушоқлар билангина кун ўтказар, шу учун кечаю кундуз Парвардигор эгамга шукrona айтар, тоат-ибодат қилар эди. Қаҳатчилик йили келиб, ҳатто ушоқни эмин-эркин топиб ейиш ҳам машаққатга айланади. Бобомиз танг аҳволда қолади. У қушларнинг тилига тушунар эди. Бир қуш сайраб уч қир наридаги булоқ этагидаги балчиқда ушоқ борлигини англатади. Бобомиз у жойга етиб борса, қарға, олашақшақ балчиқни чўқиб ушоқ талашиб ётибди. У киши паррандаларга шерик бўлиб балчик аралаш ушоқ теришга тушади. Ниҳояти очиққанидан булоқ сувига битта-битта чайиб олиб оғзига ташлайверади. Шу асно хўрлиги келиб юм-юм йиғлайверади. Фойибдан шунда бир нидо келадики: “Эй Жиянбек, сенга валийлик ато этдик. Ноn кароматини бердик сенга!”

Бобомиз қараса тўнининг қўлтифида иссиқ, билқиллаган ширмойи нонлар тўлиб турибди.

Ажабланган кўйи қир ошиб келган жойи – сой бўйига тушади. Сой бўйидаги ҳозирги мачитнинг ёнига келади. Ўтган-кетган муҳтож одамларга нон улашади. Негадир нон камаймайди. Совимайдиям. Умрбод шундай ўтади. Очқаганни кўрса нон берди, бераверди. “Нон бер!” деб келувчи кўп бўлди. Лекин нони тугамади. Камаймадиям. Щуйтиб у киши “Нонбер ота” бўлди.

Асрлар давомида оғиздан оғизга ўтиб келаётган бу ривоятга ишонгинг келади. Ахир, бекордан бекорга “Нонбер ота” деган атама пайдо бўлиб қолармиди?

Нуроталик тарих билимдони Жўракул бобо Калоновнинг шаҳодат беришича, ул зотнинг асли исми Жиянбек Баҳодир. “Баҳодир” тахаллусини олганининг боиси, у киши полвон одам бўлган. Бу офтобрўда унинг курагини ер искатгани топилмаган. Бўгажили қавмидан бўлган. Демак, биз қувкаллаликларга ота зот, эна зот.

Бўгажили қавмининг келиб чиқиши салкам 700 йиллик тарихга эга. Каспий бўйларида Катта Абильхон, Кичик Абильхон деган йирик деҳқончилик ерлар бўлиб, унга қабила бошлиғи Эрсари етакчилик қилган. Бу жойларда кейинчалик одамлар марказлашиб яшайдиган ҳозирги Шевченко шахри бунёд бўлади. Эрсарининг тасарруфидаги ерлар ниҳоятда катта бўлганидан бошқа муҳтож қабилаларга ижарага ҳам берган. Эрсарининг отаси Кулхўжани мўғуллар ўлдиради. Эрсарининг икки акаси Тақабой, Шовдирбойлар эди. Кулхўжа ўлгач, кампири – Тақабой, Шовдирбой, Сорибойларнинг онаси: “Оталаринг учун ўч олинглар, болаларим”, – дейди. Тақабой бу таклифга рози бўлмайди. Шовдирбой ҳам унамайди. Сарибой чиқиб ўзи ўч олади. Бориб душманни қонга белайди, қон юқи қиличини онасига кўрсатади. Онаси: “Асли эр йигит ўзинг экансан, сен Сарибой эмас, Эрсарисан”, – дейди. Шундан сўнг халқ уни Эрсари атаб кетади.

Эрсаридан Иналғози, Зайналғози, Мустафокулғози деган ўғиллар, Момо исмли қиз тарқалган.

Иналғозидан Тўра деган ўғил қолади. Ундан Лайно, Сўқмон деган ўғиллар, Сўқмондан Чоршанби исмли ўғил туғилади.

Зайналғози икки ўғил кўради. Улуғтўба, Қунаш.

Буларнинг авлодлари Каспийдан тортиб то Амударёнинг икки қирғоғи, ҳатто Бухоронинг Қоракўлигача тарқалиб келган.

Хуросон беги Камабек Эрсарибийнинг қизи Момонинг қўлини сўрайди. Эрсари қизини бермайди. Камабек келиб Эрсарини ўлдириб, қизини опкетади. Фарзанд кўрмагач, катта бойлик билан қайтариб олиб келиб ташлайди.

Эрсарибий авлодлари Амударё бўйларида жойлашгач, бизнинг аждодларимиз Орол бўйларига тарқала бошлайдилар. Улар жуда зукко, билимдон, савдо-тижорат бобида ҳам уддабурон бўлишган. Хитой, Франция билан савдо алоқалари ҳақида маълумотлар бор.

Эрсарилардан дастлаб Манғишлов уруғи кўчиб келади. Улар Касбий бўйларида Боту қўшинларидан қувғинга учрайди. Биринчи минг оила кўчиб келгани учун уларни “Мингқишлоқ” деб аташади. Кейинчалик ҳалқ тилида “Манғишлов” бўлиб кетади. Кейин боболаримиз Эшимбий ва Кўчимбийлар келиб ўрнашадилар. Улар Нурота даштларидан ўтаётиб Қоракўлдаги аъроби қўйларни шу ерларда боқсан бўларкан, деб ҳавас қилиб қолишади. Шу ерга кўчиб келиб яшай бошлишади.

Даставвал 30–40 оила қорчин қопларда туюларга тилла ортиб келади (Қорчин – тўрт бурчаги ҳам бойланадиган қопнинг бир тури, тахминан 70 кило юк кўтаради, бир туюга икки қорчин юкланган). Маҳаллий одамлар булар бўхчали бойлар экан, бўхчасида тилласи

күп экан. “Бўхчали бой, бўхчали бой” дейишади, аста-секин “Бўгажили” уруғи шу сўз билан аталиб кетган.

Улардан кейин Эрсари туркманлар келган. Улар қаерга борса, қўрғон қурғанлар. Ҳозирги Чуя қишлоғи атрофида катта-кичик қўрғонлар қуришган. Маҳаллий халқ билан келиша олмаган. Бу ернинг туб жой аҳолиси “Ке, қўй, шулар билан жанжаллашмайлик, бир жовдираф яшайлик” деб атрофга ёйилиб чиқиб кетган. Жовдир уруғи шундан тарқалган дейишади. Бу таҳминан 1310–1312 йилларга тўғри келса керак.

Жиянбек Баҳодир Эшимбийнинг укаси Кўчимбий авлодидан. У киши бир куни тушида Қоратовга сийса, сийдиги бутун тоқقا ёйилган эмиш. Бу бежиз эмас деб яқин биродарларини олиб Қоратовга кўчиб чиқади.

Кўчимбий бўлса бойиб кетиб, Қоратовдан чиқиб Нуротадан қўшкориз очган. Кейин яна бойиб кетган. Бу Конбой коризи деб аталади. Нуротанинг марказида Бурқут уруғи яшаган. Кўчимбий Бурқутиларга пул бериб, бойлик сарфлаб уларни кўчиртириб юборади. Айтишларича, шу ердаги 19 та мачитга ўзларидан имом кўяди.

Жовдир у ёқда, буниси Қоратовга кўчгач, ёмонтуркманлар Оқтов, Ажрим, Қоратепа, Хатирчидағи Оқсоқол ота, Кўксарой қишлоқларига тарқалади.

Жиянбек Баҳодирдан тарқалган авлод, у киши Кувкаллага келгач, секин-аста шу яқин қишлоқлар: Пичот, Оқтепа, Кўрсафар, Эшбўлди, Нарвон Чорвоқсой, Илонли, Яссикечув, Жомбайдаги Полвонариқ қишлоқларига жойлашиб қоладилар.

Бобомиз Эшимбийдан икки ўғил тарқайди: Тўғой ва Кўниш. Эшимбий бобомизнинг феълида ўжарлик бўлгани учун бошқалар кўчсаям у киши кўчмайди, шу атрофда бир ўзи қолади.

Чўлдан Боймуродбий деган бой келиб Эшимбийни ўлдириб, бир қизини опкетади. Катта ўғли Тўғой бой-

ликдан бошқа ҳеч нарсани ўйламаган, бедард, бежирим эди, дейишади. Кичик ўғли Қўниш ориятли бўлган экан, бориб Боймуродбийдан отасининг хунини сўрайди. Боймуродбий уни гап билан аврайди, ахири гап кор қилмагач, ўттиз туж бераман отангнинг хуни учун, дейди. Қўниш: “Йўқ, биродар, мен бойлик учун келганим йўқ, қонга қон, жонга жон сўраб келдим”, – деб Боймуродбийнинг бўғзига пичноқ тортиб ўлдиради.

Боймуродбийни қозоқ овулнинг фарзанди дейишади. Қўнишибий Боймуродбийни ўлдиргач, опасига “тур энди, кетдик” дейди. Опаси: “Қўнишжон-ов, мен сенинг ирганга сиғаман, лекин манов қозоқнинг олти боласи сиғмайди”, – деб Қўнишга бойбичанинг қизини берибди. У қиз полвон экан, кураш тушаркан, кўпкари чопаркан. Қўниш қизни олиб келганидан кейин акаси Тўғой шу қизни хотинликка сўрабди. Бермайман, ўзим оламан, деб ўзи уйланибди.

Қизни ололмаган Тўғой аразлаб кўчиб Оқмачитга келади. У ердан учта кориз очади. Иккита коризни очгандан сўнг маҳаллий ҳалқ “Бу маст экан, чин маст, қутурган экан” деб унга “Чинмаст” дея лақаб кўяди.

Шундан сўнг Қоратовда қолган Жиянбек Баҳодирнинг авлодлари ҳам ўз-ўзидан “Чинмаст” атала бошлайди. Мисол: Бешмўла, Сарисув, Жарбулоқ, Зобота, Сулукли деган қишлоқлар ҳам Чинмаст деб атала бошлайди.

Мана энди юқорида чала қолган ҳангомамиз – Жиянбек Баҳодир ҳол кўрди, авлиё бўлди, лекин полвонлигини ташламади. Самарқанд тарафда беш мамлакатнинг полвонларини бирма-бир йиқитиб, олиб ураверган деган ривоят бор. Хуллас, бобомизнинг курашда елкаси ер кўрмаган экан. Самарқандда пешин номозни ўқиса, аср намозини Қоратовда ўқир экан. Самарқанд билан Қоратовнинг ораси камида юз эллик чақирим келади. Демак, бобомиз бир соатда 70–75

чақирим йўл босган. Албатта, бу оддий одамнинг қадам босиб юриши билан қиёсланмаса керак. Сабаби, кўпкарида чопаётган отлар ҳам бу қадар тез югурга олмайди. Ҳолбуки, Нонбер ота пиёда шу йўлни босаркан.

Нонбер ота элу юртга қўйнидан нон тарқатган, шутиб довруғ таратган, охири шаҳид бўлган қишлоқ Кувкаллада туғилиб ўсдим, эсимни танидим. Қишлоғимнинг не учун “Кувкалла” аталиши хусусида болаликда ҳеч нарса билмас эканман. Ҳатто талабалик давримда ҳам домламиз, профессор Очил Тоғаев “Мен сенинг қишлоғингга борганман, одамлари жуда шум, қув экан, қишлоғинг шунинг учун Кувкалла” десаям ишонаверган эканман. Қув бўлса қувдир, шум бўлса шумдир. Аммо қайси юрт одамлари ақллилиги билан мақтанади? Бу дунёда шумлиги етиб ортади ҳамманинг.

Тинибек отам тирик эди. Кувкалла тарихини у киши тиникроқ, эътиroz билдириб бўлмайдиган тарзда ҳикоя қилиб берди.

“Нонбер отамизни кофирлар қувди”.

Ана энди авлиё бобомизнинг душманлари ким эди, кимлар у кишининг жонига қасд қилди, деган савол туғилади. Бир хиллар айтишадики, ўша кураш тушган кезлари йиқилиб изза бўлган рақиблари изидан тушган, қилич яланғочлаб қувлаган. Яна бирор Митан беги дейди. Бошқа бирор Оқчоб беги дейди. Эргаш Жуманбулбул ўз даврида Хатирчи беклигини тилга олган.

Хофиз Таниш ал-Бухорийнинг “Абдуллахон” китобини ўқиган чиқарсиз. Нурота, Жўш, Урганжи атрофида қолдирган тарихий излари, хусусан, машҳур Абдуллахон тўғони ҳам XVII аср бошларида қурилган бўлса керак. У китобда Митан беклиги эмас, Оқчоб ҳақида маълумотлар борлиги, Абдуллахон тўғонининг ҳам шу атрофда қурилганини ҳисобга олиб, мантиқан олганда бу атрофнинг энг машҳур одами (Нонбер ота) қандайдир

бир оч-яланғоч бўлгани ҳолда ҳар бир очнинг қорнини тўйдириши айнан шу бекка сира ёқмаганини тасаввур қилиш мумкин. Ахир, у бек, раъият ундан муруват кутиши, унинг қошида хукм эшитиб, зор қақшаб туриши лозим-ку. Ким бўлибди у жулдурвақи, аввал ўзининг қорнини тўйғазиб олсин, аллақаердаги ушоқ, увоқни териб еб юрган ялангоёқ бўлса... Менинг салтанатимда у фуқаронинг қорнини тўйдиргич бўпқоптими?! Йўқ, бунақаси кетмайди. Мамлакат деганнинг эгаси бўлади. Эга ким бу юртга – менми ё анови ялангоёқми?

Оқчоб беги унинг полвонлигини ҳам, зоҳир каромати борлигини ҳам биларди. Чўчийди. Ўзи бормайди. Навкарларини жўнатади. Навкарлар унинг йўлини пойлашади. Душманлар Нонбер отанинг Самарқандда пешин намозини ўқишини ҳисобга олиб Митан томондан қувғинга солишгани, у ердан Оқтепа, Кўрли, Кўлтўсин, Сарой орқали Кувкалла сойига тушиб паноҳ излаб қочгани ҳам ростдир. Душман кўпчилик эди. Агар курашдаги рақиби қувганида бу қадар кўпчилик бўлиб аламзадалик билан қувмас эди. Чунки курашда якка одамларнинг орияти қолади. Бундай тўда бўлиб, тинимсиз қасд учун югуриб юришмайди, тўғрими?

Хуллас, бобомиз қўлтиғидан нон узатиб тарқатган ҳозирги қишлоқ мачити ёнигача қочиб келади. Ҳовли юзасида тўрт-беш қулочлик тут бор эди. (Бундан 20 йилча бурун ҳам унинг ковагига сайил кунлари атторлар савдо-сотиқ қилишар эди). Нонбер ота шу тутнинг ковагига кириб беркинади. Душманлар кўрмай ўтиб кетишиади. Шу маҳал тут тепасида мева териб еётган олашақшақ Нонбер отанинг яктагининг елкасидан тортиб тепага кўтаради ва шақшақлайверади. Душман келиб тутга қилич солади. Тут танаси ажралиб тушади-ю, бобомизнинг ўзи тирик қолиб, қирга қараб қочади.

Энди шу ерда қишлоқ манзарасини тасаввур этиш учун қисқа тушунтириш берсак. Нонбер ота мачити

қишлоқнинг қоқ марказида сой бўйида жойлашган. Одамлар бу ерга қишлоқнинг турли томонларидан: тепадан ҳам, қуидан ҳам келаберишади.

Ҳозир Нонбер отанинг қочган тепалиги мачитнинг орқасидан тик қирга қараб тахминан 4–5 чақирим келса керак. Орада камида 7–8 та дўнг ва қирлар бор. Бобомиз пиёда бўлгани ҳолида “Азлар тепа” деган жойгача (“Азлар тепа” ҳам асли Нонбер ота шаҳид бўлганидан сўнг шундай номланган) етказмай қочиб боради. Лекин ўша жойда охир-оқибат қазо топади. Душман қиличи бўйнидан тутади. Тана жойида қолади-ю, бош текис жойда юмалаб бояги Нонбер ота даставвал беркинган мачит ёнидаги тутга қараб “қочаверади”. “Кув каллани, каллани кув!” – дея ҳайқиришади, бўкириб қувади кофирлар. Душман етолмайди. Етти-саккиз қирдан ошиб бориб, охири ўша тут ёнига етади ва бирдан ер ёрилиб бош ёриқдан кириб кетади. Душман не қиласини билмай қолади. Ахир, энди хонга нимани далил сифатида қўрсатиш мумкин? Зора, танаси жойида турган бўлса, ишқилиб, йиртқич қушларга ем бўлиб кетмаган бўлсин-да.

Шу умид билан душманлар яна ортга қараб откўйиб кетишади. Аммо бориб қарашса, у ерда жасад тугул на бир дона суюқ, на бир томчи қон бор эмиш. Аксинча, тепаликда бир каттакон аждарҳо пайдо бўлиб, душманларни бирин-кетин комига тортиб юборибди. Булар энди халқда қолган гаплар.

Нонбер отанинг авлиё зот бўлгани ҳақида икки оғизгина маълумот бор, холос.

Бугунги кунда боши ғойиб бўлган жойдан битта мақбара, танаси ғойиб бўлган жойдан битта мақбара курилди. Зиёратгоҳ қадамжо пайдо бўлди. Қишлоқ оқсоқоли Келдивой aka Қўшмуродов қурилишда бошқош бўлди. Мазкур савоб ишда маҳаллий халқ, қувкаллаликлар бош қўшдилар. Тошкент, Самарқанд,

Жиззахда яшовчи қувкаллаликлар савоб ниятида ёрдам беришди. Нонбер ота тарихи имкон қадар ўрганишга киришилди.

Таассуфки, шўро замонида динга, эътиқодга таъқиб кучайиб боргач, Нонбер ота тарихи ҳам мана шундай фақат оғизларда чала-чулпа қолиб келган. Ёзма манбалар бирин-кетин йўқотилган, борлари ҳам таъқиб қилинган. Агар таъқиб қилинмаганида эди, Нонбер отанинг тўрт юз йилдан зиёд тарихи, шажараси сақланиб қолган бўлур эди. Афсус ва надоматлар бўлсин, Нонбер ота дунёдан ўтгач, у кишининг авлоди эгасиз қолган.

Аввалги тарихни тикласа бўлар, аммо кейинги тўрт юз йиллик шажара ўчди-куйди.

Асли нуроталик, аммо тақдир тақозоси билан Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманига кўчиб келиб қолган мулла Ботир деган чолда Бўгажили авлоднинг узлуксиз шажараси бўлган экан деб эшиитдик. Жўрақул бобо Калоновнинг кўмаги билан у кишининг яқин амакиваччаларини излаб топдик. Лекин амакиваччалари ҳам бу иш бефойдалигини, мулла Ботир дунёдан ўтганлигини, дунёдан ўтмасдан олдин ҳам шажаранинг қаердалигини сир тутгани, ҳатто фарзандларигаям қолдирмаганлигини айтдилар.

Начора, буям пешона экан. Эҳтимол, ушбу мақолани ўқиб, э, бизда ё фалон жойда шажара бор-ку, дейдиганлар топилиб қолиши ҳам мумкин. Бу тарих, албатта, чала. Балки янги маълумотлар асосида у бойиб, тўлиб, тугал бир тарихга айланар. Камина буни дилдан истаб қоламан ва етарли заҳматлар орқасида юзага келган мазкур мақолани ўқиганлар бобомизни бир дуо қилсалар, зора, у кишининг Аллоҳга восита арвоҳлари бизни-да, Сизни-да қўллаб юрса.

“Гулистон” журнали,
2008 йил, 1-сон.

БОЛАЛИК БАХОРЛАРИ

“Кўклам қуёшидан кўкарган қирлар”.

Агар шоирни айбситмоқчи бўлсангиз, “ака, қир эмас, қирдаги майсалар кўкаради”, дердингиз. “Ғализ” мисраси учун ўзбекнинг куйчи шоирини уялтиришингиз мумкин эди. “Шундайликка шундай-ку-я, – дерди шоир хижолат чекиб, – лекин, назаримда, қирларнинг ўзи кўкариб-ўсгандек, кўкайим шундай деб юборди, нима қиласай, шу қоғозга тушди, холос”.

Сиз ҳам жуда совуқон бўлманг. Баҳор сеҳри шоир қалбини тўлқинлантирган-да.

Ёки ҳассос шоир “силкинади қирлар елкаси” дебди. “Қирларнинг ҳам елкаси борми, зилзила бўляптими, нега силкинади?” деб койисангиз бўлади. Мисол, Йўлдош Эшбек ўрнида туриб мен: “Ҳис қилинг-да, кўкламда биринчи бор шаҳардан қишлоғингизга пойи пиёда келмоқдасиз. Жигарлар, ота-она ҳузурига шошилмоқдасиз, табиийки, шошиб, соғиниб, тез, балки лўкиллаб йўртиб бормоқдасиз. Қирларга ҳам ҳарислик билан термуласиз. Не ажабки, қирлар ҳам босиқлик билан аввалгидай жойида ястаниб ётмай, шоир сингари лўкиллайдилар, силкинадилар. Буни англаанг, юрақдан туйинг, холос. Бу ҳолатда реаллик, аниқлик панд беради, қалбга, шоир қўнглига бирпас ошнолингиз кифоя қиласи” деб изоҳ бераман.

Ҳар биримиз баҳорни соғинамиз.

Албатта, соғиндик. У келди.

Гуллар, дараҳтлар, сувлар, тоғлар, адирлар, қирлар ва уларни туйган қўнгиллар шаклида. Сурур, ўзига яраша сармастлик эгаллайди Сизни.

Қизиқ, ҳарорат қизийвериб, табиатдан дараҳт гуллари кетиб, мева тугиб, улар ҳам пишгач, бу кайфият

одамзод қалбини тарк этади. Табиат яна бир туғилиб, ривожланиб, улғайиб, куз ва қищда тағин қариб-кеқсайгандек. Лекин одам боласи баҳорни қўйиб юборгиси, тўғрироғи, баҳор уни ташлаб кетишини хоҳламайди.

“Вафо қиласмисан, баҳорим!”

Яна шоирни надомат қила кўрманг. Чунки шоир барибир она табиатдан, Яратган эгамнинг соҳир фаслидан инжа бир илинж кутаётир. Бу унинг айбими ахир?

Биздан тобора олислаб кетаётган болалигимиз маконларини қўмсаймиз. Боргандা ўзингнинг гўдаклигинг, ўсмирлигинги эслатувчи бошқа бир авлод худди ўша адирларда мол боқяпти, футбол ўйнаяпти, қир ортидаги пана майдонда кўлкари чопяпти. Булар ўзга замон болалари. Энди улар оқсуяк, чиллак, оқ теракми-кўк терак, ланка; қизлар моҳмак, чақимтош ўйнамаяптилар. Гўдак қизчалар ҳам чўпдан кўғирчоқ ясад, кийинтириб, “хола-хола” ўйнамайдилар. Она болаларига, бугун жуқмо, яъни ғилминди пиширамиз, жар бўйидан лошакаррак (қушқўнмас) чўпларидан териб келинглар, атала қайнатамиз, деса энсалари қотади. Аслида биз учун бу бир эрмак эмас, алоҳида байрам эди. Атала, яъниким сут, ун, қанд қўшилган суюқ овқатни, тагига олиб кетмаслиги учун, бир соат мобайнида тинимсиз капгирда қўзғаб туриш ҳам биз учун алоҳида завқли машғулот эди. Атала тагида қолган қирмоч эса энг мазали, талашиб ейдиган овқатимиз эди. Онажонимиз тайёр бўлган юпқанинг ичига атала ёйиб, юпқани тўрт буқлаб, сўнгра уни куйдириб эритилган сариёқча бир ботириб товоқча тортиши, оҳ, қўя беринг, бу куннинг шавқини.

Тўйимли, мазали таом. Наврўз кунини оқсоқол эълон қилганида ҳам, масалан: “Улжон, Шарапат, Кунсулув – ҳар биринг ўттизтадан ғилминди; Робия – бир

қозон маккайи гүжа; Санам, Рўзи – пидана пичак; Сарвар чеча – уч кило гуручдан самарқани ош, – сабзи қизил бўлсин; қирги овулнинг келинлари – ярим кастрюлдан тўртта сумалак; янги келинлар – иккитадан қатлама, иккитадан патир; бизди келинлар – ... борку... айроношди уйиб тайланглар... Чўпон сайлаймиз, талабгоринг чиқабер”, – дейди. Кейин шу ерда кўп масалалар ҳал бўлади. Ҳамон шундай.

Чекка бир қишлоқнинг наврўзи.

Кўп нарса ўзгарган. Одамлар бошқа. Бизни ҳаяжонлантирувчи нарсалар энди ундай эмас. Чавандознинг ҳайқириғи ҳам.

Чавандоз молни сўкмайди. Рақибини ҳақорат қилмайди. Авжи қўзиганда, улоқни қўтартганида “чув, жонивор!” деб ҳайқиради.

Хозиргилар устомонроқ. Ўзини авайлаброқ ўйин кўрсатади. Авомлиқдан холи.

Лекин ўша-ўша ёввойи ҳайқириқлар. Қўшработнинг тоғлари титраб кетади. Олчалар гул тўқади. Қизлар рўмолини тишлайди. Биялар белида оғриқ қўзғалади. Эҳтимол, туғилажак тойчоғи Фиркўк ёки Бойчигор бўлишини хоҳлар...

Борлиқ уйғониб бўлган. Шоирлар қалби титроқда. Ҳамма ёқда яшариш. Тирикчилик ғимир-ғимири. Кексалар ҳам кийимларини алмаштириб, эскиларини ювдирган, момолар ҳам келинлик пайтини эслаб, қатиқда бош ювиш пайида...

Болалар эса варракларини ким баландроқ учириси завқида, қирларни бошига қўтариб югуришади, қичқиришади. Энтикасан, заминни ҳам, осмонни ҳам кучгинг, бошингга қўтаргинг келади.

Бугун ҳаммамиз болага айландик.

Келган баҳор ҳам... худди бултургидек болалик баҳори!..

“Ҳар баҳор ҳам шу бўлар такрор...”

ДАШТ ОДАМЛАРИ

Қўшработ

Қўшработ. Бу – мен туғилиб, киндик қоним томган тупроқ. Бу – булбуллар: Эргаш Жуманбулбул, Раҳматулло Юсуф ўғлининг юрти. Бу – академиклар Тошпўлат Ширинқулов, Бакир Зариповларни етиштирган гўша. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги учта вилоятнинг раҳбарлари ҳам шу – тоғу дашт, яйловлари билан ястаниб ётган, зилол булоғу, муздек қудуқ сувини, беғубор ҳавосиу меҳрини симириб улғайган инсонлардир.

Шу мақтанишнамо таърифнинг ўзиям анча тасаввур берар. Бироқ Нурота тоғ тизмасининг этаклари аро сувли, аникроғи, булоқ суви чиққан сайҳонлик ҳамда адирлар бўйлаб жойлашган ўнлаб қишлоқлар, ғалазор, кенг яйлов ҳамда Қўшработ, Заркент, Жўш қўрғонларида яшаб меҳнат қилаётганлар – 102 мингдан ортиқ аҳоли – шу Қўшработ, шу – қўшработликлар. Мамлакатимизнинг деярли барча ўқув ва илмий даргоҳларида фаолият юритаётган ўнлаб фан доктори, профессор, минглаб фан номзодлари (бу гапни муболағасиз айтиётирман) асл фидойилар, шоири қаламкаш, журналистлар. Булар ҳам Қўшработ фарзандлари.

Хусусий томорқаларни айтмаса, бошқа жойлар ҳаммаси лалмикор ерлар. Бу ерларга асосан бошоқли дон экинлари: буғдой, арпа, қисман маҳсар экилади. Буғдойнинг ҳам лалмига мос “сурхок” нави экилади. Бўлмаса, бошқа навлардан ҳосил ундириш қийин.

Бултур тумандаги фермерлар чакки ҳосил олишмади. Туман ҳокими Т.Астоновнинг таъкидлашича, 30

центнердан ошириб ҳосил күттарғанлар ҳам бўлди. Бу яқин йиллар ичида қулоқ эшитмаган гап.

Лалмикор ерда яшаётганлар яхши билади: булар – осмонга қараб Худодан имдод кутиб яшайдиган одамлар. Кўклам қуруқ келса, ишлар пачава. Эндинга қулоқ ёзган майсалар ҳам шу бўйи сарғайиб жойида қотади. Дағал хашакнинг ҳам тайини бўлмайди. Янтоқ, қўзиқулоқ, бирда-ярим шувоқ сўппайиб қад кўтарида, холос. Қаёққа қараманг – тап-тақир. Чанг-тўзон кўтариб шамол ўйнайди. Булоқларнинг суви камайиб, баъзан қуриб ҳам қолади. Одамлар ташвишга тушиб қолади. Айниқса, даштда ғалланинг бўйи ўсмай қолиб кетса, бундан баттари йўқ. Сабаби, аҳоли ҳам дондан, ҳам сомондан қуруқ қолади. Рўзғори ободлиги чорва ҳамда буғдойга боғлиқ одамлар қийналиб қолишини тасаввур қиласкеринг. 2000 йилдан 2003 йилгача қаторасига уч йил қурғоқчилик келиб қўшработликлар қай аҳволга тушганларини кўзим билан кўрганман. Минглаб одамларнинг кўнглида унсиз бир ўтинч ётади: “Ёмғир ёғдир, Султоним!”

Юрт сари

Қаерда бўлсанг ҳам оқ сут бериб ўстирган онанг, бешикда бигиллаб йиғлаганинг пахсадевор уйинг, болалик қадрдонларинг – тенг-тўш жўраю қариндошларингни соғинасан, кўнглингнинг бир чеккаси доим уларга тортиб туради. Гўдаклигингда чанг тўзитиб ўйнаганинг сўқмоғу ёлғизоёқ йўл, дарахт, бутаю тош, жару сайҳонлар, булоқлар – бари-бари гўё тирик қадрдонингдек ойлар, йиллар оша ўзига чорлайди, чорлайверади.

Бу сафар ҳам хизмат сафари баҳона атайнин бола-чақа билан йўлга чиқдим. Наврўз ўтди. Қўшработда Наврўз ўзига хос сайлга айланади. Самарқанд йўли

билин қирлар оша Қўшработга тушиб келаверсанг даставвал Қўшёғоч қишлоғига дуч келасан. Ўнг томон ниш уриб қўкарган ғаллазор, чап томонинг катта қир, адирлардан иборат дашт. Худди ана шу жойда катта-катта икки камар бор. Камар деганимиз оёқ томони яланглигу қолган томони қирлар билан ўралган жой. Биринчи камар кенг, ёйик. Худди шу жойда эрталабдан томошалар, санъаткор, спортчиларнинг чиқишила-ри карнай-сурнай садолари остида бошланиб кетади. Соат 10-11 ларга қараб кейинги камарда кўпкари ўйини бошланади. Чавандозларнинг асл, ҳалол олишуви. Бу ерга самарқандликлардан ташқари қўшни Жиззах, Қашқадарё вилоятларидан ҳам полвонлар ташриф буюради. Юзлаб чавандозлар адирни тўлдириб тулпордек отларда ҳайё-хуйт қилиб айқириши, томошабин бўлиб турган ўн минглаб ёшу қари, қизу жувонларнинг “Ҳайда, фалончи полвон!”, “Ўрга қараб ҳайда!”, “Ўнгга қараб бур!”, “Жиловни қўй, қамчини бос, қамчини!” деган даъватли қийқириқларига кўшилиб кетади.

Кўпкари. Азалдан ота-бобомиздан қолган халқ ўйини. Асл полвонман деганларнинг ҳалол олишуви. Шу олишувлар боис “полвон” деб ном чиқаргандар қанча: Исмат полвон, Мустафо полвон, Элибек полвон, Кўлибой полвон. Улар чопган отлар ҳам ўзларидек машхур: Қорабайир, Қизил саман, Эргашнинг тўриғи... Лақаблари-чи: “Пистолет”, “Сувилон”, “Конъяк”...

У полвонлардан бугун ким бор, ким йўқ. Исмат полвон бундан 17 йил аввал қўпкарида кўз тегиб ва-фот этди. Бугун унинг икки ўғли – Низом полвон ва Жалол полвонлар ҳар қандай тўдадан улоқни узиб чиқувчи ҳақиқий чавандозларга айланишди. Булар қаторида бугун Шерали, Гаффор, Ҳусан полвонларни кўриш мумкин.

Бу йилги Наврўзда нақ ер ёрилиб одам чиқди. Тахминан 50-60 минг одам тўпланди-ёв. Бу халқнинг ўз

ўйинларига нақадар шинавандалигини, қолаверса, кайфиятини ифодаламайдими?

Йилбоши

Қадимда халқымиз Наврӯзни Йилбоши ҳам деган. Бу ном Қўшработда ҳануз сақланиб қолган. Қишлоғимизни Кувкалла дейишади. Унга ёндош кичик қишлоқча тағин бошқача – Зулмон ота. У ерда 30 хўжалик истиқомат қиласди. Йилбошида ҳамқишлоқлар қишлоқ моллари учун чўпон тайин қилишади. Аҳил қишлоқ қирда, бўзлоқда бола-чаقا, аҳли аёлу ёшу қари кўклам таомлари: пидана пичак, ошқади пичак, макка гўжа, сумалак, сўнгра самарқандча серсабзи паловни тушириб олиб, қўлларини артгач муддаога кўчадилар: хўш, бу йил молларимизни ким боқади?

Албатта, бундай чоғда ўзим туғилиб ўсган қишлоқ одамлари ичидаги бўлсам ҳам дарҳол бегоналигим ёхуд бу кишилар “Тошкентдан келган меҳмон” олдида бу масалани муҳокама қилишга ийманаётгани сезилади. “Бир чекиб келиш” баҳонасида ўчоқ бошидаги тенгкурларим ёнига четланаман...

Бир вақт 85 ёшни қаршилаган ҳожи Ашур бобо мени имлаб қолади:

– Ҳой, Собир, бермон кел, масаламиз ҳал!

Борсам, Нуржон деган йигит – жўжабирдай жон, камхаржликдан қисиниб юргани туфайли ушоқ молларни боқишини осонгина бўйнига олибди. Қорамолларга эга чиқмабди. Майли, буни навбати билан ўзимиз боқармиз, бир ойда бир марта навбат келар экан, эплармиз, дейишибди.

– Ўзимиз ёмон бўпкетганмиз, Собирбой, – дейди Ашур бобо. – Нафсимиз чатоқ, қишу ўрдаги қанча ер бўлса ҳайдатиб четан ўраб олдик. Нўхат, буғдой экамиз. Кошки шу нарсалар рўзғоримизни обод қиласа.

Бир хиллар азбаройи бошқалардан қизғангани учун ер эгаллаб олган, бирон нарса экмайдиям, ичида ер бузилгани учун бошқа хашак-пашак кўкармайдиям. Ахир, шу жойлар аввал яйлов эди-ку. Давлатнинг ўн минглаб қўйлари, юзлаб қорамолу йилқилари бемалол ўтлаб юрарди-ку. Энди фақат тош-чағат жойларгина қолди. Мол жонивор ўтлай деб четан ошиб кетса борми – кўринг ғурбатни. Шу туфайли чўпон бўламан деб кўкрак кериб чиқадиган ҳам қолмади.

Гап айланиб қишлоқ оқсоқолга ёлчимай қолгани ҳақида сўз бўлди. Худога шукр, Зармитан конининг иш ҳажми кенгайиб юзлаб ёшлар иш билан таъминланяпти. Катта миқдорда маош ҳам олишяпти. Аммо тўйларимиз бор – буларни тартибга олмаса бўлмайди. Йўлларимиз бузилиб кетди – тузатиш керак, ҳар иили сел келиб кўприкларни олиб кетади – ҳашар қилиб бўлсаям одамларни уюштириб бу ишларни қилиш керак ва ҳоказо.

Ёшлигида чавандоз полвон бўлган Беркин ака Бекқулов чўзиб ўтирган оёқларини йиғишириб бирдан гапга тушиб кетади.

Оқсоқол

– Оғайнини, одамзодга бош керак экан, бўлмаса қийин экан. Мана, Президентимиз Ислом аканинг отасига раҳмат – ўзбекнинг бошини қовуштириб манаман деган давлат қилди-ку. Ҳўв бошида бирор улай-булай дерди, ҳе, номаъқулнинг нонини жебсан, шу инсон бизни фалокатлардан олиб чиқади, бош бўлади, қатъиyllигини кўрмаяпсанми, бу одамнинг пешонасига тўғрилик, тўғриликка бошқариш ёзиб қўйилган, омон бўлсин, ана кўрасан, дер эдим. Ҳай, тепамда Ҳудо, шундай ажойиб кунларгаям етдик – бирордан кам жойимиз борми, а? Айт, баччағар, кимдан каммиз?

Биз энди дунё қўрмаганмиз. Бола-чақа, қўпкари деб, у ер-бу ерни синдириб, охирги вақтда тайёрлов идорада ишлаб, бирордан нари, бирордан бери – шу жойга етдик. Худойимга минг шукр, болалар уйли-жойли, энг муҳими – замонимиз тинч, пошшомиз зўр. Нон, уй, майишат – тинчлик бўлиб турса, ўзи кела-верар экан эшигингни қоқиб.

Энди, жўралар, мен бир ўтирик айтай.

Кўп йиллар “Пангат” совхозининг, Биопунктнинг директори бўлган, раҳматли Ҳусан Ҳакимовни ҳамма яхши эслайди. Баджаҳл, қўрс деб айтишар эди. Тўғри, бирор билан эл бўлиб қўлтиқлашиб кетавермас эди. Заготконторада ишлаган вақтимда икковимиз бир-икки ҳамсуҳбат бўлдик. У одам унча-мунчани хуш кўравермасди, лекин мени икки марта ўзи излаб келиб ҳангома қилиб кетди. Шу, ўзимни қўярга жой тополмайман, қўй сўяй дейман, ўтири, гаплашайлик, ташвиш тортма, дейди. Охирги гал бир кося шўрвага тегирмони нонни бўктириб олиб ака-ука обдон гурунгни урдик. “Беркинбой, – дейди, – мен ўзим ишини, қилган яхшилигини миннат қиласиган одамни ёмон кўраман. Бироқ иккитагина миннатимни айтиб қўяй: бир ўзим била-ман, бир Худойим билади, бу ёғи ёш ҳам кетди, қаридим, сенга айтсан бўлаверар. Кўп билан ишлаш оғир, ҳалол одамнинг бошини силадим, бироқ нафси ҳакалак отганларни жиловлашдай қийин иш йўқ дунёда. Райком қўймади, Йўлдошбойни хирмон мудири қилиб ишга олдим. Мавсум ярим бўлмай минг синтирир (центр) ғалла йўқ-да – сотиб еб қўйибди. Ҳамма ишни тўхтатдим-у, бориб, жами ғаллани тарозига соласан, деб туриб олдим. Совуқ ўтиб кетган боладай дағ-дағ қалчиллайди. Нақ минг синтири кам. “Ака, уйим куйди!” деб йиғлади. “Нафсингга ўт тушсин, уйинг куйсин! Қамаласан энди!” – дедим. Идорага келиб ўйладим: ростданам қамалиб йўқ бўпкетади-ку. Шартта “Қизил қўшин”

бўлимининг мудири Жомонбойни чақиртирдим. Беш юз синтири ғаллага акт ёзиб келасан, дедим. Пешонасидан ўқлоғдай-ўқлоғдай тер отилди. Нега демади. Акт ҳам, накладной ҳам опкемай юраверди. Бир тўйда ушлаб олдим. Қани қоғоз, дедим. Гап нимадалигини билган экан. “Аввал директор нафсига қиласяпти” деб ўйланган, Йўлдошбойнинг шов-шуви ёйилгач, баттар жони чиққан, чунки иккови бир-бирини ёмон кўради. Лекин ноилож, ўзининг ҳам ўпириб еган жойи кўп, киссасидан қоғозни чиқариб берди. Яна бир-икки муттаҳамга-ям шу талабни қўйдим, улар хат-қоғоз қилишди, шуйтиб баччағар Йўлдошбойни қамоқдан опқолдим. Қаридим, балнисада ётиблар чиқдим – қалайсан деб бир марта ҳол сўрамади.

Яна бирини айтай. Накуртлик Хуррам тентакни-ям омбор мудир қилиб олишга тўғри келди. “Райком бова, – дейман, – бунинг ошқозони чатоқ”. “Хўш, ошқозонига не бўпти?” – дейди. “Битта эмас, иккита совхозни одам-подами билан қўшиб тиқсангизам тўймайди”, дейман. Ўқраяди, мени ёмон кўради. Ишга олдим. Орқасида чуви билан келди. Ферма мудирлигида юзта қорамол, икки юзта қўй-эчкини еб-ютиб юборган экан. Униям ёпдим. Омборни қабул қилгандан бир ой ўтмай қишлиқ емнинг, уруғлик арпа-буғдойнинг ярми йўқ-да. Шуйтиб яна муттаҳамларга кунимиз қолди-да. Амаллаб бошқаларнинг ҳисобидан бунинг ҳам жиноятини ёпдик. Лекин кейин бир оғиз раҳмат эшитмадим. Шундай қилган эдим, деб бировгаям бир оғиз айтганим йўқ, мана, фақат сенга айтаяпман.

Ҳусан ака нега келди, қўлида ишламаган бўлсам ҳам, нега бу гапларни менга айтди – сира тушунмадим. Мана, ўзиям кетди-борди чин дунёга. Лекин тан олиш керак, Кўшработда неча боғ бўлса шу одам яратди, гуллатди. Пангатнинг ўзини тоғ-қирларгача сув опчиқиб яшнатиб юборди. Йилқини кўпайтириб, Республика-

да биринчи ўринга опчиқди. Кўшработга Самарқанд томондан кириш жойларини қаранг: неча ўн гектар даштни дараҳтзор қилган. Ҳосилга кирди. Кўкламда қандай чиройли гуллаб ётар эди. Мана, оқсоқол кетганига ўн бир йил бўпти. Дараҳтлари бирин-кетин курияпти, кесиляпти. Ундан бериям икки ҳоким ишлади, бирори битта боғ яратдими. Яхшининг қадрини ўтгандан кейин билар экансан-да. Аммо ўша гапларни эслаб, ўйлаб туриб айтаман: ҳақиқий оқсоқол ўша одам экан. Баджаҳл деймиз. Бирорни ургандир, бирорни сўккандир, аммо бурнини қонатмади. Ҳўжалигидан бир инсоннинг қамалганини эшигтанмисиз, йўқ, эшигмагансиз. Бирорнинг кесилиб кетишини иснод деб биларди, бола-чақасини ўйларди. Ҳозиргиларни кўргин, кўриб ҳам турибсиз-ку мана... У одам ҳамманинг бошини қўшишни яхши биларди. Тўғрилик билан ишлатишни, охири яхшилик билан тугайдиган ишларга бошлаб охиригача олиб боришни эпларди. Ухламаса ухламасди, лекин ишлатмай қўймасди. Шунга яраша маошиниям ундириб берарди.

Ана – оқсоқол! Ана – одам! Биз қариб гўр бўлдикми – ўттиз хўжаликли қишлоқقا бир чўпон тайин қилолмаймиз. Ҳай, аттанг...

Заркент қўрғони

Ўтган асрнинг 70-йилларида Чормитан деб аталувчи яккам-дуккам уйлар жойлашган адир-қишлоқча тез орада ўша даврнинг замонавий шаҳарчасига айланиб қолди. Сабаби, бу ерда геология-қидирув ишлари натижасида катта олтин рудаси захираси аниқланган эди.

Кўп ўтмай шаҳарча атрофида олтин қазиб олувчи иккита шахта ташкил этилди. Геология-қидирув ишлари яна қизиди. Шундан буён кўп сувлар оқиб

ўтди. Чормитан “Зармитан” деб ном олди. Олтин қазиб оловчичи рудник ишчилари яшайдиган алоҳида кўрғонча қурилиб, унга “Заркент” дея ном берилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилдаги қарорига кўра Зармитан ва Маржонбулоқ олтин қазиб оловчичи рудниклари Навоий тоғ-металлургия комбинатининг Жанубий кон бошқармаси таркибига киритилди. Бу қарор кон ишчилари ҳаёти ва фаолиятига кенг имконият эшикларини очгани билан тарихий воқеа бўлди. Мазкур муҳим саноат обьектиning барча жойларида реконструкция, модернизация ва жорий таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. 2005 йилнинг август ойида Республика Президентининг Зармитан олтин кони худудининг хомашё базасини ўзлаштириш тӯғрисидаги қарори қабул қилинди. Бугунги кунда Заркент кўрғони улкан қурилиш майдонини эслатади. Қисқа муддат ичида ишчилар учун маҳсус қулайликларга эга ётоқхона, 5 та икки, тўрт қаватли уйлар қуриб битказилди, ишлаб чиқариш ва қурилиш ишлари ҳажми янада кенгайди.

Мазкур кўрғон худудида олтин рудасини тозалаб ювишга мўлжалланган янги завод қурилиши жадал суръатлар билан бошлаб юборилган. Шу туфайли Зармитан олтин конига маҳсус ўқув курсларини битирган маҳаллий ёшлар қазувчи, ҳайдовчи, лифтчи ва бошқа ишларга қабул қилинаяпти.

– Йил бошидан буён икки юздан зиёд ёшлар ишга жойлашишди, – дейди кон директори биз билан сухбатда. – Бугунги кунда маҳсус ўқув курсларини тамомлаётган мутахассис ёшларга эҳтиёж катта. Заркент кўрғонида ишга тушган янги Саноат ва касб-хунар коллежини икки йил ичида битирган талабалар ҳам бизга ишга қабул қилинади. Коллежни ҳар йили икки юздан зиёд талаба битиради. Шунга яраша иш ҳажми ҳам кундан-кунга ортиб бораяпти.

Ха, бу коннинг имкониятлари жуда катта. Мұхими, маҳаллий ёшлар иш билан таъминланаяпти. Ойлик маошлари юқори. Бундан ташқари, ойлик режалар түкис бажарилса, рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам берилади.

Ишчилар учун турли йўналишларда махсус автобуслар қўйилган. Улар ишчи-хизматчиларнинг ўз вақтида корхона ва уйларига етиб олишлари учун қурайликлар туғдиради.

...Кўшработда бу йил ҳам баҳор яхши келди. Демак, ғалла ҳосилидан кўнгил тўқ. Узумчиликка ихтинослашган Оқтепа хўжалигида ҳозир иш қизғин. Дарвоҳе, туманда аста-секин кичик корхона, хусусий цех, ғишт заводи, мевани қайта ишлаш мини заводлари бирин-кетин иш бошлаётир.

Ёшлар қўл қовуштириб туриш, боқимандалик билан кун кечириб бўлмаслигини англаб етдилар. Юртга олимлар, раҳбарлар ҳадя этаётган бу даштлар ишлаб чиқариш билан ҳам кўзга кўрина олишига ишонгинг келади...

ҲАМ ЭЪТИРОФ, ҲАМ ФУРУР

Истиқлол – неъмат, неъмат бўлганда ҳам азиз ва мўнътабар неъмат. Бугун бунга шукр қилиш керак, деган гап камлик қиласди, бинобарин, садоқат кўрсатмоқ лозим.

Садоқат нима? Аввало, хиёнатни ўйламаслик. Истиқлол шукуҳини идрок қилмоқ. Йигирма беш йил аввалги ҳаёт ва бугуннинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Қалтис ҳаёт кечарди. Қалтислиги шундаки, эски мафкура чириб битган, кўпчиликнинг эътиқоди коммунистик мафкура билан боғланиб кетган, унинг ўрнига тап-тайёр янги мафкура йўқ, иқтисод издан чиқиб бўлган, матбуотда хурмача бир ошкоралик – ҳамма мард: оғзига келганини гапиради, журналист хаёлига келганини ёзаверади, ўзича номаълум бир сирларни фош қилиб ташлайди. Аммо... эшигадиган мўмин банда йўқ! Ҳамма гапиради, мулоҳаза йўқ.

Шундай бошбошдоқлик ҳукм суриши мумкин бўлган замонда сиёсатда ўта принципиаллик зарур бўлиб қолди. Президент Ислом Каримов халқнинг хоҳиш-иродаси ўлароқ Мустақилликни эълон қилиб юборди. Тил учун, истиқлол учун ўзини курашчи деб юрганлар ҳам “ура!” дейиш ўрнига донг қотиб қолди. Одамлар Мустақиллик тўда-тўда бўлиб бўкириш, шиор кўтариб қичқиришдан бошқачароқ, айни мастьулият, унинг олдида ҳар бир шахс жавобгар эканини кейинроқ англали. Яқдиллик энг принципиал масалаларни бўйнига олган Шахсга эргашишда оғишмасликда, Ватан байроғини бақирмай... маҳкам тутишда кўринади. Шунда эл – эл бўлади. Нияти, сўзи, кучи бутун халқни дунё тан олаверади.

Миллатни спортчилар тезроқ жаҳонга танитади, деган гап юз карра тўғри. Адабиёт ҳам, санъат ҳам,

олимнинг иқтидори ва қашфиёти ҳам танитади. Лекин ҳар қайсисининг йўриғи, ўрни бошқа, фойдалилик даражаси ҳам ўзгача. Футболчи ёки боксчи ўттиз ёшдан сўнг қўлқопини, кедасини ечиб михга илиб, футбол майдони ёхуд ринг билан хайр-хўш қилиши ҳақиқатга яқин. Чунки кишининг жисмоний имкониятлари чеклангани шундай дейишга изн беради. Аммо... ёзувчининг қалами айнан ўттиз ёшдан сўнг чархлана боради, ақли ҳам тўлишади. Айтматов, Маркес, Одил Ёқубовлар саксон ёшда ҳам баракали ижод қилишди. Демак, ёзувчи деган зот олтмиш ёшдан кейин пенсияга чиқиб, қаламни синдириб отмайди. Худо берган истеъдодини умрининг охиригача намоён қилаславеради. Шу қавмга тааллуқли бўлганинг учунми, бу ҳақда ўйлаш одамга завқ беради.

Бир пайтлар Гоголь: “Ёшликнинг шуниси жозибалики, унинг келажаги бор”, – деган эди. Дарҳақиқат, ёшлиқда ҳам жозиба, ҳам сурур бор. Ёш инсон муваффақият пиллапояларидан тез кўтарила олади.

Диёrimиздан илгари ҳам машҳур спортчилар етишиб чиққан. Вера Дуюнова деган волейболчи бутуниттифоқ терма жамоасида икки карра олимпиада чемпиони бўлган. 1976 йилги Монреал олимпиадасига Ўзбекистондан атиги олти нафар спортчи бориб, ақсарияти медал билан қайтган. Руфат Рисқиев финалда шишиб кетган ярадор қўли билан жанг қилгани, рақиби америкалик Майл Спинксдан шу ҳолида ҳам пеш келаётгани, охир-оқибат рақиби ғирром йўлни танлаб, Рисқиевнинг чотига зарба йўллаб тирриқлик қилгани, судьялар ғолибликни Майлга бериб юборишганини кечагидай алам билан эслайман. Руфат Рисқиев ўшандан икки йил бурун, 1974 йили Гаванадан жаҳон чемпиони бўлиб қайтган эди. Аммо собиқ иттифоқ тузумининг нонкўрлигини кўринг, дунё миқёсидаги пешқадам спортчиларини заррача рағбатлантирмас эди.

Монреал олимпиадасига олти спортчи борганини эсладикми, таққослаш учун айтай, бу йилги Рио де-Жанейро олимпиадасига етмиш спортчимиз йўл олди. Совриндор бўлган боксчиларимизнинг ўзи етти нафар.

Кубадаги жаҳон чемпионатида Фидель Кастро Руфат Рисқиевни олқишилаб “ўзбек арслони экан” деганини мен ва мендан катталар ғуурланиб эслаймиз.

Бразилиядаги бу йилги олимпиадада боксчиларимиз жаҳондаги манаман деган донгдор боксчиларни ҳам аямай муштлаб, уч нафари шоҳсупанинг энг тепасига чиққани беихтиёр одамни тўлқинлантиради.

Ҳасанбой Дўсматов чемпион бўлганида томошабинлар қаторида ўтирган Фазлиддин Ғойибназаров кўзёш қилаётган эди. Қувончидан, албатта. Мен бир неча ой бурун ўзимизнинг “Спорт” телеканалида Фазлиддин ва оиласи ҳақидаги ҳужжатли фильмни томоша қилиб, уни яхши кўриб қолган эдим. Сабаби, у оиласига жуда меҳрибон, аёли ва жажжи фарзандига илтифотли, турмуш ўртоғи ҳам аслида спортчи, фарзандининг оёғи чиқса, уни ҳам спортга қайтаришга бел боғлаган садоқатли эр сифатида намоён бўлган. Спортчилар ичida ҳам худди ижодкорлардай қалби тошиб турадиганлари бўлади. Фазлиддин шунаقا экан. Бошқа спортчиларни ҳам алоҳида алқаган ҳолда шу йигитнинг чемпион бўлишини шу қадар юрагимдан истаб ўтирдимки, новча кубалик Сотомойорни дўппослашга тушганида элдан бурун йиғлаб юбордим. Кейин, жанг тугагач, Ғойибназаров мендан ҳам ўтиб тушиб йиғлашга тушди.

1980 йил, Москвадаги олимпиадада Рудди Финк деган немис боксчиси финалда ғолиб бўлгач, тренерининг қўксига бошини қўйиб шунаقا хўнграган эди, ҳайҳот, сира хаёлдан қўтарилемайди.

Фазлиддиннинг орқасида оиласи, жажжи ўғилчаси, ота-онаси, бутун мамлакат, Президент турган эди. У

олтин олмасам бўлмайди, деб шиддат қилган эди. Мен, ўзбек тургандан нега бошқаси илиб кетиши керак, деб онт ичган эди. Ва... шу ниятига Худо етказди. Астойдил ният қилган инсон унга етса... йиғлаб юбориши тайин!

Бу – қалби покликнинг, энг муҳими – ватанпарварликнинг белгиси. Яна – муҳаббат! Ҳа, муҳаббат! Чунки у муҳаббат одамлари қошида юзи ёруғ бўлди. Эл-улуснинг ишончини хатти-ҳаракати, ғайрати, кучи, эпчилиги, зарбалари билан оқлади! Бутун Ўзбекистон “Отангга раҳмат, Фазлиддин, бопладинг!” деб ҳайқираётганини жон қулоғи билан эшитди. Бу ҳайқириққа ҳайқириқ билан акс садо берди.

Айтиш жоиз, албатта, бизда олимпиада чемпиони, кумуш, бронза совриндорларини катта пул мукофоти билан рағбатлантириш ҳайратланарли даражада йўлга қўйилган. Ҳатто катта, иқтисоди ўсган давлатларда ҳам олимпиада чемпионига 200 минг АҚШ доллари берилмайди. Бу – давлатнинг ватанпарвар фарзандига ҳиммат кўрсатгани рамзи.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан мукофотланганлар рўйхатида юксак натижалар кўрсатган спортчилар ҳам унвонлар, орденлар билан тақдирланганини ўқиймиз. “Ватан сенинг жасоратингни унутмайди, балки ўз вақтида тақдирлайди!” деган таъкид бу.

Ҳеч бир соҳа эътибордан четда эмас. Айни чоғда адабиёт ҳам. Бир қатор адилларимиз, жумладан, ёшлар ҳам хизматларига яраша муносиб тақдирланди. Ўз навбатида, уларни қутлашга бурчлимиз.

Байрам арафасида спортчиларимиз ўзларининг нималарга қодирлигини намойиш этишди. Шунинг учун биз кўпроқ уларни тилга олишимиз табиий. Баракалла, отаўғил, деб қўйиш ҳам ёзувчининг бурчи-да.

Матбуотда, телевидениеда, радиода ёшларнинг чиқишиларини кўриб ғуурланиб кетасан. Улар сўз-

ларининг охирида “Ватанимиз байроғини дунё узра янада баланд кўтармоқчиман!” дейишади. Нақадар зўр ният. Ҳазрат Навоий сўзи билан: “Умидим шулки, умидингга етғил!” дегинг, пешонасидан ўпиб қўйгинг келади.

Ойдин, нурли келажак ҳақида гапиришни хуш кўрамиз. Юртимиздаги фаровонлик, бунёдкорлик, тўқчилик, тинчлик-фаровонликни кўриб, атиги йигирма беш йил муқаддам шундай турмуш хаёлимизга келганмиди, деб ҳам ўйлаб қўясан.

Ният пок экан, қадам тўғри ва шахдам экан, Ватанинг эртаси, иншооллоҳ, янада порлоқ бўлғуси!

ОТ ЧОПТИРСА ГУМБУРЛАЙДИ ТОҒНИНГ ДАРАСИ

Кўпкари деган жойда Кувкалласойнинг ўз ўрни бор. Азалдан қувкаллалик улоқ чопилган жойда ўмганини қўтариб келган. Аввалбой полвон, Беркин полвон, Исмат полвон, Мустафо полвон, Элибек полвонни яқин Фориш, Нурота, Галлаорол, Иштихон, Лойишдан ташқари Қашқадарёда, Панжикентда, Жетисойда ҳам билишар, эъзоз қилишарди.

Сойимизнинг бошида йилқиличлик-наслчиликка ихтисослашган биопункт бўларди, ҳозир ҳам бор. Илгари 150–200 га яқин йилқининг ичига алоҳида наслдаги айғирлар қўйиб юборилар эди. Шуларнинг ичидаги Қора от дегани бор эдики, гавдаси ҳам бошқа келбатли отлардан нақ бир яrim баравар узун ва ўмровли эди. Кўпкарининг жонкуяри Муҳаммад оқсоқол Фаниев бу отни уюрга қўйиб юбормас, йилқибоқарнинг яйдоқ отидай ўзи миниб юрар, шу баҳона ўғли Мустафо полвонга бериб кўпкари туширади. Э-э, Мустафо билан Исмат полвонни элга шу Қора от танитмадими? Шу боис отнинг ўзи ҳам йилқибоқарлар Муҳаммад бобо билан Ҳамро боболарнинг парваришида эди. Отнинг эслиси бўларкан. Қора от если, ақлли эди. Устидаги чавандознинг “ҳайт-хайт!”, “ҳажаҳа-ҳажаҳа”, “торт, жонивор!” деган ҳайқириғига ҳамоҳанг тўдани бўлиб, иккига ажратиб ташлар эди. Тасаввур қилинг: устидаги полвон улоқни олиб тақимга босгач, бошқа полвонлар улоқнинг пойчасига ёпишишади, тақими бўш полвон бўлса улоқни пастга босиб тортган чавандозга бериб қўяди. Исмат полвонга ўхшаган қўли бақувват бўлса, улоқни олиб у ёнбошга, у ёнбошдан бу ёнбошга ўйнатади. Лекин тўда барибир – тўда-да. Қора от

шунда ўнг биқинидан келган отниям, сўл томонидан келганиниям атайлаб уриб-суреб юборар, сўнгра ҳисобидан адашган чавандозлар доғда қолар эди. Ақлли зот чортокқа тўғри келиб бир тўхтаб, улоқ ташлангач, чавандознинг ҳайқириғига монанд ёлларини силкитганча даранинг нариги беткайигача пишқириб, кўпиреб чопиб кетар эди. Гўё чавандоз билан бирга шавқу завққа тўлиб ғалабани тантана қилар, чавандозга ўхшаб бир эшгирма тентаклиги тутар эди.

Исматни – Исмат, Мустафони – Мустафо қилиб танитган шу тулпор эди.

Болалигимдан бир мисол айтай.

У вақтлар Мұхаммад бобо кўпкарининг авжини киритадиган, оқсоқол, тоғнинг нарёғидаги, берёғидаги от ўйинларга ҳам ўзи баковуллик қиласарди.

Қишининг изғиринида нарёғдаги хешларда бир кўпкари бўлди. “Бақиришиб,чувлашиб турасан,чавандозга далда!” деб бизга ўхшаган бурни оқсан чурвақаларни ҳам мингаштириб жўнаган. Икки кунлик кўпкари. Биринчи куни тушгача Исмат, тушдан кейин Мустафо полвон Қора от билан яроқли совриннинг барини тортиб олди-кўйди. Мол, тия деганлари иккинчи кун тушдан кейин қўйилди. Мустафо полвон ичи тузга тўлдирилган, тўрт яшар такани оғирлигидан тақимга босиб тушириб қўймаслик учун орқага чалқайганча икки қўллаб орқа оёғидан ушлаб қамчини тишлаб “ҳайт-ҳайт!” деб маррага чоптириб келяпти. Мезбон жамоатнинг ори қўзиди. Чўбир-чўлтоқ миниб юрганларга ҳам “ғов кун, ҳей, ғов кун!” дея бақиришади. Қора тулпор бўлса тўдани ёриб, бузиб, сувлиғидан қўпик сачратиб олдинга силтаниб-силтаниб, атай оёқларини кериб-кериб чопаётир. Биз ҳам ўзимизчачувлашамиз. Ҳамро отам, Омон акамлар отнинг орқасида, чўбирда, етса Қоранинг орқа сағринига бир қамчи-икки қамчи уриб қолади. “Ҳа, де! Ҳа, де!

Жонинг борми, Мустафо!" деб чавандозни уришишади. Қора ўзи билганидай, бошқа отларни писанд қилмай нари-бери суриб маррага келди, сомон чизиқни ёнлаб ўтаётиб бир гидирди. Така ерга тушиб думалаб бориб нақ чортокнинг ўртасида тўхтади.

Чавандознинг зўри – зўр бўлади.

Отнинг ҳам зўри – зўр бўлади.

Оға-ини мум тишлади.

Биргина одам баланд овозда ҳайқирди:

– Эй, ғов қилмасанг, тов қилмайсанми? Зўр опчиқади! Тан бердингми энди!

Бу Муҳаммад оқсоқолнинг овози эди.

Бобо чарс эди. Кечки аёзда қўноққаям қолмай тоғ ошиб кепқўйганмиз.

Шунаقا, одамнинг ғурурини қўзитадиган ғаройиб ўйин бу кўпкари.

Азалий ўйин. Юз эллик йилнинг нарисидаги гаплар ҳам бор. Тўртинчи отам Хидир чавандоз бўлган. Тақимиға такани босса, ёпишган полvon унинг бутидан обдан тармашиб торта берса, улоқнинг бутлари айрилиб кетар экан, лекин тақимини бўшатмас экан. Не тонгким, бобом бир зўр байтални чопган. Тўдагир бўлган. Донгини чиқарган. Армони қолмаган. Йўқ, армониям бўлган. Яъниким байтал Тўқсабо иккови ўртасида талаш бўлган. Бу, энди, бурунгининг ўшаги. Қадимга унча тиш ўтмайди...

Лекин икковиям ёарман, ўярман полvon ўтган.

Ундан ҳам наридан бир ҳикоят бор.

Муҳаммад тўқсабо бўлиб танилгунча Добил охуннинг бир ялангоёқ боласи эди. Аммо пешонасида юлдузи билан туғилган эди. Юрагида ёли бор эди-да.

Ялангоёқлигича Бухоронинг Қорақўлига борди. Яйпан-текисда Амир Абдулаҳадхон кўпкари берар эди. Улоқ-така ўрнига икки яшарлик тана сўйиб даврага ташланган эди. Қишининг қаҳратони забтига олган.

Ер муз. Отлар туёғи тойғанади. Тойғанмасаям, молни күтариб ўнгариб ё тақимга ололадиган полвон йўқ.

Шунда ялангоёқ боланинг олдига саман от минган чол келди. Юзи нурли, меҳрибон. Отдан тушди.

- Отга мининг, бўтам, – деди.
- Нима қилай?
- Молни күтариб олдингизга ўнгаринг!
- Кўтаролмайман.
- Кўтарасиз.
- От йиқилади.
- Бу от йиқилмайди.
- Кейин нима қилай?
- Танани күтариб қишлоғингизга қараб ҳайданг.
- Мен амирни кўрмоқчиман.
- Ҳайдайверинг, амир ўзи сизни топиб олади.

Бола саманнинг узангисига яланг оёғини қўйди. Минди. Келиб, ҳаммани тонг қоттириб танани кўтариб ўмганига босди. “Чу, жонивор!” деб бақирди. Саман кунчиқишига қараб чопди. Амир кўзини қисганча “ким бўлди бу гўдак?” деб қолаверди. Сўнг юртга одам қўйиб болани топтириди.

Бола – Хизр йўлиққан, пешонаси беш қарич, бўлғуси Тўқсабо – Бухоро давлати чегараларининг бир қисмига эгалик қилган Муҳаммад эди.

Болага Музаффархон даврида Хизр бобо йўлиққан. Яна ўша Қоракўлдаги яйдоқ даштда. Бу сафар қўлига шамшир тутқазди. “Ўн қиличбоз билан бирварақай савашиб этингдан бир тук тушмагай!” – деб дуо қилди.

Амир Музаффар Тўқсабога нома битди:

“Оқпошшо номардлик билан гўдагимиз Олимхонни онаси Малика бону билан асир олиб Жиззах яқинидаги Кўрғон қишлоғида тутқун этиб турибди. Накуртдан Назар додхони, Гарашадан Муҳаммад полвонни олиб Кўрғон жўнасангиз. Бу ишга сизнинг қудратингиз этишига азбаройи ишониб қоламан. Падарингиз

ўрнида деб билинг. Аллоҳнинг паноҳига. Дуоларимиз бўлсин! Омин!"

Мұҳаммадда ғойибона куч, ғойибона заковат бор эди. Бобомиз ўшанды ёш, бақувват эди. Қай йўсинда Оқпошшо тутқунидаги она-болани қутқариб олиб чиқиб кетгани тафсилоти бизга қоронғу. Лекин рус лашкари уни қувгани, лашкар устига "ўн қилич" зарбаси бирваракайига ёпирилиб улар ер тишлагани, сўнг ортдан рус полковниги милтиқ ўқталиб ўқ узгани, ўқдан яраланиб гарашалик Мұҳаммад полвон қолиб кетгани, уни қутқараман деб Тўқсабо тағин ортга қайтгани, қайтганда ўрис полковниги билан савашгани, шунда полковникнинг қиличи Тўқсабонинг тулки терисидан тикилган қўлоҳи аралаш елкасини яралаб қонга бўягани, Тўқсабо ғазабга миниб ортига қарамай қилич сермаб полковникнинг калласини узиб ташлагани, бундан бу ёғига ўзининг, дўстининг, амирзода ва онасининг жонини омон сақлаб Бухорогача келгани, Музофархондан кўза... ва сарупо ҳадя олгани рост гап.

Сиз нималарни ўйлайсиз ўзи?

Кейинги галда у тағин Қоракўлнинг тайпанида қирғий - ов қуши учирив баҳс бойлашган эди. Сайд Олимхон билан. Олимхоннинг қирғии какликни таппа босганида Тўқсабонинг бу гал Хизр бобо ҳадя қилган қирғии амирнинг ов қушини ўлжаси билан қўшиб опкелиб ташлайди...

Амирнинг хузурида Тўқсабонинг тили узун эди. Одамлар эмаклаб, тиззалаб кирсалар, бобомиз гердайиб, ғоз юриш билан кириб борар эди. Амир ҳаддидан ошса, секингина қўйнидан қон юқи аралаш, қилич кесган бош кийими - туматоқни кўрсатар эди...

Энди бу ёғи бошқа гаплар.

Чавандоз насли узилиб қолмайди.

Хидир бобомнинг касми - Исмат полвонга чирмашган эди. Исматнинг умри қисқа бўлди - ўттиз сак-

киз ёшда кўзиқди – чин дунёга кетди. Лекин ўғиллари Низом полвон, Жалол полвон бўлиб довруқ қозонди. Шундай қилиб, Исмат полвоннинг фарзандлари отасининг изидан катта полвон бўлиб етишди. Исмат полвоннинг биргина фарзандлари эмас, у кишининг шогирдлари ҳам талайгина бор. Шулардан Жозил полвон ҳам эл ичра донғи кетган чавандоз бўлиб етишган. Беркин полвоннинг Ҳасан, Шерали деган ўғиллари ўзидан ўтиб тушди.

Элибек полвонга ҳалиям газ берсангиз, даврани ҳайқирган кўйи бир тирқиратиб қайтади. Олтмишдан ошсаям “энди бизники бўлди” деб қўя қолмайди. Момомларимиз айтганлари сингари: “Жигитдинг касми-да!”

Полвон нега полвон?

Элнинг орини кўтаргани учун. Асло билаги зўрлиги учун эмас!

Юртимизда бугун кўпкари спортига алоҳида эътибор қаратилиб федерация ташкил этилди. У ташкилот бу спорт туридаги ишларни мувофиқлаштиради, полвонларни саралаб халқаро мусобақаларга жўнатади.

Кўшработ, Фориш қириу адирларида бугун қўпкари авжида. “Ол, Жалол полвон, қамчи бос, ке-етди, ҳало-ол! Отангга раҳмат, жаловни ол!..”

Бу полвонлар... Ҳа, нимасини айтасиз: От чоптирса, гумбурлайди тоғнинг дараси!..

СПОРТ ИРОДА ДЕМАКДИР

Спорт ҳалол ғалаба қилишини, шунингдек, муносиб ютқазишни ҳам ўргатади. Қисқаси, спорт ҳаётни, ҳамма нарсани ўргатади.
Э. Хемингуэй

Ҳамқишлоқлари уни калтабақайлиги учун орқасига шапатлаб: “Оббо, Сайпича, сенам қурашмоқчимисан?” дея эркалатадиган кезлари у самбо бўйича Ўзбекистондан биринчи жаҳон чемпиони бўлишни орзу қилиш даражасида эмасди. Кўча-кўйдаги ҳамма тенгқурлари сингари чанг-тупроққа беланиб, кийими-нинг харобини чиқариб, баъзан бурни қонаб, баъзан бели қайрилиб уйига қайтарди, лекин аввалдан феълида шаддодлик бор: ҳеч кўзёши қилмас, ўзидан пеш келганга ялинмас эди.

Аслида ҳам у эркатой эмасди.

Майдонда ҳатто катта-катта қурашгир полвонлар битта бутун нон учун, бир думалоқ чой учун жонини жабборга бериб олишганини у кўрган, ўзи ҳам дастлаб уйига бир қофоз чой кўтариб келганида қувонганидан кўзида ёш қалқанди.

“Бошида оддий одамдай кун кечиришни орзу қилганман, бошқа ҳеч нарсани ўйламаганман”.

Ҳа, олис-олис қишлоқларда 60-йилларнинг бoshигача кишиларнинг қорни нонга тўймай келганини эсласак, қурашчининг сўзини ҳис қилиш қийин эмас. Қашқадарёнинг, айниқса, Китоб райони қурашчилар юрти ҳисобланади. “Китоблик ўғил юришдан аввал қурашишни ўрганади” – дейди шу ерлик сўзамол оқсоқол. Шу ўринда қанчадан-қанча маҳаллий полвонлардан ташқари ўзбеклардан самбо бўйича биринчи СССР чемпиони, биринчи халқаро классдаги спорт мастери

(устаси) Хушвақт Рўзиқулов ва жаҳон чемпиони Эркин Холиқовнинг номларини эслаб ўтиш кифоя. Ўша вактда X.Рўзиқуловнинг шухрати ҳамма қишлоқ ёшларига катта таъсир ўтказганди. Балки ёш Сайфуддин ҳам дастлаб унинг орқасидан эргашиб унвонлар олишини орзу қилгандир-у, барибир оддий қишлоқ курашчиси, “жайдари полвонча” эди. Шу оддий, ҳеч ким менсимайдиган бола бора-бора биринчи товоққа талашадиган бўлди.

Маълумки, миллий кураш вазн чегарасини билмайди – тоифаларга бўлинмаган. Бу, 60–70 килограммлик полвон юз килолик полвонга рақиб бўлаверади, деганидир. Ёш Сайфуддиннинг вазни ниҳоятда енгил – 46 кг дан ошмасди. У мағлубиятни тан олмас, нима бўлсаям, йиқитаман шуни, деб олишарди. Юз килолик оғир вазнили полвон, агар юз эллик килолигинг бўлсаям чаппа қиласман, деб мушагини кўз-кўз қилиб турса, 46 килолик пақирга нон тегармиди? Энди ўзидан икки баравар оғир полвонга товоқ талашаётган йигитчани кўз олдингизга келтириб кўринг.

Вояга етавергач эса оқсоқоллардан танбеҳ эшитарди:

– Бу соврин сенга эмас, Сайфуддин, бир кути конфет ҳазил гапмас-да. Балки ёшинг ҳам кичкиналиқ қилас... Ўтири, қара, бошқалар қандай курашяпти...

Шунда Сайфуддин аламдан лов-лов ёниб кетарди: “Наҳотки, мен бир умр биринчи товоқни ололмай ўтсам?!”

Ҳа, бу сўзларни эшитиш Қашқадарёning машхур полвонларидан бўлган Ҳоди бобо Исо ўғлига ҳам енгил эмасди. Бобонинг обрўйига яраша олишиш керак невара ҳам.

Аlam, агар у ҳаққоний бўлса ва у иродали қалбда ниш урса қудратли ҳаракатлантирувчи кучга айланади. Сайфуддин иродали эди ва кўпинча ўз сўзини такрорларди: “Гапиришса гапиришар, менга нима... Кўрамиз

ҳали!..” У ўжар эди, то ўн етти ёшга етгунча ўзидағи катта истеъодони сезмади. Собиқ командаодоши, сўнгра эса самбо бўйича Ўзбекистон терма командаси тренери Мэлс Ан кишидаги энг зарур фазилатларни тез илғай оладиган ақлли одам.

- Ҳодиев ўн етти ёшида Тошкент Давлат Жисмоний тарбия институтининг талабаси бўлди ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер Ефим Борисович Колтунов раҳбарлигида эркин кураш билан шуғуллана бошлади. Миллий кураш унга кўп фойда берган: унда курашиш ва рақибини ҳис қилиш туйғуси баланд, лекин мени ҳайратга солгани бу эмас, – М. Ан бир оз сукут қилиб жилмаяркан, қўшиб қўйди: – У ўта шафқатсиз эди! Ҳамма нарсага! Бизга – ўз дўстларига, тренерларига...

Биз, тенгқурлари у кўп уқтирадиган машаққатли меҳнат ва масъулиятга қўника олмас, шу туфайли чиқишолмасдик, тренерларимиз ҳам бунчалик катта масъулиятни раво кўришмасди. Худо кўрсатмасин, у бўлса сира муроса қилмасди, тортишиб туриб олар, оғир машқни бажаришга, ўз-ўзи билан олишишга доим тайёр турарди!

У жуда қисқа муддатда барчамизни қувиб етди, ўтиб ҳам кетди. Бир ярим йилдан сўнг (вазни 47 кг эди, ўта енгил вазн эса ўшанда 52 кг ҳисобланарди) у спорт устаси топшириқларини бажарди. Яна шуни ҳам қўшимча қилишим мумкин: жуда мағур у, мустаҳкам хотираси бор. Юртдошларига ўзининг курашчи эканлигини кўрсатиб қўймоқчи эди – кўрсатди!

Сайфуддинга спорт устаси бўлиш жуда керак эди, бундан ҳам зарурроғи – қадрдан Китобида одамлар эшитиб хабар тарқалиши эди. Токи кўришганлар ҳурмат билан олқишлисан, ҳатто оғзи очилиб унинг кумуш медалига тикилишсин.

Токи уни ҳам келгуси тўйда кураш тушишга лутфан таклиф этсинлар ва у шунда виқор билан жавоб қайтарсин:

- Имкониятим йўқ-да. Ҳозир Ўзбекистон чемпионатига тайёрланаяпман...

Аламли туйғу ва катта ният қасоскор-ғолибни ҳаддидан ошириб юбормади. У Китобни, китобликларни севарди ва шунинг учун ҳам юртдошларини афв этарди.

Кейин у армияга кетди.

Шу ўринда, хурматли ўқувчи, Сизнинг дашномли саволингизни эшитгандай бўлдим: “Хўш, Ҳодиев ўн беш йил аввал чемпион бўлган экан, нега ўша пайтда ёзилиши керак бўлган гапларни бугун бизга қайта сўзлаётисиз?” Мен бу саволни мақола ёзишга киришган пайтдаёқ кутган эдим ва жавоб беришгаям тайёр эдим: ўша кезлари (70-йилларнинг ўрталарида) юртимиздан кўплаб ўзбек жаҳон чемпионлари бодраб чиққан эдилар. Руфат Рисқиев дейсизми, Собир Рўзиевми, Собир Қурбоновми ё Сайфуддин... Бу шунчаки гап эмасди. Яна шуни ҳам айтайки, Ўзбекистон газета ва журналлари ўша чоғлари чемпионлар ҳақида аналитик хабарлар беришдан нарига ўтмаган. Мақолалар эса деярли ҳаммаси марказий матбуотга эргашиб, худди таржима қилингандай ёзилган. Фақат Сафар Остоновнинг спортчилар ҳақидаги бир неча очеркини бундан истисно қилиш мумкин.

Спорт ҳам маданият. Юрт шаънини жаҳонга тартишга жон-дилдан тиришган кишилар бир кун мақсадларига эришибдиларми, уларни биз қачон бўлса-да, эъзозлашни, керак бўлса мадҳ қилишни бўйнимизга олишимиз керак.

Ян Димов дунёning энг мушхур курашчилари ҳақида “Паҳлавонлар дўстлик туфайли ҳам кучлидилар” (“И дружбой сильный богатыри”) номли китоб ёзган. У мамлакатимизда қайта-қайта нашр этилган. Ҳатто ўзимизнинг “Медицина” нашриёти ҳам китобни тўрт йилча бурун 150 000 нусхада чоп этди. Ёзувчининг узундан-узоқ мадҳу таърифига сазовор бўлган, ер

юзининг кураш юлдузлари сафида Сайфуддин Ҳодиев ва Собир Курбоновлар ҳам кўкрак кериб туришибди.

Олдингдан оқсан сувнинг қадри йўқ, деганлари ростмикин? Адибларимизда зийраклиқдан ташқари жонкуярлик ҳам етишмайди, деб ўйлайман кўпинча. Агар биз курашчимизни мақтасак, оддий ва қулоққа кунига ўн бора чалиниб зериктирадиган сўзлар билан таҳсинга кўмид ташлар эдик. Қаранг, Осиёми, Европами, Ғарбми-Шарқнинг қайси бурчаги демай, эринмай бориб, энг кўзга кўринган ўнлаб полvonлар орқасидан юриб, кузатиб, қалам тебрататётган ёзувчи минглаб километр масофадан – нақ Украина дай жойдан келиб, Қашқадарёнинг жазирама чўлидан кезиб ўтиб Сайфуддин Ҳодиевни қидириб топади, танишиб, дўст киришади. Худди шу ерлиқдай тўю маъракада қатнашиб юради. Сўнгра ўз ватанига боради, ёзув столига ўтиради-да, қуйидагиларни ёза бошлайди:

“Спортда кимга қийин, вазн билан тушувчиларга! Ва айниқса, вазн ташловчиларга! Вазн – энг ашаддий рақиб. Баъзан бунақаси ҳам бўлади: кунига кам деганда бир соат ҳаммом буғхонасида ўтириб, тағин кундуз кунлари бир стакандан зиёд сув ичмасликка аҳд қилган вазн ташловчи спортчи кечаси уйқусидан туриб сув жўмраги ёнига келади ва ичади. Эрталаб тарозига оёғини босади-да, оҳ уриб юборади – қаердан пайдо бўлди бунча оғирлик?! У дабдурустдан қачон сув ичганини эслайлайди. Билмайдики, туши аралаш ичиб қўйганди сувни.

Шундай ҳодиса рўй бермаслиги учун Мэлс Ан дўсти Сайфуддин Ҳодиев билан кечқурун келиб меҳмонхона номеридаги кран жўмрагини қаттиқ беркитиб қўйди. Эрталаб улар икковлашиб ҳам кранни оча олишмади. Командадаги энг кучли ва оғир вазнли Виталий Кузнековни чақиришди. У ҳам уddyалай олмади. Охири чилангар чақириб, маҳсус очқичда бўшатишга тўғри келди, у ҳам таажжубда эди: “Қандай қилиб бунақа маҳкамланиб қо-

либди-я? Яп-янги эди, ҳафта бурун ўзим қўйган эдим!..”
Бу икки марта жаҳон чемпиони Сайфуддин Ҳодиев ҳаётидан оддий бир лавҳа, холос. Бунақаси жуда кўп бўларди. Ҳаммаси аламдан, аччиқ аламдан бошланганди...”

Ёзувчининг нигоҳи ўткирлиги ҳақида бошқа тўхтальмаймиз. Ҳадеб ўзимизни айбласак, ношукурлик бўлади... Ким билсин, унинг ўзи ҳам бир пайтлар катта спортчи бўлгандир.

Дарвоқе, Сайфуддин армияга кетган эди. Қайтиб келиб Қашқадарёда вилоят кураш секциясида тренерлик қила бошлайди. Я. Димовнинг ёзишича, шу вақтда самбо бўйича Ўзбекистон терма командасининг катта тренери Г. Калеткин ёш иқтидорларни ахтарарди. Эркин курашчилар мусобақасида у Ҳодиевнинг миллий курашдаги каби оёқлари орасида қандай буровга олишини кўрди. “Абжирлик билан, рақибининг ушлashinga йўл қўймасдан ташланади, – ўйлади Калеткин.
– Халатидан тутолмайсан, эркин курашда халат бўлмаса... Шошма-чи, агар Ҳодиевнинг рақибида қуртка бўлганида-чи?.. Синаб кўриш керак...” Бир ойдан сўнг Калеткин иқрор бўлдики, Ҳодиев самбо билан кўпдан шуғулланади. “Самбо гиламига у ўзининг бутун миллий курашини олиб чиқди. Бошқа бир шогирди Мэлс Ан тажрибали ва истеъдодли самбочи эди, бироқ у кўтариб ташлаш усулларини Ҳодиевдай ҳис этолмайди. Сайфуддин Мэлсга кўтариб ташлашни, у эса ётиб олишиш ва оғритувчи усулларни ўргатди”.

– Аслида Калеткин мени қидириб топмаган, – деб изоҳ берди менга Сайфуддин ака. – Биз илгари Геннадий Иванович билан яккама-якка гиламга ҳам чиққанмиз, яъни биз эски рақиблар эдик.

– Димов хато ёзибди-да? – дедим ажабланиб.

– Ҳа, энди ёзувчилик иши шунаقا бўлади шекили-да, ҳамма журналист, мухбирларнинг мен ҳақда ёзганларида ҳам ё ундей, ё бундай даражада тўқилган жойи бўлади.

Тўқиши уларнинг одатий иши деб ўйлаганим учун ҳеч вақтда норози бўлмаганман.

Классик, эркин кураш ҳамда самбога янги вазн чегараси берилди – ўта енгил вазн 48 кг га келтирилди. Ҳодиевга шу вазнда чиқишни таклиф этишди. Ўша биринчи уринишни у умрбод эслайди.

Бу ҳақда марказий матбуотнинг деярли ҳаммасида ёзилган. Г. Калеткин шундай ҳикоя қиласиди: “Жаҳон чемпионатига биз Цахкадзорда тайёрландик. Ҳодиевнинг вазнини жойига келтириш керак эди. У 58 кг чиқди, мақсад эса – 48. Кам сув ичди, икки камзулда югурди ва охири 52 кг гача тушди. Ундан пастга тушириб бўлмади. Буғхонада соатлаб ўтиришга тўғри келди, барибири фойдаси бўлмади.

Тренерларнинг ҳам боши қотиб қолди. Ҳодиевдан умид узиш даражасига етдилар. Кўрдимки, мен у билан бир тўсиқ олдида турибман...

Ҳодиев камгап, маъюс бўлиб қолди. Сездим: йигитнинг ўзига ишончи сусайяпти, ишонч бўлмаса, вазн тушириш мумкин эмас. Кучим етганча унга “газ бериб” турдим. Баскетбол ўйини пайтида болалардан илтимос қилдим, ҳужум чоғида ҳар доим унга тўп узатинглар, дедим... Барибири бўлмади. Гиламда ҳар хил машқлар бажардик. Яна фойда йўқ. Қандай ёрдам бериш кераклигини билмай бошим қотди.

Аммо бир нарсага фаросатим етарди, уни руҳлантириб, маҳкам бўлишга чоғлаб турдим. Ўша лаънати вазн ҳақида ўйламасликка даъват этдим. Иссиқроқ кийинишга ва тоқقا чиқишга мажбур қилдим. Тоғ биқинига етганимизда у деди: “Бу ёғига юролмайман, чарчадим... Бекорга овора бўламиз, Геннадий Иванович, ўзингизниям, мениям қийнаманг...” Донг қотиб қолдим: у жуда матонатли эди, бояги гапи эса...

Қўлига самбо белбоғини бериб шатакка олиб тоқقا судрадим. Пишиллаб чарчаб қолдим-у, ўзим қўшиқ айтаман. У эса зийрак йигит, ниятимни пайқади, мени

хафа қилишни истамади. Тепаликка чиқа бошладик. Кел, дейман унга, ошпаз қизимизга гул терамиз. Ахир, биз ўйинқароқлик қилиб юрибмиз, бечора қиз бола бўлса, биз учун иссиқ печка ёнидан кетмайди. У менга қараб қулди: “Сиз мендан кўпроқ ейсиз, ўзингиз тераверинг”. Ҳазиллашади... Гулдаста тердик-да, пастга туша бошладик, тушаётиб мен оёғимни тойдириб юбордим – гўё “жароҳатладим”. Ҳодиев ишонувчан одам, мен аксинча – қувлигим бор, тренерининг айёрлиги унинг хаёлига ҳам келмасди. Сайфуддин мени пастга кўтариб тушди. Оҳ, ишонасизми, шунда мен иложи борича ўзимнинг оғирлигимни унга ташлаб, зил-замбил бўлиб олдим. Албатта, ўшанда айёрлик қилганим учун ҳам у ўзи ва ўзининг вазни тўғрисида ўйламади – тренерни “қутқарди”, холос.

Мени кўтариб боряпти, усти жиққа тер, ахир у икки камзул ва унинг устидан куртка кийиб олганди-да. Курткасини ечмоқчи эди, мен қўймадим. “Нима қилмоқчисан, – дедим, – касал орттиromoқчимисан, шамоллайсан-ку?!” Қанақасига шамолласин, кун ниҳоятда иссиқ, нақ ўттиз даража, ундан кам эмас. У мени дўхтирнинг кабинетигача кўтариб келди. Дўхтир почами сириб у ёқ-бу ёғимни кўраётганида шогирдимни чалғитиш учун бирданига бақирдим: “Тур. Сайфуддин, шаллайма”. У хоҳламайгина ечина бошлайди, тарозига чиқади ва... беихтиёр қичқириб юборади: “Кетди, Геннадий Иванович, кетди, энди енгамиз!” Менинг саксон килолик “тошим” унинг оғирлигини 50 килограммга-ча “ҳайдаб туширганди”. Ҳодиев менга, менинг оёқларимга қараб хоҳолаб кула бошлади”.

Балки, тренерининг ишбилармонлигига қойил қолар, балки устозсиз ҳақиқатан ҳам катта натижага эришиб бўлмас, ҳар нечук, Сайфуддин аканинг ўзи: “Спортчи тийиқсиз кучни ўзи тўплайди, лекин чемпион бўлиш учун албатта, зўр тренер керак”, – дейди қатъий.

Бизда илгариgidай донгдор спортчилар йўқ ҳозир. Нега? Буни Сайфуддин аканинг ўзи ҳам бир сўз билан шарҳлаб беролмасди. “Бизда спортчининг ҳам, тренернинг ҳам маоши кам, манаман дегани 180 сўм ойлик олади, шу оила боқишига етадими ҳозирги шароитда? Шунинг учун кўп тренерларнинг ўзлари савдо кооперативларига ишга ўтиб кетди. Пулнинг қадрсизланиши ҳамма нарсанинг қадрсизланишига олиб келди. Спортнинг ҳам обрўи илгариgidай эмас. Илгари иштиёқ баланд эди одамларда, ҳозир бефарқ бўлиб қолишиди. Миллий спортизга ҳакамлик қилаётгандарга эътибор бериб кўринг, бунинг сабабини яхшироқ тушуниб оласиз. Ўзбек спортининг равнақи учун ўзбек тренерлар жон койитмайди деб ўйлайсизми? Койитади, албатта. Бундан уч йил муқаддам, хабарингиз бор, жумҳурият спортқўмитасида самбо бўйича СССР терма командасининг Ўзбекистон бўйича Давлат тренери эдим. (Сайфуддин ака айни пайтда жумҳурият аҳамиятига молик пенсионер). Туз еган тузлиққа тупуриш деб ўйламанг-у, дангалини айтиш керак: у ерда асосий қисм кишилар миллий спортнинг ривожланишига қаттиқ тўсқинлик қиласди. Дунёни сув босса тўпиғига чиқмайди, фирромлик қилишади, буни юзига айтсанг, “уругингни қуритади”. Уларни масъулиятсиз бўлса керак, деб ҳам ўйларсиз, масъулиятсизлик оддий гап-ку, эҳ-ҳе... Биз ўша идорада бор-йўғи 12 фоиз миллий кадрлар ишлардик, холос...”

Бир қашқадарёлик ўртоғим, эркин кураш бўйича мастерликка номзод, ўзи жуда дилкаш, содда йигит эди. У билан гаштакда ўтиргандик бир куни, қўлида пичоқ, балиқ консерваларни очмоқчи бўлиб турганди, тўсатдан чироқ ўчиб қолди. Беш-ўн минут ўтмай чироқ яна ёнди, ўртоғим бўлса қоронғида тўртта консервани очиб қўйибди... Биз унга чироқсиз ҳам бунчалик “унумли” ишлагани учун таҳсин айтиб турсак, у қўлидаги пичоққа қараб, ҳайрон бўляпти: “Ие, айтдим-ов, нега

бунча болтадан баттар деб". Билсак, ўртоғимиз тўртта консервани пичоқнинг тескари – дамсиз томони билан очиб қўйибди... Кулишдик роса.

Мен уни яқинда, роппа-роса тўрт йилдан кейин Тошкентда қўрдим. Аниқроғи, уни бу ерга олиб келдилар. Уч ойча бурун сариқ бўлган экан, касали қайталабди. Ўзининг айтишича, ҳозир нақ ҳовлисигача пахтазор эмиш, пахтага ташланган заҳриқотил туфайли қишлоқдошлари деярли ёппасига сарғаймага чалинибди, улар қаторида бу ҳам...

Уни, ўша вақтлари девкелбат, савлати чемпионникидан зиёд, қоронғуда билмай пичоқнинг орқаси билан консерваларни қаторлаштириб очиб ташланган дўстимга ҳозиргиси – баданидан тортиб қўзигача сарғайиб, қомати букчайиб қолган йигитни солиштирдим-у, хўрлигим келди. Ахир, унинг гуноҳи йўқ эди-ку. Тағин аламли хаёл оқимиға ғарқ бўламан: худо билсин, олис украин ўлкаси ёки пойтахт Москва теграсида одамлар ўзлари қўлдан ясаган заҳриқотиллар билан зинҳор ўзларига ўлат уруғини сочмасалар кераг-ов. У ерда деҳқоннинг ҳам спорт билан шуғулланишга, китоб ўқишга, миллий маданиятни бойитишга хизмат қилишга вақти бор. Онги ҳам етарли. Руҳияти бошқа. У ердаги биродарларимиз биздагига ўҳшаб пахтада ишлаш тугул пахса деворли уйида тек ўтиrsa ҳам мудом заҳар ютиб ётмаса керак. Акс ҳолда, украин ва рус йигитлари нимжон бўлганларида Украинанинг бешта, Москванинг тўртта футбол командаси мамлакат чемпионатининг олий лигасида фаол тўп суриб юрмаган бўларди. Мамлакат довруғини қўтараётган қўплаб чемпионлар етишиб чиқмаган бўларди.

– Ўзбекистонлик спортчига нақадар қийин бўлишини айтяпсиз. Биз – спортчи ва тренерлар кўпинча бу томонига эътибор бермас эканмиз. “Ёшлиқ”да ва “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газеталарида жумҳуриятимиздаги кимёвий заводлар кўпайиб бо-

раётгани, айниқса, Навоийга ўхшаш саноат шаҳарларида одамларнинг эртанги истиқболи йўқолаётгани, келажаги майиб қилинаётгани ҳақидаги мақолаларни ўқиб, очиғи, юрагим увишиб кетди. Бу фожеий вазиятни кўриб, Оролбўйиу Навоий, Олмалиқ, Чирчиқ каби шаҳарларда спортнинг равнақидан кўра яна ўн йилдан сўнг, яъни биз “коммунизм” каби тасаввур қиласидиган 2000 йилда мўътадил ҳаётнинг ўзи сақланиб қоладими, деган хавотир кўпроқ қийнайди. Бизнинг онгимиз бугун ҳар хил фожиавий муаммолар билан чалғимоқда. Маданият, шу қатори спортнинг ривожланишига ҳам озроқ бўлса-да, руҳий хотиржам вазият керак. Кела жакка ишонч бўлиши лозим. Спорт ривожланиши учун халқнинг, дэҳқоннинг бўш вақти бўлиши керак, халқнинг ҳеч бўлмагандан бир қисми спорт билан шуғуллана олиши керак. Шундагина у спортнинг қадрини билади, айниқса, қишлоқда спортни баданни чиниқтиришдан бўлак нарса эмас деб тушунишади, тош (гира) кўтармоқчи бўлган бола уни сотиб олиш учун отасидан пул сўраса у: “Ундан кўра даладан бир қучоқ ўт юлиб кел, шуям физкультура”, – дейди. Оилавий муҳит билан кўпинча чегараланиб қоламиз. Мисоли билан айтай: Хушвақт Рўзиқулов самбо бўйича Ўзбекистондан биринчи СССР чемпиони, биринчи Халқаро тоифали спорт устаси. Бироқ у туғилиб ўсган Китоб туманининг ўзида ҳанузгача унинг номи билан боғлаб бирон марта спорт учрашувлари ўтказилмаган. Туманимизда саккизта ресторон бор, саккизта! Лекин ақалли саккизта одамни сиғдирадиган битта спорт зали йўқ. Шуми энди бизда спорт маданияти?! Китобда жаҳонга танилган спортчилар кўп, аммо улар туманининг ўзида тан олинмайди. Буни нима деб аташ керак энди?

Халқаро учрашувларда, олимпия ўйинларида ўзимиздан ҳам чемпионлар чиқишини халқимиз истамайди дейсизми? Истайди! Ёшларнинг улуғ идеалларга садоқат билан камол топишига эришишимиз керак, бун-

да спортнинг аҳамияти жуда катта, у ирода демакдир, энг қийин шароитларда йўл топа олишга, интилиб, умид билан яшашга ўргатади. Ҳа, шундай, буни мен тўқиб чиқараётганим йўқ. Кўп нарса одамнинг ўзига ҳам боғлиқ. Агар тарбиялайман десангиз, ўғлингизни bemalol чемпион қилиб етиштира оласиз.

Ўғилларим Ҳусниддин ва Санжарни курашчи қилиб тарбиялаяпман, яхши ниятларим мўл, Санжарнинг, худо хоҳласа, бир марта жаҳон чемпиони бўлиши бор!

– Ҳали кичкина-ку у, нимасига қараб башорат қиласиз?

– Спорт талантни ёқтиради. Отам, бобом полвон бўлган, уларнинг қони, феъли менга ўтган, ўғилларимда ҳам мардона характер кўраман, икковини олиштирсам, кўзим яшнаб кетади, бўрибаччалардай мағрур ташланади бир-бирига...

– Икки йил аввал Испанияда ТошДУ талабаси Эркин Ҳолиқов жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. У сизнинг...

– Ҳа, у менинг шогирдим, жуда чайир бола, сал ўжарлиги бор. Биласизми, мен уни қанча вақт тайёрладим? Бир ярим йилда! Шунча вақт ичида у оддий курашдан бошлаб жаҳон чемпионлигигача кўтарилиди. Калеткиндан анча-мунча тажриба ўрганганман. Бироқ менинг шафқатсизлигим Эркинга ёқинқирамайди. Ҳозир ҳам шуғулланяпти.

Энди бу ёғи ўзига боғлиқ. СССР чемпиони бўлиш учун, ҳозирги шароитда ҳар куни уч марта 2 соатдан машқ қилиш керак, жаҳон чемпиони бўлиш учун эса... у ёғини ўзингиз тасаввур қиласеринг. Жумхуриятилиз сардори бўлаётган самбочиларнинг кўпчилиги ҳар куни икки соатдан кўп тренировка қилмайди. Ҳалиям ўзбеклар жуда чайир бўлишади, бундай олганда маҳсус машқ қилмасаям ярим спортчи бўлишади. Мен ўйлайманки, йигитларимизнинг, айниқса, қишлоқ ёшларининг самбога жуда уқуви зўр, сал вақтда эплаб кетиша-

ди. Фақат мустаҳкам ирода керак, машқнинг оғирлигиги ни ўйлаб ташлаб юбормасликлари керак.

– Ўзингиз ҳам қийналгансиз-ку?

– Қийналмаганман десам ишонасизми? Ҳаммасини бир бошдан айтишни эп кўрмаяпман. Шуни билиб қўйингки, катта спортда тасодифий чемпионлар бўлмайди... Ҳақиқий истеъдодим борлигини ўн саккиз ёшга довур сезмаганман, сезганимдан кейин эса ўзимга жуда мустаҳкам бўлганман.

– Қатъийлик ҳам иродага боғлиқ.

– Йўқ, характерга боғлиқ. Бу феълим отамдан ўтган менга. Қайсарлик десангиз тўғри бўлади. Аввал мухбирлардан сир тутган учта амалим бор эди, энди уни айтавераман.

Биринчиси, покизалиқ, иккинчиси – темир интизом, учинчиси – кучли таом билан овқатланиш. Ҳар гал гиламга чиқишидан аввал таҳорат олиб тиловат қилиб олар эдим, шунда ўзимни қайта туғилгандай, ҳеч енгилмайдигандай ҳис этардим. Доим кийимимни тоза тутардим... Албатта, тўйиб ухлардим. Йирик мусобақаларга жўнаш олдидан томоқнинг ташвишини қиласадим. Биласизми, нима қиласадим: майиз, ёнғоқ ва асални гўшттўғрагичда яхшилаб тўғраб, шиша идишга солардим, устидан лимонни эзиб ташлардим-да, оғзини ёпардим. Бу – менинг озигим эди. Эрталаб 8–10 км га югуришдан аввал ундан уч қошиқ олиб ялардим. 7–8 км югургандан сўнг баданимдан жиққа-жиққа тер чиқиб, шундай қизиб кетар эдимки, нақ олов бўлиб ёнардим, шу баробар томирларимга қон тўлиб аста-аста мускулларим ўйнай бошларди. Ана ундан кейин ҳар қандай оғир машқни қийналмай, тап тортмай ба-жараверадим. Йигитлар билан ошхонага кирсак, улар биринчи, иккинчи, учинчи деб, майда-чуйда овқатларни олаверишарди, мен эса, албатта, камида ўн-ўн бешта хом тухум чақиб ютардим. Кейин ўз ёнимдан харажат қилиб курка гўшли сотиб олардим-да, уни нақ уч соат

қайнатардим, тагида кўпи билан бир коса пиёваси қоларди, шуни ичсам, мисоли отдек бўлардим-қолардим. Яна агар иложини тополсам... Бўри қўйнинг қаерини биринчи тишлайди? Бўғзини эмас, думини тишлайди. Кўйнинг дум учини нима дейди, биласизми? Ҳа, бара-калла, пўстдумба! Шу пўстдумбани энг ашаддий рақибларим билан тушишдан олдин 50–100 грамм тушириб олардим. Ана кейин нақ бўри бўлиб қутурар эдим ўзи-ям!

“Ҳамма ишлар жойида эди. Ҳодиев ҳеч кимда ҳеч қанақа шубҳа уйғотмасди. 1974 йилги Жаҳон чемпионатида...” (Ян Димов). Москвага жўнаш олдидан унинг оғирлиги 48 кг 500 г эди. Улан-Баторга етгунча шу 500 г ҳам “учди”... Жаҳон чемпионатида дастлабки учрашувлар ғалаба билан тугади. Лекин финал матчидан олдин, айни чемпионлик медали нафақат Сайфуддинга, балки СССР терма командаси мавқеига ҳам қаттиқ таъсир этадиган пайтда у бирдан ўзида 300 г “ортиқча”лик борлигини кўриб тепа сочи тикка бўлиб кетди. Ахир, энди хоҳласанг-хоҳламасанг, сени гиламга таклиф этиб ўтирмай, мўғул самбочисига ғалаба ёзилади. Сайфуддин Ҳодиевни фақат бир нарса – СССР терма командасининг юзини ерга қаратиб қўяман-ку, деган хавотир қийнай бошлади.

Гиламга чиқишига уч соат вақт қолди. Командадош ўртоқлари ҳам ташвишда. Команда бош тренери Станислав Илдарович Ионов тайинлади: тезда буғхонага ўт!

Соат ўнга яқинлашмоқда эди. Ҳадемай ўртага чақирилади. Тарозига яна бир тортиб кўрди ўзини. Оғирлиги 47 кг 800 г!..

– Мана шундай қилиб биз планни ошириб бажардик, – дейди жилмайиб менга Сайфуддин.

– Гиламга чиқишиш қўрқинчли бўлмадими? – сўрайман ундан. Саволим ўринсиз чиққани учун қўшиб қўйдим: – Шунча ҳаяжондан кейин...

– Кўрқдим, – дея тан олди Сайфуддин ва тушунтириди: – Кейин Геннадий Ивановичнинг юзига қандай қарайман! Агар енгилсам...” (Вячеслав Костирия. “Огонёк”, 1976 йил, № 2).

С. Ҳодиев: “Мўғул самбочиси Шогдор Мононху менинг энг ашаддий рақибим эди. Албатта, ҳаяжонланганим чин. Чунки Шогдор совет курашчилари билан неча марта гиламга чиқсан бўлса, узоғи билан 2 минутда мағлубиятга учратган. Энди у менинг рақибим... Ўргага чиқишидан олдин одатий амалларимни бажардим: таҳорат ва тиловат қилиб олдим. Ишонсангиз, нақ бургутдай ташланаркан одамга мўғул дегани. То ўйин туғашига 1 минуту 15 секунд вақт қолгунга қадар тўрту ноль ҳисобида ютқазаётган эдим.

Лекин қандайдир бир ишонч мени осойишта тутарди, енгиляпман-у, ҳозир мўғулни кўтариб ураман ерга, деган ишонч кўнглимда турибди. Бир минуту ўн беш секунд! Шу вақт ўзимда қандайдир ғойибона куч сездим-да, рақибимнинг устига миниб олдим-ку. Чангакдай қиса бошладим. Тўрт очко! Ҳисоб тенглашди! Бу галги ушлашувда яна бир қулай фурсат топиб кўтариб ташладим. Яна тўрт очко! “Энди етиб бўпсан!” дедим. “Зум ўтмай Ҳодиев миллий кураш усули – “ёнбош”ни қўллади, бу самбочиларда “орқадан чалиш” дейилади. Яна тўрт очко-я! Ётган рақибини кўкраги билан босаркан, “қийнов”га олди. Бир лаҳза, икки, уч... ўн! Фалаба!” (Вяч. Костирия).

С. Ҳодиев: “Мамлакатимиз байроғи кўтарилиб, иттифоқимиз гимни чалинаётганда, бирдан оёқларим, сўнгра бутун вужудим бўشاшиб, эриб кетаётгандай бўлдим. Телевизор ёнига тўпланишиб олган ҳамқишлоқларим, отам, онам, акам, укаларимни кўз олдимга келтирдим. Баттар ўпкам тўлди...”

Телевизордаги кўрсатув тугар-тугамас ҳамюрти, мухбир йигит қоғоз-қалам ола солиб вилоят рўзномасига мақола ёзишга киришди. Унинг илҳоми чексиз

эди, достондай баъзан тўқиб-чатиб ҳам кетаверди. “Уч оқшомдан бўён Оғамайли қишлоғининг ёш-қариси телевизор қошидан нари кетмайди. Ҳамманинг тилида Сайфуддиннинг номи, ҳамманинг дилида унга хайрхолик, – дея ёзарди у. – Ахир, ўз бағриларида ўсиб камол топган ёш полвоннинг жаҳон аренасида кураш тушиши кимни қизиқтирумайди дейсиз. Ҳамманинг нигоҳи экранда – Монголиянинг пойтахти Улан-Батордан олиб кўрсатилаётган самбо бўйича Жаҳон чемпионати беллашувларида. Чемпионатда Ленин номли колхоз аъзоси Ҳоди полвоннинг ўғли Сайфуддин СССР терма командаси таркибида қатнашяпти. Унинг ҳар бир чиқишини ҳамқишлоқлари ҳаяжон билан кутишади. Гиламда оёғи тойиб кетса оҳ чекиб, рақибини ёнбошлатса, олқишлишади. Рақибининг ҳамлаларини қайтарганда экран қаршисида ўтирганлар “яша-а, шоввоз!” деб қўйишади.

– Қоплон-да, қоплоннинг ўзи, – дейди завқ билан бир вақтлар Сайфуддинга устозлик қилган Тўхта полvon. – Ўз вазнида тенги йўқлигини билардим-а!

– Ота ўғил-да, ота ўғил, – дейди Хуррам ота, бир чеккада ёнбошлаб чой хўплаётган Ҳоди полвонга қараб қўйиб. – Вақтида отасиям кападай-кападай ўмровларни йиқитиб юрган.

Бунга жавобан Ҳоди полвон мийифида кулиб қўяди. Хотирасига ёшлиги, Сайфуддиннинг ўспириинлик йиллари тушади...

...Китобликлар спортни севувчи, асл шинавандалардан эмасми, янгилик бир зумда оғиздан-оғизга кўди. Шу оқшом туғилган чақалоқларга полвон бўлсин деб чемпионнинг номи берилди. Қувонмай, фаҳрланмай, ҳавас қилмай бўладими, ахир... Бугун унинг ютуғи... воҳамиз, мамлакатимиз кишиларини қувонтироқда”.

Бу мақола вилоят газетасида “Китоблик жаҳон чемпиони” деган сарлавҳа остида чемпионнинг портрети билан босилди. (А.Аминов. “Қашқадарё ҳақиқати”, 1974 йил, 17 август).

Ҳазилакам гап эмас. Сайфуддин Ҳодиев самбо бўйича Ўзбекистондан биринчи жаҳон чемпиони бўлди! Шу муносабат билан Китобда каттакон тўй уюштирилди. Сайфуддин тўрга чиқиб, оқсоқоллар ичидаги ўтирилди. Кураш сайли ўтаётир. Боз ҳакам эса полвонларни юқори маҳорат кўрсатишга чақирди, чунки сизларни Сайфуддин Ҳодиевнинг ўзи баҳолайди-я, деди.

Китобликлар йирик жаҳон чемпионини, яна ўз юртдошларини кўриб мақтанарадилар. Агар элига май ойларида келса, пахта чопиғи бошланган бўлар ва у елкасига кетмөнини ташлаганча колхоз даласи томон жўнарди. Далада нафақат ишлар, балки вазн ҳам ташларди. Узунлиги юз метр бўлган жўякни ўртача бир ярим соат ичидаги чопсалар, бу Сайфуддин учун ярим соатлик иш эди. Тағин денг, эртадан қора кечгача, қуёш тифида, кўша чопонда.

Мабодо август ойи бўлгандаям чемпион ўзини пахта ишидан олиб қочмасди. Мэлс Аннинг айтишига қараганда, у қишлоғидан озиб-тўзиб ва қорайиб қайтарди ва дерди: “Лаънати вазнни ҳайдадим. Кетдик, олишамиз!” М. Ан: “Бизнинг Калеткин эса гўё севинчдан озиб-тўзиб кетди: Ҳодиев Жаҳон чемпионатида ғолиб чиқди, Курбонов ва мен Европа чемпионатида”.

Энди келаси йили Минскда бўладиган Жаҳон чемпионатида қатнашиш учун тайёргарлик кўриш керак эди.

Чемпионат бошланишидан аввал Бокуда ўтказилган саралаш учрашувида у энг ашаддий рақибларидан бири, мўғул Понсорни мағлуб этди. Совет самбочиларига ўта нокулай бўлган бу курашчининг ютқазиб қўйиши Сайфуддинга бир кам чемпионлик мавқеини берди.

Чемпионат чорагида у тағин Шогдор Мононху билан дуч келди. Шогдор бу гал, албатта, ютиши, сўнгра спортни тарк этиши керак эди. Аммо бундай бўлмади. У энг ашаддий рақиби қошида эгилиб, энди абадий мағлублигини тан олди...

Ўша вақтдаги “Советский спорт” газетасининг бир хабаридан кўчирма келтирамиз: “Сайфуддин Ҳодиев энг ашаддий рақиби – болгариялик Георгий Стойчев устидан атиги 39 секундда 8 балл тўплаб, муддатидан илгари ғалаба қилганида зум ўтмай ўзини тоғаси ва Китоб райони колхозлараро қурилиш бошқармаси бош бухгалтери бўлиб ишлайдиган акаси қучоғида кўрди. Сўнг учаласи ўзбекча куйга муқом қилиб ўйинга тушдилар. Қувонмай бўладими, иккинчи марта жаҳон чемпиони бўлди!”

С.Ҳодиевнинг Минскдаги Жаҳон чемпионатида иккинчи марта эришган тарихий ғалабасидан сўнг СССР терма командасининг бош тренери Станислав Ионов бундай деди:

“Ҳодиев масъулиятни жуда чуқур тушунадиган, иродаси мустаҳкам қурашчи. У ҳеч қачон терма команданинг юзини ерга қаратмаган. Шуниси қизиқки, Сайфуддин бир марта ҳам СССР чемпиони бўлмаган, – гоҳ у, гоҳ бу нарса ҳалақит бераверган. Лекин мен Жаҳон чемпионатига ҳеч иккиласмай фақат унинг номзодини кўрсатардим ва бирор марта ҳам бизни уялтирмади. Чунки у жуда ишончли эди”. “Ҳалолроқ, покизароқмисан, демак, сен рақибингдан кучлироқсан” (Сайфуддин Ҳодиев). Қурашда беш мартараб жаҳон, кўп мартадан олимпия чемпиони бўлганлар бор: Али Алиев Мұхamed Мұхамедов, Сослан Андиев, Валерий Резанцев, Леван Тедиашвили... Меҳнат ва матонат туфайли эришилган кетма-кет ғалabalар. Тўғри, ирова кўп нарсани ҳал қиласди: эҳтимол, кишилар бир неча карра сайёра сардори бўлган спортчиларнинг ҳаммасини ҳам билавермаслар. Лекин бир қўлли бўлатуриб, СССР ҳалқлари Спартакиадасида соврин ололган, СССР спорт устаси нормативларини бажарган Дмитрий Дашкони қўпчилик билади деб ўйлайман. Шуни ҳам айтишим керакки, ўн мартараб дунё спортида дарғалик қилиб, айтгулик из қолдирмай ҳам ўтиб кетиш мумкиндир. Бироқ

югославиялик курашчи Стеван Хорвад атиги бир марта курра чемпиони бўлса-да, аҳён-аҳёндагина, яъни тасодифий ҳоллардагина дунёнинг энг ҳалол спортчисига насиб этадиган “Фейр-Плей” (“Ҳалол ўйин”) кубогини қўлга киритган яккаю ягона курашчикидир. Рақиби гилаамга чиқиш учун рухсат бермаганида ва радиоқарнайдан курашсиз чемпион бўлгани эълон қилинганда у норози бўлиб, ҳамманинг кўз ўнгидаги рақибини гилаамга таклиф этиб, ҳайъатдан курашишга рухсат сўраган, курашиб, ҳақиқатан ҳам ундан устун эканлигини намойиш қилгачгина олтин медални бўйнига осган эди... Бундай ҳодисалар дунё спортида ҳам кам учрашини ҳисобга олганда чемпионликдан кўра ҳалолликнинг қадри баландроқ, чемпионликдан кўра матонатлиликнинг ҳам қадри баландроқ экани аён бўлмайдими? Париж рингида ғирромлик қилган профессионал боксчини, залда томошабин бўлиб кузатиб турган ёзувчи Э.Хемингуэй тутоқиб кетиб, рингга чиқа солиб роса дўйпослаганининг қандай маъноси бор экан?.. “Ҳалолроқ, покизароқмисан, демак, сен рақибингдан кучлироқсан”. – Буларнинг ҳаммаси менга жуда уйқаш ҳодисалар бўлиб кўринади...

Сайфуддин Ҳодиев спортда бир киши эришиши мумкин бўлган натижаларнинг ҳаммасига эришган, бугун ҳам бемалол фахрлансан арзийдиган жаҳоннинг энг кучли спортчиларидан бири. У ўзини дзюдо, миллий ва эркин курашда ҳам қаттиқ синаб кўрган, ушбу турларнинг барчасида СССР спорт мастери бўлган.


Ҳа, С.Ҳодиев 70-йиллар ўзбек спорти машъаласини баланд кўтарган, “енгилмас Сайфи” деб ном олган, чемпионлик шоҳсупасига кўтарилиган йиллари тўрт йилча бирор марта мағлубиятга учрамаган, фақат ўзигагина хос табиатли спортчи бўлганди. Ўн йилдан кўпроқ Давлат тренери бўлиб ишлаган вақтдаям ўша шиддат йўқолмади. Гўё шогирдлари билан аёвсиз курашларда ўзи жон куйдириб олишар эди. Ҳаддан ташқари ҳаяжон

ва ўзини аямаслиги саломатлигига таъсир қилмай қолмади, нафас йўли бўғилиб бўқоқ касалига йўлиқди. Оғир операция бўлди.

Катта спортни тарк этиш қийин бўлади. Тарк этгандан кейинги ҳаёт ундан ҳам қийин. Қийинлиги шундаки, одам шиддатли ҳаётга қўникиб, мослашиб қоладики, кейинги осойишталик бирдан унга ёмон руҳий таъсир ўтказиши мумкин. Сайфуддин ака бу нарсага хушёр қаради. Ҳозир ҳам бир ўртacha спортчи бажарган амалларни кунига бажаради. “Бугун ҳам Ўзбекистон чемпионатига қатнашсам, бировига бўй бермасам кераг-ов”, – дейди. Шахсий пенсионерлигини тан олгиси келмайди, ҳуқуқшунослик факультетини сиртдан туғаллаган, аммо юристлик табиатига тўғри келмас экан, шу туфайли спортқўмитада ярим штат билан тренерлик қиляпти. Эндиғи мақсад – ёшларга ёрдам бериш.

Инсон жисми ҳар вақт оромга майл сезади. Шу ором тағин жисмни ўлдиради. Жисм майли билан ўчакишиб, уни енгиш – полвонлик. Полвонликни бошқаларники билан чоғиштириб, устунлигини тан олдириш – чемпионлик, яъни ғолиблиқдир. Жисм нафсини енгиш – жўн гап эмас.

Бу жуда катта мавзу, шунинг учун суҳбатимиз ҳали тугамайди.



ХОТИРА УЙГОНСА...

ОЙБЕГИМИЗ

Ойбекнинг шеърини далага чиқиб,

Майсага ағанаб ўқимоқ керак.

Хуршид Даврон

Адабиёт тарихимизда ўзининг муқим ўрнини эгаллаган Ойбек номи тилга олинганда, эътибор берганмисиз, кўнгилда мўътадил бир қайфият, мўътадил фикр зоҳир бўлади: сўзсиз, у улкан адид. Ортиқча эҳтиросга берилмаймиз, баҳс-мунозара га ҳам ўрин йўқ, ҳадеганда олқишлишга ҳам шошилмаймиз. Сиймосини, у ҳақдаги хотираларни эслаганимиз заҳоти, турли фитналар, алғов-далғовлар замонида яшаган эса-да, қалбимизга сокинлик салобат билан киради Ойбек. Боз устига “Кутлуғ қон” билан “Навоий” романларининг ўзи етмайдими, деймиз ўзимизча. Шу асарлари биланоқ у ўзига улкан ёдгорлик ўрнатиб бўлган.

Шеърий мероси-чи?

Рости, камина Ойбекнинг шеърларини, хусусан, лирик шеърларини ўқиганимда беғуборлик, жозиба, меҳр туяман юрагимда. Кўнглим тусайди шу шеърларни. Бу, энди, кўнгилнинг ўзига қўйиб берилганда ги холис ҳолат. Кези келганда “Кутлуғ қон”ни ҳам, “Навоий”ни ҳам титкилайман.

Бошқа асарлари тўғрисида ҳозир, балки, ўрни билан нима дейиш мумкин бўлса, айтиш мумкиндири, бироқ адимизтирик бўлганида муқаррар шу икки романни қўлига олиб кўз-кўз қилган бўларди. “Кутлуғ қон”нинг сўнгини замонасоз қилишга мажбур бўлганман, дерди хижолат тортиб.

Қамрови, эпик қўлами, бадиий қуввати жиҳатидан қаралганда ҳам жуда кучли асар.

Бироқ мен Ойбекнинг ўзи – шахси ҳақида кўпроқ ўйлайман. Ва муттасил суратда замон мафкурасининг занжири қобирғаларига ҳам, қалбига ҳам ботиб, танғиб тортилган буюк ёзувчи гавдаланади кўз олдимда.

Ойбекдаги сингари ижодий куч, Ойбекдаги сингари шижаат, Ойбекники каби сабру матонат, ўйлайманки, унча-мунча Farb ёзувчиларида ҳам бўлмаган.

Ойбек ҳақида илгари қатор мақолалар, таниқли адабиётшунос Н.Каримовнинг рисола ва асарлари ни ўқиб у ҳақда тасаввур майдони пайдо бўлган эди. Бироқ адабимизнинг рафиқаси, буюк зиёли Зарифа Сайдносированинг “Ойбегим менинг” китобини ўқиб, очиғи, ҳайрат тилимни ташладим.

Авваламбор, бу оила вужудга келиши тарихи, ундан сўнгги улуғ бирлик, улуғ елкадошлиқ, бемисл садоқат ҳам замонлар саҳнасидан бизга фақат ибрат, ҳикмат намунаси бўлиб балқыйди.

Ўйладим: Зарифа Сайдносирова Ойбексиз ҳам катта аллома бўлиб етишиши мумкин экан, аммо Ойбек Зарифа Сайдносировасиз Ойбек бўлиши мушкул экан.

Бу бирлик чиндан ҳам вақтлар силсиласида бошқалар учун ибрат бўлиб қолса керак. Ҳар қандай ижодкор учун ҳам даставвал чидамли, вафодор аёл керак. Чунки ижодкорнинг инжиқлигини унча-мунча аёл зоти ҳазм қилолмайди.

Лекин З.Сайдносированинг бу борада баҳти кулган эди. Ойбек унақа инжиқ эмасди. У бир хонали ётоқда фарзандлари билан яшагандаям, устига бўхтон ёғилиб, тор жойларга кувилиб чиққанда ҳам ёзаверар эди. Шунингдек, мансабдан туширилган, ҳатто Ёзувчилар уюшмаси таркибидан ўчирилганда ҳам дами ичига тушиб кетмасди, аксинча, вақт бўлганига шукур қилиб тинимсиз ёзар эди.

Бу ҳам биз учун бир сабоқ. Чунончи биз ўз ялқовлигимизни, танбаллигимизни, эринчоқлигимизни арзи-

маган баҳоналар билан оқламоқчи бўламиз. Ойбекдек чўнг ўтириб меҳнат қилишга сабримиз етмайди, холос.

Ойбекка Худо тағин 20 йил умр берганида борми, шубҳасиз, у етиб бўлмас чўққиларни забт этган, бизга не-не улкан асарларни армуғон этган бўларди.

Ойбекнинг олийжаноблиги, шоирлиги, заковати, садоқати, сабрлилиги рафиқасига илҳом берарди.

Оилада иккаласиям ишдан қувилган, маошсиз, нонсиз, бир пайса унсиз, Ойбекнинг қайнотаси Сайдносир Миржалилов репрессияга учраб мушкул аҳволга тушиб қолган, боз устига очарчиликка юз тутилган даврлар ҳам бўлган экан.

“Бозорда бир буханка нон 200 сўм, бир килограмм гўшт эса 150 сўмга кўтарилди. Бозордан нон олиб бўлмайди, карточка бўйича олинган нонга қаноат қилишдан ўзга илож йўқ.

...Ойбек жуда тез оза бошлади. Бу унинг шу вақтда олдирган расмларидан ҳам билинади. Биз бир пайлар бир катта, бир кичик гилам сотиб олган эдик. Ўша кунлари катта гиламни сотиб, кўй олдик. У қўзилади. Икковимиз маслаҳат қилдик-да, кўй билан қўзини сотиб, пича пул кўшиб, сигир оладиган бўлдик.

Ойбек қўйни етаклади. Ойим икковимиз орқадан ҳайдадик. Бозорга йўл олдик. Сигир қиммат, сутли сигир эса бир ҳовлининг пули экан. Биз яна қўй-қўзини ҳайдаб, изимизга қайтиб келдик. Кейин сўйиб едик.

...Бир кечада, ёдимда, Ойбек ёзиб ўтиради. Мен ҳам ёзибми, ўқибми ўтирибман.

– Зарифа, қорним оч, очиқдим, – деб қолди Ойбек.

Мен нима дейишни билмайман, индамадим, жавоб қилолмадим. Негаки, уй қуп-қуруқ эди.

– Бирор нарса йўқми? – сўради Ойбек.

Ўрнимдан туриб, шкафни ахтардим. Хужрадаги хурмача, халталарни текширдим. Бир ҳовуч йирик кепак, бир-икки қошиқ шакар топдим, сўнг хурмачанинг

тагини сидира-сидира бир қошиқ ёғ олдим. Примусда кепакни қовуриб, сўнг унга шакар аралаштириб дастурхонга тортдим. Билмадим, бу қандай таом бўлди экан? Ойбек ҳазратлари номи менга ҳам номаълум бўлган бу таомдан бир-икки марта қошиқ учидаги олган бўлди. Сўнг “Сен ҳам егин” деб мени қистади.

– Йўқ, очиқмадим. Ўзингиз ея беринг, – дедим унга.

Менинг ҳам курсофимда ҳеч нарса йўқ, фақат қаноат бор, холос.

Ойбек озгина еди. Озгинасини қолдириб, деди:

– Эрталаб болаларга берарсан.

Менга боқиб жилмайди-да, тағин ёзувга киришди.

Билмадим, bemazалиқдан ея олмадими ёхуд болаларга илиниб томоғидан ўтмадими?”

3.Сайдносирова олий мактабда таълим берган биринчи ўзбек муаллимаси, анорганик кимёни ўзбек талабаларига биринчи бўлиб таништирган, кимё луғатини биринчи тузган олима. Шунингдек, рассом, мусиқачи, шоира ва мана, қўлимизда китоби – ёзувчи эди. Аммо у энг аввал ўзини Ойбекнинг вафодор хотини деб билар, энг катта ифтихори ҳам, энг йирик баҳти ҳам мана шунда эди. Асардан маълум бўлишича, Ойбек ҳам асарининг илк нусхасини Зарифасига ўқитар эди. Икковлари эмикдош эгизаклар каби мудом бир-бирига интиқиб яшаган эдилар.

Хатлар, хотираларни ўқисангиз, ҳавасингиз келади.

Айни пайтда Ойбек хотинини муттасил ишлашга мажбур этарди. Илмда худди ўзи каби заҳмат чекишини, катта олима бўлишини уқтиради.

3.Сайдносирова профессор бўлди.

Ойбек академик бўлди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг гуманитар фанлар йўналишига бошлилик қилди.

У иқтисодчи олим эди. Бу борада бетиним илмий, назарий изланиш олиб борди. Институтда дарс берди.

Сўнгра фалсафага шўнғиди. Тарихни мукаммал ўрганишга тиришди. Навоий, Бобур, Темур каби тарихимиз сиймоларининг бадиий образини яратиш ишқи билан яшади.

Ойбек замоннинг мароми билан иш тутди.

Оқимга сира қарши бормаган эди. Бу буюк қаршилик балки унинг қалбида қолди.

Чўлпон, А.Қодирий, У.Носирники сингари қатағонга дастак бўлгувчи “атрибутилар”ни ундан тополмас эдилар.

Тарих ҳақида ёзса, устидан қора чизиқ тортилмаган ҳазрат Навоий ҳақида ёзди. Бу “номаъқул” иш эмасди шўро ҳукумати учун.

Яъни замонга ёт мафкура унга ҳам ёт эди.

Оила ҳам замонга монанд эди. Хотини ҳам, ўзи ҳам рус тилида лекциялар ўқирди. Фарзандларининг тили ҳам “мама”, “папа”дан бошланган эди.

Баъзан топшириқ билан, топшириқ бўлмаса-да, қалби билан шўро тузумини қувватловчи асарларни кетма-кет ёзаверди.

Академик бўлганидан ташқари у Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик ҳам қилди, депутат бўлиб турли учрашувлар, сессияларда қатнашди. Қайноқ ишлаб, қайноқ яшашга интилди.

Бинобарин, ўз меҳнатининг тотли меваларидан баҳраманд бўлишга у ҳақли эди.

Назаримизда, унга шўро ҳукумати бирор айб тўнкаса, бу ғоят густоҳлик бўларди. Ахир, бундан ортиқ идеал шахс, идеал ижодкорни қайси гўшада қайси она туғиб улғайтириб қўйибди. Бўлса шунчалик бўлар-да инсон дегани. Шўрога яна нима керак? Тағин қандай хизмат қилиш мумкин шўрога?!

Бироқ... 1937 йил шамоллари Ойбекка ҳам тегмай ўтолмас эди. У ишдан ҳайдалади, Уюшма сафи-

дан чиқарилади, газета-журналлар унинг асарлари-ни босмай кўяди. Аслида у турли тадбирлар, жамоат ишидан чарчаган, ижодга вақт тополмай юрарди. Аммо замон таҳликали эди. Хуллас, ҳали у-ҳали бу ҳамроҳи, дўсти, устози бирин-кетин қамалиб турган кезда кўнгилга ижод сифиши мушкул эди. "...бир қанча тенгдошлари секин-аста ғойиб бўлаётган, унинг ўзига ҳам қамалиш навбати келган пайт эди. Шундай таҳликали айёмда ижод билан шуғулланиш ҳар кимнинг ҳам кўлидан келавермайди. Аммо Ойбек буюк иродা эгаси эди. Шунинг учун ҳам у ўта таҳликали ва фожиали кунларда, ғурбат ютиб кечирилган ҳаётда "Кутлуғ қон"дай гўзал ва ўлмас бир асарни яратди".

Аслида ҳам ижодкорнинг мансаби бўлмайди. Мансаб унинг ижодига халақит беради, холос. Севиб яратган асари, унинг юртидан топган обрўси ҳар қандай лавозимдан устун турмайдими?

Шу ўринда бундан талай йиллар муқаддам Ёзувчилар уюшмасида бўлиб турадиган тўполонлар ёдга келади. Тўполончилар уюшма раҳбариятини халқقا, адабиётта "хиёнат" қилганликда, ёшларга йўл бермаётганликда айблар эдилар. Аслида гурух-гуруҳ бўлиб мансаб талашардилар. Кўп ўтмай ғалвир сувдан кўтариладиган пайт ҳам келди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида бугун ўқиладиган шеър, бугун ўқиладиган наср керак бўлганида не аҳволга тушдик? Демак, халқ учун ёзувчиларнинг лавозимлари аҳамиятсиз экан. Бирданига бўшлиқ ҳосил бўлди. Халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев "Адабиёт ўладими?" дея безовта бўлиб мақола ёсса, барчамиз ёқасидан олдик: "Нималар деяпсиз, адабиёт ўлмайди!"

Холбуки, ёзувчи киноя қилган экан. (Индаллосини айтганда, адабиёт ўлиши ҳам мумкин, шекилли. Ўлмайдиган бўлса, мустақилликдан сўнг қандай ўлмас асар яратилди? Шахсан мен Ш.Холмирзаевнинг "Ди-

нозавр” романидан бошқа бугуннинг руҳида ёзилган, бугуннинг ҳаёти ифода этилган йирик жиддий асар кўрганим йўқ).

Ҳамкасларим каминани маъзур тутсиналар. “Айбдорлар” сирасига аввал ўзимниям қўйган ҳолда, илло, йирик насрни назарда тутяпман бу ерда. Асло бошқа жанрни эмас.

Ошкоралик даврининг ура-ур пайтида бирталай адабиётимизнинг устун вакиллари ҳақида ихлосимизни тамом сўндирадиган мақолалар ўқидик. Ўша пайтда шунаقا гапларга ҳам ғоят ташна эканмиз-да чоғи. Аммо ҳозир ўйлаб қарасам, домла Ойбек ўша талотўплардан ҳам нисбатан “беталафот” чиқдилар. Қолганлари (Миртемир ва бошқа ўзларини четга олиб юрганлардан ташқари) чақимчи, хиёнатчи, жаллод бўлиб гавдаландилар.

Булар бариси замоннинг ўта оғир, серташвишлигидан бўлган асли. Ўша чоғ оғиз қўпиртириб ошкоралик даври қаҳрамонларига айланганлар ҳам тақдир тақозоси билан 30-, 50-йилларда яшаб кўрганларида эди, балки бу қадар хукм гаплар айтишга уялиб туришарди...

Энди билсак, улоқни олиб қолиш, яъни “очко” жамғариш учун айтилган экан бир хиллари. Бугун эса ўша тўпланган очколардан кимга наф?

Замон одамларни, хусусан, ёзувчиларни ҳам бир-бир элақдан ўтказган. Менинг тасаввуримда Ойбек ул даврлардан ҳам устига оқ либос ёпиниб кириб келади. Юзи ҳам нурли.

“Бир кеча уйимиз олдида машина тўхтаб, эшик қоқилди. Ички ишлар министрлигидан келган одам Ойбекни олиб кетажагини айтди. Менинг оёқ-қўлларимда мадор қолмади. Қалтираб кетдим. Кўзларимдан қайноқ ёшлар қуйилар экан, Ойбек остоңада туриб, мени қучди-да:

– Қўрқма, сабр қил, балки сўроқ учун чақирилган-дирман, – деди.

Ойбекнинг ранги ўчган, ички асабий титроғи сезилиб турибди. Мен довдираган ҳолда унинг чўнтағига озгина ақча солдим.

– Зарифа, кераги йўқ! Олиб қолсалар, аввал ёнимни тинтиб тозалайдилар!

Хуллас, Ойбекни олиб кетдилар. Гўё қўксимни пи-чоқлаб, қалбимни узиб ташлагандек туюлди менга.

Шу куни ойим бизникида эди. У бўздай оқарган, муттасил пичирлаб, ихлос билан дуо қилар, “Парвардигорим, Ўзингга топширдим! Ўзинг сақла!” деб шивирлар эди.

Тонг қўкарди. На ойим бошини ёстиққа қўйди, на мен. У уйдан - бу уйга тентираб, товушсиз йиғлайман, кўз ёшларимни тиндира олмайман.

Ойбекни олиб кетган Иванов деган рус зобити эрталаб уни қайтариб олиб келди. Ошиқиб, эшикни очдим.

– Қўрқма! Нега бунча титрайсан? Тинчман! – деди бағрига босиб Ойбек.

У эшикни илгандан сўнггина ўпкамни босдим. Ойбек – у ниҳоят ҳорғин эди, ранги-рўйида қон кўринмасди – ўзини диванга ташлади. Ойим чой қайнатиш билан овора. Мен Ойбекнинг қархисига ўтирдим. У сукунатнинг ўзи савол эканлигини англади.

– Тўғри министрнинг олдига олиб бордилар. Унинг кабинетида икки-уч соат кутдим. Сўнг шоҳи тўнга ўралиб чиқди у киши, Худоёрхонда ҳам бўлмаган бундай тўн! – сўйлай бошлади Ойбек. – Министрни баъзан тантаналар ҳайъатида, саҳнада кўрардим. Баланд бўйли, йирик гавдали, девдай баҳайбат, кўзларига қаҳр-ғазаб қуийлган бир киши у! Грузин бўлса ҳам, исми-шарифини ўзбекчага мувофиқлаб, Кабулов қилиб олган. Аслида Кабулидзе бўлган.

Ойбек давом этди:

“Сен ёзувчисан. Ёзувчилар орасида шубҳали унсурлар, халқ душманлари кўп. Нега бирор марта келиб айтмайсан? Бизга хизмат қилишни истамайсан!” – деди у дағдаға қилиб. Мен: “Ахир, мен шоирман, адиман, бундай ишларни эплай олмайман”, дедим. Шундан кейин унинг ғазаби кўпириб кетди, сўкди, итдан бадтар қилиб ҳайдади мени...

Ойбек кўчага чиққанида, Иванов унга:

“Хафа бўлманг! Министримиз бир оз қўрс, қўпол одам. Унинг иши шуни тақозо этади”, – деб афв сўрагансимон гапирибди.

– Министрингизга айтинг, – дебди Ойбек унга жавобан. – Агар у ички ишлар министри бўлса, мен шеърият министриман. У бугун министр бўлса, эртага унинг ўрнига бошқа одам келади, мен эсам, адабиёт оламида абадий министр бўлиб қоламан!”

Ҳар қандай фақир, оддий одамнинг ҳам нафсиятига тегаверсанг, охир-оқибат у ҳам сен қатори мен ҳам Худонинг бандасиман-ку, мен ҳам одамман-ку, деб юборади. Ойбек эса оддий одам эмасди – адабиёт майдонининг манаман деган пешқадамларидан эди. Унинг ички маданияти, табиати зинҳор адабиётда “шеърият министриман!” дейишга йўл қўймас эди. Аммо ички ишлар министрининг уни одам ўрнида кўрмай, менсимай муомала қилиши, ниҳоят, ориягини қўзғаган. Ҳарқалай адабиётга жон бериб хизмат қиляпман-ку, деган нидони пеша қила билган.

“Мен Ойбекнинг бу сўзларидан тезда мамнун бўлдим, – дейди З.Сайдносирова. – Кўнглимга ғуур туйғуси тўлиб кетди шу топда.

Бир неча йилдан сўнг Ўзбекистонга ўша грузин ўрнига Гогидзе деган бошқа бир грузин министр бўлиб келди. Бунинг кўзлари аввалгисиникидан ҳам ёмон,

ўзи ҳам ундан баттар бадбаҳт киши эди. Уларнинг ҳар икковлари 1953 йилдан сўнг Берия билан бирга отилдилар”.

Синчиклаб текширилса, Ойбекнинг ҳам (!) ижодидан қусурлар, айб топиш мумкин экан. Жумладан, у Навоийни ҳаддан зиёд “идеаллаштирган” эди. Тушкун-пессимитик кайфиятда асарлар битган, яъни “эрта бир кун келадиган коммунизмга” ишончсизлик руҳида шеърлар ёзган. Ойбек Ленинградда талаба чоғида сил касалига йўлиқиб, пулсиз, иложсиз, кўп азоб тортади. “Хастимом” деган шеъри ўша пайтда ёзилади.

Сирасини айтганда, шоир ўзининг хасталигидан мутаассир бўлишга ҳаққи йўқми? У ҳам иссиқ жон, шу ҳолатини ифодалаш мумкин эмасми? Душманлар бу фикрга образ бағишлиб “мамлакатни хаста қилиб кўрсатаётир” дейишади. Ана дастак сизга. Демак, шу жиҳатларини ушлаб олиб жазолаш мумкин эди.

Ёзувчилар уюшмасидан Шевердин, Мильчаков ва бир неча бизга номлари таниш, аслида Ойбекнинг адабиётдаги ҳамроҳлари, дўстлари шу айбларни тўнкайдилар. Руҳан эзадилар, асарларининг чиқишига йўл бермай қўядилар. “Халқ душмани” деган тамғани босишга чинакам уринадилар. Булар асли кўролмаслик билан қилинаётган ҳаракатлар эди. Рост-да, нега кимсан фалончи-фалончилар қамалиб, отилиб, сургун қилинадилар-у, бу гигант ёзувчи ақалли бирон марта қамалмаса-я. Жуда бўлмагандага танқидга учраб, бадном бўлсин, ахир!

Бадниятлар бунга эришолмайдилар, чунки бу гал ҳам омад деган нарса Ойбекдан юз ўгирмаган эди. Фақат бир аянчли асорат қолди: Ойбекнинг қон босими ҳаддан ортиқ қўтарилиб инсультга учрайди, ўнг қўлининг икки бармоғи ишламай тилдан қолади. Узоқ муолажа ва эҳтиёткорлик, парҳез натижасида сўзлай

олиш қобилияти нисбатан тикланади. Аммо бундан бу ёғига у эҳтиросга берилмаслиги, ҳаяжонланмаслиги, қайғурмаслиги керак эди.

Ойбекда юз берган хасталик ҳам уларга қувонч бағишлиайди.

Кўролмаслик нақадар бедаво иллат!

Бундан 4–5 йил бурун катта бир йиғинда Президентимиз қатағон йиллари қурбонларининг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш ташаббуси билан чиқдилар. Шунда бир адид, уларнинг қатағонга учрашига сабаб бўлган айбдорларни ҳам очиқ айтиб, халққа ошкор қиласайлик, деди.

Бундай олганда, халқдан яширин нарса ўзи йўқ.

Жабр кўрган, қамалган, қурбон бўлган инсонларга эҳтиром кўрсатилишининг ўзиёқ, ниҳоят, улар учунadolat қарор топганлигини, қолаверса, айбдорларни қоралаганимизни билдиради. Шу сабабли Президентимиз номма-ном айбдорларни айблашга қарши эканлигини билдирилар. Чунки мен оқ эдиму у қора эди, деган тортишув, ўзаро адоват тағин юзага келишини таъкидладилар...

Бундайadolatли фикр олдида ҳамма бош эгади.

Ойбек ўша министр олдида ўзига хайрихox, кейинчалик оёғига чанг солиши мумкин бўлганларни “чақиб, уларга айб тўнкаб, ўзини оқлаб” чиқса ҳам бўларди. Эҳтимол, унинг ўрнида бўлганда кимдир шундай қиласарди. Демак, унинг кўнглида бировга ёмонлик соғиниш асло бўлмаган. Шунинг учун энг аввало, ўзини қийин аҳволга қўйиб чиқди. Бу ҳам мардлик. Бу – жасорат!

Агар 30-йиллар адабиёт оламида юз берган талотўп, саросималикларга эътибор бериб нигоҳ ташласангиз, А.Қодирий ижоди ва шахсини қораламаган бирорта адид ёки адабиётшуносни топиш қийин. Ойбек эса Қодирий ҳақида ижодий фазилатларини, улкан

ёзувчи эканини таъкидлаб, таҳлил қилиб мақолалар ёзган, ёзолган эди.

Ойбек кўпгина тарихий асарлар ёзишни мўлжаллаган, Темур, Бобур, Бухоро амирлигининг сўнгги ҳёти ҳақида ашёлар тўплаб юрган эди. У ўзининг хасталигини ўйлаб кўп безовта бўлмасди. Имкон борида ёзиш керак, дерди. Маломат ёғилса ҳам, очиқ душманлик туғилса ҳам, ичига ютарди, қарши курашишга вақт сарфлаб ўтирмасди.

Эҳтимол, шунинг учундир, Ойбек нисбатан қисқа умр кўрди. Адабиётимиз тоқини мангубезаши мумкин бўлган йирик насрый асарларини ўз қалби билан олиб кетди. Бироқ барибир ундан улкан адабий мерос, жуда тиник, жуда жозибали, эҳтиросли шеърлар қолди.

Ва... гўзал оила қурди, бу оилани бир қўрғон каби асрай билди, фарзандларининг барчаси катта зиёлилар, ҳатто академик бўлиб етишди. Муҳими, у қалбини, ўзини ҳам сақлай билди, сотилмади, сотмади. Миртемир каби армонлари ўзи билан кетди.

Мен Ойбек хонадони билан таниш эмасман. Бирор тадбир ёхуд юбилей муносабати билан ҳам ёзаётганим йўқ бу гапларни.

Ойбек даҳосига, Ойбек салоҳиятига, қолаверса, ментиндек матонатига ўттиз йиллар ортдаги авлодларнинг бир иқори, тасанноси деб қаралса бўлар.

Зеро, замонлар, даврлар ўтар, авлодлар ўзгарар, бироқ Ойбек феномени, Ойбекнинг бизга замоннинг беаёв зарблари қошидаги темир иродаси, заҳмати, меҳнати намуна бўлиб қолаверади. Таъзим деймиз.

1997 йил.

ҚАЛБИ УММОН АДИБ

Бундан роса беш йил муқаддам Одил Ёқубов адабиёт газетасида Абдулла Орипов, унинг феномени ҳақида сўз юритиб: “Тавба, шу Абдуллаям элликка кириб қўйибди-я”, – деб ҳайратланган эди. Вақт оқар дарё экан, Абдулла aka эллик бешниям урди. Одил аканинг ўзи бўлса нақ етмишни... Ишонгинг келмайди. Улуғларнинг умрлари узун бўлсин! Тўқсонга қулоч отиб бораётган Саид Аҳмаднинг машинани варанглатиб юриши ҳавасингизни келтирмайдими?! Ўтнафас шоир Шавкат Раҳмон:

...Кўзларимдан тошди шуурим,

Тўлиб кетди бағримга наво.

Мангуликдай туюлди умрим,

Мангуликдай туюлди дунё, – деб ёзганида армонли бу дунёнинг не бир кўламлари шавқию завқлари аралаш кўз олдимизда жимиirlаб намойиш бермайдими?!

Адабиёт майдони жуда кенг. Бу гап давраларда бот-бот эшитилади, бироқ шу кенг даргоҳда ўзининг чинакам ижодий, инсоний савлати билан бўй кўрсатиб турган Одил Ёқубовдек адиллар жудаям кам. Мен Одил аканинг деярли барча асарларини, ҳатто нутқларию сұхбатларини ўқиб, ўзининг дилкаш, меҳрибон ўгитларини тинглаб шогирдсениб юраман. Ва кўпинча уяламан: биз нимаям ёзибмиз ўзи, нимани қойил қилдик? Лекин маҳмадоналикни эплаймиз: катта гапирамиз, улкан ижодкорлар ҳақида буюкларга ўхшаб баҳо берамиз, ўзимизнинг ҳолимиздан хабаримиз йўқ-у ундоқ ижодкор, бу бундоқ, дея қатъий холосалар ясад қўямиз. Гўё шу билан обрў-мартабамиз бир баҳя кўтариладигандек.

Албатта, мухтасар бир мақолада улуғимиз ҳақида атрофлича фикр юритишдан ожизман ва у кишининг ижодига ўзимча баҳо бериш мажбуриятини олмаганим ҳам тузук. Чунки тақрор фикр айтишдан бирор манфаатдор эмас, оқсоқол бунга муҳтоҷ ҳам эмас. Ўзим қойил бўлган бир-икки инсоний жиҳатларини кузатганман, шуни айтмоқчиман.

Саксон тўққизинчи, бундан атиги етти йил муқаддам – СССРнинг тарқалиши ҳали бировнинг хаёлига ҳам келмаган пайт Москвадаги икки марта бўлган (бири июнда, бири декабрда бўлганди чоғи) мамлакат сессиясида мардона нутқ сўзлаган, ўзбекнинг ҳабашдан баттар эзилаётганини тик гапира олган, кўкрагани адл тута олган шу “кеекса” Одил Ёқубов эмасмиди?!

Не бир алғов-далғов даврда Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилди, қанчадан-қанча ёш ижодкорларнинг бошини силади, уйли-жойли қилди, бағрини доимо очиқ тутди. Романини ҳам ёзди. Кейин, замон эврилгач, қараса, ўзи эмас, кўпроқ бошқаларни ўйлаган экан...

Одил ака содда одам, бироқ куйинса, чинакам куяди, асарлари мазмун-моҳиятидан ҳам маълумки, ижтимоийadolatsizliklarning негизини тийран кўра олади. Яна бир фазилатига лол бўлганман: ақалли бирор марта майдалашганини кўрмаганман, бировнинг устидан от ҳайдаганини-ку, сира эшитмаганман.

Гаплашсанг, қулфи дилини очиб суҳбатлашади. Баъзан бу даражадаги самимиyllигини кўриб, ўнғайсизланаб кетаман. Бу дунёда манманлиқдан бехабар, улуғлиги ошган сайин камтарлиги тутадиган (эҳтимол, улуғликнинг белгиси шудир) ғаройиб ёзувчимиз ҳам бор-а!

Одил ака тарихнинг катта билимдони.

...кечиримли одам, ўзига мустаҳкам, ҳар куни эрта туриб иш вақтигача 3-4 соат ижод қиласди.

...хотираси кучли.

Яна оиласда баҳтли одам: мўмин-қобил тўрт ўғилнинг отаси, ҳалол-мехрибон фарзандлар улар.

У киши яқинда Чингиз Айтматов билан Тошкент орқали Чимкентга бирга сафар қилганини гапириб берди. “Йўлда сиёsat, ижод, адабиёт ҳақида гаплашиб келаётувдик, бир маҳал у: “Адилбой, буёғи не бўлот?” – деб сўради. “Яхши, мана, яшаяпмиз, обрў ҳам, Худога шукр, ёмон эмас”, дедим. “Жў-ўқ, буёғи, не бўлот деботирмин”. “Ҳа, пул йўқми, сендай бадавлат ёзувчи бу офтобрўда борми, бу нима деганинг?!” Пулди қўй, жасди айтотирмин, жетписга қарай кетдиқ-ку, не бўлот буёғи?” Курмағур менинг ҳам юрагимни эзиб юборди. “Ҳай, энди Оллоҳнинг хоҳиши не бўлса шуни кўрамиз, ваҳима қилмасанг-чи”, дедим. Шундай бир буюк ёзувчи оstonада турган қариликни ёқтирмай, боз устига ундан қутулишнинг имконсизлигини шууран ҳис этиб, нарёқдан бу ёқ яқин-ку, деб даҳшатга тушаётгани мениям қийнади, дарвоқе, кексайдик-ку, деган хавотир кучайди. Бағримизни бағримизга бериб эзилишдик”.

Одил аканинг бу гапларига эътибор бермаган бўлдим. Гапни айлантириб, яқинлашаётган тўйи ҳақида сўрадим, зийрак одамни, қалби оддий одамникидан кўра сезгир адабни, кўпни кўрган, замонлар чиғириғига бир-бир тушиб чиқсан, кимсан – Одил Ёқубовни бир-икки овунчоқ гап билан чалғитиш қийин эди.

Бу инсон айни замонда ҳам кўп хайрли ишларда етакчилик қилаётганига гувоҳмиз. Азбаройи кўриб турганимиз – “Туркистон – умумий уйимиз” ҳалқаро ассамблеясида Президент биринчи муовини ва асосий ишлаётган одам. Соҳибқирон ҳақида драматик пьеса ёзиб, эълон қилди. Ўз ҳаёт йўли ва ўтмиш кечинмалари ҳақида эсадалик ёзиб тугатди.

Мұхими, беминнат устоз, қалби уммон инсон. Яна-
ям мұхими, бардам, саломат.

Адабиёт ва ҳаётда ўзининг сүнг ўрнини муносиб
эгаллаб, унинг ширин самараларини кўриб юришдан
афзалроқ баҳт борми?!

“Шарқ юлдузи” журнали,
1996 йил, 6-сон.

ҚУВНОҚ ҲОШИМЖОН

Ҳошимжон Мирзааҳмедов деган ном ўзбек журналистикасида камтаринроқ жаранглаши мумкин, чунки у ниҳоятда камсуқум эди. Шу фазилати боис газетада ишлаб юрганда ҳам, радиода, телевидениеда фаолият юритганида ҳам ҳеч қачон ўзини биринчи қилиб кўрсатишга қизиққан эмас.

1981 йилда ҳозирги ЎзМунинг журналистика факультетига ўқишига кирганимизда Ҳошимжон билан танишганмиз. Дастреб уни обдан учар йигит эканда, деб ўйлаганман. Сабаби, унча-мунча ёши катта курсдошлар олдида ҳам тап тортмай ўринли луқма ташлаб қолар, одатда бу луқмалар жуда кулгили ҳолатларни келтириб чиқааради. Кейинчалик мана шу луқмалар жуда жиддий домлаларнинг лекция залларига ҳам қўчди. Бир-икки марта панд еган пайтлари ҳам бўлди, бироқ одатини ташламади.

Кейин билдик: у ёш бошига тушган барча ғам-кулфатларни кулгулари билан енгишига ҳаракат қиласади экан.

Биринчи сессияни топшираётганимизда биз у билан қалин дўст эдик. Сессия тугагандаёқ унинг таклифи билан туғилиб ўсган юрти Чуст туманининг Ғова қишлоғига қараб йўл олдик: камина, Вафо Файзуллоҳ, Нормурод Аваз – тўрт талаба. Ҳошимжоннинг Муҳиддинжон, Баҳромжон деган акалари бизни худди жигарларидай кучоқ очиб кутиб олишган. Акаларининг бири сартарош, бири ҳайдовчи экан. Бир аёл кишини аям деб таништирган. У аёл Ҳошимжонни еру қўкка ишонмас эди, ҳадеб алқар, айланиб-ўргиларди. Ўқишига киришидан аввал отаси қазо қилганини эшитган эдик, шу аёл онаси деб ўйладик. Кейинроқ билдик:

онаси әмас, опаси экан. Ўшандада Ҳошимжон бизга ўзини онасиз, отасиз қилиб кўрсатишга тортинган экан. Тоққа чиққанмиз, чучмома, бинафша терғанмиз. Ғовасойга тандирнинг шаппати нонини бўктириб еганмиз. Муҳиддинжон аканинг Ғовасой пишқириб, ҳовлисига тиник сув сачратиб ўтадиган қирғоқдаги синчли, панжакаш кичкина уйида икки кун тонготар сухбатлар қилганмиз. Уй тўла Чуст дўппили одамлар, бири олиб, бири қўйиб асқия қилиб қолади.

Бу пайтда Ҳошимжон республиканинг номдор газеталарида яхшигина болалар шоири сифатида танилиб қолган. Мирзакарим Пирматов, Ҳамза Имомбердиев сингари таниқли ижодкорлар унга оқ йўл тилаб туркум шеърларини босиб чиқаришган эди. Биз унга ҳавас қилас әдик. Ҳошимжоннинг қишлоқдошлири бизларни ҳам шоир ҳисоблаб, давраларда нуқул “шеърдан бўлсин, шоир” деб навбат бераверишди. Бизнинг уялганимизни кўриб, бир юзида кулгичи яшнаб тургувчи дўппили киши Чустийнинг жуда кўп шеъру ғазалларини дона-дона қилиб ўқий кетди. У одамни Ҳошимжон тоғам, деди. Биз дўстимизнинг қонида шоирлик бор экан-да, деб ўйладик. Йўқ, кейин билсак, у одам тоғаси әмас, опасининг эри – поччаси экан...

Ўқиши битиргунча ҳам Ҳошимжон гуруҳимиздаги олд ижодкор эди. Тўртинчи курсга ўтар чоғимизда у оққон касаллигига йўлиқди. Чилонзор қон қуйиш институтида ойлаб ётиб даволанаар эди. Биз ўшандада ҳам бу касалликнинг жуда хавфли эканини сезмаганмиз, орқасидан боравериб, палатадошлари билан дўстлашиб қолгандик. Кейинги борганимизда дўстимизнинг таъкидлашича, уларнинг бири соғайиб, бири бошқа палатага ўтган бўларди. Аммо орадан уч-тўрт йил ўтгач, у акаларининг ёрдами билан тоғдаги сугур гўштидан еб оёққа турди. Шунгача акаларидан ҳам касаллигини яшириб юрдик. Ҳошимжон шуни илтимос қилган эди.

Тонготар сұхбатлардан бирида у ёрилиб қолди: үшанды олти нафар палатадошларимдан фақат үзим тирик қолғанман, сизларни оғринманглар, деб алдаганман. Ҳа, Ҳошимжон жуссаси кичик бўлгани билан дардга мустаҳкам, ичида йиғлагани билан ташида кувноқдай юраверарди.

Ҳошимжон Мирзааҳмедовнинг журналист сифатида танилиб, оёққа туришида “Тонг юлдузи” газетаси, Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси муҳим роль ўйнади. Ҳошимжон тоза, ростгўй, билимли, доим ишончни оқладиган йигит эди. Шу боис телевидениинг болалар ва ўсмирлар студиясига уни ҳеч иккиланмай раҳбар қилиб қўйишган. Умрининг охиригача у шу вазифада ҳалол ишлади. Қатор лойиҳалар, янги кўрсатувлар қилди. “Жиддий ўйин”, “Интеллектуал ринг”, “Ўзбегим ёшлари”, “Ўзбегим ўғлонлари”, “Мўъжизалар майдончаси” каби кўрсатувлар унинг бевосита муаллифлигига юзага келди ва телетомошабинлар меҳрини қозонди.

Ҳошимжон Мирзааҳмедов 45 йил умр кўрди. Оғир дардни ўйламай, нолимай яшади. Ўнлаб шогирдларига теле-радиожурналистика сир-асрорларини ўргатишга улгурди. Ортида Муҳаммаджон, Отабекжон исмли жуда тарбияли, хушхулқ, илмли фарзандлар қолди. Оиласини, рафиқаси Раънохонни қаноат билан яшашга, оддий умр кечиришга кўниктирди.

Уни билганлар олдида Ҳошимжон ҳақида сўз очсангиз, ўша заҳоти баҳри дили очилиб кетади, сўнг “шундай дарёдил йигит ўтиб кетдими, а?” дея ўзига сўроқ бериб хомуш тортади.

Бу – катта гап!.. Одамлар қалбида яхши хотира қолдириш осон эмас.

“Ўзбекистон овози” газетаси,
2009 йил, 27июнь.

ДАРЁ ШОИР ЭДИ

Равшан Файз... чиндан ҳам қалби дарё шоир эди. 80-йилларнинг бошида, талабаликда ҳозирги “Туркистон” газетаси қошида “Шуъла” деган адабий тўгаракка қатнаганимизда ўша ерда танишганман.

Равшан ака бир гал Марк Твеннинг “Американи кашф этганлари яхши бўлди, бироқ уни кўрмай ўтиб кетганларида бундан ҳам яхшироқ бўларди” деган эпиграфи билан бошланувчи узундан-узун шеърини ўқиган. Шундай катта шеърни қандай ёзганийкин, сўзга уста экан-да деб қойил бўлганман.

У чоғларда китоб чиқариш ҳозиргидай осон эмасди. Р.Файзнинг номини турли альманах, шеърий тўпламларда учратардим. Шапалоқдан ҳам мундайроқ “Шоирнинг биринчи китоби” сериясидаги тўплами чиққанида у катта шоир эди.

Тақдир тақозосини қаранг, Омон Матжон даврида биз Равшан ака билан “Ёшлик” журналида бирга ишлаб қолдик.

Дарвоҷе, Абдулла ака Равшан Файзни жуда яхши кўрарди. Ўшанда Равшан ака журналнинг шеърият бўлимини бошқарарди. Абдулла аканинг бир туркум шеърлари босиладиган бўлди. Муҳаррир А.Ориповнинг “Фурқат нидоси” шеърининг баъзи жойларига қалам тегизибди. Дарҳол таҳририятда Абдулла ака пайдо бўлди. Шеърининг таҳрир қилинганидан норози бўлди. Муҳаррирнинг чўчишини ҳисобга олди, шекилли, ўша жойларини ундоқ эмас, бундоқ десак қалай бўлади, деб ўзи тузатди. Шу билан сих ҳам, кабоб ҳам куймади. Бироқ барибир Абдулла ака шогирдига: “Равшанбой, бу ёғига ўзинг кўз-қулоқ бўлиб тур-да”, - деб тайинлаб кетгани ёдимда. Демак, маълум маъно-

да Абдулла ака билан биринчи бор кўришиб, танишганимга ҳам Равшан ака сабабчи бўлган...

Равшан ака менинг “Ёшлик”да 1986 йили босилган “Кунсулувнинг сирли хатлари” деган ҳикоямни мақтаб, бундай ҳикояни шоир одам ёзиши мумкин, дерди. Лекин ака қанча ундасям, мен бирорта тузук шеър битолмадим. Буни Худо юқтирумаса, қийинлигига иқорор бўлдим. Аканинг ўзига эса Аллоҳ кўп юқтирган эди.

Бир сафар менга: “Энди ука, сиз – бош муҳаррир, менинг шеъримни икки бет қилиб чиқармасангиз бўлмайди”, – деганди. Аканинг ўзи айтганидай икки бет қилиб шеърини тайёрладик. Саҳифани кўрди, ўзи хоҳлаган расмни қўйдик.

Аммо... журналнинг чиққанини кўрмади. Аканинг умри баҳорлигига тугади. Қирқقا ҳам кирмади.

Ёзувчилар уюшмасида бир доска бор эди. Унга табриклар, гоҳида таъзияномалар битиларди. Уюшмага кираверишда Қодирийнинг бюсти бўларди. Равшан аканинг фотомухбirimiz Абдуғани Жумаев ишлаган чиройли портретини катталаштириб ишлатиб, шу бюст ёнига қўйдик. Одатда, маросимлар ўтиб бўлгач, таъзиянома олиб қўйиларди. Лекин Равшан аканинг расми олти ойча турган. Ҳеч олиб қўйгимиз келмади...

Бир куни Абдулла Орипов уюшмага келиб (у вақтлар Жамол Камол раис эди) расм қошида туриб кўзлари ғилт-ғилт ёшланди, йиғлаганини сездирмаслик учун томоғини қириб, “шогирдларимнинг ичидагани шу эди” деди хўрсиниб.

Сўнг Абдулла ака Р.Файзнинг сўнгги китобига таъсирчан бир сўз ёзиб берди.

Равшан ака тирик бўлганида шу баҳор элликка кирарди. Афсус. Аттанг! Ҳануз юрагим ҳаприқади.

Ака уйланганида Қўшработга борганмиз. Абдул Жалил, Муртазо Қаршибой, Нуруллоҳ Отакон, Набижон Боқий. Бир эсда қоларлик совға тополмай, роса

овора бўлганмиз. Охири, букинистик дўкондан Берлинскийнинг мукаммал асарлари тўпламини топганмиз, ўттизта китобни ўлай деб кўтариб Кўшработга борганмиз. Ҳозир эсласам, кулгим келади. Равшан ака тўйда чиройли кийинган келин – Жамила чечам билан ўтирибди. Насиба Абдуллаеванинг “Жамила” қўшиғи “мода” эди. Ҳофиз шу қўшиқни қуйлаб қолди. Биз, винохўрлик қилган бўз йигитлар шаталоқ отиб ўйинга тушаяпмиз. Равшан ака бўлса қўшиқقا жўр бўлиб елкасини учириб, “Жамила менинг гўзалим, Жамила менинг асалим”, – дейди баралла. Келин – Жамила чечам уялганидан қўли билан юзини тўсиб тескари қарайди: “Куёв деган уялибгина, қимтинибгина тек ўтирса экан, тавба, қанақа одам бу”.

Равшан ака шунақа шўх одам эди.

Ака бир шеърида Юлдуз қизининг қилиғидан хурсанд бўлиб, унда шоира бўлишга иқтидор борлигига ишора қилади.

Аканинг ортида ширин фарзандлари, гўзал шеърлари қолди. Юлдуз Файзий шоира бўлиб танилаяпти.

Шоирнинг иккинчи умри дегани шудир, эҳтимол...

“Зарафшон” газетаси,
2009 йил, 5 май.

КИБРСИЗ ОДАМ

Муҳаммад Юсуф ҳақида гап кетганда ким бирор эрка шоир, яна ким куйчи эди, яна ким нимадир деб таъриф беради ва ҳар ким бу борада ўзича ҳақдир.

Адашмасам, ака билан биз Президент Академиясига кирмасдан хиёл бурун Дўрмонда, раҳматли Шавкат Раҳмон ҳузурида танишган эдик ва шундан сўнг қуюкроқ саломлашадиган бўлган эдик. Шавкат ака ўшандаги бетоб, озғин гавдаси тағин ҳам ичга тортиб, кўзлари хийла ботган, Муҳаммад ака негадир дастурхондаги майизни мақтаган, Абдулла акам буни “қора қуёш” деб айтади, дея алқай бошлаган эди. Шоир ошириб юборяптимикин деб ўйладим. Лекин икки кўзим Шавкат Раҳмонда. Биқинида Набижон Боқий, тез-тез бир нарсалар деб қолади, эсимда йўқ, ҳарқалай, ўшандаги Шавкат ака ярим коса лағмон ичгани ёдимда, шоир худди шу сафар иштаҳаси очилиб энди соғайиб кетадигандай туюлган менга.

Аммо...

“Ҳаммага етган ҳаво

Битта менга етмайди...” – деб юрган кунлари экан.

Уюшмадан М.Юсуф билан менга Президент Академиясининг ўн ойлик катта курсида ўқиши учун тавсия берилди. Энди эл қатори кириб ўқиб ётибмиз-у, битта нарсадан ака бир оз хижолат тортади. Сафимиизда ўттиз ёшга етганлар бор эди, аммо акага ўхшаб қирқни уриб, бир-икки поғона ошиб ҳам улгурганлари йўқ эди. Чамамда, ўқишига қабул қилинувчиларнинг ёшини чекловчи Низомга ҳам аканинг “стандарти” чандон тўғри келмас эди.

Сабаби, у – Муҳаммад Юсуф эди.

Гап тамом.

Үзи, Мұхаммад Юсуф адабиётта кеч кириб келди. Эсингиздадир, ўша “Ёшлик” журналида “танклар ҳам пахта теради ҳали” деган мазмундаги шеъри чиққанда бир кунда машхур бўлиб кетувди. Биз, талабалар ҳайрон бўлганмиз: ёши Сирожиддин Саййиддан ҳам катта, қаерда биқиниб юрди экан, тавба...

Назаримда, Мұхаммад Юсуф ростдан ҳам адабиётта бир кунда кириб келиб ўзининг муқим ўрнини топиб олгандек...

Мұхаммад ака бирор билан узоқ эзилиб, эмра-нишиб ўтиришни хоҳламас эди. Кутилмаганда туриб жўнаб қолар эди. Академиядалигида ҳам кўзга кўринмай панада бечорасиниб юрганлар билан қалин дўст бўлиб олар, бу ҳолат ҳар қандай вазиятда шоирнинг иззатини жойига қўя оладиган казо-казо ва бадавлат талабаларнинг ғашини келтиради.

Эсимда, 1997 йилнинг баҳори эди. Мұхаммад ака Жиззахнинг Даштободидан Маъруфжон деган йигитнинг туғилган куни эканини билиб қолибди. Академияда ҳам ҳар турли қавм одамлар, тингловчилар бор, ҳамма маълум бир жойда ўз вазифасидан озод этилмаган ҳолда маош олиб ўқиб юради, лавозимдагилар ҳам анча-мунча бор, кўп ўтмай вазир, вилоят ҳокими даражасига кўтарилилганлар ҳам бўлди. Аммо Маъруфжон чўлдаги қурилишлардан бирида оддий вазифада ишлар, кейинчалик ҳам карье-ра қилмай оддийлигича қолди, лекин, кузатишумча, Мұхаммад аканинг умри охиригача қадрдон укаси бўлиб юрди.

Ака вазифадаги кишилар билан мутлақо саломлашмас эди, десам ёлғон бўлади. Улар билан яхши муносабатда бўлар, аммо эшигига бориб ётиб олмас, бир иш битса битди, битмаса афсусланиб ўтирмай қўл силтаб кетаверар эди.

Қисқаси, Муҳаммад Юсуф кибрдан холи инсон эди.

Академияда гурӯҳлар қўшилган катта аудиторияда ҳам, кичик аудиторияда ҳам шоир охирги партага ўтиришни одат қилган эди. Бирталай шеърлар, жумладан, ўша “Бир ўғли, бир қизи бор Озоданинг, мен барибир севаман Озодани” деган сатрларини даставвал Академиядаги тингловчилар эшишишган.

1997 – янги йилни кутиб олиш арафасидамиз. Академия ҳовлисида тошдан шекилли, бир нозик, гўё учиб бораётган қизнинг, ҳайкали бор, бироқ у ялангоёқ ҳолда ишланган эди. Қитмирроқ йигитлар тунда, одамлардан бекитиқча қиз тушгурнинг оёғига узун қизил пайпоқ кийгизиб қўйишибди. Муҳаммад aka эртаси куни қиз ҳайкали қошидан кетолмай, Европа гўзалига ҳам ибо ярашади, буни тушунган ўзбек ошиқ йигитларига раҳмат айт, мазмунидаги ҳазил шеърни битиб ташлади.

Даштободдаги Маъруфжоннинг одмигина уйига “Виллис” деган микроавтобусда 7–8 киши кириб борганимизда йигитнинг дадаси хурсандлигидан қайта-қайта кўз ёши қилган. Роса мириқиб сухбат қурганмиз.

Вазиятдан гўё ори қўзиган гулистонлик баъзи курсдошларимиз эртаси куни машина ташкил этишиб, барчамизни Зомин тоғларига саёҳатга олиб чиқишиган. Муҳаммад aka Зоминда Бобурга ўхшаб ялангоёқ ҳолда оёқларини кериб шеърлар ўқигани ҳамон ёдимда.

Академияда Н.Комилов, Ғайбулла ас-Салом, Ш.Ризаев, Н.Жумахўжа, Муҳаммаджон Имомназаров сингари адабиётшунос домлалар ҳам сабоқ беришарди. Ғайбулла aka турли мавзу, турли жанрларда қалин-қалин китоблар ёзиб чоп этар, академия

ректори у одамга хайрихоҳ ва ҳомий эди. Файбулла ака менинг “Ҳадисларда давлат қурилиши ва ҳокимиятга муносабат” деб номланган диплом ишимга оппонент, Н.Комилов раҳбар эди. Диплом иши ёзилмаса, Республика нашрларида мавзуга доир уч дона мақола чиқариш ҳам кифоя қиласар эди. Камина газета-журналларда 8-9 та мақола чиқарғанман, ўзимча керилиб юрибман, бироқ раҳбарим Н.Комилов мен чиқарған мақолалар билан мавзу орасида ҳеч боғлиқлик тополмай обдан энсаси қотар эди.

Мұхаммад ака бир маҳал орқадан туриб:

– Нажмиддин ака, шу Собирнинг ҳафсаласига беш кетиш керак, – деди. – Бирор газетада бир парча хабар чиқарса дунёни бузади, буники саккизта экан-ку, яна ҳаммаси ўқиладиган материаллар...

Нажмиддин Комилов, бошқалар нима деркин, деган маънода залга қараган эди, бухоролик курсодашим ўрнидан туриб: “Бу йигит нафақат журналист, балки “Ёшлиқ” деган журналга ҳам мұхаррир, фалон йили бухороликлардан бир неча киши қамалиб кетаётганда журнал үртага тушиб, жонбозлиги туфайли одамлар ноҳақ қамоқдан қутулиб қолиши”, – деб кўпиртириб гапирди.

Бу гап ғирт ёлғон эканидан аввало мен уялиб кетдим. Ахир, бизнинг журнал ҳуқуқий нашр эмас, қамалганларга алоқаси йўқлигини ҳамма билади-ку, билмаганларга ҳам йил давомида обуна ҳақида гапиравериб отнинг қашқасидек қилиб қўйганман.

Орқароқда жим ўтирган Файбулла ака шарт ўрнидан туриб доска ёнига келди. Аста-секин гапни узоқдан бошлади. Мени, М.Юсуфни уриб ташлади. Мавзуга алоқасизликда айблади. Ер ёрилмайди, мен кириб кетмаяпман, шунчалик ҳам тупроққа булайдими одамни, куёвини, катта шоир М.Юсуфниям аямади-я.

Бироқ Ғайбулла ас-Саломнинг худди ёзганларидаги сингари нутқида ҳам ажойиб манёврлари бор эди.

– Бир қарашда шундоқ, – дея таъкидлаганнамо кўрсаткич бармоғини тепага қотириб, ўзи ҳам қотиб, кўзларини йирик очиб, тўхтаб, ўйчан ҳолда давом эттириди.

Хуллас калом, матбуотда эълон қилинган ҳар бир мақоланинг айнан фалон ёки пистон ҳадисга мос ёки “худди шундан келиб чиқиб ёзилган мақолалар” эканнини Ғайбулла домла шу даражада усталик ва зукколик билан исботладики, ё тавба, муаллиф бўлсан ҳам, камина бунақа алоқадорликни сира билмаган эдим...

Диплом иши эгаси, Нажмиддин Комилов, М.Юсуф, хуллас, ҳамма анграйиб қолган. Нажмиддин акадан ташқари тағин икки проректор ҳам ўтирибди. Улар олдида домлаларим хижолат чекмасликлари учун доскага чиқиб Имом Ғаззолийдан бирор соат “маъруза” ўқидим. Жуда қизиқ гаплар эди. Ҳамма қотиб турибди. Лекин бу сафар ҳам мавзуга умуман алоқаси йўқ гаплар.

Аканг қарағай бошқаларнинг зерикарли ва ўта расмий, сиёсий, китобий мавзуларига қараганда муваффақиятлироқ ёқладим диплом ишимни. Лекин қаёкларда ўтлаб юрганимни биргина Шоир билар эди. Шунинг учун ташқарига чиққач, Шоир одатдагидек бурнини ушлаб қотиб, буришиб қулиб, елкамга шап этказиб ураркан:

– Собир, ўлай агар, одам-подаммассан, одам бўлмайсан ўзи сан! – деди.

Ака кам одамларни “сан”сиради, лекин самимияти чексизлигини билдириб турарди.

Нажмиддин Жиянов, Сапарбой Очилов, Элмурод Холбозоров, Гулом Мирзо, сирдарёлик икки раис

дўстимиз, Маъруфжон, жizzахлик Самариддин Тила-
вов...

Кунлар ўтди. Не бир кунлар ўтди? Сапар қайда,
Элмурод қайдада? Самариддин дўстимиз икки фарзанд
билин бўйдок, янга баҳтсиз бир тасодиф туфайли
оламдан ўтган, Шоир ака унга қўпинча далда бўлиш-
га ҳаракат қиласди, тасалли беради. Фалончи, пистон-
чилар ҳам ёмон эмас, деб “номзодлар” тавсия қиласди.

Самариддин Худо ёрлақаган йигит экан, шундоқ
кўз ўнгимиздаги Давлат ва Жамият қурилиши фа-
культети декани Фатхулла аканинг қабулхонасида
ўтирган Зулфия исмли қизни танлади. Гоҳ мен, гоҳ
Муҳаммад ака кино, концерт, театрларга патта олиб
келиб йигитга берамиз, йигит не кўйда қизнинг
кўнглини олишга шошади. Ахир, Зулфияхоним ҳали
бўй қиз...

Шоирнинг таъсирими, Самар жўранинг ўзи ҳам
чакки эмасмиди, ишқилиб, ўқиш адоклаётган май
ойлари сўнгида Сирғалидаги “Баҳт” тўйхонасида Са-
мариддин билан Зулфиянинг никоҳ базмини ўтказ-
ганмиз. Фаллаоролдан Самарнинг отаси Ўрол бобо
етовида бир автобус одам етиб келган. Бу ёқда шоир
ҳофиз халқини қаторлаштириб ташлаган, ҳар замон
ўзиям енгил ўйнаб давра кезиб қолади...

Самарни, арбоб Самариддин Ўроловични шундай
уйлантириб эдик. Муҳаммад ака бош бўлган эди.

М.Юсуф, гарчи жуда машҳур бўлиб кетган бўл-
са-да, нуфузли нашриётларга қўлёзма кўтариб бо-
ришни ўзига эп кўрмасди. Хусусий нашрлар қалам
ҳақи бермаса-да, 50–100 та китобни ўзига ортиқча
чиқариб беришни ваъда қиласа, шоир розилик бера-
верарди. Ўқишини тугатиш арафасида сарғайган газе-
та қофозига босилган китобчаси бир нашриётда чоп
этилди.

Дўйондан бир дона сотиб олдим-да, акага дастхат ёздириш учун бордим. Ака менга кулиб қараб тураверди.

– Сан кичкина ижодкормассан, ўғлингнинг номини айт, – деди сўнг.

Китобга эса “Оловиддинжон! Яхши одам бўл!” деб ёзиб қўйди...

Шунда мен талабалик давримиз, ўшанда матбуотда тез-тез кўринадиган шоирлар М.Кенжабек, С.Сайийд, М.Юсуфларнинг биринчи китоблари чиқишини кутганимиз, “Мактубларим”, “Руҳим харитаси”, “Таниш тераклар” нашр этилганида ўнлаб шеърларни ёд олиб, пахта далаларида байтбарак қилганларимизни эсладим. У вақтларда шеър, китоб шу тахлит байрам қилинганини акага айтдим. Энди шеърларингиз қўшиқчилар тилидан тушмайди, шоирларнинг ватанпарварисиз, дедим. У одам менинг икки елкамдан ушлаб тикилиб қолди.

– Кўяверасиз-да энди, Собирвой, – деди-ю, тез ортига ўгирилди.

Мақтовни унча хушламас эди...

Кейин Муҳаммад aka ўзи тез орада арбобга айланди. “Халқ шоири” бўлди, кўп ўтмай депутат бўлди. Шогирдлари жудаям кўп эди. Шуларнинг ичидан камтарроғини танлаб, юр, дея бирга кетаверар эди. У билан ҳам аслида эмранишиб ётмас эди.

Бир куни иккаламиз Мустақиллик метросига тушсак, шоир Ислом Аҳадни кўриб қолдик. Ислом aka шоирнинг курсдоши экан. Шоирнинг озгина “даражаси” бор эди, аввал ўртоғидан ўпкалади, “Отам ўлди – келмадинг, ундан аввал катта қизимнинг тўйига келмадинг, одамгарчилик борми?” – деди. Ислом Аҳад кулиб ҳазилга бурган эди, ака қўполлашиб уни шунаقا сўкиб ташладики, ҳеч нари-бериси йўқ,

Ислом Аҳад ҳам ўртоғидан буни кутмаган эканми, шартта жуфтакни ростлаб қолди.

Одамлар, айниқса, қўшиқчиларнинг тез машҳурлик қасаллигига йўлиққанини кўрамиз. Ижодкорлар орасида ҳам учрайди. Агар шоир зотида шу қасаллик урчиса, М.Юсуфга биринчи галда ёпишиши қерак эди, ўйлайманки, щунда тантиқлик қилиш ҳам шоиримизга ярашиб туриши мумкин эди. Лекин шоир машҳурликка бепарво эди. Чиндан ҳам кибр-ҳаво йўқ эди.

Устозларига, айниқса, Абдулла Ориповга ниҳоятда содик эканини кузатганман.

Бир гал ўша Мустақиллик майдонидаги уюшма биносида раисимиз Абдулла аканинг кабинетида сухбат қуриб ўтирадик. Раис ижодий фаолликни кучайтириш ҳақида гапириб, иккимизга ҳам танбех берди. Барнохон ҳар замон кириб памил чой дамлаб беради. Кеч тушиб, қош қорая бошлади. Ҳанифа янга, чамаси, Дўрмондан акага телефон қилиб қолди. Бир пайт: “Нима? Отам! Отамми?” – деб ўрнидан туриб кетди. Кўзлари катта очилиб, юзи шундай ваҳимали тус олдики, бунақа ҳолатни биринчи кўриб туришим эди.

Муҳаммад акаям, мен ҳам раиснинг отаси Ориф бобо вафот этганини сезиб турадик. Ориф бобонинг узоқ умр кўрганини ҳам билардик. Бироқ шоир ўзи олтмишдан ошиб ҳам худди гўдак фарзанддек ув тортиб юборишини кутмаган эдик. Раис жуда кўп одамларга қўнғироқ қилди. Боладай ўксисб йиғлади. Биз қандай тасалли беришни билмаймиз. Кўп ўтмай Девон, Вазирлар Маҳкамасининг масъул одамлари ҳам акага қўнғироқ қилиб ҳамдардлик билдира бошлашиди.

Муҳаммад ака Ориф бобонинг узоқ яшаганини назарда тутди, шекилли:

– Тўй-да энди бу, ака, кўп ҳам эзилаверманг, – деди.

Бироқ Абдулла ака тўсатдан бошқача тутоқиб кетди:

– Нима? Тўй? Бу сенга тўй, менга тўй эмас!

Муҳаммад ака “тўй” деб чакки гапирганини дарҳол тушунди. Кечирим сўрай бошлади. Раисимиз эса ҳовридан тушай демасди. У ёғидан ўтдик, бу ёғидан ўтдик, шоир пича босилгандек бўлди. Ҳанифа янгага телефон қилиб, фалон ердаги мен ҳаждан опкелган замзам сувини олинглар, отамни шу сувда ювдира-ман, деди.

Раис уйига бориб ҳам ўтирумай учта машина-да фарзандлари, рафиқаси, ўринбосари, жумладан, Муҳаммад Юсуф ҳам қўшилиб Косонга жўнаб кетди. Муҳаммад ака то маъракалари ўтгунча ўша ёқда бўлди.

Кейин ҳам, бекор бундай дебман, дея афсусланиб юрди.

На устоз, на шогирд бу танг ҳолатни қайтиб эслаб ўтирумадилар...

Иттифоқо, шоир кунларнинг бирида сайланма китоб чиқарди. Ҳаммага тарқатди. Адашмасам, туғилган куни яқин эди. Ўзи тўсатдан келиб хокисор, ажойиб ёзувчи дўстимиз Абдуқаюм Йўлдошевга: “Сиз, Абдуқаюм, “Зарафшон” ресторанида ўтадиган тақдимот сценарийсини ёзиб берасиз”, – деб қолди. Абдуқаюм довдираб қолди: “Қандай бўларкин, бунақа нарсага ишим тушмаган”.

– Йўқ, сиз боплайсиз, – деди Муҳаммад ака. – Тамом-вассалом.

Шундай деди-да, шоир чиқди-кетди.

Абдуқаюм қўлида “Сайланма”, менга қарайди.

– Аканинг ижодиниям зўр билмайман. Қўшиқларини биламиз-ку, лекин...

– Уриниб кўринг, – дедим мен.

Абдуқаомдай тезкор ишлайдиган ижодкор Ўзбекистонда йўқ. Бирор мавзуда мақола буюрсангиз, кун эмас, соатлар ичидаган ганингиздан ҳам зўрроқ шаклда компьютерда тап-тайёр қилиб беради. У эртаси куни ёки 20 саҳифалик сценарий ёзиб келди.

– Аканинг шеърлари қиёмат, – деди ҳаяжонланиб.

– Ёнимизда юргани билан барибир ижодини чукур билмас эканмиз.

У сценарийни шоирга берди. Бир маҳал ўзи келиб Абдуқаомни қучиб алқай кетди.

– Зўр, айтмабмидим, ўйлаганимданам зўр! Раҳмат, ука! – деди.

Ўша кунлари уюшма раҳбарияти Элликқалъада бўладиган ёшлар семинарига тайёрланишаётган эди. Тез орада бир қанча шоир ва ёзувчилар раис Абдулла ака бошчилигида Нукусга учиб кетишиди. Уюшма раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари сифатида Муҳаммад Юсуф ҳам бирга эди. Ва... ўзимиз билган қисқа тарих – ака қайтиб келмади.

Комада – бехуш ётганини эшишиб уч кун юрак ҳовучлаб турдик. Тўртинчи куни эса... биз истамаган мудҳиш хабарни эшиздик...

Кечаки, кўз ўнгингда ғайрати тошиб турган инсон, куйчи шоир, меҳрибон дўст ва оға... тўсатдан... Ажалга ҳукм йўқ экан!

Абдуқаом бўлса, аканинг ижодини ўқиб беихтиёр яхши кўриб қолувдим, сценарийни ўзим билмаган илҳом билан бир ўтиришда ёзиб ташлаб эдим, деб афсус қилди. Ҳалигача афсус дейди.

Эртаси куни адабиёт газетамиизда Президентнинг шоирнинг онаси Энахон опага қисқа таъзияномаси эълон қилинди. Ҳалқнинг кўнглини забт этган, меҳрига сазовор бўлолган ижодкорга юрт раҳба-

рининг чуқур ҳурмат-эҳтироми, ғамхўр оқсоқолнинг куйингани эди бу. Айни пайтда ўзбек шеър ихлосмандларининг иродаси рамзи эди.

...Кўп ўтмай жойларда шоирнинг эллик ёшлигини нишонлаш бошланди. Унинг номида фонд ташкил этилди. Парчадеккина газета ҳам босила бошлади.

Юнусободдаги бир мактабда ўtkазилаётган тадбирда профессор Қозоқбой Йўлдошев, шоирнинг умр йўлдоши Назира ас-Саломлар бор эди. Жуда кўтариинки руҳдаги учрашув эди. Назира опага мен бир неча йиллар аввал бир гуруҳ турли ёшдаги, турли вазифадаги одамларни уйига бошлаб бориб, ўшандан бери муҳлисларга қўшилиб акани “почча” деб атай бошлаганимни сўзлаган эдим. Опа ҳам:


– Собиржон, шу хотираларингизни ёзиб берсангиз, мен газетада берардим. Очифи, ўша келганларингиз, кимлар билан келганингиз аниқ эсимда йўқ, – деб қолди.

Ўйлаб юрдим-у, бироқ ёзиш фурсати келмади.

Мана, ёзилди ҳам.

Акани, дўстни, Шоирни яхши кўриб юрганимиз шундан ҳам маълум бўлса керак...

“Ёшлик” журнали, 2014 йил, 3-сон.



МАҢАВИЯТ ҚҮЁШИ



АДАБИЁТ, ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ВА...

Кишилил тарихининг турли даврларида турлича талқин этилган ижтимоий адолатнинг инсоният томонидан қолипга солинган тамойиллари бор. Ҳамма замонларда ҳам одамларнинг тинч-тотув, хотиржам яшай олишларига рахна солувчи куч, бирор томонидан қўпчиликнинг эзилиши, шахсий ҳуқуқ, виждан эркинликлари бузилиб, бўғилиб келган ҳолатлар-да бор. Қайсиdir даражада барибир адолатсизлик рўй бераверган. Фақат Хитой тарихида 48 йилгина ҳукм сурган Танлар салтанатигина инсониятнинг ҳозирга қадар бўлган даврида оқилона, бирорга халақит бермасдан яшай олиш эксперименти вазифасини ўтаган, холос. Гап шундаки, Танлар даври фуқаролари бошқалардан бутунлай фарқли равишда “Модомики, биз табиатнинг улкан бўлаги эканмиз, ундаги дараҳту ҳайвонот, паррандалар қандоқ яшаса, худди шундок, яъни табиатдан “ўрнак олиб” яшамогимиз лозим”, – деган тамойилга онгли равишда амал қилиб яшаб кўрган. Бу шунчаки бир синов эмас, қадим Хитой диний фалсафаси негизларига асосланган инсоннинг яшаш тарзи тақдирига айланган тамойил эди. Оз эмас, кўп эмас, одамзод нақ 48 йил бир-бирининг давлатига, мулкига, егулигига кўз олайтиrmай, нафсини тийиб ҳаёт кечирди. Ҳатто бу даврнинг афзалликларини инсониятга уқдириш бобида уларнинг йирик, доно шоирлари ҳам етишиб чиққан. Аммо Танлар салтанати одамлари шу даражада табийликка берилиб кетдиларки, зўравонлик қилишни хаёлларига келтирмагани сингари зўравонлардан ўзларини ҳимоя қилишни ҳам ўйламай қўйдилар ва оқибатда Улуғ салтанат кичик бир

қабиланинг оз сонли тажовузига бўйсуниб қўя қолди ҳамда инсоният ўзи ўйлаб топган энг адолатли яшаш тарзини ўз қўли билан йўқотди.

Танлар даври тарихига кўз югуртирсанг, ширин бир эртак ўқингандек бўласан одам. Зеро, одамзод яхшиликни, эзгуликни ва адолатни қўмсайди, айни вақтда унинг худбинлиги, нафси доим ўзидан устун келади. Оқибат аён: аслида бировни маҳв этаётиб, ўша бировнинг эмас, ўзининг оёғига болта ураётганини сезмайди. Яъни инсон адолатга ташна ва шу адолатни амалга ошириш учун албатта бошқаларга адолатсизлик қилади, зиён етказади, кимдир азият чекади, юраги, мияси ёки танаси жароҳатланади, емирилади ва ҳоказо.

Одам XX аср поёнига етиб келди. Аждодлари қандоқ яшаб ўтганини У яхши билади. Аммо ҳеч вақт У ўз кўллари ва хатти-ҳаракатлари ила яратган умумбашарий муаммолар қошида бугунгичалик гаранг бўлиб, боши қотмаган бўлса керак. У табиатдан, ҳайвоңдан, паррандаю даррандадан, ҳаводан, ердан, сувдан очкўзларча, йиртқичларча фойдаланди. Ва энди у яхши билади: ҳеч қачон аzon туйнугини ўз қўли билан беркитолмайди, ер остида уммон бўлиб қўринаётган нефть нари борса қирқ йилдан сўнг тугашини яхши англайди-ю, ундан фойданмасликнинг олдини ололмайди, ўзини боқаётган, тўйинтираётган, кийинтираётган Она заминнинг мадорини сўриб, дорилайвериб, қасаллантириб бўлади-ю, унга қайта табиий куч беролмайди, ўз жонининг, қорнининг роҳати учун улкан уммонларни қуритиб юбориши мумкин, бироқ ҳеч маҳал унинг сатҳини аввалги ҳолига келтиролмайди. Чунки у яхши яшashi керак!.. Шунингдек, У барча тиббий аслаҳалар, дори-дармонлар ила қуроллангани ҳолда ўз танаси нафсини ваҳшийларча қондира бошлагани туфайли ўз қўли билан яратган СПИД отлиғ балои азимга қарши чора тополмайди. Чунки у яхши яшashi керак

эди, яъни чексиз-чегарасиз майшат қилиши керак эди! Оқибатда У бошини чангаллади. Аммо олдинда келажак бор-ку. Авлодлар кетидан авлодлар, сафлар кетидан сафлар келмоқда-ку. У чора изласин-изламасин, бу қадим Ҳаёт ўзининг каттакон ўзанига тушиб олиб келажак сари шиддат ила оқиб бормоқда. Үнга чап бериш ёхуд қирғоққа чиқиб олиб кузатиш мумкин эмас. Мундай имконият ёзилмаган бизнинг кенг пешонамизга. Чунки Ҳаётдан чеккага чиқиб кузатиб, томоша қилиб бўлмайди. Бирга оқиши, бирга кулфатга йўлиқиши, бирга баҳтиёр бўлиш тақдири битилган сенга.

Биз хисга берилиб, гўё бошқа ёққа ўтлаб кетгандек бўлдик. Аслида, ундей эмас. Инсоннинг гармоник ривожланишига, камолот босқичига эришувига юқорида тилга олган омилларнинг барчаси таъсир қилади. Уларни таъкидлашдан мақсад инсоннинг буткул ҳаракатларига эмас, билатуриб йўл қўяётган салбий хатти-ҳаракатлари натижаси деб эслатмоқдир. Албатта, инсоният шу бугунгача мислсиз тараққиёт босқичларига қўтарилид, айни пайтда ўзи тузатиши мумкин бўлмай қолган хатоларга ҳам йўл қўйди. Ва бу хатолар барчаникидир. Сабаби, улар фақат йўл қўйган айрим кишиларнинг муҳитига, дунёқарашига, онгига, пировард натижада умум манфаатига,adolатига кучли таъсир ўтказади: ўғил отасининг, бобосининг ва ундан катта бобосининг ҳам, бошқа элу элатларнинг ҳам гуноҳини юволмайди. Оқибатда мен пок бўлдим нима-ю, пок бўлмадим нима – барибир жамиятни энди тузатиб бўлмайди-ку, деган хуносага келиши мумкин. Мана шу ерда у билиб-билмай жамият манфаатларини буза бошлайди, яъни ўзим яхши яшасам бўлди-да, бошқалар билан нима дардим бор, деб ўйлайди. Ижтимоий адолатсизликка хусусан, ўзи “муносиб ҳисса” қўшади. Бу – ҳалокат. У нафақат ўзини, сезмаган ҳолда муҳитини ҳам фалокатга гирифтор қиласади.

Шундай қилиб, ижтимоий адолат – саодатга, адолатсизлик – фалокатга етаклайди.

Биз ўзбек халқи онгига, қалбидаги рўй берган бўхрон, йўқотишу фожиалар қўп жиҳатдан рус босқини ва қонли империясининг бир асрлик жароҳатлари ҳамда асрратлари деб баҳолаймиз. Моддий бойликларимиздан ташқари бой берилган маънавий мулкимизнинг ўрнини қоплаш учун, эҳтимол, ўн йиллаб вақт ўтар.

Не тонгки, у кунлар бир қаро тарихга айланиб бўлди. Бироқ неча асл фарзандларининг азиз бошлари империя жаллодлари қўлига топширилди. Бугун қайта қадр топаётган Қодирий ва Чўлпон, Фитрат ва Беҳбудий, Элбек ва Усмон Носирлар айни йигит чоғларида қирчинидан қийилдилар, қатли омнинг қурбони бўлдилар.

Чингиз Айтматов адабиётни инқилобга олиб борувчи қудратли куч эканини таъкидлаганида ҳақ эди. Ҳайратланарли жойи шундаки, адиллар Чингиз Айтматовнинг ҳам, Одил Ёқубовнинг ҳам оталари репресия қурбонлари бўлганлар. Яна қизиғи шундаки, икки ота ҳам шўроларнинг содиқ фаолларидан бўлганлар. Бироқ саводли, халқ дардини чуқур англаған инсонлар бўлгани туфайли олдиндан “эҳтиёт чораси” сифатида йўқ қилинган. Эҳтимол, ўша аламли тақдир туфайлидир, бу икки адаб ўзларининг катта истеъдодларини дунёга ёйгулик куч топа олганлар.

Амир Темур ўзининг тузукларида: “Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим”, – дейди. Сўнгги юз йил бадалида халқимиз “ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқарувчи” ҳукмдорга бениҳоя муҳтожлик сезди. Демакки, ёруғ мустақилликка ташна бўлиб яшади. Бу ташналиктиниз билан улуғ ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги Юсуфбек ҳожи ҳасратларидаги кўрамиз. Чоризм мунофиқликларини Абдулҳамид

Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида аён ҳис қиласиз, унинг ўтли шеърларида аламли туйғуларни учратамиз. Бу туйғу истиқолни қўмсаш, атрофдаги кўргуликлардан тувақиши, миллат пешволаримизнинг иккижузлама, ғаламис ва сотқинликларидан нафрат туйғуси эди. Тан олиш керак: асримизнинг 30-йилларидан то 60-йиллар поёнига қадар зўравон империя барча бошқа миллат зиёлилари қатори ўзбек ижодкорларининг ҳам тилини тийиб қўя олди. Империя фақат ўзига маъқул келган, ҳаётнинг том маънодаги тескариси бўлган адабиётни хуш кўрди. Ўзининг манфур мақсадини англаган ва бошқаларга англатмоқчи бўлган ёзувчи, шоирларни омон қўймас, энг камида сургун, қамоқ жазоси билан қатағон қиласарди.

Лекин ҳаётда бир тескари ҳақиқат мавжуд: қаердаки зулм кучайса, эрк бўғилса, ўша халқнинг адабиёти ҳам, санъати ҳам илғорроқ бўлиб боради. Чунки адабиёт, санъат фикр, ҳис ва ғоядан, сўз маҳоратидан иборат. Унинг ғояси оддий қора халқ ғояси билан ҳамоҳанг бўлиб, истайсизми-йўқми, замондан камида ўн-йигирма йил ўзиб яшашга мажбур. Негаки, унинг ҳаракати стихияли – қолипга тушмаган, ҳар хил сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий андозалар билан ўлчаб бўлмайдиган, тартибсиз фаолият билан боғлиқдир. Россия ҳатто ўз бағрида етиштирган Иван Бунин, Борис Пастернак, Анна Ахматова, Марина Цветаева каби шоири ёзувчиларни ҳам сиғдира олмади – азбаройи ўзининг ногорасига ўйнамагани учун. Александр Солженициндек ёзувчи ҳозиргача қизил империянинг кирдикорларини, ҳатто айни кундаги Россия Федерациясининг кирдикорларини фош этиш билан машғул. Шунинг учун, адабиёт сиёсий институтларнинг бирортасига муҳолиф бўлмаган ҳолда ҳаётнинг адолат тарозисига чинакам кўнгил қўйган, халқнинг меҳрини қозониб, унга ҳамдард бўла оладиган, керак бўлганда

унга маънавий озиқ бераверишдан асло толмайдиган кўринмас бир қувват, оҳанрабодир.

Шу сабаб Абдулла Орипов ўзидан илгари ўтган устозларига:

*Бахтиёр онларни қуйла деган он,
Шоирлар, битибсиз қонингиз билан.
Ўзи йўқ қўрғонга бўлибсиз қалқон,
Соддадил, фидойи жонингиз билан, – дея ачинади.*

60-йилларнинг сўнгида ҳувиллай бошлаган адабиёт осмонида Абдулла Орипов чақиндек пайдо бўлди, жуда катта бўшлиқни Эркин Воҳидов, Рауф Парфи сингари шоирлар тўлдира олди. Уларга эргашиб ҳозир 70-йиллар авлоди дея аталаётган Усмон Азим, Ҳалима Худойбердиева, Шавкат Раҳмон, Ҳуршид Даврон, Азим Суюн, Йўлдош Эшбек каби оловқалб шоирлар адабиёт майдонига кириб келдилар. Миллий ўзликни англаш, тарихга ҳаққоний баҳо, мавжуд тузумга, истибодога, ноинсоф шўро тузумига рамзлар ила жанговар муносабат кучайди. Миллатнинг қалбида фахр-ифтихор туйғуларининг шаклланишида Абдулла Ориповлар ва 70-йиллар авлоди катта таъсир кўрсатгани сир эмас.

Наср эса оғиркарвон жанр бўлгани сабаб ўзидаги янгиланиш жараёнини кечроқ бошлашга мажбур бўлди. Шунга қарамай, Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Лолазор” романи, Хайриддин Султоновнинг “Ёзнинг ёлғиз ёдгори”, Тоғай Муроднинг “От кишнаган оқшом”, Эркин Аъзамнинг “Отойининг туғилган йили” қиссалари ўзбек насирида бурилиш ясай олган асарлар бўлиб қолди. Шунингдек, Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” романида ўзининг кўлами, ўрис босқини давридан то бугунгача авлод-аждод бўлиб яшаб келган Деҳқонқул образининг ачинарли тимсолида ўтган бир асрлик хароб ҳаётга холис баҳо берилади. Жонли, ҳаётий типлар мисолида кечаги кунимиз, ўтмишимиз барча мутелигу зўравонниклар, партия пахтаси

деб хотинидан, соғлигидан жудо бўлаётган минглаб деҳқонлар кўз ўнгимиизда беихтиёр бўй қўрсатади, тупроққа, заҳарга қоришиб, қадри тупроқчалик, умри заҳар бўлиб ўтган ўшал қариндошинг мен бўламан дея пешвоз чиқади.

Худди шу йиллар ичида Одил Ёкубовнинг “Адолат манзили” романи чоп этилди. Янги роман турли рамзий образлар билан йўғрилиб, Ўзбекистонда “Пахта иши”ни кўзғатиб гдлянчилик, ивановчилик террорининг яқингина ўтмишимизда минглаб ўзбек пахтакорларининг, раҳбарларининг, уларнинг оиласларининг аянчли фожиага гирифтор қилинганини таъсирчан воқеалар тизимида ифодалайди.

Президент Ислом Каримов: “Биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатпарвар демократик давлат қуришга интиляпмиз. Адолатга интилиш – халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак”, – деганди.

Ҳозир биз ўтиш даврининг энг мураккаб палларидан ўтиб олдик, десак зукко ўқувчи буни тўғри тушунади. Аммо яқин 4–5 йил ичида, айтиш жоизки, ёзувчи-шоибу журналистлар ҳаракатларида жиндек талмовсираш кайфияти сезилади. Демоқчи бўлган фикрини тўлиқ ифодаламаслик, воқеликка шунчаки, йўлига муносабат билдириш, танқиддан чўчиш, казо-казоларнинг мушугини пишт дейишдан ҳадиксирашга ўхшаш бир аломатлар кўринди. Эҳтимол, бунинг ҳам чуқурроқ ижтимоий сабаблари бордир. Бизда ҳар қадамда учрайдиган таниш-билишчилик, расмиятчилик, қатъиятсизлик ва айниқса, порахўрлик, маҳаллийчилик, шу иллатлар оқибатида ҳадеганда ишининг юришавермаслиги, янги замонга кўниколмаслик ҳолатлари рўй берәётгани, балки, кўп

зиёлилар қатори адибларнинг ҳам руҳини синдираётган бўлиши мумкинdir. Бу менинг ўз шахсий фикрим. 1996 йилда ёзилган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев қаламига мансуб “Динозавр” романини ўқиб, мана шулар ҳақида чуқур мушоҳада юритишига мажбур бўласан одам. Бундай ҳолатда интеллект худди динозавр сингари замонга мослашолмай ўзини бой бериб қўйиши мумкинлигига ишора қилинади романда.

Ёш носирлар асарларида ижтимоий адолат гоҳо реал ҳаётий, баъзан тимсоллар воситасида асл негизлари сари чуқур маъно касб этган шаклда ифода топаётти. Аслида ҳам ҳаёт ҳақиқати, адолат ва адолатсизликни адабиёт воситасидагина тўла дард, маҳорат билан тасвирлай олиш мумкин. Ёзувчининг улкан дардини асар, асар битилган қофозгина кўтара олса керак.

Ушбу мақолани ёзиш жараёнида шунга амин бўлдимки, ижтимоий адолат ва адабиёт муносабати ҳақида юқорида баён этилган фикрлар камлик қиласиди. Чиндан ҳам бу алоҳида олиб ўрганилганда, бекиёс дарражада кенг мавзу.

Мухтасар хulosса шуки, тарихан қарор топиб шаклланган адабиёт исмли куч мудом инсонни дўстликка, юксак ахлоқ ва маънавиятга, адолатсизликка барҳам беришга чорлаб келган. Садағанг кетай адабиёт бўлмаганида дунё ҳувиллаб қолмасми эди. У – виждон, у – буюк сўз, у – вафодор ва бевафо ёр, у – қўшиқ, у – қувонч ва алам.

Бир нарсани ўйлаб қувонасан: адабиётда экологик муаммо йўқ, адабиётда табиий офат бўлмайди, у қаримайди, у қўшиқдек янги оҳанг топаверади, гул каби янги ранг билан очилаверади. Фақат ўзига нисбатан қилинган ноинсофликни, зўравонликни кўтара олмайди – бўғилади, истамаган гапини истамай айтади, холос...

“Хуррият” газетаси, 1997 йил, 21 июнь.

БҮЮК БУРЧ

Чамамда, бадий наср адабиётнинг энг оғиркарвон жанри. Унинг ривожланишида ҳам даставвал турғунлик хукмронлик қилиши табий. Мустақилликнинг дастлабки йилларида, аникроғи, 1993 йилда Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев Адабиёт газетасида “Адабиёт ўладими?” деган баҳс қўзғовчи мақола билан чиққан эди. Ростдан ҳам шунгача ва бундан кейин ҳам қисса, романларда ҳануз райком, исполком, комсомол, пионерлар “жавлон уриб” юришардики, энди, албатта, бу яқин тарихнинг тез воз кечилган қаҳрамонлари эди. Шуни ҳам тан олиш лозимки, ўша даврда жамиятда иккиланишлар, энди бу ёғи нима бўлади, деб саросимага тушиш, мустақилликнинг порлоқ келажагига ишонишни хоҳламайдиган тоифалар ҳам бор эди. Шўро мафкураси қон-қонига сингиб кетган баъзи партчновниклар пати юлинган товуқлар сингари янги атмосферага мослашолмай ўзларини у ёқ-бу ёққа уришарди. Ҳали-ҳамон кучларини чамалаб ҳам кўриб, жамоатни фақат эскича партиявий усул билан бошқариш мумкин деб қаттиқ ишонишарди.

Ш. Холмирзаев эса Юртбошимиз таъкидлагани каби энди ортга қайтадиган кўприклар бузиб ташланганига чинакам ишонар, шу боис турғун адабиётни “ўладими?” дея атай “фитна” қўзитиб, ўзи эса енг шимариб янги “Динозавр” романини ёзишга киришиб кетган эди. Ва бу билан адабиёт, хусусан, ўзбек адабиётидай кўхна ва мумтоз адабиёт нафақат ўлмайди, балки ривожланишга қодир эканини исботлашга тушган ҳам эди. Кези келганда айтиш жоизки, Мустақиллик йиллари Ш.Холмирзаев ижодининг энг гулла-

ган ҳамда баракали даври бўлди. Ўнлаб ҳикоя, қисса, эсслар ёзди. Эссе жанрининг имкониятлари нақадар кенг эканини кўрсатиб берди. О.Ёқубов, М.Кўшжонов, А.Орипов, Шуҳрат, Б.Зокиров, Ў.Умарбеков ва бир қатор ўзидан ёши кичик шоирлар, замондошлар ҳақидаги эсслари чинакам бадиий юксак асарлардир. Айниқса, академик М.Кўшжонов хусусидаги “Бу кишим устоз, биз шогирд” эссеси танланган асарлари жамланган китобида қарийб 400 бетлик ҳажмни эгаллайди. Аммо у мароқ билан ўқилади. Ш.Бурхонов ҳақида алоҳида эсслари бўлишига қарамай ёзувчи мазкур асарида у инсоннинг бошқа фидойи жиҳатларини ҳам йўл-йўла-кай очиб беради, ўзи, илк севгиси, тенгқурлари, улар ўртасидаги садоқат, хиёнат, талабалик ҳаётининг ўч-мас томонлари ва ниҳоят, умр йўлдошига қай тахлит эришиб тўй бўлгунича бўлган тафсилотларни ҳам ки-ритадики, бу беихтиёр кўз олдингда бутун борлиғи билан пайдо бўлган улкан панорамани эслатади. Шу асно ёзувчи адабиётдаги аввалдан пайдо бўлган тарафкашлик иллатларига ҳам қитмирана бир бўйлаб қўяди. Аммо чукурлашмайди...

Тўғри қиласи. Газак маддаласа, оқибати яхши эмас-да.

Хўш, Ш.Холмирзаев “Динозавр” романида нимани ёзган эди? Роман тугадими-тугамадими, ҳарқалай, ўша биринчи китоби “Ёшлик” журналида эълон қилинди. Шукур ака аввалги романларида у ёқ-бу ёқса оғиб, ўз таъбири билан айтганда, “ўтлаб кетадиган” одати бор эди. Лекин бу сафар пишиқ роман ёзди. Янги ҳаётга мослашолмаётган театрнинг актёр-режиссёри, таниқли инсон ҳақида. Бора-бора қаҳрамон ҳаёт олдига қўяётган янги талабларни қабул қилолмаётгани аён бўла боради. Зиддиятли фикрлар қуршовида қолади. Кейинги китобда қаҳрамон динозавр янги эрадаги табиий турланишга дош беролмагани сингари

янги ҳаётга бегоналигича қолади ва ўз жонига қасд қиласди. Чунки унинг суюги ҳам, онг-шуури, мафкураси ҳам кечаги ҳаёт билан қотиб бўлган. Демак, бугунги кўриб турган истиқлол даврини у аввал тасаввур қилмаган, эҳтимол, орзу ҳам қилмагандир, унинг жаннат даври ўша ёқда қолиб кетди. Ёзувчи уни янги даврга муносиб кўрмайди.

Бу катта интеллект, истеъдоднинг фожиаси.

Шу даврда таниқли ёзувчи Одил Ёқубов “Бир хона-дон сирлари” номли саҳна асари ёзди. У Миллий театримизда муваффақият билан қўйилди. Гарчи майший мавзуда бўлса-да, ёзувчи ўзига хос тийран нигоҳи ила янги одамларнинг нақадар ўзгарганини, охир-оқибат ҳалоллик чирик бойликка нафақат бас келади, балки ғалаба қилишини маҳорат билан, қизиқарли, жонли диалоглар асосида кўрсатиб берди.

Менимча, 1995 йил эди. Мұхтарам Президентимиз бир гурӯҳ олимлар, таниқли адиларни қароргоҳига чорлаб атрофлича сұхбат қурди, фикр алмашди. Мустақиллик тушунчаси асосида ҳуқуқ ётганини айтганди. (Чамаси, “Жаҳон адабиёти” журналининг зуваласи ҳам ўшанда пишувди.). Ва гап айланиб замонавий қаҳрамонга тақалган, Юртбошимиз кечаги замонда қаҳрамонлар яратолган улкан адилар бугуннинг қаҳрамонларини ҳам яратмайсизларми, деган ҳақли савол, керак бўлса, талабни қўйган эди.

Мана, келаси йили шонли Мустақиллигимизнинг 20 йиллигини нишонлаймиз. Бу улуғ сана, катта юбилей. Бир йигитнинг навқирон, кучга тўлган ёши. Ўтган йиллар мобайнида адабиёт ҳам кучга тўлмадими?

Шунча вақт ичида кўплаб тарихий мавзудаги асаларлар, романлар ёзилди. Романларнинг жамисини ҳисоблаганда 120 тадан ошар экан. Рақам мақтанарлик. Аммо уларнинг ичида саёzlари, эсда қолмайдиган, тор майший мавзудагилари, бадиий савияси саёzlари

чунон қўпки, яхшилари-чи, деган саволга каловланиб фалон-писмадон деб 4–5 тасинигина айта оламиз.

Хўш, ўтган йиллар ичида адабиёт бойимадими, ривожланмадими?

Айтиш жоизки, Адабиёт деб аталмиш катта, улкан оқим депсиниб тургани йўқ. У ривожланишда. Турли хил кўринишда, турли йўналишда, шаклда у қайнаб ётибди. Бир нарсани мен қувонч билан эътироф этишим мумкин: Мустақиллик йилларида том маънодаги аёллар насли пайдо бўлди ва кучайди. Зулфия Куролбой қизи ва Саломат Вафо иккитадан роман ёзди. Энди салмоқли асарлар бўлгани учун, ҳар ким ҳам роман ёзишга қурби етмаслигини ҳисобга олганим учун айтяпман. Аслида улар адабий жамоатчилик томонидан жуда яхши асарлар сифатида эътироф этилди. Маъсума Аҳмедова, Мехринисо Курбонова, Дилфузा Кўзиева, Мамлакат Нурмуроваларнинг бадиий баланд савияли асарларини матбуот орқали ўқияпмиз. Жиззахлик ёш талаба Гулноз Мамарасурова, хивалик Гўзалой Матёқубова, нукуслик Гулойим Айимбетовалар ҳам талаба бўлишларига қарамай қисса ва ҳикоялари билан адабиётда ёрқин истеъодлар сифатида бўй кўрсатишмоқда.

Эҳтимол, адабиётда эркак, аёл насли деган гап нокулайроқ жаранглар, аммо аёл-қизларимизнинг кейинги йиллардаги фаоллиги, маҳоратларини намоён этаётганлиги беихтиёр уларни таъкидлаб ўтишга ундейди.

Оқсоқол адиблар қатори Эркин Аъзам, Нормурод Норқобилов, Улуғбек Ҳамдам, Луқмон Бўрихон, Абдуқаюм Йўлдошев, Исломил Шомуродов, Исажон Сulton, Рафур Шермуҳаммад, Наби Жалолиддин, Шойим Бўтаев сингари ёзувчиларнинг чинакам ижод қилишаётгани бугунги адабий наср муҳитини белгилаб турибди. Улар қалами остидан чиққан кўплаб қиссалар

кинога олиниб, телевизор ёки киноэкран орқали то-
мошабинлар хукмига ҳавола этилди.

Муҳтарам Президентимизнинг шу йил ёзда Бу-
хородаги янги театр биноси очилишида билдирган
фикр ва мулоҳазалари нафақат театр ижодкорлари,
балки Ёзувчилар олдида ҳам чинакам замонавий
қаҳрамонларни юзага келтириш муаммоси кун тар-
тибида турганини кўрсатди. Шундан сўнг Республи-
ка Киночилар уйида киноматографчилар, режиссёр,
актёrlар билан бирга ёзувчи-шоирлар иштироки-
да давра сұхбати уюштирилди. Қилинажак ишлар,
келгуси вазифалар ҳақида фикр алмашилди. Бирга-
лашиб қилиниши мумкин бўлган ишлар ҳақида ҳам
гаплашилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Президентимиз қа-
рори билан Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида “Ижод” жа-
моат фонди ташкил этилди ва иш бошлади. Дўрмон
ижод фонди ва ёзувчилар поликлиникаси қайта таъ-
мирланиб, фойдаланишга топширилди. Ёзувчилар ун-
дан имтиёзли тарзда фойдалана бошладилар. Фондга
ҳам маблағлар тушяпти. Айтиш керакки, буларнинг
барчаси адиблар учун мислсиз шарт-шароитлар туғ-
дирди. Қалам ҳақларининг оширилиши, нашрларга
молиявий ёрдам, кекса авлод вакилларига моддий
кўмак бериш хусусида гаплар бормоқда. Шундай экан,
нимага энди ёзувчилар керак бўлса аввалги замон-
ларда бўлгани каби ижтимоий буюртмалар олишлари
мумкин эмас? Ҳозирги вақтда нафақага чиқсан, вақти,
тажрибаси кўп атоқли адибларни Дўрмон ижод боғи-
га таклиф қилиб киноижодкорлар билан, театр ижод-
корлари билан ойлаб ҳамкорлик қилишларига шаро-
ит яратиб бериш мумкин-ку. Бу юмуш навқирон авлод
вакилларининг ҳам қўлидан келади, балки замонавий
шаклда, янгича қарашлар асосида қойилмақом қилиб
уддалаши мумкин.

Бинобарин, Юртбошимиз қўяётган талаблар ҳар биримизга юксак мастьулият юклайди. Мавжуд шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб ижодий имкониятларимиз қай даражада эканини намоён этиш вақти келди.

Хўш, ўзи замонавий қаҳрамон ким? Пахтакорми, ғаллакорми, фермерми, қурувчими, муҳандисми, зиёлими – ким ўзи? Балки раҳбар, жамоат арбобидир? Ҳарқалай, у яхши одам. Юртнинг корига ярайдиган, бошқалар учун керакли инсон. Балки, у сипогина, тартибли, тоза, ўйлаб гапирадиган доно, ўғил-қизи, хотинига меҳрибон, эрталаб кетиб кечқурун шом тушмасидан қайтиб келадиган рисоладаги одам ҳам эмасдир. Муҳими, у тақдирга бепарво эмас, бизнинг, ҳар кимнинг бошига тушаётган савдолар унинг ҳам бошига тушиб ётибди, яхши-ёмоннинг қуршовида, сизу биз дуч келадиган тўсиқлар, таъмагир, фирибгарлар унинг ҳам олдидан чиқади. Аммо у енга олади, чидай олади. Шунинг учун ҳам қаҳрамон.

Бу йўлда ҳар хил савиядаги асарлар яратилади. Бу тушунарли, чунки ҳаммаям зўр ёзолмайди. Бунинг иложи йўқ, лекин яхшилари сараланади. Китобхон, томошабин тез ажратади. Бирданига қўл силтаб қўяқолиши мумкин. Энг ашаддий хукм шу. Лекин ҳаёт ҳақида, одамлар ҳақида рўй-рост ёзилган, оқибати яхшиликка етакловчи бадиий юксак асар бирорни бефарқ қолдириши мумкин эмас.

Кези келганда, муҳтарам Юртбошимизнинг “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласидаги қуидаги фикрлар билан сўзимизни муҳтасар қилишни лозим топдик. “...ёзувчиларимиз ўз истеъоди билан одамларнинг онги ва дунёқараши, маданий савиясини юксалтириш, ҳалқ қалбининг куичиси бўлишдек оғир ва мураккаб, улуғ бир вазифани зиммасига олган экан, аввало эл-юрт олдидаги фар-

зандлик бурчини, фуқаролик позицияси ва масъулиятини чуқур сезиши, англаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Менинг фикримча, ёзувчилик – бу оддий касб эмас, Худо берган истеъдоддир. Бу – қисмат, пешонага ёзилган тақдир. Бу касбга ҳеч қаерда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди. Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичидаги бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир”.

“Ёшлик” журнали, 2010 йил, 11 сон.

АДАБИЁТ – ОЛДИНДА ЁНГАН МАЁҚ, У ЭЪТИҚОДНИ ТАРБИЯЛАЙДИ

Адабиёт, шаксиз, тарбия воситаларидан бири. Илло, эътиқод эмас, эътиқодни парваришлаш усулидир, шу маънода уни эътиқоддан айрим ҳолда кўрсатиш нотўғри, адабиётимизни улуғликка, мумтозликка кўтарган зотлар... Буюк Иймон эгалари эди!

Гўрўғли Фиркўк дулдулини миниб, қирқ йигитни қабатига олиб ёв устига саваш қилгандা, Алпомиш Бойчиборининг белига ўтириб ғаними устига аёвсиз юрганида, мардлик кўрсатганида, Фарҳод ёр васли учун тоғ-тошларни кесиб, сабр ва жасоратини намоён қилганида – уни ўқиган ўзбек болалари юрагида ботирлик қони кўпиргани бор гап. Ахир, дунёни ларзага келтирган, жаҳон адабиётининг ағдар-тўнтарини чиқариб ташлаган, Жозибали Сўз билан байроқдор бўлган бутун бошли Лотин Америкаси адабиётининг ибтидоси, биз кўп ҳам хуш кўрмайдиган, масхара, довдир образдан иборат Сервантеснинг “Дон Кихот” асари-ку. Қараб қўйинг, 60–70 йиллар ичida олам адабиётини оҳанрабодай ўзига қаратган, қисқа вақтда буюк ёзувчиларнинг дунёга келиб, довруғ таратишига асос бўлувчи асар бор-йўғи рицарлик романларини фош қилиб, калака қилган бир роман бўлиб чиқса!..

Йўқ, бу ерда барибир тарбия бор. Лотин Америкаси халқи асосан испанлар, яъни Европа халқи. Халқ эса қадриятлардан, аждодлар меросидан тўйиниб яшагиси келади. Биргина шу асар, гарчи Европада, Испанияда беш аср бурун яратилган эса-да, уларнинг ҳам ўлмас мулки. Мулкки, кун келиб Лотин Америкаси адабиётини юксакка кўтариб юборди. Бу юксаклик охир-оқибат халқнинг қалб кўзини очди. Лотин Америкаси давлат-

лари бирин-кетин диктатура кишанлари занжирини улоқтириб ташлади. Жамиятни ўзгартирди. Бу жараёнда адабиётнинг буюк роли бор. У одамни зулмдан қутулишга, озод яшашга ўргатди. Эзгуликнинг ғалабасига чорлади. Пабло Неруда шеърларини чилиликлар мадҳия, марш қилиб куйлар эдилар, байроқ кўтарар, Пиночетга қарши курашар эдилар. Оқибат ғалаба қилдилар ва... Пабло Нерудани Президент қилиб сайламоқчи бўлдилар...

Бизнинг Шарқ адабиёти эса сабрга, ақлга, одобга ва ўз навбатида жавонмардликка даъват этади. Шўро зулми даврида аслида ўзбек адабиёти олдинги ва кейинги давр адабиётидан зўр бўлган. Қодирий ва Чўлпон, Миртемир, ҳатто Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи ҳам тишни тишга босиб алам билан ижод қилган. Булар, керак бўлса, ўз вақтида ўзбекни мудроқликдан уйғотолган ижодкорлардир. “Менинг ҳам қонимда қилич занги бор...” деб ёза олган эди Абдулла Орипов бундан эллик йиллар муқаддам “Арманистон” шеърида. Тишни тишга босиб ёзилган сатрларни қалби бозвота ўқувчи ўпкаси тўлиб ўқимаган, юраги симиллаган дейсизми?

Ўсмоқчилаб сўраб келсангиз, ҳозирги мустақиллигимизнинг тамал тошини қўйганлар ҳам аслида ижодкорлар, зиёлилар ва ўткир сиёsatчиларимиз бўлиб чиқади.

Бундан чиқадики, Адабиёт нафақат тарбия, балки жамиятни ўзгартириш воситаси ҳамdir. Бундан 90 йил аввал ёзилган ва ўша вақтдаёқ қўлма-қўл бўлиб кетган “Ўткан кунлар”ни берилиб ўқиган одамни кўз олдингизга келтиринг. Юсуфбек Ҳожининг Туркистон исканжаси, халқнинг эзилиши, бой-боённинг ўз нафсидан ўзгани ўйламаслиги, эзилаётган бечораларни яна кўра-била томоша қилишга мажбурлиги, ўғли Отабекка эзилган бу кўнгилни нечун яна тилкалай-

сан, дея азобда қолишлари тасвири, ўйланг, оддий ўқувчининг ҳам юрагига ботиб кетмайдими?

Адабиёт юракни тарбиялайди.

Шукрки, бизда ёвуэлик, ёмонликка етакловчи китоблар урчиб кетди деёлмаймиз. Саёз, бачканалари тўлиб ётибди. Бозор адабиёти десак, балки тўғридир. Унинг жиддий адабиётга дахли йўқ, афсуски, харидори кўп.

2. Отини айтмаганим тузук, бир замон жануб ёқдан кўп ижодкор аҳли танийдиган ёзувчи акамиз ташриф буюриб, обдан Гоголдан лоф урди. Лоф ургани майли-ю, ёзувчини Қодирийга таққослаб, Гоголда эътиқод ғоят баланд, Қодирийда йўқ, у Калвак махзум ва Тошпўлат тажанг образларини яратгани учун ҳам дўзахнинг нақ ўртасига бориб тушади, деди қатъий. Ё фалаксан! Туппа-тузук ўқиган, савияси бор деб ўйлаганим бу одамнинг Қодирий ҳақида чиқарган хулосаси жаҳлимни чиқариб юборди.

– Э, ака, қанақа хулоса қилаётганингизни биласизми? Қодирий роман ёзмай, ўша Калвак махзум ва Тошпўлат тажангнинг ҳангомаларинигина ёзиб ўтиб кетганида ҳам, адабиётда из қолдирган бўларди. Калвак мулла, намозхон бўлгани билан жоҳил, дунёқараши тор, ўзидан бошқани ўйламайди, тараққиётни сира қабул қилмайди, Тошпўлат ҳам бундан баттар, киссавур, каллакесар – нима қипти, шуларнинг устидан калака қиляпти! Сиз айтаётган эътиқод, аксинча, бу ерда бўртиброқ кўринади. Дўзах, жаннат масаласини эса Яратган Қодирнинг Ўзи ҳал қиласиди. Мен бу фикрингизга мутлақо қаршиман, фақат сиздан илтимос, бу тухмат гапни бошқа ерда айтманг. Панд еб қоласиз.

Ака аразлаб, гавдасига ярашмаган шитоб билан таҳририятни тарк этди. Қайта кўринмади ҳам. Аммо кунларнинг бирида ушбу мужodalани бир хусусий га-

зетада тамом бошқача тус бериб тилга олибди. Унда камина мум тишлиб, гап тополмай, охири гапни обуна масаласига буриб юборган эмиш.

Ҳадиси шарифда эътиқодсиз кишини ҳам кофир деб айбламаслик буюрилган. Иброҳим алайҳиссаломнинг эшигига келган яхудийни овқатига шерик қилмай ҳайдаб солгани ва бунинг учун Аллоҳдан танбех олгани воқеасини хотирга олинг. Бу кишининг наздида эса Гогол – мусулмон, Қодирий – кофир.

Ўзи бъзиларда аслий, азалий фикрни бузиб, тескари қилиб ташлаш қобилияти бўлади. Маънавий позициянгиз мустаҳкам бўлмаса, гарангсиб қоласиз.

Гоголнинг эътиқоди бўлса бордир. Бироқ бирор асарида насроний руҳонийни рисоладагидай идеал шахсга айлантиргани тасвирига дуч келмаганман. “Уйланиш”, “Иван Иванович ва Иван Никифоровичлар орасида бўлиб ўтган можаролар ҳикояти” ёхуд “Ревизор” драмалари учун ҳам ҳар қанча таҳсин айтсанг, яхши кўрсанг арзиди. Достоевскийдек зот “Биз ҳаммамиз Гоголнинг “Шинел”идан чиққанмиз” деганида уни устоз деб эътироф қилмадими?

Шу Гогол рус ё украинни (“Тарас Бульба” истисно) мақтадими, заҳарли қамчиси билан ертепки қилиб савалаб ўтиб кетди-ку. Бу унинг русни ёмон кўрганинг белгисими?

Ижодга, умуман адабиётга баҳо бераётганда эътиқод масаласига жўн ёндашмаслик тарафдориман. Озарбайжон адиби Анор ёзганидек, “Бу ҳаёт шунчалар қисқаки, унда ёмон бўлиб яшашнинг иложи йўқ; бу ҳаёт шу қадар узунки, унда фақат яхши одам бўлиб яшаш мумкин эмас”. Шундай муаммолар борки, уни мана бундоқ ёки ундоқ бўлиши керак, деб кескин ўртага қўйиш қийин. Эътиқод масаласи ҳам худди шундай.

Адабиёт, назаримда, инсоннинг эътиқодини тарбия қилиши керак.

Г.Маркеснинг қисса ва романларида фаҳш саҳналари бот-бот учраб туради. Ёзувчининг маҳорат кучи ва кўлами кенглигидан сиз ҳеч қачон бу тасвирларга маҳлиё бўлиб қолмайсиз, аксинча, улардан ижирғаниб кетасиз. Чунки ёзувчининг мақсади бу ерда тўхталиб қолиш эмас, сизни етаклаб ўзга кунгурулар ва ўзининг руҳи аро чирпирак қилиб елдириб кетади.

Навоий ҳақида баъзан ўйлаб шундай хуносага келаман: адабиёт ҳаётдан устун бўлиши мумкин. “Темур тийғи етмаган жойни, Қалам билан олди Алишер”. Абдулла Орипов ҳам тиф салтанатидан қалам салтанати баҳайбатроқ эканини таъкидлайди, шундай эмасми?

Навоий – ҳаёт энциклопедияси, Навоий – ҳаёт маёғи, Навоий – эътиқодлар чашмаси, Навоий – адабиёт қуёши, кўйингки, Навоий адабиётнинг барча фазилати.

Румий, Саъдий, Ҳофиз Шерозийлар, Хайём, Бедил – ҳаммаси ҳам Адабиёт. Инглиз уларни нари борса севги, май қуйчиси деб қабул қиласди. Навоийни Фарҳоду Ширин, Лайлию Мажнун ҳақида афсона айтган, ишқ ҳақида ғазаллар битган деб жўн қабул қиласди.

Биз аввал ўзимиз Навоийни Навоийдек қабул қилишни эплайлик, кейин бошқалардан ўпкалаймиз. Инглиз, рус тушунмаса тушунмай қўяқолсин, бизга не суд? Адабиётда Навоий империяси мавжудлигини эътироф этиб туришимиз, таъкидлашимиз кифоя. Уларнидан катта Ақл, собит эътиқод, мустақийм Ишқ, энг гўзал Сўз бор эканини билдириб туришимиз ҳам етарли. Асло куюниб ўтирманг!

Навоийдан беш юз йил олдин ҳам, Навоийнинг ўзи ҳам, ўзидан беш юз йил кейин Ч.Айтматов ҳам “Охир замон нишоналари” билан ўз замондошларини огоҳ этдилар. Зора, бу халқ тарбият топса, зора, этагини йиғишириб олса, жоҳилликдан тўхтаса! Йўқ, адабиёт ўзи билан, одам ўз юмуши, олам ўз ташвиши билан банд!

Кимнинг ёқасидан оласан? Ўзи шу иш тўғри бўлармиди?

Адабиёт эмас, менингча, адиб дунёни ўзгартириши хоҳлайди. Ва асрлар давомида ўзининг ёқасини ўзи чок қилади. Гоҳо унинг ҳаракати тоққа тош олиб чиқаётган Сизифникига ўхшайди, баъзан Сулаймон пайғамбар билан муроқабага киришган, “тоғ ағдармоқчи” бўлган чумолига менгзайди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам Рауф Парфи ижод жараёнини ибодатга, Улуғ Тангрига тавалло қилишга қиёслаган эди.

Адиб ҳам, Адабиёт ҳам дунёга томошабин бўлиб туролмайди, уни ўзгартиргиси келади, модомики, “жиҳод”да ғолиб келмас экан, (қачон ўзи шундай бўлган эди?) начора... Қадим ва чўнг дунё-да бу. Ўтмиш 28 минг пайғамбарлардан қай бири замонида олам гулистон бўлган эди?..

Вақти замонида “цензура” отли бир машина китобнинг ғоявий жиҳатини ҳисобга олиб обдан чиғириқдан ўтказар эди. Бу ғояни қўлда ушлаб турган жамият пешволарининг пухта бир иши эди. Чунки ғоя қўлдан кетса, бошқа ҳаммаси қўлдан кетади. Биз мустақиллик ғояси одамларимиз. Сиз тилга олаётган “ҳамма нарса” нари борса кўнгилхушлик даражасида-дир.

Тўқсонинчи йилларнинг бошида, эсингиздадир, ҳамма ёқни экстрасенс босиб кетди. Ё қудратингдан, оёғинг остида шунча авлиё ётган экан-у, ғафлатда ётганингни қара. Қизиғи, улар тузалмас касалларни тузатади: жиннини ҳам, кўрни ҳам, шолни ҳам. Улар матбуотда, телевидениеда қанча касал бўлса, тағин чорлашар, фолбинлар ҳам тамом урчиб дуохонлик, иссиқ-совук, тутатқи, бало-баттарлар авж олиб кетди. Уларни бирлаштирадиган ташкилотлар, жамиятлар пайдо бўлди, ўзларини тарғиб қиласидиган китоблар,

газета, журналлар чиқаришди. Анчайин жиддий, бинойидек нашрлар ҳам беихтиёр уларга қараб оғиб кета бошлади. Қўйиб берсанг, ичида фалон куни “шахсан” Худо билан “мулоқот” қиласиганлари ҳам чиқади. Туппа-тузук ёзувчи-шоирлар ҳам уларга эргашиб анча жойгача бориб қолдилар.

Ҳар қадамда экстрасенс-фолбин кабинет очиб, ўзини реклама қиласиди, кўчадаги лўлидан баттар, бахту тахtingдан “башорат” сўзлайдилар. Ўшанда халқ орасида bemорлар сони камайдими, ошдими – билмайман, аммо жамият ҳақли равишда бу бошбошдоқликни тартибга солиш учун арқонни тортган эди, бариси тутдай тўкилиб тушди.

Қарасак, атрофимизда биттаям “авлиё” қолмабди.

Борлари ҳам шаштидан тушиб, эл қатори бўлиб кетди. Ўзларича зингил солиб ўйлаб қарасалар, аслан “авлиё”ликдан йирокроқ эканлар... бошқа касб қилган маъқул...

Бошида диний адабиётга ҳам эркинлик берилди.

Ўтган асрнинг 88-йилида, эслайман, таҳририятда шоир Б.Рўзимуҳаммад қаердандир топиб келган татарча Қуръоннинг 4-5 саҳифасини эшикни ичкаридан қулфлаб, шивир-шивир билан тушуниб-тушумай ўқиганмиз – таъқибдан қўрқсанмиз. Вой, ўзгаришлар тезлигини қарангки, роппа-роса бир йилдан сўнг, 1989 йилнинг март ойидан бошлаб шу “Шарқ юлдузи”нинг З-сонида “Қуръони каримнинг маънолари таржимаси” аллома Алоуддин Мансур таржимасида очиқ-ошкор эълон қилина бошлабди.

Ютоқиб ўқидик, қизиқидик, кейин китобни сотиб олдик. Бора-бора, афсус, қизиқиш аввалгидай бўлмай қолди. Нимани яширсанг, ўша сирли кўринади-да. Бу дегани – омма Муқаддас қаломнинг асрорини ўзлаштирганини билдирамайди. Томошабин сифатида кўриб қўйганини билдиради, холос.

Диний эркинликни авом тўғри тушунмаслиги мумкин. Икки калима илм ўргандим дея ақидапарастларга, террорчиларга қўшилганларни, ўз Ватанига, жигаргўшаларига қурол ўқталиб, қон тўкишгача боргандарини ҳам кўрдик. Улар кимлар? Шу, оддий, орамизда юрган инсонлар эди. Бошқалар етакласа, йўқ, ундоқ эмас, бундоқ деб фикр билдиrolмайдиган иродасиз инсонлар.

Демак, ёппасига эркинлик элнинг заарига ишлай бошлиши мумкин экан. Бу – виждан эркинлигини тўғри тушунмаслик оқибати.

Ҳозирги тарқалаётган китобларда майда-чуйда гаплар кўп. Улар, албатта, ёшларни чалғитади. Шундай вақтда жиддий адабиётнинг аҳамияти беқиёс. Қани энди фарзандинг Гарри Поттернинг навбатдаги саргузаштларига қизиқиб, давоми чиққан-чиқмаганини билиш учун Интернетни ковлаш, ўртоғига тафсилот, сафсата сотиш ўрнига бирор мумтоз асарнинг фалон жиҳати ҳақида қизиқиши билан савол берса. Ота-она сифатида Сиз хурсанд бўлиб кетмайсизми? Жуда бўлмаса, А.Обиджоннинг Мешполвон ёхуд “Уста Гулмат”ини варақлаб завқланса экан...

Ҳаммаси мактабда, лицейда, колледжа адабиёт ва она тили дарси ўтилишининг ўта ҳароб эканлигидандир. Ёппасига айблаш нохолислик бўлар, балки.

Ўзбекистонда адабий нашр кўп эмас. Бироқ ҳукумат дастури ва қарорига кўра ҳар бир ўқув муассасаси, хусусан, ҳар бир мактабга камида бир донадан “Шарқ юлдизи”, “Ёшлик”, қорақалпоқ мактабларига “Амударё” журналлари ҳамда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига обуна бўлиниши ва етказиб берилиши керак. Бу тадбир агар амалга ошса, бизнинг елкамизга офтоб текканини билдириар эди. Афсуски, жонли, замонавий адабиёт борган сари мактабдан узоқлашиб боряпти.

Акс ҳолда, Тошкент шаҳридаги мактаблардан бирининг адабиёт ўқитувчиси Ёзувчилар уюшмасига келиб шоир Қуддус Муҳаммадийни мактабига учрашувга олиб кетмоқчилигини айтмаган бўларди...

Адабиётни замондан ҳам, илмдан ҳам тамоман узиб ташлаган тизим – мактаб, янаям тўғрироғи, халқ таълими тизими бўлди. Чунки уларнинг ўз нашрлари бор, бугунги адабиётни, бугунги ёзувчиларнинг энг сара шеър, ҳикоя, драма, достон, қисса, романлари билан, жонли адабиёт билан таниширувчи, ўзи умуман соғ ўзбек адабиёти бўлиб турган бу нашрларга вазирлик тупуриб қўя қолган. Обуна пайтида мактабларга борсангиз, яхшилаб суриштиринг: вазирлик нашрлари, икки-уч сиёсий, туман, вилоят газеталаридан ташқари нашрларга обуна уюштириш тақиқланган, тушуняпсизми, тақиқланган!

Тушунтирасизми, илтимос қиласизми, бефойда – ўт тушиб кетмайдими сен айтаётган адабиёт деган матоҳга!

Гоҳо мактаб ёшидаги болаларнинг ижодларига аҳамият беринглар, деб қолишади. Албатта, иш тақозоси, қолаверса, масъулият юки билан ҳам ўзинг қизиқасан. Улар ичida ҳам ижодкорлар кам эмасдай, пичоқقا илингандари эса тўхтамай матбуотда чиқишияти, китоб чиқарганлари ҳисобсиз. Лекин виж-дон амри билан нафсилалини айтганда, мактабда, лицейда, коллежда умумий саводхонлик даражаси сезиларли тушган. Бунинг сабаби ҳам она тили ва адабиётнинг дарсликлар сифатида пишиқ ўрганилмаётганидадир. Бурунги ўқув тизимида баён, диктант, иншо кўпроқ йўлга қўйиларди. Ҳозир эса бола илк қадамданоқ тестга мувофиқлаштирилаётгани учун юқоридагидек иншо тизими кун тартибидан чиқди. Менингча, бу нотўғри. Аввал олий ўқув юртига кириш учун ҳам, албатта, иншо ёзилар эди. Ҳар бир ўқувчи

маълум маънода ижодкорга айланишга, керак бўлса, адабиёт фанидан яхши хабардор бўлишга мажбур қилинарди.

Иншонинг йўқ қилиниши адабиётнинг аро йўлда, аросатда қолиб кетишига эшик очиб берди. Бундай “доно”лар вақти келиб адабиёт ва она тилини “чиқит” фанлар сифатида орадан кўтаришга (Худо кўрсатмасин!) ташаббус қилиб қолмаслигига кафил борми?

Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, бирор талабага бир саҳифа аризанамо нарса ёздириб кўринг-чи? Нечта имло ва гап тузишда хато қиласкин? Аълочиси ҳам қаторлаштириб хато ёзади. Фарзандимнинг оддий кундалик дафтарида ўқитувчисининг хато ёзганини кўриб ажабланаман. Баъзан айтиб туриб матн туздирсам, фирт Тошкент шахри шевасида ёзиб ўтиради. Ажабо, бизнинг адабий саводхонлигимиз шу даражада ғариблишиб қолганми?

Йиғлайсизми, куласизми?

Давлат раҳбари, Президент “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” деб турса, зиммадаги масъулликни сиёsat даражасида эслатиб турса, таълим тизими эса тескарисини қилса!..

Адабий оқсоқликнинг асли сабаби шу ерда. Чунки адабиёт ҳеч қачон ёзувчиники бўлмаган. Бундан кейин ҳам барибир халқницидир.

Баъзи Ғарб ёзувчиларининг санъатига, даҳолигига таҳсин айтган ҳолда тутган йўлига асло меҳрим йўқлигини яширмайман. Ф.Кафка: “Мақсад бор-у, унга элтгувчи йўл йўқ, деб ўйлаганимиз эса охир-оқибат ҳеч қаерга олиб бормайди”, – дейди. Ёки кундалигида “Инсоннинг бутун умри – бор-йўғи уни ўлимга олиб борувчи йўлдир”, – деб ёзган.

Бор-йўғи ўлим... Қандай даҳшат. Саодатли умр ҳақида лоф урмай қўявер, ўлимдан бошқасига эришмайсан.

Жуда авом ўзбек ҳам икки кафтини очиб Аллоҳдан икки дунё саодатини сўрайверади. Чунки у бор идроки, вужуди билан Яратганинг қаломида таъкидланган ваъдасига батамом ишонади. Бу дунёда ҳам, охиратда ҳам иқбол борлигига иймон келтирган. Ёмонлар, ёвуз, зўравонлар учун дўзах азоби борлигига ҳам қалбан ҳис этиб ишонади. Ахир, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам адолатсизлик бўлса... уни шуурда англаб бўлмайди. Қанақасига?!

Одам дунёда роҳат топмаса-ю, ўлиб ҳам жасади чириб кетишидан ўзга натижа тополмаса! Даҳшат!

Шарқ, хусусан, мусулмон ҳалқи диний ақидага ишонади. Калимаи муфассалда дарж этилган яхши ишлар учун мислидан кўп ажр-мукофот, ёмон амаллар учун мислигача азоблар борлиги уқтирилган. Исломнинг биринчи фарзи иймон, иймон эса даставвал Аллоҳга, Унинг ягоналигига, фаришталари, пайғамбарлари, китоби, охиратга, ўлгандан сўнг (Қиёмат куни) қайта тирилишга, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам ёлғиз Ундан эканига, тақдирга ишонишdir.

Аввал ишонч. Сўнг эса шу ишончнинг амали нағоз, рўза, закот, ҳаж... бажарилаверади.

Агар шу иймон бўлмаса эди, Кафка айтганидай умр йўли ўлимга олиб боришидан бошқа чора йўқ бўлса эди, мусулмон Аллоҳдан, бошқалар ҳам дину диёнатидан айрилиб, аллақачон, Кафка туғилиб қўлига қалам олмасидан кўп асрлар олдин мувозанат бузилиб, ҳамма нарса қоришиб, одам ҳам фақат махлуклик сифатидан бошқасини намоён этмай, дунёсини яксон қилиб улгурган бўлур эди. Одамлар шаҳар, давлат, иморат, оила қуриб, насл ўстириб ёруғ келажакка талпиниб ўтирmas эдилар.

Кафка, Жойс, Камю, Борхес насрда, романчиликда ислоҳот қилишди, шакл қолипларини бузишди, тафакқур бошқачароқ бўлиши мумкинлигидан огоҳ этишди. Бироқ ўзга таълимот яратолганлари йўқ.

Ҳаётни ҳам ўзгартира олишмайди.

Ўзи, ёзувчи ҳаётни ўзгартира олмайди.

Яратган зот қандай изнга солса, шундай давом этади ёки тўхтайди. Такдирни ким бошқарса, ҳаётни ҳам Ўша бошқаради.

Пайғамбарга аниқ йўл қўрсатилади. Ўша дин ё таълимот бўлиб қолади. Авлиё илҳоми ила маҳсус ҳаёт тарзини қура олади. Лекин у ҳам башарият таълимотига айланмайди.

Одамнинг билгани қобиқ ичидаги қобиқ ичидадир, яъни ўз мияси даражасидадир. Даҳолик нисбат.

Даҳоликнинг фазилати шундаки, у кишилик жамиятини эзгуликка ундей олади. Бошқалар бундай кудратга эга эмас.

Ёзувчининг зўри инсонларни ёмон оқибатлардан ҳушёр бўлишга даъват эта олади. Сабаби, у кучли маҳорат билан бу даъватни асарида исботлай олади.

Парадокс шундаки, ёмонлик ҳам шундай теран асос билан исботланиши мумкин. Бу, энди шайтоний кудратнинг иши.

Шайтон ўта жилвагар. Кафканинг ўгити шайтоний.

Охирги пайғамбар Муҳаммад мустафо (с.а.в.) тушни бор-йўғи икки тоифага бўлади: шайтоний, раҳмоний. Яхшилари – раҳмоний, ёмонлари – шайтоний. Айтилмаган туш – таъбир қилинмайди. У ўқилмаган мактубга қиёс. Яхши тушга ҳам, ёмонига ҳам садақа беринг, шунда ёмонлиги арийди. (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Тасаввуф ҳақида тасаввур”. 2009 йил, “Мовароуннаҳр” нашриёти).

Поуло Коэло туғилган жойи айрим (Бразилия – на Фарб, на Шарқ) бўлгани ҳолда ислом олами ривоятларини яхши қўриб тасвирга олади. Асар ғояларида ёруғлик бор. Йўлсизлик йўқ. Топишмоғини ҳам осон топса бўлади.

Азалдан “отажоним Шарқ” ёруғликни ва йўлни кўрсатиб келган. Қоронғуга маҳкумлик унга ёт. Ва шундай бўлиши ҳам қерак.

Бунинг сабаби, Ислом дини ҳисобланади.

У ўта мукаммал дин ўлароқ охирзамон соатигача йўл топиб боради. Шунга буюрилган. Насронийликда эса Исо алайҳиссаломга хиёнатдан сўнг, Меърожга тириклий кўтарилиб кетгач йўлсизлик ҳукм сурган. Инжил ўзгартирилиб, турли авлиёларнинг турли ривоятлари юзага келган. Улар мушриклар, чунки бандани Худо санайдилар. Биз бандани ҳам, пайғамбарни ҳам Яратганни Худо деймиз.

Маънавий таназзул ахлоқ бузилган жойда юз беради.

Ғарб гўё ахлоқ чегаралари билан чекланмаган озод дунё. Улар ўзини ўраган Исломни менсимаслиги мумкин, гоҳо масҳаралашгача бориб етяптилар.

Бироқ нажот – поклиқда. Сабаби, унинг гуноҳи йўқ.

Адабиётнинг таълимотдан фарқи – унинг йўли кўп, турланиш даражаси ҳар хил. Барибир унинг вазифаси ёруғлик, яъни эзгуликнинг кучига ишонтиришdir.

6. Ўтмиш мерос туганмас маънавий бойлик. То биз уни қизиқиб ўрганмас эканмиз, сирли сандиқлигича қолаверади. Қаршимизда “лаббай” деб турган Интернет унинг ўрнига вақтимизни банд қилиб қўяверади. Интернет ҳар хил одамлар ҳар хил даражадаги чиқитларини ҳар куни тўкиб турдиган чиқитхона. Бироқ жонли, турли муносабатлар унда жилва кўрсатади. Бизни домига тортиб кўп вақтимизни олади. Қимматли манбалар эса бошқа ёқда.

“Бобурнома”ни яқинда қайта ўқидим. Бу сафар бошқача қизиқиш бўлди. Бобур шахсидаги олийжаноблик, мурувват, ўйчанлик, фонийлик туйғуси ҳар лаҳза жўшиб турган шоирлик билан бирга қаҳрли саркардалик, ғанимни, унга қўшиб аскарларини ҳам аямаслик,

каллаларидан миноралар ясаш... ўзини ўтга-чўқقا бемалол уриб кетавериши, Ҳумоюн оғир бетоб бўлганида ҳеч иккиланмай азиз жонини Ҳудога ёлвориб нисор этиб юбориши... жудаям қизиқ шахс. Маънавий масалаларда ҳам ҳақиқатга тик боқиб ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам бўямай, танбал, ахлоқсиз, “чурра сахлар эди”, журъатсиз, қўрқоқ, фосиқ дея таъриф бериб кетавериши ҳайратингизни оширади. Қумурсқаничиалик қадри бўлмаган тақдирлар. “У ёққа торт, бу ёққа торт” бўлиб ётган беҳаловат замон, мағлуб бўлган томоннинг моли талондалиги, аёлу қизи ҳам душман тасаруфига ўтиб номуслар бемалол топталиши, ҳимоясиз одамлар, жоҳилликлар, замон зўравонники, эгаллаганники экани... во ажаб, беихтиёр бугунги яшаётган кунларингни яхши кўриб кетасан. Осойишталиктининг қадрини кўпроқ туясан.

Тарихий асарларнинг, айниқса, мумтоз адабий мероснинг аҳамияти бекиёс. Шоҳларни юзлаб саҳифаларда шарафлаб, мадҳиябозлик қилишади, на илож, бу ёғи ўзбекчилик... Лекин аслликка термулсанг – таваккулни, маънини, буюк Ишқни ўрганасан, ўрганган сайин ҳайратланаверасан.

Клавихонинг Темур ҳақидаги эсадаликлари ҳам ғалати: ўз кўзи билан кўриб тасвирланаётган Темур бошқа китобларда таърифланаётган соҳибқирондан фарқ қиласди...

Ибн Баттутанинг “Саёҳатномаси”-чи. Тўхтаб-тўхтаб, ҳазм қилиб ўқинг, тарих воқеликлари олдида тасаввурингиз бутунлай ўзгариб кетади.

Эсадаликлар тарихни тарихлигича кўрсатиши билан қадрли, бадиий асарлар эса мумтоз адабиётимизнинг кўркини кўрсатади, маъни ва яна маъни топа оласиз. Бу – эҳтиёж. Фақат қай кўз билан қарашга боғлиқ.

7. Инқилоб доҳийси В.И.Ленин ўз замонида Л.Толстой асарларига таъриф бериб, булар Россияда инқи-

лоб шарт, бошқача яшаш мумкин эмаслигини кўрсатувчи асарлар, дея баҳолаган ва буни исботлаган ҳам эди. Горькийнинг “Она” романини инқилобга чорловчи асар деб ёзувчи билан дўст тутинган ва оқибат адаб “Данъко”, шунга ўхшаш революцион руҳдаги асарларини битиб инқилобга ўзининг “муносиб” ҳиссасини қўшган эди. Инқилоб тарихни сунъий етаклаш эканини вақт кўрсатди. Инқилобчилар Чор Россиясининг вужудга келтирган қулай вазиятидан фойдаланиб, императорни, тарафдорларини ўлдириб, аслида бора-бора бошқа халқларни ўз зулми остига олишни кўзлаган эди. Буни аввалданоқ Ленин яхши сезиб, тушуниб, сўнг байроқдор бўлди.

“Она”, “Пўлат қандай тобланди?”, “Ёш гвардия” романлари – бугун уларга қизиқиладими? Йўқ.

М.Шолоховнинг “Тинч Дон” эпопеясини сабр билан бир қўлга олинг. Тебраниб турган даврнинг, қарашлари турли, униси у ёққа, буниси бу ёққа оғаётган одамлар, оддий халқнинг, аёлу қарияларнинг асл аҳволи, севгиси, тақдири, фожиаларига холис муносабатни кўрасиз.

Шу маънода адабиёт сунъий ундовларга эргашувчи эмас, холислик тарафдори.

Қайси маънода айтганини ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг, гарчи инқилобдан сўнг туғилган бўлса ҳам, Ч.Айтматовдек адаб: “Адабиёт инқилоб ясамайди, лекин инқилобгача олиб келиши мумкин”, – деган эди.

Адаб барибир адабиётнинг инсон қалбига чексиз таъсир қилувчи куч эканига эътибор қаратяпти. Ўз навбатида адабиёт, хусусан, ўта оғиркарвон наср замонга эпчиллик билан, долзарб жавоб бера олмайди. Адаб ўзининг қалб призмасида давр фожиаларини узоқ олиб юришга мажбур, қачонки у мадда бўлиб, яра оғриқ қўзғатсагина туйғу ва ақлнинг йўналтирувчи кучига айланади. Шунда энди чин маҳорат, унинг

самараси ўлароқ манёврлар, энг муҳими, нозик, товланувчи, қудратли, ҳайқиравчы, кўрсатувчи, ҳайратлантирувчи Сўз, сўзлар, номлар, атамалар, иборалар, сухбатлар, истеҳзо, жаҳл, кулги, қиёфалар тизими ҳаракатга келади. Адибнинг куч-қудрати уни қайга бошласа, бутун бошли бир мамлакатдай ўша ёқقا қўзғалади. Бу ёғига энди Худо пошшо.

ҲАММАСИ ЯЛҚОВНИНГ ИШИ

Нима учун ёзаман? Ғаройиб савол. Америкалик машхур ёзувчи Жек Лондон учун ёзиш энг ёмон кўрган машғулот бўлган экан. Қизиқ. Шундай улуғ ёзувчи-я! Лекин унинг ўзи буни жуда кўп таъкидлаган. Ёзолмаса туролмайдиганлар ҳақида кўп эшитганмиз. Ва интервью бераётиб баъзи ёзувчилар, ёзмаса бўлмайдиган вазият туғилади, кейин ўтириб олиб ёзаверман, дейишади. Буям қизиқ ҳолат.

Назаримда, ёзувчи одам асарига ойлар, йиллар давомида материал тўплайди. Аммо у стихияли жараён. Орада лоп этиб бошқа нарса ёзилиб қолади. Тўсатдан, фавқулодда. Бироқ шу ёзганингиз ҳалиги ёзмоқчи бўлаётганингиздан тузукроқ чиқиб қолади.

Габриэл Гарсиа Маркес ўзининг “Танҳоликнинг юз иили” романини 19 ёшида бошлаб қўйганини, сўнгра пайти келиб уни уч кунда ёзиб ташлаганини ёзган. Маркеснинг ичи тўла лоф, асарларида ҳам реаллик билан нисбийлик қоришиб, одамни шошириб қўяди.

Шундай катта ҳажмли романни уч кунда ёзиб қўйиш мумкин эмас, ҳатто ўқиб чиқиш ҳам маҳол. Лекин ҳақ гап шуки, роман жуда шиддат билан ёзилган, агар ёзувчи уни икки ҳафта ёхуд йигирма кунда юмалоқ ёстиқ қилиб ташладим деса, чиппа-чин ишонаман.

Бу энди – Маркес-да!

Ёзувчининг бошқа асарлари ҳам тез ёзилган. Бошқаларни билмадим, аммо ўқиётиб мен шуни ҳис қиламан.

Бошқа бир ёзувчи минбарга чиқиб олиб, оғзи қуриб, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, мана шундай ёруғ, мұхташам бинода кўришиб турганимиздан мамнунман, кўриб турибман, сизлар ҳам мамнунсиз, дейди,

кейин ўйланиб туриб кирганига аллақачон икки ой бўлган янги йил билан барчангизни, сиз орқали бутун мамлакатимиз аҳлини юракдан табрик этаман, дейди. Янги йил аллақачон жорий йилга айланган, залда бор-йўғи ўн чоғли киши ўтирибди, яна бу зот оддийгина табриклайман деб қўя қолмайди, жўрттагами ё бори туриши китобийликдан иборатми, зўракилик билан “табрик этаман” дейди. Ҳали у яна кириб келаётган халқаро хотин-қизлар куни билан ҳам юрт аёллари-ни “табрик этмоқчи”. Залда ўтирган ягона шоирани ўрнидан турғизиб, қолган тўққиз нафар ходимни уни олқишлишга ундейди.

Мен оғиз жуфтлаб, тантанавор сувратда “табрик этаман” деган ёзувчини ўйлайман. Аввало унинг ўзи ҳам шу сўздан зериккан, бошқалар китобийликдан безганини ҳис қилмайди, холос. Табиийки, бундай ёзувчининг қўлидан тирик асар ёзиш келмайди.

Абдулла Қаҳҳор қип-қизил ғояга асосланган асарларида ҳам қаҳрамонлари феълини ўта яхши билганидан сўз ва ҳолатлари шундай ишонарли чиқадики, беихтиёр қойил қоласан, ич-ичингдан офарин айтиб юборасан.

Лев Толстойнинг “Хожимурод” қиссаси ажойиб асар. Ёзувчи шахс сифатида ёзаётуб ихлос юзасидан ҳатто диний эътиқоди ҳам парчаланиб кетиши мумкин. Толстой – рус. Хожимурод русга қарши курашиб интиқом олган. Толстой – насроний. Бироқ қаҳрамони Хожимурод ва Имом Шомилнинг исломий эътиқоди, Ватанга, халқига бўлган муҳаббати шу қадар қучлики, Толстой уларнинг ҳаёт йўли, шиддатли курашини қаламга олаётган рус ёзувчиси ўлароқ аслида тасаннолар айтади. Русга, яъни ўрис зулми, жаҳолати, ахлоқига қарши қилич кўтариб жасорат кўрсатаётган оз сонли миллатга қойил қолади.

Мана ёзувчи!

Ёзувчи ёзаётиб синади, Қодирийга ўхшаб кўз ёши қилади, тўкилади, тўкилаётиб шаклланади, шаклла-наётиб кучаяди, асар сўнгига қудратли қояга айланади. Қудрат шундаки, биз ўша ёзувчининг ўша асарини йиллар давомида қизиқиб, меҳр билан ўқиймиз, таърифлар берамиз, бошқалардан афзал биламиз.

Биласизми, Толстой “Хожимурод”ни нимадан таъсиrlаниб ёзган? Бир дараҳт тагидаги оддий бўтакўзни кўриб қолиб, термулиб туриб, бирдан хаёлида “Хожимурод” уйғонган...

Ёзувчи, умуман, ижодкор хаёлот одами. Унга нимадир, кутилмаган нарса туртки беради. “Бибисора” деган қиссани ёзишдан аввал “тоза”, “покиза” деган сўздан таъсиrlанганман.

Ҳар бир маҳлуқда иллат бор. Ҳаммасида – ҳатто биз муҳаббат қўйган гўзал санамда ҳам. Лекин бир зот бор, У – соф, У – покиза, У – ҳамма камчиликдан холи. Негадир шуни ўйлаб хўрсиндим. Кейин йигладим. Осмонга қараб ётавердим, ётавердим, гўзаллик қошидаги булғанч, ифлос ишлар ҳақида ўйладим. Хотирамнинг бир чеккасида аслида бор ё йўқ қора одам гавдаланди. У покиза бир севгига ҳам қарши чиқса-чи, севгига ҳам қарши мафкура ишлатса-чи, деган фикр ярқ этиб урилди. Кейин материал ичимдан чиқди, хайрият, ўзимда бор экан. Ўзи бор нарса ёзувчининг хаёлида, юрагида сақланиб ётади, биргина туртки уни тошириб ташқарига чиқаради.

Мана шуларни ўйлаб ўтирганимда бирдан шоири-миз Рауф Парфи эсимга тушди. Рауф ака даврадошли-ридан кимдир сўз олиб гапирса, баъзан “деди у кета-туриб!” деб хитоб қиларди. Бировлар шоир бу одамни ёқтирмајапти, кетишини хоҳляяпти, деб ўйлар эди. Лекин шоир бирпасдан кейин бошқа бир шоирга ҳам худди шундай хитоб қиларди. Сўнг ўзига навбат кел-ганида ҳам сўзининг якунида “деди у кетатуриб!” дер-

ди кескин. Э, бу одамнинг истеҳзоси ўткир эди. Ахир, кетаётган одамлармиз, ҳар бир айтилган гап кетишидан олдингиси, яъни охиргиси бўлиши мумкин-да! Чамамда, Рауф aka шунга ишора қиласади.

Мазкур ҳолатни илгари ҳам кўп эслаганман. Баъзан кетганларга, не тонгки, гоҳо кетмаганларга ҳам ачиниб қолишинг мумкин.

Кейинги эслаганимда бу ҳолат кўп таъсир қиласди. Бутунлай бошқа нарсалар кўз олдимга келди. Фикрлар уйғонди. Ва ёзгим келди...

Шунаقا, одам, демак, ёзувчи нимадандир таъсирланади, лекин бунга асло дахли бўлмаган бошқа нарсани ёзади.

Бироқ кимлардир каминани ёзувчи деб тан олар эканлар, айтиб қўяй, ёзиш жараёнимнинг ҳеч кимга ўрнак бўладиган жиҳати йўқ: ҳаммаси ялқовнинг иши.

АВЛОДЛАР АЛМАШИНУВИ

* *Муқаррар ҳодиса*

** *30 ёшли раис бормиди?*

*** *10 йилда авлод алмашинади*

**** *Отанинг дўтписи болага тор келади*

Ҳаётнинг, кечмишнинг, тақдирнинг тизгини сенга бўйсунмагани сингари авлодлар алмашинуви ҳақиқати ҳам муқаррардир. Қанча авайла, қанча мулойим гапир, қанча эҳтиётлаб пичирлагин, алқагин, эркалагин – барибир нозик умрнинг ўткинчилик сиёсати жуда совуқ, бўйсунмай иложинг йўқ, сен қанчалар тайтув ўсгин, қаддинг шамшодлигидан, тилинг қиличдек кескирлигидан ойлар, борингки, йиллар мобайнида лоф ур, бир сезимсиз шамол, айтайлик, шабада ёхуд эпкин каби уриб туради бу ҳаёт сиёсати... ва қарабсанки, “шамшод”, “сарв” сўзлари қоматингга ҳечам ярашмай қолади. Тилинг-чи, тилинг?.. Балки мажнунтолнинг норасида новдасига менгзашар: жуда ҳалим сўзлайди, деб.

Ўсмирликда ўқиган китобларимизда авлодлар муносабати, оталар ва болалар келишмовчилиги хусусига (Айниқса, Тургенев, Гогол, Лев Толстой, Шолохов, Ойбек, Садриддин Айний романларида) эътибор бермаган ёхуд ҳис қилмаган эканмиз, бу ҳаёт тақозоси, давр одамларни ўзгартирас, эски фикрловчиларни ҳаёт сели ўзандан ташқарига чиқариб ташларкан. Шу боисдандир, рус романчилигига “ортиқча одам” деган образ учрайди, бизнинг энг “шафқатсиз” ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор ўйлай-ўйлай, ниҳоят, барибир шарқликлигига, янайм анифи, ўзбеклигига бориб: “Одамнинг чиқити бўлмайди”, – деди. Одамнинг чиқити

бўлмаслиги рост. Аммо авлод кетидан авлод келиши, кейинги келгани олдингисининг ўзак дунёқарашлари билан кўпда келиша олмай бошлайди – бу ҳам ҳақиқат.

Замон инсон руҳига, онгига ўз муҳрини қўяди, бусиз илож йўқ. Отангиз ёки акангиз кечаги тузум партия фаоли бўлиб ишлаган бўлса, бугун сиз билан қайси масалаларда мутлақо келиша олмаётганини ўзингиз яхши биласиз. Интизом, ахлоқ, тартибу қоидага амал қилиш бобида... кўпинча у сизни мот қилади. Сизнинг жамиятингиз шаклланиб келаётир, уники бир пайтлар шаклланиб бўлган, эрта-индин, яъни КПССнинг фалон съездидан сўнг кўп чўзиб ўтирмай коммунизми қуриб қўя қолмоқчи эди. Маҳобатли, дабдабаси кўнгилга кутқу соларди, негаки, ён-верингда бошқачароқ, яъни иликроқ кутиб олувчи альтернатив жамиятнинг ўзи йўқ эди.

Халқ демократик партияси энди таъсис этилган вақтларда бир совхоз директорининг унга муносабатини қўрганман. Директор “коммунист” дея аталмаётган бу янги партияга ётсираб, бегона бирор эшигини қоқиб киргандай қарап эди. Боз устига қадрдан партияси бу юртда ҳам жон таслим қилган, шуни ҳеч ҳазм қилолмасди. Суянгувчи девори нураб битган эди. “Хадепе”, “эндепе” эмиш. Кўрамиз, эртага бунинг шататся қилишини. Шуям партия бўлтими?” Азбаройи КПССга кўнгил қўйгани оқибатида юраксанчиқ бўлган кимсаларни эшитганмиз. Директор ўшаларнинг бири эди.

Энди-энди ўйлаб юрт раҳбарининг жуда онгли тадбири туфайли бизда комфириқадан воз кечилганини, 25–26 йил нарида юз бериши мумкин бўлган талафотнинг олди олинганини сезяпмиз. Айтадилар-ку, кечувда отлар алмаштирилмайди, деб. Бизда ҳам кечувдан сўнг чиройли от алмашинув рўй берган экан ўшанда.

Жуда кўп бўлгани йўқ. 1989 йилнинг сентябрь ойи эди. Биласиз, бош газета, ўша давр ибораси билан айт-

ганда, “Отахон газета” – “Правда”да “Ленин учқуни” газетаси “урилди”. Аниқроғи, газета бош мұҳаррири А.Күчимовга ҳужум уюштирилғанды. Парламента юқори бюросида күрилиши керак бу “жиддий” масала. Нима эмиш, газета бош мұҳаррири тарихчи олим М.Ҳасанов билан Ўрта Осиё Россияга ихтиёрий қўшилган эмас, босиб, мажбурлаб қўшиб олинган, деб ёш болалар онгини бузувчи, провакацион сұхбат уюштириди.

Абдусайд Күчимов – яхши адиб, миллион нусхада чиқадиган газетанинг мұҳаррири, бизга ўхшаган полапонларнинг унда-мунда ҳикоя, шеърларини чоп этиб бир кунда миллион болага таништираётган, қолаверса, кўнглида Ватан деган оғриқ туйғуси бор эдик, шу мавзуда рост сұхбат қурған эди. Бундай вазиятда инсонни ҳимоя қилиш керакми ё айтган гапи учун ҳар ким ўз боши билан жавоб бераверсинми?

Биз, бир гуруҳ ёш шоир-ёзувчилар “Правда” газетаси бош мұҳарририга, СССР ёзувчилар уюшмаси расисига, СССР саркотиби М.С.Горбачев номларига мухтасар хат матни тайёрлаб, унда “Ленин учқуни” газетасида холис фикрлар баён этилгани, бундай гаплар “сиз инъом этган” ошкоралик замонасига мос келиши, бирорнинг номига тухмат қилинмагани, аксинча, “Правда” мұхбири “Ленин учқуни” мұҳарририга бўхтон ёғдираётганини уқтиридик.

Ўнлаб имзолар қўйилди. Қарасак, барча имзолар ёшларники. Ўйладикки, бу имзолар қаторида унвонлилар, масалан, “Ўзбекистон халқ шоири”, “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” деган ном эгалариям турса, хатнинг салмоғи ортади. Бирор ўқиса, бундоқ эътибор беради, деб. Аммо... биз хомтама бўлибмиз...

Хозир энди ўшалар мустақилликнинг кифтини келтириб мақташади, баъзилари пенсия ёшида, ёнига яқинлашгудай бўлсанг, қизил империя “изтиробла-ри”дан бўзлай кетишади, ҳолбуки, ўшанда: “Бизларни

қўйинглар, тепадан сўрашса яхши фикр айтамиз”, – дейишганди салобат ила. Худди бу хатни Михаил Горбачев қўлига олиб роса синчиклаб ўқийди-да, унинг уйига қўнфироқ қилиб қолади. “Шу арзимас хатларга қўлингни қўйиб юрибсанми?” деб ёзғиради, ўпкалайди ёхуд... Ҳарқалай, раҳбар-да: бир тепиб учирив юборадики, Атлантика уммонининг нариги соҳилига, Америкага – “душманлар” қўлига бориб тушасан, кузғундай ғажийди кейин улар...

Жа-а унчалик эмасдир-ов, дейсизми?

Албатта, Горбачев уни тепиб учирив юбормаслиги аниқ эди. Сабаби, ўзи бошлаб қўйган ишларнинг бирортасини саранжомлолмай гаранг бўлиб ётганди собиқ саркотиб. Газеталарда бу тугул исботи, факти суриштириб ўтирилмай Горбачевдан-да “муқаддасроқ” ўтган-кетган раҳбарларнинг оиласию тўшагида не ҳангома бўлганлиги, бўлаётгани хусусида ҳам япяланғоч мақолалар шувиллаб чиқиб ётарди.

Эҳтимол, ўйлайманки, ўзимиздаги бир адолатли раҳбарлик муҳитининг шабадасидандир, ўша хат беиз кетмаган эди. Аммо эсласам, баъзан кулгим келади, баъзан жаҳлим чиқади.

Ўша оқсоқоллар ўша чоғ ўзининг тинчини ҳам ўйлагандир-ку, аммо биринчи галда ўзларидан кейин келаётган ростгўй, ҳақиқатчи, “бетгачопар” авлодни азбаройи ёқтирганидан қилишганди шу ишни.

Мана, давр эврилди. Шоир айтганидек, “келди ўзга замонлар, кўринди бошқа номлар”. Одамнинг хатоси шундаки, у қўлига пул кирса, мутлоқ қўлимда турсин, яна кўпайсин, дейди. Аллоҳ дейдик, бир водийни берсам, иккинчисини дейсиз, иккинчисини берсам, учинчи водий меники бўлсин, дейсиз. Одамзоднинг тўймаслигига бу бир исбот.

Шу сингари биз бугун қўлга кирган пулни, бошга қўнган давлат күшини илоҳийлаштириб юбормасли-

гимиз керак, чунки хато қиласиз, бундай хатоларнинг кўпи бошимиздан кечди.

Коммунистик партия ҳам бир неча авлодни қариб улгурди. У ҳозирги каби кунларни кўришни истаганмиди. Дилда бошқа гап, тилда бошқа гап эди. Шу сабаб бугун не бир улуғ зотлар гўридан тик тургиси келаётир-а! Хом сут эмган бандалар шошқалоқлигимиз туфайли Оллоҳ берган ризқقا, қўлга кирган давлатга қаноат қилмаймиз, тезроқ бировнинг бошини уриб ёриш пайдан бўламиз.

Йў-ўқ, дейди “отажоним Шарқ”. Бирни кўриб фикр қил, кўпни кўриб шукр қил. Демак, сендан аъло ҳам, сендан ҳаробиям ёнингда бақамти яшаётир. Қара ва хулоса қил.

Шукрки, ўзбек коммунистик партия учун туғилмаган. Бу партия эл қатори ўзбеккайм солинган қурбонлик эди. Оққан қону кўздаги нолалари зора гуноҳларини ювган бўлса. Шу туфайлидир, бизда Зюганов издошли кўринмайди.

Бағрикенглик мудом худбинлик устидан ғалаба қилиб келган.

Агар Ўзбекистонда давлат раҳбарининг феъли дарёлиги бўлмаганида эди, албатта, авлодлар ўртасида тафовут содир бўларди. Оталик, оналик, болалик, оқсоқоллик, кайвонилик, камтарлик маънавиятига алоҳида урғу берилмоқда. Бу ўз-ўзидан туғилаётган, шунчаки гапирилаётган, йўлига қилинаётган ишлар эмас. Чуқур маъно-моҳияти бор.

Совет заминида 35 ёшли райкомни сира кўрганидингиз? Ҳозир 25 ёшли вазир ўринбосари, 30 ёшли Олий Мажлис депутатини ҳам кўриб турибмиз. Аввали даврда ҳатто 30 ёшли колхоз раиси бўлмаганини назарда тутсак, бу худди бир тушга ўхшайди.

Ёш бир укамизни қўзда тутиб гапиряпман. Президент уни бутун бошли вилоятга раҳбар этиб

кўйишида оддий таваккал йўлини тутмагандир. Бир муддат туман ҳокими бўлганида, ундан аввал вилоят ҳокими ўринбосари бўлиб ишлаганида у нечоғли халқ билан ишлай олиши, тил топа билиши, иқтисодий ислоҳотларни эпчиллик ва қатъият, қолаверса, чуқур билим билан амалга ошира олишини кўрсатади. Тез кўзга қўринди, халқ унга ишонди, эргашди. Олий Мажлисга депутат қилиб сайлади. Кўп ўтмай вилоятга... Ҳа, Президент барча чигил, мураккаб масалаларни, айниқса, кўплаб миллатлар, турли жойлардан ҳар хил вақтларда келиб бугун бирга яшаётганини ҳисобга олиб, улар билан бевосита тил топиша олишига ва яхши ишларга йўналтира билишига, шунингдек, оғир шароитда муносиб ислоҳотлар ўтказа олишига ишонди. Ўйлаймизки, у бу ишончга зинҳор путур етказмайди ва бу туйғу унинг шахт ва ирода билан олиб бораётган ишларида, сўзларида, фикрларида, ўй-кечинмаларида яққол сезилиб турибди.

Ўзбекнинг алами, қасос олиш ҳис-туйғулари нақадар кучли бўлса, унинг кечиримлилик фазилати бундан кам эмас. Бу фазилат инсонни қанчалар улуғвор кўрсатади.

Истиқлолга ўзимизда тиш-тирноғи билан қарши ҳаракат қилганларни кўрмаган бўлсак-да, довдираған, иккиланганларни кўрдик.

Иккиланган одам беқарор бўлади. Беқарор одам дўст бўлмайди. Дўст бўлмагандан садоқат кутиш мумкини? Ишониш мумкинми унга?

Шарқда авлод билан авлоднинг ўртасига чиройли кўприк қуришган. Бу – устоз-шогирдчилик кўприги-дир.

Устоз ҳам, шогирд ҳам шу кўприк олдида қадим анъаналарга асосан эҳтиромли бўлишга мажбурдир. Устоз-шогирдчиликни ҳамма соҳада кўриш мумкин, айтайлик, сиёsatдан тортиб миробчиликкача.

Бу анъана ҳам, илойим, ўлмагай!

Одамни яхши сўз тарбия қилади, яхши сўз эса яхши кўнгилдан чиқади. Зеро, яхши кўнгил эгалари яхши тарбиячилардир.

Устоз Абдулла Ориф марҳум шогирди Равшан Файзнинг китобига сўнгсўз ёзаётиб дейди: “Равшан Файз истеъоддли шоир, оқибатли дўст, меҳрибон ўғил, оқибатли ота, энг муҳими, куюнчак ва дилкаш инсон эди...

...У мени ўзига устоз санаганидан ва шундай та-корланмас шогирдим борлигидан қувониб юрардим ҳамиша...”

Бир гал Ойбек домла Саид Аҳмад домлага рўпара келиб айтган экан:

“...СизFaфур домла билан жуда узоқ вақт бирга бўлгансиз. Ёзинг! Нимаики билсангиз, ҳаммасини ёзинг. Шеърларининг маъносини чақаман, деб уринманг. Бу гапларни адабиётшуносликка қўйиб беринг. Faфурнинг қанақалигини ёзинг. Гапи қанақа, юриши қанақа, қилиғи қанақа, шуларни ёзинг. Агар Ибн Сино, Рудакий, Беруний каби алломаларнинг ёнида юрган дўстлари хотиралар ёзишганида, тарихчилар қийналиб ўтиришмасди. Бизда ҳатто кечагина ўтган Муқимиининг ҳам сурати йўқ. Агар бу ишни қилсангиз, Faфур тўғрисида ёзилган асарлар қаторига яхши бир хайрли иш қўшган бўласиз. Ёзинг. Албатта, ёзинг!”

Абдулла аканинг укаларига меҳрини, Ойбекнинг келажак авлодлар учун буюк тенгқуридинг гўзал хотира китоб бўлишини орзу қилиб ёзувчи укасига маслаҳат берганини англаб олиш қийин эмас.

Бу авлоднинг авлодга қилган яхшилиги, меҳр-оқибатидир.

Абдулла Орипов, анча йиллар бўлди, бир шогирдидан ёзғирган эди.

– Фалончининг бошини силайман, деб қўл чўзган эдим, бармоғимни тишлаб олди!

Жуда образли сўз. Кўз ўнгимга лоп этиб апчарка кучук келган эди. Аввал роса кулиб, кейин устозларни қопиш даражасига етган шогирдлар ҳақида ўйлаган эдим.

Чамаси, ўн йиллик тафовутлар авлодлар чегарасини белгилар. Лекин буям қатъий чегара эмас. Тушунча ва дунёқарашлар, замонавий қабул қилиш, атрофни тушуна олиш қобилияти қўпинча тафовут келтириб чиқаради.

Шу маънода 26 йиллик мустақиллик тарихимиз ҳам, таъбир жоиз бўлса, мустақиллик даври авлодини яратиб улгуряпти, бу авлоднинг аниқ белгиланган ёшини айтиш қийиндир, аммо суяги қота бошлаган ёш-ялангдан то фикри қотиб қолмаган, юраги ҳам тафаккури жўшиб турганларни мазкур авлод вакиллари дегим келади.

Бу авлод юртнинг келажагини, бўлажагини ҳал этади.

Бу – кўзлари ёниб, қалб шиддати кўпириб, мудом ишонч ила буюк истиқболга интилаётган, истиқболга бошлаётган авлоднинг бақувват қўлини маҳкам сиқиб қўйинг, биродар!

“Ижод олами” журнали, 2018 йил, 1-сон.

ЁЗУВЧИНИНГ ВАҚТ ТАҚСИМОТИ

Одам ўз вақтини режа асосида тақсимлаши ўта муҳим. Ҳаёти давомида ўз фикрий, ғоявий, интеллектуал йўналишини топиб олган олим ёки адигба бу худди ҳал қилувчи муаммо даражасидадир. Рўзғор, бола-чақасига куюнчак ижодкор ҳар қанча уринса ҳам вақти қоғоз қоралашга кам қолаётганидан нолийверади. Сабаби, тирикчиликка кўп боғланган киши ўқишга ва ижодга кам вақт топади. Лев Толстой бир маҳаллар “Севиш учун ҳам вақт керак” деган эди. Бинобарин, катта ғояларни муносиб тарзда ифода этиш учун барибир вақт керак. Эпик кўлами кенг асар ёзишга киришган ёзувчи учун эса иш ва рўзғор, ўзбекчиликнинг турфа тўй, маъракаю урф-одатларидан четланиб алоҳида асар битиши кўпроқ иродани талаб қиласди.

Толстой “Уруш ва тинчлик”дай эпопеяни 7 марта, “Анна Каренина”дай минг бетдан зиёд кўламли романини 16 марта қайта-қайта ёзгани учун қанча вақт сарфлаган деб ўйлайсиз? Бугунги кунда бундай асарларни нафақат ёзганни, балки ўқиб чиққан одамни ҳам ўзимизча қаҳрамондай санаймиз. Тўғри эмасми?

Хемингуэй эрталаб соат 6 дан 12 гача ижод қилиб, сўнг биз китоблардан ўқиган овчилик, боксчилик, қаҳвахўрлик, конъякхўрлик ва бошқа... ишлар билан шуғулланган.

Толстой ва Хемингуэй деярли бутунлай бекорчи бўлганликлари боис ҳаёт қийинчиликларини ўз кўзлари билан кўриш, хоббиларини амалга ошириш учун бири Севастополь урушига, бири Испаниядаги урушга кўнгилли бўлиб борган.

Ўзбекнинг энг зўр ёзувчиси Абдулла Қодирий катта оиласини тебратиш мақсадида дехқончилик қил-

ган, боғида етиштирган меваларни ёзувчи бўлиб танилгандан сўнг ҳам Чорсу бозорига олиб чиқиб сотиб кун кечирганини эсдаликларидан ўқиганмиз. Фақат “Ўткан кунлар” романи чоп этилганидан сўнггина қалам ҳақи ҳисобига аравада уйига 8 қоп ун опкелиб туширади ва оиласидагиларга “Бу менинг ҳалол ҳосилим” деб ғуурланиб қўяди. Бироқ айни ижодий кучга тўлган вақтда шу асарлари учун “миллатчи”, “халқ душмани” сифатида отиб ҳам ташланади.

Улуғ адид Одил Ёкубов ёши бир жойга борганда ҳам эрталаб туриб югуриб, сўнг гимнастика билан шуғулланиши, катта лавозимларда ишлаб юрганда ҳам жуда эрта ухлашга ётиб, аzonда туриб соат ўнгача ижод қилишини билар эдим.

Шоирларнинг ижод тартибини эса билмайман. Ҳарқалай, шеър дегани илҳом билан ёзилади. Кунлаб, ҳафталаб вақт олмайди.

Яна бир таниқли ёзувчимиз матбуотда, агар девизира гуручдан тайёрланган ошдан тўйиб еса 4–5 соатлаб тиним билмай роман ёзиб ўтиришини ёзган эди. Ҳайрон қолувдим: ошқозон тўлиб турса, одамни қарахт қилиб қўймайдими, деб ўйлаганман.

Масалан, менда бунинг тескариси. Нимадир ёзсан, овқатгача ёки овқат ҳазм бўлгандан кейингина фикрлар тиниқлашиб қолади. Лекин барибир эрталаб ижод қилган маъқул. А.Қаҳҳор ҳам, кечаси ижод қилсанг, кўзингга инс-жинслар кўриниб гаранг қилади, шунинг учун кундуз яхши, улардан фориғ бўласан, деган экан.

Лекин нокулай томони, бошқа ҳамма ишлар ҳам тонг отишини кутиб шай қараб туришади. Сўнг иложи борича спорт билан шуғулланиш керак. Спорт одамга рух беради, кайфият кўтарилади.

Кечаси ижод қилган одам кундузи ухлаши керак. Уйқусиз, оромсиз бошни ушлаб ёзаверган кишига унчаям ҳавас қилмайман. Бутунлай ишдан, тирикчилик-

дан озод ижод қилган ёзувчини тўғри тушунаман ва унинг вақти кўплигига, ижоддан бошқа ташвиши йўқлигига ҳавас билан қарайман. Чунки бу ҳам жасорат. Шундай жасоратли адиблардан бири Шукур Холмирзаев эди. У Адабиётни ҳамма нарсадан устун қўйиб яшади. Ўзидан чинакам бой ижодий мерос қолдирди. У, сўзсиз, ўзбек насрининг устунларидан бири ҳисобланади.

Имкон топдим дегунча ўқийман. Худди бугун ўқиб қўймасам, эртага кеч қоладигандай. Лекин кам асарлардан қаноатланаман. Дунёқарашларинг мос келадиганлари жуда кам.

Бугунги кун ёш ижодкорларининг жуда қўп танловлари бор. Бу уларга Мустақиллик ато этган қулай шароит, неъмат. Танловларда улар ўзларининг истеъдодларини тўла намоён эта олиш имкониятлари мавжуд. Лекин уларнинг аксарияти китоб мутолаа қилмаётгани кўпинча одамни хуноб қиласди. Ахир, шу ижод йўлини танладингми, аввало адабиётни яхши кўр, муҳаббат қўй! Севган ишингга фидойи бўл! Фидойилик эса тинимсиз заҳматни талаб қиласди.

Баъзи бир ижодкорлар эса қўп тиражли хусусий газеталарда босиладиган ҳикояларнигина ўқишиади. Шуларга ўхшаб мен ҳам воқеа, фожиаларни қалаштириб ёзиб ташлай оламан-ку, деб ўйлашади. Хато қилишади. Чунки жиддий адабиёт фожиаларни тизиб ҳикоя қилишдан иборат эмас. Бунинг учун жуда қўп ўқиш, ўқигандаям сара асарларни топиб ўқиш, уқиш керак. Жиддий ёзувчиларнинг маслаҳатларини эшитиш лозим.

Зоро, хашаки асарлар уюмининг адабиётга дахли йўқ!

Айни пайтда ёзувчи ёзишга ҳам, ўқишга ҳам, яшашгаям улгуриши керак!

ЗОМИНДАН ЁЗУВЧИЛИККАЧА...

Зомин. Ўриклисой. Ёзниңг айни чилласи. Лекин бу сойдаги ўриклар ҳали ғўра. Шарқираган муздай сой. Сув бўйида, сал наридаги айлана ўриндиқларда тўрт-беш қиз-ӯғил қалдирғоч валфажрини қилиб ўтиради. Кимгадир Муҳаммад Юсуф илиқ гапирган, Йўлдош Сулаймон бир носир қизнинг асарига юқори баҳо берган, кечқурунги машваратда Абдулла Орипов ушбу семинар-машғулотлар Жиззах ёш ижодкорлари, умуман, Жиззах адабий муҳитига ижобий таъсир кўрсатаётгани, бу улар ижодида яққол акс этаётганини сўзлаган. Кимдир Иқбол Мирзонинг, бири Ҳалима Худойбердиеванинг назарига тушган. Бир ҳажвчи йигит Аҳмаджон Мелибоевнинг этагидан маҳкам тутган, Сурхон тоғларидан келган шоира қиз шахсан Сирожиддин Саййидга шеър дафтарини тутиб эътирофлар эшитмоқчи.

Ўтган вақт мобайнода Она ер неча марта эмранди, соғинган дўстларини бағрига олди. Илиқнафас, меҳрибон устозлар...

Зомин тоғларида булбуллар кўпайган.

Булбуллар, кумрилар, қабутарлар, зарғалдоқ, қаркунок, кулкунтой, кўккапттар...

Азим Суюн, Омон Матжон, Зебо Мирзо, Бахтиёр Генжамурод, Кўчкор Норқобил, Салим Ашур, Рустам Мусурмон, Умида Абдуазимова, Шарифа Салимова, Маҳмуд Тоир, вилоят ёзувчилар уюшмалари раҳбарлари, улар ўzlари билан олиб келган ёш ижодкорлар.

Албатта, бу бор-йўғи семинар, яъниким ижодий анжуман, демак, устозлар от тўдасига, пойгасига ўз тойчоғини солиш кайфиятида эмас, ринг ёки гилам устига ўз шогирдини чиқаришдек яккана-якка белла-

шув тарафдорлари ҳам эмас. Чунки шогирд – кўнгил розини куйловчи бир ижодкор, холос. Демак, ундан Ўзбекистон байроғини баланд кўтариш талаб қилинмайди, кўкракка шода-шода медаль ҳам тақилмайди.

У авайлаб, сўз саралаб, не бир хавотир, не бир ҳаяжонда сардафттар тўлдирган – устозларга маъкул келиб, бир илиқ сўз эшитармикан...

Матбуот, телевидение, айниқса, адабий нашрлар мазкур адабий мулоқотларни анчага довур ёритишиади, қатнашчилар сұхбатга тортилади, журнал муқовалари семинар иштирокчисининг хушвақт фотосуратлари билан безанади.

Семинарда йиллар давомида юзлаб ёшлар қатнашган. Улар орасида адабиётнинг чинакам фидойилари ҳам етишиб чиққанини қайд этиш зарур.

Бир муддат чегара ҳудудлар осойишталигини сақлаш мақсадида тадбир Бахмал туманига кўчирилганидан ҳам хабарингиз бор.

Аммо ғалвир сувдан кўтарилганда нима қолади?

Бўладиган гап ҳам шу, аслида.

Назаримда, ўнлаб йигит-қизлар Зомин семинари кашфиёти сифатида ўша кунларни эслайдилар. Кимдир шогирд, ким – устоз, у кунларни ширин хаёллар билан хотирлайди.

Шуларнинг ичида Баҳодир Абдураззоқ илиқ таассурот уйғотган. У қатнашчиларнинг нисбатан ёши каттароғи, шу боисдандир, ҳайдовчи ёнидаги ўриндиқда кетмоқда, ора-сира туйқус ҳайқириб шеър ўқиб қолишига ҳам ўзини ҳақли санар эди.

У менга оқсоқолми, устозми дея юкинган бўлса, бор-йўғи биргина панду насиҳатни қулоғига қуийб олди: “Модомики, наср билан шуғулланар экансиз, шеърни йиғишириб, кучни қора меҳнатга беринг. Сиз билан ўшанда гаплашса бўлади!”

Бу фикр Баҳодирга қай тариқа таъсир қилгани менга номаълум, аммо шундан кейин жиддий ёзувчиға айланиб қолганига ўзим гувоҳман.

Баҳодир Абдураззоқ 1974 йили Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида туғилган. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида ўқиган. Қатор насрый ва назмий асарлари чоп этилган. У ўзини қўпроқ ёзувчи сифатида танитди. Адашмасам, “Ёшлик” журналининг 2010 йилги 6-сонида Баҳодирнинг “У” деб номланган қиссаси эълон қилинганди. Зомин семинаридан сўнг у билан тез-тез мулоқот қиласидиган бўлдик. Баҳодир орқали қашқадарёлик яна яхши бир ёзувчи Жумақул Қурбонов билан танишдик. Ҳар иккиси ҳам адабиётнинг бугуни ва эртаси билан яшайдиган ижодкорлар. Кунларнинг бирида Баҳодир, бир қисса ёздим, даҳшат, унча-мунча генийман деганлари ҳам ип эшолмайди, деб кимларгадир ишора қилди. Кўрайлик, опкелинг, дедим. Опкелгани “У” деган қисса эди. Чиндан ҳам бақувват, воқеа бўлгулик асар эди. Таққослаш учун бир гап айтай: агар шу қиссадаги жой ва киши номлари, менталитети пича ўзгартирилиб, буюк Америка адиби Жек Лондоннинг янги таржима асари деб ўқувчилар хукмига ҳавола этилса эди, қойил, бехабар эканмиз, Жек Лондоннинг биз билмаган бундай улуғ асари бор экан, дея, албатта, эътироф этган бўлардик. Аммо уни мубораклик аллақандай Баҳодир деган танилмаган йигитча ёзгани, боз устига, адабиётда тез танилиш, тез обрў орттириш даъвосини қилмаётгани учун сервиқор олимларимиз жим туришди. “Ёшлик” журналининг ўша сони 6162 дона чоп этилган экан. Мухтарам устозларнинг қўзлари тушмаган бўлиши мумкин эмас. Баъзан ижодкор тез танилиши кимнингдир қўлидан тутган бўлиши

ёхуд баъзи адабиёт “кескирлари”нинг дид-фаросатига маъқул келиши шарт бўлар эди.

Баҳодир ўзи шахс сифатида қолипга тушмайди. Бунинг устига, ёзгани ҳам адабнинг “ностандарт” эканини ифода этиб турарди.

Адабий муҳит ўзи шунаقا: мақталиши мумкин бўлган, у мақталса, бирорга малол келмайдиган шахслар бор. Баҳодир Абдураззоқ 2011 йили жуда зўр икки ҳикоя, 2014 йили “Тўзон” деган ўта ғаройиб қисса эълон қиласа ҳам, Адабиёт пинагини бузмади... Бу қадар совуққон бўлмаса ҳазрати Адабиёт...

“У” ҳам, “Тўзон” ҳам жуда катта шиддат билан ёзилган асарлар. “У” – қуллик, садоқат, ҳалоллик, жўмардлик, қон сурувчи бетизгин ахлоқ, маҳкумлик ҳақидаги гўзал ҳамда ёрқин асар. Қоронғилик, зимистон, иложисизликлар аро, вақтлар, чигалликлар аро ёруғлик оламига чиқмоқ, ёруғлик эса аслида йигит-қизни таъқиб қилиб келган улкан тузоқ... экан... Ўқигач, жуда ғаройиб таассуротларга берилиб кетасиз.

“Тўзон”ни ўқиганда ҳам худди шундай тўймай қоласиз...

Ҳар иккала асарда улкан тимсоллар мавжуд.

Уларни илғай билиш, ёзувчи кўзда тутган нуқтаи назарга осонгина етиб олиш мушқул.

Баҳодирдай ёзувчилар ҳар куни туғилавермайди, ҳар қандай адабиёт пешонасига шундай ижодкор битган бўлса, албатта, у адабиёт баҳтлидир.

Эсимда, ўшанда Зомин семинари эди, Баҳодир оқ спорт майкасида эртанги кун адабиётини ўйлар эди, ҳайқиргиси келар эди, прозани ағдар-тўнттар қиласман, дерди, ҳали кўрасиз, ўн йил-йигирма йил ўтсин... дерди... Ва ўша вақт ҳам ўтди...

Адабиёт эса... Ернинг тўлғоғидай оғир бир жараён... Шунчаки яралмайди. Эҳтимол, у туғилар.

Ёш ижодкорларнинг шу пайтгача бўлиб ўтган Зо-
мин семинарлари ҳамда яна қутлуғ қадамлар билан
яқинлашаётган навбатдаги анжуман ҳақида ўйлаган-
да, кўнгилдан шу ўйлар кечди. Ва бу йилги семинар
ҳам Баҳодирдай истеъдодли ёш ёзувчиларни кашф
этишига умид боғладим.

“Ёшлик” журнали, 2017 йил, 6-сон.

ШОИРНИНГ БАЙРОФИ ЮРАГИДА

Азим Суюн ҳақида гап кетганда, “адабиётга тоғ ва тоғликларни танитган шоир” дея таъриф беришади. Чиндан ҳам Азим ака қаерда бўлишидан қатъи назар, қалби табиат билан чамбарчас боғланганини, ўзи туғилиб ўсган маъсум гўшалар шоирниң ўқтамлиги, мардлиги ва “кatta кетиши”га боис бўлаётганини англаб турасиз.

Бир қараганингда, Ватан фидойиси, иккинчи қараганингда, севги-муҳаббатни иштиёқ билан тараннум этаётган лирик шоир, “Эй, дўст...”ни ўқисанг, умр сарҳадларининг бир қисмидан сакраб ўтиб ҳар кимга ақл ўргата оладиган донишманд қиёфасини кўрасан.

Хулас, Азим Суюн шахсияти ва ижодига таъриф беришда бирёқлама ёндашиш тўғри бўлмайди.

“Менинг осмоним” нашр этилганда, у Нурота тоғлари ва дараларида анча муддат тинимсиз акс садо берган. Акамнинг синфдоши, геология-қидирув экспедициясида ҳайдовчилик қилаётган Тоҳир ака Исломов уйланганда тўйига Тошкентдан талаба дўстлари келишган. “СамПИ”да ўқиётган Убайдулла Ўсаровга сўз берилганда, у тўй бу ёқда қолиб, ёнимиздаги Накурт қишлоғидан чиқсан Азим Суюн деган шоирниң биринчи китоби нашр этилгани, унда қандай шеърлар босилганини таърифлай туриб 5–6 та шеърни қаторасига ўқиб ташлаган. Келин-куёв четга сурилиб, ҳамма китобга талпина бошлаган. Адабиётга бошқачароқ ташналик бормиди ё гавда кичкина эмаслиги қўл келдими, талабага “тоға-тоға” деяверишим хуш ёқдими, улоқ каминада кетди.

Кўйилган талабга кўра китобчани мен эрталаб мактабга, адабиёт ўқитувчиси Омон акага етказишим

керак эди. Не тонгки, ҳали бу ёқда юмуш кўп, тўйда тер тўкиб хизмат қилишим, ўчоқ бошида керак бўлса эрталабгача гўлахликни бажаришим зарур эди. Гулхан ёруғига тутиб кўрсам, китобча шўрлик бизгачаям не-не заҳматкаш қўлларни кўрган сиёғи, ҳар бетида камида иккита елим ямоқ, ҳамир ямоқ бўлиб, баъзилари шеърларни тўсиб ҳам қўйган эди. Ошпаз уста Қобилга китобни ўқиб бериш асноси шеърларнинг аксарияти-ни ёдлаб олибман: тонг ёғдусида уларни бошқа дафтарга кўчириб олишда сира қийналмадим. Шоирнинг сурати ҳам ишқаланавериб оқариб, дўнгқовоқ, кокилдор, келишган йигит экани аранг билиниб турарди.

Акам билан шеърларни бирваракайига ёдладик. Мен биринчи сатрни айтсам, акам иккинчисини баландроқ пардада айтар, учинчи мисрага келганда мен ундан-да қаттиқ товушда қичқирадим.

“Кунбеткай ёқларда хўп эриди қор...”

Худди дунёнинг бирор ерида бу каби адир, дўнг, қир, тоғ кунбеткай йўқдай, шоир шу уйимиз устидаги катта қирни тасвирлаётгандай ўзимизча кўкрак ке-риб кўяр эдик.

Мактабдалигимда шоирнинг яна “Зарб”, “Замин тақдири” номли китоблари чиқди. “Биринчи осмоним”даги каби ҳаммаёқни тўполон қилиб ташламаган бўлсак ҳам, ҳарқалай, довруқ соганимизу ҳаяжон-ланганимиз бугунгидай ёдимда турибди. Лекин бор гап шуки, камина ҳам, гарчи мактабда бошқа фанлардан-да аълога ўқиб, оқибат 1981 йилда уни олтин медалга тамомлаб, амакимнинг: “Нима қиласан шоирликни, косанг оқармайди, Самарқандда докторликка ўқийсан, жўрам у ерда доцент, сал нарсага киритиб қўяди”, – дейишига қарамай, аттестатни олган заҳоти Тошкентга учганман. На бўлғай, ўқишга кирганман. Қишлоққа қайтаётиб биринчи кўришганим ҳам амаким бўлган. Ўқишга ўтганимни эшишиб чандон хур-

санд бўлиб бағрига босган, табриклаган ва мотоциклига мингаштириб уйга оборган, отамга “жўрналис болангизнинг ўқишини жувиш керак энди, ака” деб суюнчи олган ҳам шу амаким бўлади.

Тўртинчи курсда бўлса керак, дўстим, шоир Муҳаммад Исмоил билан Азим аканинг Юнусободдаги икки хонали уйига йўқлаб борганмиз. Унгача танишган эдикми – Ёзувчилар уюшмасининг бирор йиғилишида ё биринчи марта уйида танишдикми, лекин ҳарқалай, ўша куниёқ туғишган биродарлардай бўлиб қолганимиз эсимда. Ўша тун ҳалқ оғзаки ижодининг афзалликлари, уни пухта ўзлаштириш ҳақида қизғин гурунг бўлди. Азим акани адабиётимизнинг пешқадам шоирларидан бири эканини уқдик. Адабиёт газетамиизда А.Суюн билан М.Исмоилнинг ҳалқ оғзаки ижоди катта адабий месрос экани ҳақидаги сұхбати ҳам босилиб чиқкан.

Ўқишдан сўнг бир қур дўстлар тўнни елкага илиб Тошкент кўчаларида тентирадик. Назар Эшонқул, Муҳаммад Исмоил, Ҳошимжон Мирзааҳмедов (гўри нурга тўлсин), Комилжон Жумаев, Шуҳрат Умиров, Шавкат Ибрагимов – кўпчилик эдик. Ҳамма қайсиdir маънода адабиётда, журналистикада, илмда ўрнини топди. Аммо ҳали-ҳамон изланишда.

Бугун ўйласам, Азим ака биздан ўн олти ёш катта экан. Майли-ку, ижодда бир минг олти юз қадам илгарида. Бу асарларни ётиб олиб бир ой – бир йилда яратиб кўринг-чи! Азим акага ўхшаб жаҳонгашталик қилинг, дунёни кезинг, Бойсун, Зомин, Нурота тоғларини пою пиёда кезиб чиқинг, қайтиб келиб юмшоқ креслога ўтиринг, тансиқ таомлар келтиришсин, чарчасангиз, хобхонага кириб мизғиб олинг, қайтиб чиқиб яна ёзинг.

Қани кўрайлик, Азим Суюн бўла олармикансиз?! Азим Суюндай ҳайқира олармикансиз?! Йў-ўқ, қийин масала...

“Туртган билан тубида бўлмаса қийин” деган гап бор.


Азим Суюннинг тубида бор, дейман.

Азим аканинг содда-дўлворлиги, баъзи мавзуларда анча ишонувчанлиги бир хилларга ҳазилга йўл очади, баъзилар байроқни ундан аввалроқ олганига маст, орқасига беписандроқ қарайди. Йўқ, дўстим, орқага эмас, олдинга қарайвер, Азим Суюн олдинда, хув ўша ўлмас қоялар ярқираб турган чўққилар томонда.

Бургутлар, сорлар билан тиллашади, кўкайида до-ниш қўшиқлар айтади. Кўксидা чўнг ҳикматлар яста-ниб ётади...

Бу – кечаги, бугунги ва эртанги Азим Суюн!

“Ишонч” газетаси, 2018 йил.



ДИЛКАШ ГУРУНГЛАР

ИЖОДКОРГА БАРДОШ КЕРАК

- Собир ака, асли ижодкорда қандай инсоний фазилатлар мужассамлашган бўлиши керак деб ўйлайсиз?

– Менимча, ижодкорга ҳам бошқалар каби кўп яхши фазилатлар ярашади. Бироқ, хусусан, шоирларда баъзан жунун қўпроқ бўлиши мумкин. Нима бўлганида ҳам, шоиргаям, ёзувчигаям аввал истеъдод керак, чунки иқтидор билангина бирорни ҳайратлантира оласиз. Айтишадики, ижодкорликнинг мактаби йўқ. Умуман олганда, бу тўғридир, бироқ хусусан олганда, мактаб бор. Мухими, ижодга йўналтира оладиган устоз ва энг сара китоблар. Шунингдек, ўқиш ва уқишгаям эътибор бермоқ керак. Катта ёзувчилар аслида буюк ўқувчилар ва уқувчилардир. Бўлмаса китобхонни жалб қилиб, таъсирантиrolmas эдилар.

Яна мен кўп ўйлаб иқрор бўлган бир ҳақиқат ҳам бор: ёзувчи одам чинакамига сабр-бардошли бўлгани маъқул. Манбаларда айтилишича, Лев Толстойдай даҳо ёзувчи “Уруш ва тинчлик” эпопеясини (биласизми, қандай йирик асар!) етти марта, “Анна Каренина” романини ўн олти марта ёзган экан. Ойбек домла “Навоий” романини ёзаётганида суткалаб ухламас ва таом totmas экан. Бальзак бўлса ижод жараёнида уйқусини қочириш учун оёғини тогорадаги совуқ сувга тиқиб ўтирас ҳамда ўн олти соатлаб ижод столидан турмас экан. Абдулла Қажхор: “Менинг ўрнимда маймун бўлганида ҳам ёзувчи бўлиб кетарди”, – деб бежизга айтмаган. Бу ўз асари устида ит азобини тортган, бироқ чекинмаган иродали инсоннинг сўзи, албатта.

Шунинг учун истеъдод, ўқиш, уқишдан ташқари ёзувчи одамга қўпроқ матонат ҳам керак, деган фикрдаман.

- Китоб жавонингиздаги энг қимматли асар... Уни қайси мезонларга кўра шундай баҳолайсиз?

- Биласизми, мен битта асарни ушлаб олиб, шу энг нодир асар, деб айтольмайман. Илоҳий калом (Куръони Карим) ва ҳадиси шариф одамзодга берилган энг қимматбаҳо асарлар бўлса керак. Инсоннинг энг гениали ҳам шу ўгитлардан беридаги гапларни ёзолган, холос. Албатта, инсон бадиий тафаккурининг юксак чўққисини ифодалайдиган асарлар жуда кўп. Гомер, Суқрот, Конфуций, Беруний, Форобий, Ҳофиз Шерозий, Навоий, Бобур, Бедил, Машрабдан тортиб “Қобуснома”, “Ўткан кунлар”, “Ўтмишдан эртаклар”, “Шум бола”, ўзбек ҳалқ эртаклари, барча достонлар, “Асрға татигулик кун”, “Танҳоликнинг юз иили”, “Уста ва Маргарита” романлари, “Манас”, “Ҳожимуқон”, “Маҳобҳорат”, “Панчантантра”, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Шукур Холмирзаев, Мурод Муҳаммад Дўст, Хайридин Султонов, Эркин Аъзам, Тоғай Мурод – буларнинг қай бирини четлаб ўтасиз. Уларнинг барчаси мен учун қай даражададир, барибир қадрли. Луқмон Бўрихон, Нормурод Норқобил, Шойим Бўтаев, Абдуқаюм Йўлдошев, Зулфия Қуролбой қизи, Саломат Вафо, Назар Эшонқул, Улуғбек Ҳамдамнинг ҳам барча асарларини топиб ўқийман. Шеъриятга ҳам яхши муҳлисман.

Шу ўринда мустақиллик даврида тўлақонли аёллар насрчилиги пайдо бўлганлигини эътироф этмоқчиман. Бу борада Зулфия Қуролбой қизи, Саломат Вафо, Маъсума Аҳмедоваларни ҳурмат билан тилга олган бўлардим. Илгари бир-икки ёзувчи аёлларимиз тилга олинса ҳам, уларнинг пичоқقا илингулик асарлари йўқ эди. Бугунги кунда гарчи адабий танқидчилик сезиларли акс садо бермаган бўлса-да, Зулфия Қуролбой қизи ва Саломат Вафолар қойилмақом тарзда роман ёзиб улгуришди. Бу, албатта, адабиётимизнинг, ёшлар адабиётининг катта ютуғи.

- Адабий турлар орасида айнан насрда прототип яратишга муносабатингиз қандай? Улар жамиятда ҳамма учун таниқли шахслар бўлиши шартми?

- Ойбекнинг мукаммал асарларининг қайсиdir томида Амир Олимхон ҳаёти ва фаолиятининг чиркин томонлари ҳақида тўплаган материалларни ўқиган эдим. Ўша замонни жонлантириб бир нарса ёзмоқчи бўлиб юрибман. Худо насиб қилса, эплаёлсан, албатта. Бироқ ҳар қандай тарихий асар прототипсиз амалга ошмайди. Чунки ўз кўзинг билан кўрмаган воқелик-ларга ўзинг биладиган одамни аралаشتiriшинг зарур. Ойбек “Навоий” романида Арслон ва Дилдора севгиси йўналишини киритиб асарни жонлантиришга эришган. Бу образлар Ойбекнинг ижоди. Балки ҳаётда ўзи билган одамлардир.

Шахсан ўзим ҳаётда бўлган, яшаган одам асар прототипи бўлиши шарт эмас, деб ўйлайман. Масалан, Отабек ва Кумушни Қодирий тўқиган. Тўқилган Кумушнинг фожиасига муаллиф кўз ёши тўккан... Бу – ёзувчнинг илҳоми. Тўқилмаган ҳар қандай образдан зўр.

Хемингуэйнинг ижод принципи бутунлай бошқа. У, ёзувчи ўзининг тақдирини ёзиши керак, акс ҳолда, ёлғончидир, дейди.

- Ёзган одам ёзганидан айро эмас, деб эшиштганим бор. Ижодкорнинг ўз қаҳрамонлари дунёсига сингиши назарда тутилган бўлса керак. Демоқчиманки, ҳикояларингиздаги ўсмири ёшлар муштумзўр тенгқурлари орасида адолатни мушт билан ўрнатишни истайди. (Ҳақиқат аралаш ҳазил).

- Толстой “Иқрорнома” асарида, ҳаётда одам ўлдирдим, хотинбозлик қилдим, деб тан олади. Ёзувчи Севастополь урушига қатнашиб одам ўлдирган бўлиши мумкин, лекин қотиллик унинг асл ҳаётий эътиқодига зид. 1812 йилдаги Россия – Франция урушини

ҳам, табиийки, кўзи билан кўрмаган, аммо кўзи билан кўрган манзараларни, ёзувчи сифатидаги тамойилларни буюк истеъдод, улкан фикрий кўлам билан образлар орқали “Уруш ва тинчлик” романига сингдириб юборган.

Мен ёшлигимда боксга қатнашганман. Балодай боксчи эдим ҳам. Бокс техникаси шундайки, уни мукаммал эгаллаб санъат даражасига олиб чиқиш мумкин. Худди футболдаги каби бокснинг ҳам нозик сирлари бор.

Сиз қайси ҳикоямни назарда тутаётганингизни билмадим-у, ўзим асли муштумзўрликка қаршиман. Ожизнинг олдида зўравонлик қилиш эркакнинг иши эмас. Шундай экан, баъзан куч ишлатиб бўлсаям бундайларнинг танобини тортиб қўйиш керак.

– Одамлар орасидаги қайси иллатлардан қўнглинигиз хира тортади?

– Хиёнат кечириб бўлмас иллат. Иллатки, тубанликнинг жирканч кўриниши. Ўзи ожиз одам сотқинликка мойил бўлса керак. Нодонликнинг, саводсизликнинг ҳам ёмон иллат эканига иқор бўлдим. Гоҳида амалга миниб қолган жоҳилга рўпара бўласан. Унга ишинг тушади. Ёқиши учун жоҳилга ўхшаб муомала қилишга мажбурсан. Табиийки, қовун туширасан. Чунки у барibir сени ёқтирумайди.

Шунинг учун баъзан ёшлар орасида фикр доираси кенг, билимли, бағрикенг йигитларни ҳам кўриб қолсам хурсанд бўламан...

– Доимо ўзингизга бериб турадиган саволингиз ёки сизни қийнайдиган жавобсиз саволлар борми?

– Ёшлик, умр ўткинчи. Нимадир эзгу ишлар қилиб из қолдирсанг. Эртага ном-нишонсиз ўтиб кетмасанг. Умр вафо қилса, энг зўр нарсаларни ёзсанг. Одил

Ёқубовга ўхшаб саксондан ошиб ҳам ёзаётган романларинг илҳоми билан яшасанг. Нарёққа... юзинг ёруғ, амалинг ўнг қўлингда – кириб бороласанми?..

- Ёзувчи Собир Ўнарнинг ёшлик ийллари нималарга бой бўлган?

- Ҳали қаримаган бўлсам ҳам, негадир болалиқдан худди олислаб кетгандай бўламан. Вақт ўтгани сайин одамнинг армонлари ҳам кўпайиб, ҳам кучайиб борадими, билмадим. Ҳозир ўғил-қизларимга болалик манзараларимни гапирсам, ишонишмайди. Чунки яшаш шароитимиз уларга ибтидоий жамоа тузумини эслатса керак. Масалан, уч-тўрт ёшларимда Ўнар бобомни ҳўқиз судраб кетиб, олма дараҳтига урилиб фалаж бўлиб қолганини эслайман. Унгача бобом жуда полвон чол эди. Бир эшак зўрға кўтарадиган олти боғ емишни эшакка ортишга эриниб ўзи бир чақирим жойдаги сомонхона устига bemalol, қийналмай ташиганини кўрганман. Ўн тўртинчи ўлчамли калиши яқин-яқингача турарди. Маҳсисини амаким Исмат чавандоз қайтадан кўпкари этик қилиб тиктирганини биламан.

Отам чўпон эди. Даشتда Учбулоқ деган жойда қўйқўра бор эди. Қишлоғ учун оиласиз билан ўша ёққа кўчиб чиқар эдик. Бобомни ҳам ўзи ётган каравоти билан кўшиб опчиқардик. Бир даҳлиз, икки уйли чайлатор. Бирида бобом, иккинчисида қолган ҳамма яшайди. Ҳамма деганим, келиб кетувчи меҳмон ҳам, амакиларим, оила аъзоларимиз, соқмончилар, катта энамнинг опаси – холам, бирровга чой ичгиси келиб кирган йўловчи... Онажоним шуларнинг барининг иссиқ-совуғига, ётоғига балогардон. Бобом ётавериб елкалари ачишиб кетса керак, “ағда-ар!” деб бақириб қоларди. Акам мактабга қетади, чўпонлар, отам далада, мен кичкинаман, онам бобомнинг хўл-қуруғига ҳам жавобгар эди. Яна денг, совлиқни эмолмаган нимжон

қўзилар ҳам кучга энгунча биз билан оила аъзоси эдилар...

Ҳаммаси ўтди. Отам етмишни қоралаб чўпонлик таёғини ташлади. Аммо чўпонликдан косаси оқарганини кўрмадим. Кейин билсам, шўронинг замонида тўғри ишлайман, деб соддалик қилган экан...

– Сир бўлмаса, ўқувчиларингизга Янги йилда қандай асарлар тақдим қилмоқчисиз?

– Худо куч, илҳом берса, тўплаб юрган материалларим асосида бир йирикроқ ҳажмдаги тарихий асар ёзишни чўтлаб юрибман. Айтадиган гаплар кўп. Вақт, тинчлик, соғлик бўлиб турса бўлгани.

“Ёш куч” журнали мухбири
Нурилла Чориев сухбатлашди.

ЁШАРАЁТГАН “ЁШЛИК”

- Собир ака, “Ёшлик” журнали салкам 25 йиллик тарихга эга. Журналнинг босиб ўтган йўли, унинг буғуни қундаги фаолияти ҳақида тўхтамсангиз.

- Журнал 1982 йилнинг январидан чиқа бошланган. Табиийки, бу ўзбек маданияти ва адабиёти тарихида улкан воқеа бўлган эди. Эсимда, биз биринчи курс талабалари эдик. “Билимлар уйи” деб аталмиш кошонада журнал ходимлари билан учрашув ҳамда тақдимот маросими бўлган эди. Бош муҳаррир Эркин Воҳидов, ходимлар: Хайриддин Султон, Эркин Аъзам ва бошқа машҳур адиблар... жуда ҳаяжонли лаҳзалар эди. Ўшанда Э.Воҳидовга ён дафтарчамни тутганман, у киши исмимни сўрагандан сўнг: “Собиржон ўғлимга мукаммал баҳт тилайман”, – деб ёзиб берган эди. Университетнинг биринчи курсида ўқиётган ғур талаба, албатта, ушбу дастхатни олиб бошим осмонга етган, ўртоқларим, ҳамқишлоқларимга мақтанганман ҳам. Аммо зинҳор орадан ўн икки йил ўтиб мазкур нашрга ўзим раҳбар бўлишим етти ухлаб тушимга кирган эмас эди. Мен 1986 йилдан бошлаб Омон Матжон, Тоҳир Малик,Faффор Хотамов сингари муҳаррирлар билан ишладим, Муроджон Мансур, Нурилла Отакон, Юсуф Латиф, Равшан Файз, Насриддин Муҳаммадиев, Набижон Боқий каби таҳрир илмининг усталари билан иш олиб бориб, кўп нарсалар ўргандим.

Журналнинг мен ўқиб чиқмаган бирор сони бўлмаган. Бугунгача унинг 200 тадан ортиқ сони чиқибди. Албатта, бу 200 тадан кўп, балки 500 тадан ҳам кўпроқ китоб демакдир. Дунё ва ўзбек адабиётининг, замонавий янги насрнинг қанча намуналари чоп этилди. Уларнинг рўйхати, балки, бир китоб бўлар. Камина ҳам

ўша асарлар босилишига баъзан сабабчи бўлганимдан фахрланиб қўяман. Адабиётнинг бугунги мавқеи билан ўша пайтдаги мавқеини солиштириб бўлмайди...

– Талабалик йилларимиз, яъни 1985 йилларда биз журналнинг ҳар бир сонини севиб ўқир, қадрлар эдик. Унда чиқиш биз талабалар учун ғоят катта бир ишдай, ушалмас орзудай эди. Журнал ҳозир ҳам талабаларга, унда чиқувчиларга худди шундай катта масъулият билан ёндошадими? Умуман, унинг мавқеи ҳақида нима дея оласиз?

– Ўзи умуман, ўша вақтларда адабиёт севилар, ардоқланар эди. Назаримда, эҳтирослар ҳам қайноқ ва тиник эди. Яхши асар чиқса, ўқимаган одам топилмас эди. “Ёшлик” журналида чиқиш чиндан ҳам амалга ошиши қийин бўлган иш эди. Азбаройи муносиб асар ёзолмадим, деб ўйлаганинг учун ҳам таҳририятга яқинлашомлай юраверардинг. Ёзадиганлар ҳам кўп эди. Мен ишга келган 1986 йилда наср бўлимига бир ойда юзлаб асарлар келар, бир хилларини икки-уч ойлаб қўлга олиб ўқишига улгурмай қолардик. Чунки тинимсиз таҳрир, корректура, машинка ёзуви жараёни уланиб келаверар, бош қашлашгаям вақт топа олмай қолардинг. Талаб ҳам баланд эди. Бир асар 8–10 кишининг, энг сўнггида цензуранинг чиғириғидан ўтар эди.

Талаб шунга яраша эди. Бўш-баёв бирор асар чиқиб кетишига йўл қўйилмасди ҳисоб.

Биз ҳамон ўша анъаналарга содикмиз, деб айта оламан. Талабларимиз ҳам жиддий ва қатъий. Айтиш жоизки, асарлар ҳам кўп. Аммо аввалгидай иштиёқ, шижаот йўқ. Бугун дунёнинг энг машҳур ёзувчиси Пауло Коэлонинг “Алхимик” асари ўзбек тилида чоп этилганини эшитган ўзбек ўқувчиси уни олиб ўқишига шошилмайди. Аммо Тоғай Муроднинг “От кишинаган оқшом”, Хайриддин Султоннинг “Саодат соҳили”,

Мурод Мұхаммад Дўстнинг “Галатепага қайтиш” асарларини кўпроқ энтикиш билан эслашади.

Қизиғи шундаки, бугунги ўқувчи мана шу муаллифларни ҳам ўшандай эҳтирос билан ўқимайди. Сабаби, дунё одамларнинг мияси, қалби ва шуурини бошқа муаммолар билан банд қилиб қўйди. Жиддий адабиёт муҳлислари сараланиб қолди. Адабиётнинг чин муҳлислари камайгани рост, аммо ҳарқалай, дунё адабиётдан юз ўгириб кетмаса керак.

– Ҳозир республикамизда чоп этилаётган газета ва журналларни санаб адогига етиб бўлмайди. Албатта, уларнинг ҳар бири ўзининг ўрни, ўқувчисига эга. Журнални янада ўқишили бўлиши учун нималар қилиш керак, деб ҳисоблайсиз?

– Бизнинг ютуғимиз адабиётнинг ютуғи, камчилигимиз ҳам адабиётники. Анъанага кўра, энг сара асарларни топиб босишга ҳаракат қиляпмиз.

Бир вақтлар ҳозирги енгил газеталар йўлини ҳам танлаб кўрган эдик. Масалан, дунёдаги шов-шувли воқеалар, санъаткорларнинг фитнага тўла ҳаёти, севги можаролари, аянчли қисматлар ва ҳоказо.

Лекин қарасак, адабиётдан четлашиб кетяпмиз. Бизни маъқуллаётганлар ҳам адабиёт фидойилари эмас. Гариброқ бўлса ҳам, ўша эски тўнни кийдик, чунки жуда бўлмагандага виждонинг қийналмайди...

Журналнинг мавқеи унда чоп этилаётган асарлар ва ададига боғлиқ. Шу маънода ўртача деб баралла айта оламан. Муаммоимиз доим бир хил -обуначиларни кўпайтириш.

– Бугунги қун адабиётимизга кириб келаётган ёш шоирлар, ёзувчилар ижоди ҳақида нима дея оласиз? Мутахассис сифатида уларнинг ижоди сизни қониқтирадими? Келажак ёшлиар учун “Ёшлик” нималар қиляпти?

– Ёш ижодкорларнинг асарларини доимо “Ёшлик” журнали биринчи чоп этишга ҳаракат қилиб келган. Арзиса, албатта. Адабиёт соҳасида Зулфия мукофотига сазовор бўлган қизларнинг деярли ҳаммаси журналимиз қалдирғочлари дидир. Биз бундан ғурурланамиз. Аммо мукофот олган қизлар кейин бадиий ижод билан жиддий шуғулланмай қўяётганлари ғалати...

Анъянавий “Зомин” семинар-кенгашида, Элликқалъадаги “Ақчакўл илҳомлари” танловида ғолиб бўлганларни ҳам даставвал биз тарғиб қилишга шошамиз. Кўлимиздан келгани ҳам шу.

– Ўз ижодингиз ҳақида ҳам билишни истар эдик.

– Яқинда “Чамбилбелнинг ойдаласи” деган китобим нашрдан чиқди. Иккита қисса ва бир йирикроқ асаримни ҳам тугатиб қўйиш ниятим бор. Роман ёзиш фикри ҳам йўқ эмас. Фақат мавзуси ҳозирча сир.

Сайёра САЛАЕВА сұхбатлашди.

“Экспресс Инфо” газетаси,
2006 йил, 24 август.

БУГУНГИ ЁШЛАР, БУГУНГИ ТАЛАБ

– “Баркамол авлод йили” Давлат дастурига кўра, мамлакатимизда кенг миқёсли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу маънавий ҳаётимизга, унинг ажралмас қисми бўлган адабиётга ҳам бевосита дахлдордир. Шу маънода жорий йилда яхши асарлар яратилишидан умидвормиз, чунки бу йил номига муносиб баркамол, пишиқ асарлар ярашади. Ёш ижодкорлар билан мунтазам иш олиб борувчи муҳаррир сифатида уларнинг асарлари ҳақида нималар дея оласиз?

– Барчага яхши маълум, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёш авлод, жумладан, ёш ижодкорлар учун давлат томонидан узлуксиз ғамхўрлик кўрсатиб келинаётир. Биргина Зулфия номидаги Давлат мукофотини олинг. Ўн саккиз йил ичida неча ёш қизларимиз шу нуфузли унвон билан тақдирланди. Олий ўқув юртларига кириш имтиёзига ҳам эга бўлишди. Ундан ташқари, ёшлар учун “Янги авлод”, “Келажак овози” ва бошқа турли кўрик-танловларнинг ташкил этилгани-чи. Бу тадбирлар, албатта, уларнинг кўнглида ғуур билан бирга ижодга рағбат ҳам уйғотади. Баъзан юракда хавотир пайдо бўлади: ёш ижодкорлар ичida фақат шу танловда ғолиб чиқсан бўлди, у ёғи билан ишим йўқ, деб ўйловчилар ҳам топилади. Балки, ёш бўлганларидан адабиётнинг чинакам фидойилик, сабот майдони эканини тўла англамасликлари ҳам мумкин. Барибир улар орасида ижод билан жиддий шуғулланаётганлари кўп. Самарқандлик Илҳом Шералиев, жizzахлик Гулноз Мамарасурова, Маъмура Ёқубова, қашқадарёлик Гулинигор Азазова, паркентлик Ҳуснора Рўзматова, тошкентлик Юлдуз Файзий, Иброҳим Азиз ўғли, Отабек Раҳимов

ва бошқаларни айтиш мумкин. Мумтоз ва замонавий, айни замонда хориж адабиётининг энг сара намунала-ридан баҳра олиб ижодни давом эттирсалар, улардан кўп нарса кутиш мумкин. Зеро, ҳали улар биринчи ки-тобларини ҳам чоп этишга улгурғанлари йўқ.

Шу ўринда, айниқса, ижодкор учун ўқимаслик ёмон иллат, саводсизликнинг биринчи белгиси эканини таъкидлаб қўйишни истардим. Нуфузли бир танловда бир талаба қиз хусусий кўп нусхали газеталарда чиққан уч юздан ортиқ ҳикоя, мақолаларини тақдим этди. Унинг ҳаммасини ўқиб, ҳар бири ҳақида баҳо беришга вақт етмайди. Шу боис энг саралари қайси эканини ўзидан сўрадик. Сўнг қайси асарларни ўқиганини сўраймиз. “Ўткан кунлар”, “Кеча ва кундуз”, “Навоий”, “Улуғбек хазинаси”, “Авлодлар довони”. Борингки, мазкур романларнинг муаллифларини ҳам билади. Асар ичидаги майда персонажлар номини, муаллиф маҳорати бўртиб кўринган нуқталар тўғрисида сўрасангиз, мум тишлиб қолади. Йўқ, у ўқимаган. Телевизорда шу асарлар асосида ишланган киноларни кўрган, холос. Қайси газеталарни ўқийсан, десангиз, ўша ўзи билган хусусий газеталарни санаб жўнайди... Жиддий адабиётнинг яқинига ҳам йўламайди.

Мухтарам Президентимиз “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисолаларида: “Истеъоддли ёшларни излаб топиш ва уларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришда чуқур ўйланган усуллар, яъни аниқ механизм зарурлигини бугун адабиётимиз манфаатлари талаб этмоқда. Ёш адаб ва шоирлар, адабий танқидчиларнинг ҳар бири ўз асарлари билан адабий жамоатчилик назаридан, ижодий танловлар, жиддий тақризлардан ўтиб, тегишли эътирофга сазовор бўлиб, шундан кейингина адабиёт майдонига ва ўюшма аъзолигига кириши лозим”, – дея таъкидланлар.

Мазкур талаб энг тўғри, холис йўлдир. Шундан келиб чиқсан ҳолда Уюшма қошида энг истеъодли йигит-қизларнинг биринчи китоблари сараланмоқда, энг яхшилари уюшма нашрлари саҳифаларида, хусусан, “Ёшлик” журналида эълон қилинмоқда.

– *Шу ўринда таъкидлаш зарур, “Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида “Ижод” фонди ташкил этиш тўғрисида”ги Президентимиз қарори айни муддао бўлди. У ёшларнинг ижодий жараёнига ҳам таъсир қиласди. Шундай эмасми?*

– Албатта. Қарорнинг нечоғлик катта аҳамият касб этиши адибларимизнинг матбуот орқали чиқишлидан ҳам кўриниб турибди. Энди галдаги иш қарорда таъкидланган, ундан аввалги давлатимиз раҳбарининг “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласида таъкидланган вазифаларни тўқис бажаришдир. Бу борада сезиларли ишлар амалга ошириляпти ҳам. Ёш шоир-ёзувчиларнинг илк асарлари “Ижод” фонди ҳомийлигига чоп этилиб, сўнг Республикамиз халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим ўқув муассасалари кутубхона ҳамда ахборот ресурс марказларига етказиб берилиши ғоят муҳимдир. Ижодий асарлар, юқорида айтганимиздек, ҳозир Ёзувчилар уюшмасида тўпланиб сараланяпти, тажрибали адиблар назаридан ўтказиляпти. Бу бугун бошланиб, эртага тўхтаб қоладиган жараён эмас. Янги фонд кўмагида доимий давом этади.

Шу кунларда журналимиз ижодий жамоаси ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорлигига ҳар ҳафтанинг жума кунлари дарсдан сўнг мазкур университет биносида махсус адабий тўғарак ташкил этилди. Дастлабки таассуротлар шундайки, бу ўқув даргоҳида ёш шоир, ёзувчилар билан бирга аслиятдан таржима қилувчи талabalар ҳам тўғарак-

ка қизиқишяпти. Илк таржималарини мұхокамага күймөқдалар. Биз шундан умид қиласыз. Уларнинг нисбатан яхши, ҳали тилимизга ўғирилмаган асарларини танлаб олиш имконияти туғиляпти. Келажақда бу тадбир ва рағбатларнинг самараси ўлароқ, нафақат чет тилидан, балки она тилимиздан чет тилига энг яхши асарларимизни қойилмақом қилиб таржима қиладиган иқтидорли таржимонлар ҳам етишиб чиқса, ажабмас. Пировард мақсадимиз ҳам шу: ўзлариникадан кам бўлмаган ўзбек адабиёти намуналарини хорижликлар ҳам ўқисин, баҳо берсин!

- Биз сизни ёзувчи, публицист сифатида яхши биламиз. Айни кунларда қандай ижодий юмушлар билан бандсиз?

- Айни кунда бадиий-хужжатли қисса устида ишләяпман. Бир инсоннинг ибратомуз ҳаёти ва фолияти ҳақида. “Бибисора” деган янги қиссани “Шарқ юлдузи” журналига топширдим. 2-сонида чиқиб қолиши мумкин. Қисса ва ҳикоялар жамланган китобим “Ўзбекистон” нашриётининг бу йилги режасига киритилди. Асарларни тўплаб тугалладим. Орада Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан тез-тез вилоятларга хизмат сафарига чиқиб турибмиз. Қайтгач, газеталарга публицистик мақолалар тайёрлаб берамиз. Одамлар ичida, жонли ҳаётга қўшилиб юришга не етсин!

Ҳар ойда чиқадиган журналнинг ташвишлари ҳам кам эмас. Бир романга ҳам “тагпаҳса” ташлаганман-у, вақт камлигидан яқинлашолмаяпман. Кўраверайлик-чи, бир гап бўлар...

- Нима деб ўйлайсиз: ҳозирги қунда ёзувчи ўқувчини излаб топиши керакми ёки аксинча, ўқувчи ёзувчини излаши керакми?

– Тўғри тушунган бўлсам, сиз бугунги китобхонлик муаммосини кўтаряпсиз, яъни бадий асарлар оммавий нусхада чиқмаяпти, ўқийдиганлар ҳам уни олмаяпти ёки жойларга етиб бормаяпти, шу боис енгил-елпи асарлар ёхуд кўп нусхали ҳусусий газеталардаги ножиддий ҳикояларнигина ўқияпти, муаммони қандай ҳал қилиш мумкин – шуни айтяпсиз, тўғрими?

– *Ха, шундай.*

– Бу масалани дабдурустдан ундоқ-бундоқ ҳал қилса бўлади, дейиш қийин. Сабаби, у давом этаётган ялпи бир жараён. Ёзувчи ҳам, ўқувчи ҳам гина қилишга ҳақли. Баъзан адабиётимизнинг энг гўзал асарлари ҳам йиллар давомида мавжуд китоб дўконларида туриб қолаётганини кўриб ёқа ушлайман. Қимматлик қилаётгандир, деб ўйлайсан, 500 сўмлик қўп варакли газетани олаётганини кўрасан: ичидаги ҳафталик теледастур, сийқаси чиқиб, бот-бот такрорланиб чоп этилувчи жўн кроссворд, эри ё хотини хиёнат кўчасига кирган, тафсилотлар сўнгига гуноҳкор автоҳалокатга йўлиқиб ўлгани ҳақидаги навбатдаги “ҳикоя”, бирини таниб, кўпини танимайдиганинг эстрада қўшиқчилари ҳақидаги тутуруқсиз маълумотлар. Шулар бир адабнинг йиллар давомида қалб титрофи билан ёзган, кўзга суртгулик романи олдида нима деган гап! Аммо наилож. Ўқувчининг ўз эрки: хоҳламадими – олмайди.

Москва, Нью-Йоркка бориб келган баъзи устоз ижодкорлардан эшитдим: китоб ўқиш уларда сусаймаган. Биз ўйлагандек, уларда компьютерга боғланиб қолишмаган, аксинча, компьютерларнинг шарофати ўлароқ, кутубхоналарда зарур китобни лаҳза ичидаги топиб ўқиш имкониятлари пайдо бўлган.

Аслини олганда, бизда ҳам ўқиган ўқияпти, ўқимаган одам аввал ҳам ўқимаган. Барибир, назаримда, китобхонлик сусайишининг бир-икки сабаби борга ўхшайди.

Биринчидан, тан олиш керак: китоблар қиммат. Шу боис тирикчилик ташвишига ўралашиб юрган оддий одамга бу китобни сотиб олиб ўқи, дейиш ноўрин.

Иккинчидан, ёзувчиларимизнинг замонавий мавзудаги, бугунги одамнинг ўй-ташвишларини бутун реаллиги билан пишиқ ифода этувчи асарлар чиндан ҳам кам. Буни ҳам тан олиш керак.

“Шайтанат” романининг дастлабки китобларида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик мафия, уларнинг ўйинлари, ўғирлигу қотилларини, оддий одамларнинг қай тариқа жабр кўрганларини катта ёзувчига хос кўлам билан ёритган эди. Оддий ўқувчилар ҳам, бошқалар ҳам излаб топиб ўқиди. Энди, рости гап, бизнинг шароитда одилона сиёsat туфайли мафиянинг куни битди. Демак, бу ҳақдаги бадиий асар ҳам кун тартибидан тушиб қолиши мумкин-да...

Президентимизиинг биз юқорида тилга олган рисола ва қарорларида асли адабиётимизнинг ҳозирги мавқеини янада баланд кўтариш, юксак бадиий асарлар юзага келиши учун далда ва имкониятлар айтиб ўтилган. Сирасини айтганда, қарор адабиётимизнинг келажагига ижобий таъсир кўрсатади. Мен бунга аминман.

– “Ёшлик” журналида жаҳон адабиёти дурдоналари ҳам бериб бориладими?

– Кўзингиз тушган бўлса, шу йил 1-сонда машҳур аргентиналик адаби X.Кортасарнинг “Михлаб ташланган эшик” ҳикоясини ёзувчи М.Аҳмедова таржимасида бердик. Кейинги сонда ҳозирги замон Лотин Америкаси шоирларининг щеърларини аслиятдан таржима қилиб чоп этдик. 4-сонда таниқли итальян ёзувчиси Дино Буццатининг икки ҳикоясини босаяпмиз. Бундан ташқари, улуғ ёзувчиларнинг ҳаётлари ҳақида “Томошабоғ” рукнида қизиқарли мақолалар эълон қиляпмиз.

- Журналнинг ижодий режаларига ҳам тўхтамсангиз.

- Январь ойидан бошлаб “Ёшлик” журнали ҳар ойда чиқяпти. Обунамиз ҳам адабий нашрлар ичида баландроқ бўлди. “Адип хонадонида” деган янги руки ташкил этганмиз. Унда юртимизда яшаб ижод қилаётган машҳур, катта тажрибага эга адибларимизнинг адабий ўйлари, ижодий лабораторияси, хонадони билан ўқувчиларни танишириб борамиз. Рукини ташкил этишдан мақсадимиз битта: ёш ижодкорлар катта шоир, ёзувчиларнинг ҳаёти, ижодини ўрганиш баробарида, улардан тажриба, ёзиш малакаларини ўргансин, шуларга ўхшаб излансин, мashaқат чексин.

“Неваракулча” рукнида ҳали энди адабиётга тетапоя бўлиб кириб келаётган мактаб ёшидаги ижодкорларнинг ёки катталарнинг болалар ҳақидаги шеърларини ёритамиз.

Яқин кунларда “Дарсхона” рукнида йирик адип ҳамда олимларнинг турли адабий оқимлар ҳақидаги қараш ва эксперимент йўллари хусусидаги туркум мақолалар билан танишириб бормоқчимиз.

Ашурали БОЙМУРОД сухбатлашди.

“Туркистон” газетаси, 2010 йил, 15 май.

ОДАМНИ ОРЗУЛАР УЛҒАЙТИРАДИ

– Собир ака, инсон қаерда бўлмасин, туғилиб ўсган заминини, беғубор болаликда ўтган кунларни бот-бот ёдга олаверади. Айниқса, ёзувчи учун бундай хотиралар ҳеч нарсага тенглаб бўлмас руҳ беради, ижодга, олға интилишга ундаиди, шундай эмасми?

– Менимча, одамни орзулар улғайтиради. Орзу-истак ортидан қилинадиган жамики хатти-ҳаракат уни чиниктиради ва иродасини мустаҳкамлаб боради. Камина гўдаклик чоғим, эҳтимол, икки-уч ёшлиқ чоғларимни ҳам тузуккина эслайман.

Отам раҳматли қирқ йилча давлатнинг молини боққан. Тоғ-тошда узлуксиз мол кетидан юриш, кечаларни қарийб ухламай даштда ўтказиш, қишининг қора совуғида ҳам тиним билмаслик, боз устига, ўлган қўй ёки кам туққан совлиқ учун раҳбарлар олдида ғарибларча, гуноҳкорларча жавоб бериш... Бу азобларни мен яхши ҳис қиласр эдим. Бўйим чўпоннинг таёғига етақа бўлгандан бошлаб, мактабдан келиб отамга ёрдам берар эдим. Чамаси, ёзниг чилласида қир ёнбағридаги ётоқдеб аталмиш кунбеткайда қўйларнинг икки соатча қуёшда тобланиб ётиши отам учун байрам эди. Мавридини топса, бирор соат мизғиб олар эди. Қўйлар ётоқда қўринмай қолгач, иккита нонни белга тугиб, эшакка ўтирганча улар ортидан равона бўлар, бу ҳаёт менга узлуксиз машаққатлар ва самарасиз ишдай туюларди.

Тўйл мавсумида, яъни 10 марта апрелнинг сўнгигача раҳбарлар обдан серқатнов бўлишарди. Туғилган қишлоғимииздан уч-тўрт чақирим нарида қўйхона бўлиб, оиласиз асосан қишлоғни ўша ерда ўтказар, тўйл тугагач, қишлоққа қайтиб кўчиб тушардик. Гоҳ Кулмат ака, гоҳ Нурқул ака деган ҳайдовчилар алма-

шиб келишар, бортли машинада туғилган қўзиларни олиб кетишар, баъзиларини ўстиришга қолдиришарди. Машина кабинасида мудом бўлим бошлиғи келар, тасаввуримча, унинг вазифаси чўпон ва соқмончи (ёрдамчи чўпон)ларни тик қилиб қўйиб уришишдан иборат эди. Баъзан у чўпонларга қишки кийим: брезентга ўхшаган матодан тикилган плаш, кирза этик, пахталишим ва ҳоказо нарсалар опкелиб тарқатар, “ҳамманг муттаҳам бўлсанг ҳам давлат сийлаётир” деб миннат қилиб, уришиб кетарди.

Албатта, мендай бир гўдак бола учун болаликнинг завқли томонлари мўл эди. Жумладан, туғилган қўзи-чоқларни оёғидан тортиб бир жойга тўплаш (негадир қўзилар аксар ўлик туғилар, она қўйлар баъзан туғолмай тарашадек қотиб қоларди), молларнинг емиш ва нишхўрдидан бўшаган сомон охурида ғилдирак думалатиб ўйнаш, узоқдан кўринган машина ёки тракторнинг олдига чопиб бориш, агар эгаси ийиб кетиб кабинага миндирса, эсимдан чиққунча мақтаниб юриш...

Бир гал бир қўй телпакка ўхшаган думалоқ, оёқсиз, бошсиз қўзи тукқанини кўрганман. Ўзиям қўзи-чоқ туғилибоқ қирдан пастга думалаб кетган. (Бурунгининг қўйлари ҳам авомроқ бўлганми дейман-да). Ветврач уни текшириб қўриб тириклиги, юрак уриши жойида эканини тасдиқлаган, лекин бу ғаройиб саргузашт кўп давом этмаган. Сабаби, юраги бор қўзининг оғзи-бурни йўқ эди-да. Чўпонлар шунинг учун ҳам дакки эшитишган...

Кейин улғайгач, ақлимни таниганимда СЖК деган дори Нурота чорвачилигини майибу мажруҳ қилиб ташлаганини, буям худди пахтанинг селитраси-ю, бутифосидай бир гап эканини англағанман.

Икки хона, бир даҳлиздан иборат чайлатомнинг шифтида бир сават бўлиб, унда туршак, майиз, жийда ва шафтолиқоқилар бўларди. Онам бизни овутиш

учун баъзан ўша саватдаги күшхалтадан бир сиқим мева олиб берса, кечгача шаталоқ отиб, одам танимай юрардик...

Менга ўша тансиқ меваларнинг таъми ҳозирги сархил шоколадлардан аълороқдай бўлиб туюлади.

Бирорга айтсанг, эртак эшитгандай анграйиб, ишонқирамай қўяди.

Туриб-туриб энди биз ҳам ёш бўлмабмиз, зап воқеаларни кўрган эканмиз-да, дейман.

Иккинчи-учинчи синфда ўқиб юрган пайтларимда мактабга қишидаям ялангоёқ келувчи болалар бор эди. Ҳозир ўша йигитлар 5-6 нафар фарзанднинг отаси, 43-44 ёшга кирган, болаларининг оёқ кийимисиз юрганини қўрса, тутоқиб уришиб берадиган одамлар...

- Ўша хотираларнинг ўзиёқ бир улкан асар бўлиши мумкин...

– Камина ҳали ижодда бунақа ажабтовур манзараларни чизиб улгурганим йўқ. 6-синфдалигимда туман газетасида илк бор очерким чиққан. Мен ҳам эл қатори ёзаверсам, ёзганларим чиқишига ишонганман. Турган гап, газета учун мавзу танлаб ўтирилмас эди: чўпон, боғон, муаллим, почтачи, мактаблар ўртасидаги спорт мусобақаси. Барибир туман газеталари ҳам шеър босишга хасисроқ эди: биронта шеърим босилиб чиқмаган, бир ҳисобдан яхши бўлган экан...

Бултур қиссалар ва ҳикоялардан иборат “Чамбилбелнинг ойдаласи” китобим нашр қилинди. Ушбу китобдан қишлоқ ҳаёти, ўтмиш ҳаётимиз, бугунги баъзи ҳодисалар ўрин олган бўлса, албатта, менинг киндик қоним тўкилган, туғилиб ўсган жой манзаралари, ўзим билган, таниган, тақдири тақдиримга туташ одамлар ҳаёти барибир акс этган. Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас.

- Ёзувчи бўлиш осон эмас. Айниқса, илк уринишлар ва натижалар кишини ҳаяжонга солиши, эсанкиратиб қўйиши ҳам мумкин. Сизда бу ҳолат қандай кечган?

- Замон айланиб Ўзбекистон миллий университетининг журналистика факультетида ўқидим, чунки мен билган ижодкорларнинг деярли ҳаммаси шу ердан етишиб чиқаётган эди.

1982 йилдан чиқа бошлаган “Ёшлиқ” журналинг ташкил этилиши ёш ижодкорларнинг юзага чиқиши учун сезиларли туртки бўлган эди. Унда шеъри чиққан одам – шоир, ҳикоя ёки қиссаси чиққан – ёзувчи сифатида тан олинарди. 1986 йилнинг ёзида журналда икки ҳикоям босилгани мени ёзувчилар қаторига қўшиб қўйган. Ўқувчилар, ҳамқишлоқларимдан хатлар олиб довдираਬ қолганман. Албатта, улар мақташган. Шундан сўнг негадир бир неча йил ёзолмай қолганман.

- Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма соҳада ўзгариш, янгиланиш рўй бермоқда. Адабий жараён эса бироз сокинлашиб қолмадимикан?

- Соф адабиёт бозор билан муроса қилиши, баҳс бойлаши жуда қийин. У ҳазми оғир таомдай бир чеккада қўл қовуштириб туришга мажбур. 80-йилларда эса адабиёт майдони “Шарқ юлдузи”, “Ёшлиқ” журналлари, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси ҳамда асосан,Faфур Ғулом ёки ёшлар нашриётларининг “генплан”ига киритилиб, сўнгра нашр қилинадиган асарлар билан баҳоланаарди. Ҳатто Мустақилликнинг улуғ шарофати билан бу майдон кенгайди. Айтиш жоизки, номлар ҳам кўп. Биргина Зомин семинарида ҳар йили ўнлаб ёш ижодкорларнинг номи тилга олинади. Икки йилдан бери “Келажак овози” кўрик-танловида ҳам янги номлар пайдо бўлаётир. Уларнинг асарлари кўп нашрлар қатори “Ёшлиқ”да ҳам босилади. Лекин

“ярқ” этган истеъдодлар кам. Шу боис, пичоқقا или-надиганларини санайверсангиз, бир-иккитасидан кейин тўхтаб қоласиз.

Усмон Азим, Азим Суюн, Шавкат Раҳмон, Йўлдош Эшбек, Хуршид Даврон, Тоғай Мурод, Эркин Аъзам, Мурод Муҳаммад Дўстлар адабиётга гуриллаб кириб келган даврни бир эсланг... Сирожиддин Саййид, Мирзо Кенжабек, Муҳаммад Раҳмон, Абдували Кутбиддин, Эшқобил Шукурлар-чи?! Булар адабиёт поездига бир осилиб, қайтиб тушиб қоладиган ижодкорлар эмаслигини бугун ҳам исботлаб туришибди.

Бугунги ёзувчилардан кўпинча Нормурод Норқобиловга ҳавас қиласман. У бундан 20 йил аввал қандай суръатда ижод қилган бўлса, бугун ҳам суръатни туширмай, қайтанга ошириб бораётир. Унинг ёзган қиссалари асл, соф адабиёт намуналари. Негадир, адабий жамоатчилик кейинги пайтда ҳеч нарсага акс садо бермай, узоқ сукут сақлаб қолди.

Зулфия Куролбой қизи, Луқмон Бўрихон, Абдуқаюм Йўлдош сингари ёзувчилар тинмай, бугунги кун нафаси, дардига йўғрилган асарлар эълон қилишяпти. Адабиётшунослар ҳам, жамоатчилик ҳам уларга на “баракалла”, на “бекор қипсан” дейди.

Лекин ёзавериш керак. Асар танлов, мақтов ёки мукофот учун ёзилмайди. Юрак амри билан, вижданга, ватанга хиёнат қилмай ёзиш керак.

Адабиёт эшигидан энди бўйлаётган укаларим ва сингилларимга эса ирода ҳамда билим тилар эдим. Бу – жуда муҳим!

Уйғун Рўзиев сұхбатлашди.

“Туркистон” газетаси, 2007 йил, 17 январь.

ҲАҚИҚИЙ ЁЗУВЧИДА ЯРАТИШ ИШТИЁҚИ СҮНМАЙДИ

ХХ асрнинг бошларида юзага келган ўзбек ҳикоя-чилигининг ривожланишида ижтимоий воқелик, жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар муҳим аҳамиятга эгалиги шубҳасиз. Адабиётнинг бош мақсади инсонни таҳлил этиш экан, бу ўзгаришлар унинг ҳаётига, онгу шуурига қандай таъсир этаётганини ўзида акс эттиради.

Асрнинг дастлабки йилларида юзага келган ҳикоячилик жанрида ҳаёт ҳақиқатлари рўй-рост акс эттирилиб, реалистик тасвир устуворлик қилган бўлса, жамият тараққий этгани сайин адабиётда ҳам воқеа-ҳодисаларни ўзгача шакл, усулларда тасвиirlаш юзага кела бошлади. Энди содда ва равон тилда ифода этилган бадиий воқелик ўз таъсирини бироз йўқотди. Ана шу ўзгачаликни адабиётшуносларимиз турлича талқин қила бошладилар. Кимdir бу ҳолатни ижоддаги янгиланиш деса, яна кимdir Ғарб адабиётига тақлид деб баҳолади. Ёзувчи, “Ёшлиқ” журналининг бош муҳаррири Собир ЎНАР билан бўлиб ўтган суҳбатимиз ҳам бугунги адабий жараён, ёзилаётган асарлар салмоғи ва мазмун-моҳияти ҳақида кечди.

– Собир ака, кейинги пайтда адабиётшунослигимизда янгича истилоҳ – “модернизм” анчагина қучайди. Сиз бу жараёнга қандай баҳо берасиз?

– Қодирий ўзбек романчилигига асос солганида дунёда атиги бешта романчилик мактаби мавжуд эди. Жаҳон адабиётининг олтинчи мактабини яратаман деб енг шимарган адебнинг жасоратини қўз олдимизга келтириш мумкин.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, Қодирийга қадар романчилик Сервантес даврларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда беш юз йилдан ортиқ тарихга эга, Европа насли тамом илфорлашиб кетган эди. Вольтер Скотт, Ж.Свифт насли ҳозиргача диққат билан ўқилади, мумтоз адабиёт намуналари сифатида эътироф этилади. XX асрга келиб эса инглиз, француз, асосан, немис адабиётида шаклий тажрибалар қўллаш, анъанавийлик, реалликдан чекиниш ҳолатлари рўй бера бошланган, французлар, айниқса, натурализмдан бутунлай безор бўлган эди.

Сирасини айтганда, модерн адабиёт ҳам катта эҳтиёж маҳсулидир. Болага чақалоқлигида алла, сўнгроқ эртак, достонлар таъсир қилгани каби ақли тўлишганда ўта жиддий асарлар ўқиш зарурати туғилади. Шунинг учун ҳам Абдулла Қодирий Farb, шарқ адабиётларининг барча "ёзиш йўсин"ларини ўзлаштиришни ўзига бурч деб билади. Айни замонда тарихнинг "ўта чиркин" замонидан сўз очиб, бугуннинг "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин", "Чор дарвеш"лари янглиғ асар битмоққа ўзида улкан жасорат топади.

Демак, адабиёт, шу жумладан, наср пайдо бўлгандан бўён унинг шаклини ўзгартиришга иштиёқ кучли бўлган. Оғзаки адабиёт ўзгармай қолиши мумкинdir, сабаби, у оғиздан-оғизга қўчиб юради. Шунинг учун тушунарлилик талаб этилади. Аммо ёзма адабиётни шахслар яратади. Ўз-ўзидан хоҳу наслий, хоҳу шеърий бўлсин, муаллифнинг кўнгли, фикри ёхуд воқеа-ҳодисаларнинг шоир ёки носиргага мослашиб қолиши табиийдир. Шу маънода "садда ва равон тилда ифода этилган бадиий воқелик" муҳим бир тамойил касб этмаслиги тайин эди. Аввало мен бу ҳолатни зарурат деб тушунаман. Янгиланиш осон эмас, XX аср бошларида Маяковский каби йирик шоир ҳам зинапоя усулидаги

шеърлари билан новаторлик кўрсатгани учун қаттиқ танқидга учраган, адабиётшуносарнинг қизғин баҳс-мунозараларига сабаб бўлган эди.

ХХ асрнинг 80-йилларига келиб адабиётимизда анъанавийликдан бироз четланиш, бошқача оҳанг, шакл ва ифода усуллари пайдо бўлди. Табиийки, буни анъанавийликка мослашган адабий жамоатчилик тезда ҳазм қилолмади. Бу жараён шеъриятга тааллуқли эди. Аммо “модерн” деган сўз ишлатилмасди, чунки у ўша шеърнинг ўзи қаби истеъмолга кириб улгурмаган эди. Бироқ ёш ижодкорлар бу шаклни тезда қабул қилиб, шижаот билан ёқлай бошладилар. Негадир асли Farb адабиёти таъсирида кириб келган бу шеърларнинг асл манбаига эмас, ўзбекча кўринишларига тақлид қилувчилар кўпайиб кетди. Матбуотда мутлақо фикрсиз, сўзларнинг айқаш-уйқаш шамойилларидан иборат тизмалар ҳам пайдо бўлди. Уларга қанча кўп эътиroz билдирилса, шунаقا шеърлар аксига олиб кўпаяверар эди. Бироқ ўша шоирлар асли қалби буюрмаган шаклга ружу қўяётганларини кейинроқ ўзлари ҳам англаб қолишиди. Кўп ўтмай бояги модернчи шоирлар модернчи бўлмай қолдилар...

Насрда эса бу жараён кечикиб намоён бўлди. Омон Мухторнинг кейинги романлари, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Жажман”, Назар Эшонқўлнинг бир неча ҳикоялари, хусусан, “Баҳовуддиннинг ити” ҳикояси бошқа унсурлар борлиги билан фарқ қиласди. Ҳолбуки, Франц Кафканинг асарида “одам ўргимчакка айлангани”га қарийб саксон йил бўлди. Бизнинг эртакларимизда малика қурбақага, тошга, кийикка айланниб қолса, ҳайрон бўлмаймиз, бироқ жиддий прозада бунга дуч келсак, жуда энсамиз қотади.

– Бугун дунёда юз бераетган глобаллашув китобхон бадиий тафаккурида ҳам ўзгаришлар ясамоқда.

Худди ана шу жараён сабабли ўзбек ҳикоянавислари Ғарб адабиётидан таъсирланиб, унга хос бўлган тасвир ва ифода усулларини турли кўринишлар билан адабиётга олиб кирдилар. Сизнингча, бу адабий таъсир адабиётимизнинг миллий ҳусусиятларига путур етказмайдими ёки...

- Адабиётчилар “онг оқими”, “онгости оқими” (“подсознание”), онг таҳлили ҳақида қўп гапиришади. Мен бу гапларга унча тушунмайман. Аммо Маркес, Фолкънер, Кафка асарларини ўқигандан унча ҳайрон қолмайман. Ёзувчининг руҳиятига тушиб олсан, ҳеч нарса ғайритабиий туюлмайди...

“Вещи называть своими именами” деган китобда Маркеснинг учта сухбатини ўқиган эдим. Бир сухбатида ёзувчи “Танҳоликнинг юз йили” романининг биринчи сатрини 19 ёшида ёзиб қўйгани, вақт-соати келиб роман миясида обдан пишиб етилгач, уни борйүғи уч кунда ўтириб ёзиб ташлаганини баён этган. Мен бу асар тез ёзилганига шубҳа қилмайман, лекин асар ҳажмидан келиб чиққанда ҳатто уни уч кунда ўқиб чиқиш ҳам осон иш эмас.

Боз устига романнинг шакли, руҳи, қоришиқ воқеалар, тирик ёки ўзи йўқ бўлса-да, муаллифнинг тафаккурига бўйсуниб ҳаракатланувчи ўнлаб образлар, кутилган ва кутилмаган фожиалар унинг уч кундан кўпроқ муддатда ёзилганини билдиради. Сирасини айтганда, мен Маркесдек ёзувчининг руҳиятига қойил қоламан. Унинг руҳи шу қадар кучлики, ўқувчини худди бульдозерда сургандек оппа-осон ўз маромига солиб етаклаб кетаверади. Э, шошма, оғайни, ундоқ эмас, бундоқ-ку, дейишга ботинолмайсиз ҳам. Бошқа романлари ҳам худди шундай, ҳатто одамни нафас ростлашга қўймайди.

Маркес ўзини испан адабиёти вакили ҳисблағани ҳолда, бизнинг биринчи асаримиз Сервантеснинг

“Дон Кихот” романидир, деб ҳисоблайди. Бизнинг ҳам бой оғзаки адабиёт намуналаримиз мавжуд.

Қайсиdir маънода кимнингdir ёзгани айнан Кафканинг, Маркес, Борхес ёки биз ўқимаган бироннинг асарига ўхшиши мумкин. Навоий манзумаларида ҳам тақлидчилик калака қилинган. Аммо бизда ҳозир бунинг хавотирланадиган жойи бормикан – гап шунда. Умуман, ўзбек адабиётида мен бу хавфни сезаётганим йўқ... Мен адабиётда, хусусан, насрда хилма-хиллик тарафдориман. Бир хиллик адабиётнинг жиловини орқага тортиб тураверади.

- Бугун бирор даврада адабиёт ҳақида гап очилса, китобхонлар яхши асар йўқлигидан нолишади. Аммо кейинги пайтда таниқли адабу шоирларимизнинг қатор китоблари чоп этилмоқда. Бундай аҳволни китобхон савиясининг ўта баландлиги деб тушуниш мумкини ёки...

- Ҳеч бир халқнинг адабиёти тўхтаб қолиши мумкин эмас. Лекин гап ўша асарнинг савиясида. Чингиз Айтматов бир вақтлар “Шундай бир ҳикоя ўқисангки, кечаси билан ийғлаб чиқсанг” деб ёзганди. Шундай ҳикоя соғинчи менда ҳам бор. Хусусий газеталарда кунора ўнлаб ҳикоялар босилади. Турган-битгани ўлим, фожиа, айрилиқ, мусибат. Лекин бир мусибатни Чеховнинг “Ванька”сидай таъсирчан бадиий асарга айлантириш нақадар мушкул иш. Эҳтимол, ёзувчиман деган одам 80 – 90 ёшгача ҳам шуни ёзолмай дунёдан ўтиб кетиши мумкин. Бироқ Чехов (врач, иши бошидан ошиб ётибди, феъли шунақаки, ҳаммага яхшилик қилгиси келади, барчани уйига меҳмонга таклиф қиласиди, мактаб, кутубхона, касалхона қуради, гоҳ-гоҳидагина ёзишга ўтиради) аксарият ҳолларда бир ўтиришда ёзган, қайта ишлаб ўтирмаган, бунга вақти ҳам бўлмаган. Демак, ижодкорга меҳнатдан ташқари Худо юқтирган юксак истеъдод ҳам керак.

Бир вақтлар матбуотнинг тури саноқли эди. Адабий нашрда асари ёки иккита шеъри чиққан одам танилиб кетиши мумкин эди. Таъсирчанроқ бир ҳикоя ёзсанг, номингга ўнлаб хатлар келарди. Ўзинг ёзган нарса ҳақида узоқ ўйлашга, демак, масъулиятли бўлишга мажбур эдинг. Ҳозир аҳвол умуман бошқача. Бунинг учун ўқувчини айблаб ўтириш шарт эмас. Аввал ҳам асл ўқувчи асарнинг сарасини топиб ўқирди, ҳозир ҳам шундай. Масалан, бозордан газета сотиб олиб ўқиётганлар ўша газетанинг бир ой аввалги сонидаги ҳикоянинг номини ҳам эслаёлмайди. У вақт ўтказиш, бироз бўлса-да овуниш учунгина ўқийди. Лекин унга, нега бундай қиласяпсан, деб бўлмайди. У эркин ва савияси ҳам ўша газетага жуда мос. Шундай “гигант” ёзувчилар борки, бир йилда беш-олти “роман” ёзиб ташлаяпти. Китоблари қўлма-қўл ўқиласяпти. Бироқ адабий жамоатчилик унинг номини ҳам эсламайди. Жиддий ёзувчи, тўғрироғи, сўз қадрини юқори биладиган, ёзган асарлари ҳақиқий адабиёт деса бўладиганлар эса ҳамон жиддий асарлар ёзиш билан машғул. Эркин Аъзам, Нормурод Норқобилов, Шойим Бўтаев, Назар Эшонқул, Хуршид Дўстмуҳаммад, Неъмат Арслон, Абдуқаюм Йўлдош, Улуғбек Ҳамдам, Зулфия Куролбой қизи, Кўчкор Норқобил, Уйғун Рўзиев, Луқмон Бўрихон, Исажон Султон ва бошқа ёзувчилар ижод қилишяпти. Уларнинг асарлари манаман деган чет эллик ёзувчиникидан кам эмас. Одамзоднинг қисмати, эртаси, келажаги нима бўлишини ўйлаб қайфураётган, қалби ўртаниб, азоб чекиб ёзаётган адив билан бугун кичкинагина бир фожиавий ҳангомани ёзиб эртаси куни газетада чиқариб, чапак чалиб юрган қаламкашнинг фарқи бор-да, албатта.

– Катта адабиёт кучли танқидчиликнинг шаклланишига таъсир ўтказадими ёки кучли танқидчилик катта адабиётнинг юзага келишига асос бўладими?

– Адабиётнинг равнақида адабиётшунослик, айниқса, танқидчиликнинг ролини инкор этиб бўлмайди. Қизиғи шундаки, булар кўпинча баравар, деярли бир хил суръатда ҳаракат қиласди. XIX аср рус адабиётида даҳо шоири ёзувчилар қаторида Добролюбов, Белинский, Герцен, Чернышевский каби адабий танқидчилар етишиб чиққан. XX асрда ҳам адабиётга қараб танқидчилик кучайган.

Ҳозирги кунда чиндан ҳам, баҳсталаб, мунозаралаб асарлар дунёга келмаётган бўлиши мумкин. Эҳтимол, адабий танқид ҳам шунга яраша, танқидий чиқишлиар эса бор-йўғи мақтов ёки эътирофлардан иборатдир. Назаримда, адабиёт гуллаб-яшнасагина унинг атрофида адабий танқидчилар ўралаша бошлайдилар, адабиётшунослик ўз-ўзидан кучайиб, адабиёт ундан орқада қолиб кетиши мумкин эмас.

– Адаб учун истеъдод муҳимми ёки меҳнат?

– Мен истеъдод ва маҳорат, меҳнатни бўлакларга ажратолмайман. Сабаби, истеъдодли ёзувчилардагина маҳорат бўлиши мумкин. Масалан, Лотин Америкасининг 70-йиллардаги адабиётини ўқисангиз, диктаторлик тизимининг нақадар аянчли фожиалари кўз ўнгингизга келади. Таъсирланасиз. Сабаби, уларнинг тузуми бизникига ўхшар эди... Мана, гап қаерда. Бугун мустақил мамлакатнинг фуқароси – сиз Карпъентер, Борхес, Кортасар, Фуэнтес, Маркеснинг катта-катта асарларини мароқ билан ўқиёлмайсиз. Чунки энди сиз бошқа тузумда яшаяпсиз. Ёзувчининг маҳоратига, истеъдодига тан берасиз, холос.

– Унда қандай асар адабиётда мангу яшаб қолиши мумкин деб ҳисоблайсиз?

– Бу борада ҳам бирон нарса дейишга одамнинг журъати етмайди. Авваламбор, ёзувчи ўз қудрати ва

маҳоратини мукаммал намоён эта билиши лозим. Иккинчидан, хўш, уни эртага кимлар ўқийди, деб ўй-лаймиз. Ҳар бир ижодкор мана шу икки ўт орасида қоврилади, хавотирда яшайди. Нима бўлганда ҳам, ҳақиқий ёзувчидаги яратиш иштиёқи ҳеч қачон сўнмаслиги керак. Энг ёмони – чекиниш, тан бериш. Барибир эзгу сўз, ҳаяжон, ибратли фикр ва унинг юксак бадиий ифодасини топган асар қўпроқ яшашга ҳақли деб ўй-лайман.

Гулноз САТТОРОВА сухбатлашди.

“Хуррият” газетаси, 2009 йил, 20 май.

АСАРЛАР АСРЛАР СИРДОШИ, УНДА АСАР ҚАҲРАМОНИ БИЛАН БИРГА АСР ҚАҲРАМОНИ ЯШАЙДИ

– Бугун адабиётимизда жуда кўп кучли ёзувчилар ва шоирлар ижод қиляпти. Янги дунёқараши, янгича ёндашувлар шаклланаяпти. Бироқ адабиёт фақат адабиёт аҳлиниң таҳлилида қолиши керак эмас. Ёзувчи ижоди кенг омманинг баҳосини олиши керак. Асл адабиёт ўз ўқувчиларини топаяптимикан ёки бироз муболага қиласайтмани?

– Муболага-ку қилмаяпсиз. Ўзи бизда тарғибот ҳам айтарлик эмас. Газеталаримиз анжуманлар, китоб тарғиботлари билан боғлиқ тадбирлар, адабий учрашувлар ҳақида маълумот беришади. Шунинг учун баъзан уларни ўқимасанг ҳам, ҳеч нарса ютқазмайсан. Бир қарашда адабиётда турғунлик, сокинлик борга ўхшайди. Лекин тирик ёзувчи, тирик шоирнинг қиёфасини кўз олдингизга келтириб, ўзи унинг асарлари қандай деб китобхонликка шўнғисангиз, кўп нарсалар топасиз. Тулпор отни улоқ ўйинига қўшмасангиз ёки Кўҳиқофдаги паризодни юртга олиб келиш учун йўлга чиқмасангиз, унинг тулпорлиги билинмайди.

Адабиётда қатор-қатор номлар ва қатор-қатор асарлар пайдо бўлаётгани бор гап. Мисол учун айтаманки, кейинги йилларда аёл ёзувчилар ижодида улкан силжишлар юз берганини эътироф этмоқ керак. Зулфия Қуролбой қизи, Жамила Эргашева, Саломат Вафо, Рисолат Тошпўлатова, Муяссар Тилловаларнинг ҳикоя ва қиссаларини ўқиб кўринг. Жуда жиддий ҳамда истеъдод билан ёзишаяпти. Ҳатто қойил қоласиз. Аҳмад Аъзам кейинги беш йил

ичида жуда кўп асар ёзди. Қисса, роман, эссе, мақолалар чоп этди. Умрининг сўнгги кунларигача жуда катта ишлар қилди. “Ўзи уйланмаган совчи” деган кинороманини бир ҳикоя ўқигандай тез ўқидим. Жонли, тирик образлар, одамлар, тил, ҳаракат, овоз, ўй, қарор ва беқарорлик, ёшларга хос бечидамлик – бу ифодалар ёзувчининг теран қўзи ва бадиий маҳорати билан юзага балқиб чиққан. Чехов ёки Қаҳҳор уни ихчамроқ ҳикоя қилиши мумкин эди, бироқ Аҳмад Аъзамга унинг қисқалиги эмас, шундай жонли ифодаси керак ва эҳтимол, биз каби ўқувчига ҳам. “Тиқин” ҳикояси, “Тугмачагул”, “Ҳали ҳаёт бор” қиссаларини ўқинг. Одамлар ҳаракатини, тилини қанчалик табиий бера олиши мумкинлигини кўрасиз. А.Аъзам прозаси янги, замонавий, ётиб олиб ўрганса арзийдиган проза.

Ёзувчи бор, асар бор, лекин эътибор суст. Биз ҳайратланмаймиз, қойил қолмаймиз, баъзан баракалла деб қўйишни ҳам эплай олмаймиз. Ўзи зўр адабиёт қанақа бўлади? Буни ҳам тасаввур қилмаймиз. Навоий ёки Қодирий ҳазратлари осмондан оёғини узатиб тушиб келишлари керакдек.

Ш. Холмирзаев, Э. Аъзам, А. Аъзам, Х. Дўстмуҳаммад, Н. Эшонқул, И. Султон, У. Ҳамдам, Н. Норқобилов, А. Йўлдошев, Л. Бўрихон, Қ. Норқобил асарларини бирор оммавий хориж тилига ўгириб кўринг. Биз ўзи асли бошқаларга ҳам, ўзимизникига ҳам қойил қолмаймиз. А. Орипов, Э. Воҳидов, У. Азим, Ҳ. Худойбердиева қайси Нобель олган шоирдан кам ёзяпти? Бадиий жиҳатдан бўшми, фикр доираси торми, қалбидаги вулқон уларникидан пастми?

Собиқ Иттифоқ ҳудудида ижод қилаётганларни ҳам матбуот, интернет орқали кузатаяпмиз. Жуда қойил қилишаётгани йўқ. Мен дегани ҳам бизнинг ўртача шоиримиздан баланд эмас.

Бизда адабиёт ҳозирги ҳолида жуда кучли. Фақат унинг кучини бошқаларга билдиrolмаяпмиз: эплаб таржима қилмаяпмиз, тарғибот қилмаяпмиз.

Тўғри, “сариқ матбуот”, юзаки адабиёт тушунчаси бор. Унинг ҳам йўлини тўсиб бўлмайди. Қийин иш. Лекин асл адабиётни ўқийдиган одам хусусий газетани эмас, “Ёшлик”, “Шарқ юлдузи”, “Жаҳон адабиёти”, “Тафаккур” журналларини, “Китоб дунёси”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газеталарини ўқиши, обуна бўлиши керак. Жиддий адабиётни ривожлантириш ҳақида ҳукумат қарорлари ҳам бор. Уларда юқорида номлари тилга олинган нашрлар мактабларда қўшимча таълим жараёнига қўшиб ўрганилсин, ўқитилсин дейиляпти. Аммо натижа ҳаммамизга маълум. Очифи, баъзан маънавиятни, унинг ажралмас бўлаги бўлган адабиётни бутунлай бегона соҳа деб яшаётган раҳбарларни ҳам кўраяпмиз. Бироқ улар адабиётни ҳам, адабий сиёsatни ҳам жуда ёмон кўрадилар! Зотан адабиёт мактабда пухта ўргатилмас, қизиқтирилмас экан, бу соҳанинг келажагига қандай қараш мумкин? Сиз бўлса унинг тарғиботи ҳақида гапирасиз...

– Ёзувчи маҳорати деганда нимани ҳис этасиз? Чинакам адаблик, ёзувчилик аслида нима?

– Баъзи бировлар ёши ўтинқираганда шеър ёзиб, мен шоир эканман, истеъдодим барқ уряпти, деб ҳаммани гаранг қилиб юради. Бекорчиликдан қўп нарсалар ҳаёлга келиши мумкиндири, лекин “бир думалаб” шоир бўлиб қолиш қийин. Назаримда, шоир азалдан бўлади. Баъзан эса ёши қирқдан ўтиб бирор нарсалар қоралаб гўё ақлини пешлаб, ёзувчилар қаторига қўшилиб кетганларни ҳам биламиз. Нима бўлгандаям, ёзувчилик ва шоирлик Қахҳор қатъий ва тўғри таъкидлаганидек, касб эмас, хунар. Шундай бўлгач, у ўта шахсий ишдир.

Хемингуэйнинг, фақат билган, танийдиган одамлар ҳақида ёзиш керак деган ўгити менга ёқади. Билмаган инсон ҳақида ҳар қанча чираниб ёзманг, аввало уни сиз билмаслигингиз аён бўлиб туради. Шундай бўлгач, ўқувчини ишонтиришингиз қийин кечиши табиий.

Ҳа, инсон руҳиятини очиш учун катта маҳорат керак. Ёзаётган одам бу мақсадда қалам ушламайди, яъниким бу одамнинг руҳиятини катта истеъодод билан ифодалашим керак, деб мақсад қўя олмайди. Шу жиҳати билан ёзувчилик ҳоким, вазир ёки фермернинг вазифасидан кескин фарқ қиласди. Жиҳатлар ва жиҳатларнинг жиҳатлари ёзувчига илҳом беравериши мумкин. Руҳият шу аснода очилса, ажаб эмас.

Ижтимоий ҳаёт дегани жуда кенг миқёсдаги тушунча. Ёзувчи одам уни билмай, билишга ҳам қизиқмай иложи йўқ. Лекин аввал ижтимоий ҳаётни чуқур ўрганай, кейин ёзаман, деб ҳам режа тузиб бўлмайди.

Умр – савил қолгур, жуда тез ўтади-да.

Кўпинча тезкор ёзувчи ютади. Қодирийга ўхшаб 25 ёшингда “Ўткан кунлар”дек бир романни қойиллатиб қўйган бўлсанг қанийди!

Биз анъанавий романчиликни, қиссачиликни А. Қодирий, Ойбек, А. Қаҳҳор, Ғ. Гулом, О. Ёкубов, П. Қодиров, Ш. Холмирзаев, Муҳаммад Алидан ўрганамиз. Айнан хорижникига ўхшатиб ёзмоқчи бўлсак, бу бизнинг “бир ёқламалигимизни”, “ғўрлигимизни” билдиради. Адабиёт эса ғўрликни, жўнликни кўтармайди.

Ёзувчидан маҳоратдан ташқари катта руҳ ва йирик йўналиш ҳам талаб этилади. Шекспирона ёзиш учун Шекспирнинг руҳи, толстойча ёзиш учун Толстой руҳи керак. Руҳнинг пастлиги ҳам жўнликка олиб келиши мумкин. Сабаби, руҳ баланд бўлмаса, ўзингиз топган воқеалар уларнинг тафсилотлари орқасидан эргашиб юраверишингиз, ўзингизни енголмай қоли-

шингиз мумкин. Одам асарда ўзининг устидан ғолиб келса, кучли нарса келиб чиқади. “Танҳоликнинг юз иили”да Маркес ўзини енголган. Унга ҳавас қиласман.

- *Истеъдод, ўз маҳоратини намоён этиш учун мазлум бир шарт-шароитлар, албатта, шартми?*

- Истеъдод тўла намоён бўлиши учун қулай шароит зарур, деб ҳисоблайдиганларданман. Толстой ва Хемингуэйлар катта ёзувчи бўлиш учун пул керак, деб ўйлашган. Ёзувчига ўтириб ижод қилиши учун барибир уй керак. Соғлом бўлмаса, яна қийин. Ёзишдан безганда айланиш учун кўча, хиёбон, боғ бўлса яна тузук. Хайриҳоҳ хотин, хайриҳоҳ фарзандлар бўлса, боз устига. Бир жойдан етарли мояна олиб турсанг, Ш.Холмирзаевга ўхшаб зориқиб қолавермасанг... Лекин Шукур ака ҳамма нарсадан ёзишни, Адабиётни устун кўриб яшаган ягона ўзбек ёзувчиси бўлиб қолди.

Тоғай Мурод “Ўзбек ҳалқига ҳайкал қўяман” деб яшади. Хемингуэй фақат ёзиш учун яшаган. Ёзолмай қолган куни ўзини отган. Достоевский ҳаёти эса жуда пала- partiш, ҳеч ҳавас қилиб бўлмайди. Бальзак уйкуга, чарчоққа бас келиш учун совуқ сувли тоғорага оёғини тикиб ёзаверган. Қодирий ва Ойбек шоҳона яшамаган. Лекин Толстойга графлиги, қўшимча сармояси обдан қўл келган деб ўйлайман. “Анна Каренина” ёки “Уруш ва тинчлик”ни ёзиш учун камбағалчилик кўп панд берар эди.

Муболағаларнинг уяси Маркес “Танҳоликнинг юз иили”ни ёзаётганида ҳожатга чиқишга ҳам вақтини қизғанар экан.

З. Сайдносированинг эслашича, Ойбек домла қурсоғида ҳеч вақоси бўлмаса ҳам, оч-наҳор ўтириб ёзаверган.

Бунин, Шолохов, Айтматовнинг яшаш тарзи, ёзиш шароитлари ҳам ҳар хил бўлган. Шоир кета туриб ҳам

ёндафтариға нималарнидир қоралаб, балки шеърни тўлиқ қоғозга тушириб қўявериши мумкинdir, лекин ёзувчи одамга уй ва мояна, албатта, зарур деб ҳисоблайман.

Ижодий маҳсулотнинг қандай бўлиши – бу бошқа масала. Худога шукур дейиш керак, бизда шарт-шароитдан қийналиб қолган ёзувчилар йўқ, шекилли.

Замонавий ёзувчиларимизнинг насрий асарларини назарда тутиб айтаман: жанр хусусиятларига баъзида амал қиласпмиз ёки ҳарқалай, шу ҳолат одамни ўйлантириб қўяди.

Фарб адабиётининг таъсири дейиш, балки, тўғрироқ бўлар. Чунки улар прозанинг эски қолипларини синдиришга уриниш бошлаганига юз йилдан ошиб кетди. Тажриба-эксперимент тарзида ёзилган баъзи бир асарлар бора-бора мумтоз романлар қаторига кирди. Бизда ҳам модерн адабиётига хайриҳоҳлик бор. Бу жараёнга ёт кўз билан қарамаслик керак. Роман ёзиш равишига ўзгартириш киритганлардан бири Омон Мухтор бўлди ва айтиш жоизки, О. Мухтор жуда самарали ижод қилди. Фақат “Шарқ юлдузи” журналида босилган охирги романининг сўнгига ҳеч тушунмай қолдим. Ё ёзувчи ўзи топган мавхумотда адашиб кетди, ёки ақлим ноқислик қилди.

Омон ака бошқа ёзувчиларга ўхшаб роман бошланмасида ўзига объект яратиб олиб, борар манзилини айтиб, бисмилло деб ўтирмай бирданига “газ босиб” кетадиган усул топди. “Алишер ва рассом Абулхайр” деган тарихий романида ҳам бу сезилади. Бир драмасида ҳатто Навоий замонидаги террорчи гуруҳлар ҳақида ёзди. Майли-да, бу насрга ҳам шаклан, ҳам мазмунан турлича ёндошишни билдиради. Улуғбек Ҳамдамнинг тўрт бетлик мини романини ўқидим. Мазмунан қараганда наъматак ўсимлиги тимсолида авлодлар алмашинуви, инсоний муносабатлар, сев-

ги-муҳаббат тарихини ҳам киритибди. Лекин қисқа бир асарни роман дебди. Х. Дўстмуҳаммад беш юз бетлик ҳикоя, икки бетлик романлар ҳақида гапирган эди. Н. Эшонқулнинг “Гўрўғли” романи, қатор ҳикоялари, Исажон Султоннинг “Дарбадар”, “Озод” романларини ўқиб кўринг. Уларда биз кўниккан реалистик адабиёт унсурлари йўқ. Рамзлар, тимсоллар бор. Ёзувчининг фикри, ғояси ҳам мавхумотларга, ишораларга яшириб қўйилган. Реалистик адабиётнинг имкониятлари ҳам кенг, бироқ бошқача руҳдаги, бошқача шаклдаги адабиётга ҳам кўзимизни ўргатишимиз лозим. Чунки дунё адабиётига бирёқлама ёндошиб бўлмайди. Қодирий ўтган асрнинг бошидаёқ ёзишнинг “турлук йўсунларини билмак” тўғрисида ёзган эди. Айни пайтда бор нарсалар, мавжуд ёзилган асарларни ҳам эътироф этишимиз, авваламбор уларни ўқимоғимиз лозим.

Аҳмад Аъзам 1988 йилда “Ўзим билан ўзим” деган бир қисса ёзган эди. Адабиётшунослар, танқидчилар индашмади. Яқинда “Ғулистонга сафар” номли бир роман ёзди. Яна жимлик. Ҳайрон қоласан. Ё одамлар ўқимайдиган бўлиб кетган, ё ўқиган асари ҳақида фикр уйғонмайди. Ҳолбуки, юқорида тилга олинган асарлар янги ўзбек прозасининг намуналари дир. Ёзса ёзибди-да, деб бепарво, беписанд ўтириш ҳам умумий адабий жараённинг сустлигини билдиради.

– Бугунги ёшларнинг ижодий изланишларига қандай баҳо берасиз?

– Ҳозирги ёшлар катта бир оқим бўлиб юзага чиқаётганлари йўқ. Мен уларнинг аксарияти ўқимаслик касалига дучор бўлганидан қўрқаман. Ёзадилар, лекин ўқимайдилар. Бир хиллари эксперимент усулида бир балоларни ёzáди, тушунтир-чи, ўзи кимга ўхшаб, кимга эргашиб бунақа нарса битдинг, десанг, елка қи-

сади. Ҳолбуки, биз буткул бошқа замонга келиб қолгандек. Хабардорлик, огоҳлик керак.

Бу адабиётга ҳам бевосита тааллуқли. Интернетда анча-мунча адабиётлар мавжуд. Ўзбекистон Ҳалқ шоири Ҳуршид Даврон пичоқقا илингудек, жуда кўп асарларни интернетга жойлаштирди. Буям жонкуярлик. Аммо ёшлар на интернет, на китобга эътиборсиз бўлаётгани чатоқ. Интернетга қизиқишиди, лекин асарга, адабиётга эмас.

Йилда бир-икки марта ёшларнинг адабий кўриктанловларида хизмат тақозосига кўра қатнашишга тўғри келади. Айниқса, шоир бўламан деган ёшлар ўқимаслик бобида ҳайратга солишиди мени. Ўсмоқчи-лаб сўраб келсанг, Муҳаммад Юсуфнинг шеърларини ўқийман дейди, унинг ҳам китоблари номини билмай қолади. Аслида у М. Юсуфнинг шеърларини ҳам ўқимаган бўлади, радио ёки телевидениеда шоир шеърлари билан айтилган кўшиқларни эшитган, холос. Бироқ бу орқали ёшларнинг ҳаммасига бир хил баҳони бериб бўлмайди. Изланувчан, катта адабиёт масъулияти билан ижод қилаётганлар жуда кўп. Шодмонқул Салом, Нурилла Чори, Анвар Суюнов, Холёр Сафаровларни алоҳида таъкидлагим келди.

Адабиёт бир жойда депсиниб туриши мумкин эмас. У сокин, бир ўзанда оқаётган дарёдек бўлиши мумкин. Катта истеъодлар чиқса, бу дарё тошади, тўлқин отади, ўзани бошқа ёқларга кетиши ҳам мумкин.

Мен шахсан шундай бўлишига доим ишониб яшайман.

Феруза ТЎРАЕВА сұхбатлашди.

“Китоб дунёси” газетаси, 2013 йил, 14-сон.

ЁЗУВЧИННИГ ЖОНСҮЗИ

Собир Ўнар деганда “Чамбилбелнинг ойдаласи”, “Бибисора”, “Инқилоб кечаси” сингари анъанавий йўлда қиссалар битган, ўзининг оҳанги, тили, ифода йўсигина эга бўлолган истеъдодли адибни биламиз. Ушбу қиссалардаги кенглик, хулқ-атворнинг уйғунлиги, бенихоя ўзбеконалигидан ва бунинг ройиш, табиийлигидан бир бошқача завқ ҳам туямиз. Гоҳо муаллиф ва қаҳрамонлар тилининг аралашиб кетишидан ошдаги тошдай озорланамиз ҳам. Аммо илҳом ва айтмоқчи бўлган фикр залвори билан ўз ўзанига тортиб кетолади.

Ёзиш эҳтиёжи, ижод палласида сиз учун энг муҳим НАРСА ҳақида ва бунга туртки бўладиган куч манбаси хусусида ўзингиз англаганларингиз нималардан иборат?

Ёзишни эътиқод даражасига олиб чиққан адибларни биламиз. Шукур Холмирзаев шундай эди. У одамнинг суҳбатдошига ҳангома йўсинидаги гапириб бераётган воқеаси ҳам тап-тайёр асар ёки бўлғуси асарининг пишиб етилган сюжети бўлар, ўзи ҳам шуни яққол англагани ҳолда аввалдан эшитувчидан “Шу ҳикоя ўзи қалай?” деб фикр сўрашни ҳам эп кўрар, қисқаси, ҳаётдан Адабиётни устун кўрарди. Ундоқ бўлиш қийин: биз кўпинча ҳаёт ундовларига анчайин бўйин эгиб яшаймиз.

Шукур ака жуда кам одамгагина насиб қиласидан профессионал ёзувчи эди. Ижобий маънодаги артистизм (санъатдир, балки) билан реал ҳаётни моҳирона пайванд қила оларди. Шу боис “Бу кишим устоз, биз шогирд...” деб аталувчи қарийб 400 бетлик эссеси ҳам эзмалик бўлиб туюлмайди. Айтмоқчиманки, нима

ҳақида эмас, қандай ёзмоқ – шу муҳимроқ. Юрган йўлида ҳам ҳикоя ёзиб юрадиган ёзувчи эди Шукур ака.

Буни кимгадир иддао қилиш учун эмас, шу орада куймаланиб, керак бўлса интилиб юрган бир ишқибоз-нинг ҳаваси маъносида айтяпман, холос.

Энди бевосита саволингизга келсак, ижодга туртки бўлувчи куч манбаси – сабил қолгур, у кўринмас бир бало-да. Кўпинча болалигим ўтган овлоқ манзилларда хаёлан улоқиб юраман. Ҳолбуки, у ерлардан узилиб кетганимга ўттиз йилдан ошибди. Уста Худойим бўлса кўнгил риштасини ўша ёқларга, қадим ҳаётга маҳкам боғлаб ташлаган. Эҳтимол, шуниси ҳам тузукдир. Дастребки ҳаёт, дастребки эртак, биринчи бировнинг кўмагисиз эшакнинг узангисига оёқ қўйиб эгарга тўрғайдай ғоз ўтириб олишинг – булар ва буларга ўхшаган қунлар, манзаралар, ҳатто ҳидлар, ёлғизоёқ йўллар, вақт, унинг ўта шафқатсизлиги, яъни бир лаҳзага ҳам ортга қайтмаслиги ва... яна кў-ўп нарсалар. Балки, шулардир... Балки, бошқа нарсалардир. Билмадим. Бир куни ўз-ўзидан “Субҳоналлоҳ” сўзи миямга, йў-ўқ, юрагимга ўтириб қолди. Чоллар савоб умидида кунига юз марта “субҳоналлоҳ” деб тасбех ўгирадилар, маъносини ҳам биласиз: Аллоҳ покдир. Худо яратган маҳлуқларнинг, одамзоднинг нафси бор, ейиш-ичиши бор, ундан сўнг маҳлуқотга тегишли ҳар турли ишлари бор. Покми улар? Ул зот эса буларга беҳожат – жуда тоза, пок! Ўз-ўзимдан шуни ўйлаб ўртандим. Ўзимча бир ёқларга адашиб кетиб ҳам қолдим. Таъсирландим-у, бирор нарса ёзолмадим.

Айтмоқчи бўлган фикр зўр бўлади. Аммо бунга материал етмаса қийин. Яъни материал билан фикр мувофиқ келмаса, бир иш қилиб бўлмайди. Айниқса, каминага ўхшаб илҳом кутадиганга яна қийин.

“Бибисора”ни ёзишдан аввал “Севги ҳам мафкурага бўйсундирилса-я!” деган ғалати бир гап миямга

уриб қолган эди. Сўнг туманлар тарқаб, болалик томонлардан, ўзимнинг ҳаётимдан бир қучоқ материал келди. Хурсанд бўлиб қоғозга тўкиб қўя қолдим. Сизга шуларни сўзлаётибман-у, яна бир далил билан фикримни исботлаб қўйгим келди. С.Ҳакимнинг “Бола ботир” достони уюшмада муҳокама бўлди. Фалсафий нуқтаи назардан ҳам, умуман, асар сифатида ҳам пишиқ, бақувват чиққан. Унга ҳам туртки бўлган нарса болалик хотиралари. Бундай ҳолат ҳар куни эмас, ҳар замонда бир бўлади-да.

– Бирор нарсани тинмай инкор қилаётган кишида ўша нарсага маълум маънода ишонч бўлади. Адабиёт ҳам қай маънода инкор ёки тарғибдир. Адабий эътиқод, деганда қўнгилдан нималар кечади?

– Қаламга олинаётган мавзу, обьектнинг ўзиёқ муаллифнинг ўқувчига уқтираётган ғоясини билдиради. И.Буниннинг “Антоновка олмалари” деган ҳикоясини ўқиган чиқарсиз. Ғоясизликми, нимадирдай туюлиб кетади. Ёзувчи рус ерларини, анди-афанди одамларини, олмаю боғларини батафсил, бир оз эзмалик билан тасвирлайверадики, барибир ёзувчининг ўзгача бир муҳаббатини ихтиёrsиз суратда пайқаб турасиз. Ғоянинг ўзи шу аслида.

Айтматов ижодига батафсил сер солганда жаҳолатни буткул қоралаганини, Маркеснинг эса диктатура, зўравонликка жон-жаҳди билан қарши турганини сезасиз. А.Қодирийда дард, севги, ғоя – бари изчил алпозда уйғунлашиб, миллий заминга чуқур ботиб кетганини кўрасиз. Одамлар, Кумушнинг “гунгурт қора” сочи, Ўзбекойимдай ҳовлиқма бир хотиннинг калта ўйлаши, шу баробар ҳадеб оила шаънини иддао қилавериши, Юсуфбек ҳожининг ҳамма нарсага ақли етгани ҳолда истагини амалга оширувга мудом қўли калта келавериши, Отабекнинг буткул аҳволоти – бари

реаллик, жонли ҳаёт, энг муҳими, ўзимизники, керак бўлса, бугунгига кўп ўхшаб ҳам кетаверадиган дардисар ҳаёт.

Назаримда, сўзни бехуда исроф қилмаслик бугун адабиётда тағин кун тартибига чиқаётир. Образларимиз жуда кўп гапирадиган вайсақиларга айланиб бормаяптими? Тушунарсиз ҳолатни тушунтириб берамиз деб ўзимиз ҳам обдан уриниб ётганга ўхшаймиз. Биз Европа, Лотин Америкаси адабиётини бир қадар ўқияпмиз. Уларга очиқ юз билан қарашимиз керак. Профессионализмни, ҳолат, сўз, фикр, манзарани қайтарзда ифодалашни барибир ўрганишимиз лозим.

Баъзи бир ёзувчиларимиздаги зўракиликни, ноғабий – сунъийликни кўриб, руҳий кучларига ҳавас қилган ҳолда даҳолик табиийликка дахлдор эканига иқрор бўлавераман. Ҳазрат Низомий Ганжавий “Хамса” ёзиш учун 20 йил дaraohт тепасида чилла ўтириб сўз битгани ҳақида ривоят бор. Навоий бобомиз бўлса қўлтиққа болишни қисиб атиги икки йил бадалида – 1483–85 йиллар оралиғида энг мукаммал беш достонини битди.

Баъзан ҳаётдан Адабиёт кучли бўлиши мумкин. Навоийнинг ижоди ҳаётдан кучли. Эртанги кунни муносиб башорат қила оловчи асарлар ҳам бугунги яшаб турган ҳаётимизни ўзгартиришга ишорат қиласиди. Бу жиҳатдан ҳам ҳазрат Навоийга таъзим бажо қиласиз.

Худо берганлар-ла ҳазиллашма сен:

Худо берганларга Худо берибди!

Шиддатли давр оқими ҳам даҳоларни юзага чиқариши мумкин. Урушлар, инқилоблар, чексиз зулм ва мусибатлар ҳам истеъдодларни пайдо қиласиди, албатта. Чунки бекиёс нафрат ҳам одамзодга тийиксиз руҳий қувват бера олиши табиий. Шолоховдай гениал адабни мен давр, давр билан боғлиқ ўзининг тақдири пайдо қилди, деб ўйлайман. У колхозлаштириш

(“Очилган қўриқ”), инқилоб (“Тинч Дон”), уруш (“Улар ватан учун жанг қилдилар”) тўғрисида асосан учта асар ёзди ва тариҳда қолди.

Навоий бобомиз эса ўзаро майда уруш, низолар даврида яшаса-да, қўлига қилич олиб уришмади. Дўстти Хусайн Бойқаро ҳомийлигида асосан тинч яшади. Бу унинг даҳоси юксалишида ва намоён этилишида юксак имкон бўлди, холос.

Бизнинг йигирма икки йиллик Мустақиллик тарихимиз ҳам кам муҳлат эмас аслида. Худо хоҳласа, бундай осойишта, тўқис шароит ҳам бағрида улуғ ижодкорларни етиштираётган бўлса, ажаб эмас. Бу ҳам табиий ва қонуний ҳолат.

Саволга қайтиб шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозим: ёзувчининг ўзида аввал эътиқод бўлсин. Яъни Худони танисин. Бошқалари бундан кейинги юмушлар. Бирорга ахлоқсизликдан, гуноҳдан тийил, деб айтиш учун аввало гап эгасининг иймон-эътиқоди бардам бўлгани тузук-да. Бир вақт мен шу газетада Б.Каримнинг “Далойил” ўқиётган Юсуфбек ҳожи” деган мақоласини ўқиб эдим. “Далойил”ни маълум бир даражага етган олим инсонларгина мағзини чақиб мутолаа қиларкан. Бу энди ўз-ўзидан Қодирийнинг даражасини ҳам белгилайди.

– Замон қаҳрамони, сизнингча, ким ва унинг адабий қиёфасига ёндошганда қандай тасвирламоқ лозим? Бу, албатта, ёзувчи маҳоратига қараб ўз натижасини белгилайди. Сизнинг замон қаҳрамонингиз ким?

– Рус танқидчилари XIX асрда “Обломов” асари дунёга келганида у мешчан, майшатпараст, хомсемиз зотни “Ана, замонамизнинг қаҳрамони, ҳақиқий рус қиёфаси” деб таърифлашди. Лермонтов “Замонамиз қаҳрамони” деб қисса ёзган эди, танқидчилар “Дарвоқе, замонамиз қаҳрамони шу бўлади” дейишли. “Ев-

гений Онегин" поэмаси яратилганда эса Онегиннинг барча ахлоқий жиҳатларидан қатъи назар "ҳақиқий рус башараси шу-ку" деб қолишиди. Демоқчиманки, адабиётда қаҳрамонлар яратилаверади. Улар қайси-дир фазилатлари ёхуд қусурлари билан типдирлар. Аммо, таассуфки, бизнинг мустақил замонимизнинг қаҳрамонлари ҳали тўла бўй кўрсатгани йўқ. Шукур aka "Динозавр" романида интеллект-зиёлиниг янги замондаги аҳвол-руҳиясини, фожиасини ҳам кўрсатиб бера олди, лекин романнинг ўзи ўқувчи қўлига етиб боргани йўқ.

Назаримда, бадиий насрда қаҳрамон масаласи бир қадар турғунлик касб этаётгандай. Лекин, албатта, у яратилади, балки, яратилаётгандир. Ўзбек деган миллат асрлар давомида илк марта дунё ҳамжамиятида мустақил давлатман, деди, ғурури, шаъни, ор-номуси билан бирга меҳнаткашлиги, фидойилиги, раҳбарлиги, ихтирочилиги, ижодкорлиги, маданияти жиҳатдан халқлар ичida бирордан зиёд бўлса зиёдки, асло кам эмаслигини аён этди. Эҳтимол, бундай кезда бадиий публицистика, ҳужжатли наср ҳам байроқдор бўлиши мумкин эди. Ахир, ёзувчиларимиз қат-қат очерклар, узундан-узун мақолалар ёзиб қизил Шўрони керагидан ортиқ мақтаб обрў ва мукофот олар эдилар. Бугун ундай мақтов-мадҳиянинг замони бўлмаса ҳам, ёзувчи ўзининг мустаҳкам позициясини билдириб матбуотда тинимсиз холис фикр билдириб, керак бўлса, бадиий-публицистик асарлари билан мунтазам қатнашиб туриши керак. Чунки ёзувчи барибир ўз асари, чиқиши орқали одамлар онгига таъсир ўтказа олади. Сабаби, халқ ёзувчиларни пешқадам зиёли, энг ақлли инсонлар деб тушунади. Фаоллашиш зарурияти бор бугун.

Яна бир гапни илдириб ўтсам: гоҳида ёзилган, маълум маънода ўқилаётган асарларни ҳам биз пи-

санд қилмай қўйғанмиз. А.Аъзам, Э.Аъзам, Х.Дўстмуҳаммаднинг қисса ва ҳикоялари ибрат олса бўлгумлик. Айниқса, Аҳмад аканинг чин улфат сұхбатдошдай ҳикоя қилиш усули каминага жуда маъкул келади. Насрни ҳаётнинг ўзига олиб тушиб, мушоҳада қилишни ўргатадиган ноёб усулни бошлаб берди. Аслида, бу ҳам профессионализмнинг, юксак истеъдоднинг белгиси. Биз баъзида, айниқса, бироннинг юбилейи арафасида асарларини мақтаб қоламиз. Лекин эртаси кундан бошлаб ҳеч нарса бўлмаган каби бу ҳақда лом-мим демай кетаверамиз. Яхши асарни ўз вақтида эътироф этиб, баҳосини бериш ҳам фазилат, аслида.

– Кишиларимизни, айниқса техник тараққиёт ва ёпирилиб келаётган “оммавий маданият” бўҳронларига пок, ишонувчан назар билан қараб турган ёшларни китобга, адабиётга, яъни эзгуликка қайтаришдек дол зарб муаммо бугунги қун адабини ҳаммадан ҳам кўпроқ безовта қилса керак...

– “Оммавий маданият” деган гапни ўзимиз қўп ишлатсак ҳам, унинг таъсири ва асорати ҳақида етарлича жон куйдирмаётганга ўхшаймиз. Энг ёмони ҳисизлик. Фарбда, балки, ирғишлиб ўйнамоқ аввалдан одатдир. Американинг аввал-бошдаги эгалари ҳиндулар ҳам ўз одатига кўра ирғишилаган чиқар. Бу энди унинг феъли, ўрганган расми. Бора-бора тор, енгил, калта кийимлар урф бўлиб, ҳаракатлар ҳам бир қадар такомил топган кўринишга кириб, бўксани ликиллашиб даражасига чиқди. Ўғлимиз ё қизимиз базмларда, дўстининг тўйида чучмал қўшиқнинг чучмал мусиқасига боягидай ликилловчи ҳаракатлар билан ўйнаб кетса, “оббо” дейиш ўрнига қувватлаб турамиз. Тутуруксиз қўшиққа бефарқлик у ёқда турсин, уни тарғиб қилишга ҳам киришиб кетиб, бу ҳам етмагандай чапак чаляпмиз. Мақом, лирик қўшиқлар яхши, қолгани бе-

кор дейишимиз ҳам маҳдудликдир, балки. Дунё эстрада юлдузлари, хусусан, Майкл Жексон ижодида ҳам эзгуликка, инсонийликка дахлдор нималарнидир кўрамиз. Ўзимиздаги Б.Зокиров, К.Раззоқова, Р.Шарипова, М.Шамаева, Ф.Зокиров, Э.Қандов эстрада қўшиқларида одамга ёқувчи ритмика, авж, эркалаш, севги, халқона оҳанг ҳам бор. Бошдан-оёқ шаталоқ отишга мўлжалланмаган.

Адабиётда, алалхусус, шеъриятда ҳам М.Юсуф раҳматликнинг чўнтағидан тушиб қолган бир тўда бор. Ўқимаслик улар учун фазилат. Савиясизликнинг ҳам уччига чиқиб олишган. Фалон қўшиқчи менинг шеъримни айтяптими, демак, зўрман дейди. Улар чиқиб олаётган дарахт шохларини силкитиб туриш керак чоғи...

– Бугунги адабий жараёндан қониқасизми? Farбда чинакам адабиётга бўлган талаб ва эътибор жуда ноҷор, деб эшишганман. Ҳаммаси енгил-елпи бизнес-шоу туркумидаги “тезпишар” йўлга тушиб кетган эмиш. Бугун ёшларга, адабий жараёнга ўзимиздаги муносабат тамоман бошқа. Шундай бўлса-да, йилига камида ўнта етук роман, йигирмалаб қиссаларни журналхонларга тақдим этажётган “Жаҳон адабиёти”, адабий асарлар тарғиботида етакчи бўлган “Ёшлик”, “Тафаккур”, “Шарқ юлдузи” журналларининг жами ўқувчиси эллик минг ҳам чиқмас-ов. Гарчи, дунёning бирорта нуқтасида биздагидек мамлакат миқёсида “Китоб ҳафталиклари”, маънавият тадбирлари бўлаётгани ўйқ. Бу ҳолни қандай изоҳлайсиз?

– Замонавий давлатчилик сиёсатида маънавиятга, унинг ўзак-асосини ташкил этувчи адабиётга ўта муҳим йўналиш сифатида қаралиб, давлат раҳбарининг ўзи кўз-кулоқ, ҳомий бўлиб туриши бирон жойда йўқ. Президентимиз аввалбошдан теран маънавий

илдизларимиз, улуғ аждодларимизнинг бой меросига эҳтиром, улардан ёшларимизни маънан баркамол, эътиқодли, одоб-ахлоқли қилиб вояга етиширища кенг фойдаланиш, дарслик соатларига киритиш сиёсатини юргизиб келади.

Гарбда чинакам адабиётга бўлган талаб ҳам, эътибор ҳам илгаридек – ночор деб секин айтасизми – умуман бўлмаган. Уильям Фолкнер кун кўриш, тирикчилик ўтказиш учунгина кинога мослаб роман, киноқиссаларга қўл уриб турган. Ўша асарлари жуда тез тарқалиб қўлига мўмай пул ҳам кирган. Лекин вақт ўтиб тағин жиддий адабиёт билан машғул бўлганида яна эътибордан қолган...

Достоевский шўрлик энг машхур романларини ҳам буюртма билан – аввал қалам ҳақини олиб, сўнг ёзишга киришган пайтлари бўлган.

Шайх Фариддин Аттор минг йилдан ҳам наридан бир нақл келтиради:

“Жаъфари Содик бир неча муддат хилватда ўтириди. Сўфий Саврий унинг олдига келди.

– Эй Расули Аллоҳ авлоди, Сизнинг насиҳатингиздан халқ маҳрум бўлиб қолди. Нега узлатни ихтиёр қилдингиз? – деди.

У жавоб берди:

– Бу замона фосид бўлиб, мўминлар кўнгли ва эътиқоди ўзгариб кетди. Шу сабабдан узлатни ихтиёр қилдим, буларга насиҳатим кор қилмас!”

Улуғ авлиё, комил пир Жаъфари Содикнинг ҳазрати Алининг невараси эканига эътибор қаратсан, бундан ўн икки аср нарида ҳам одамларнинг бузилиб кетганидан нолиш бўлганига имон келтирасиз. Ҳолбуки, ундан сўнг мартабаси Жаъфари Содикдан кам бўлмаган юзлаб пиру комиллар, авлиёлар яшаб ўтдилар ва биргина Нақшбандий силсиласи ҳозирга довур давом этиб келади. Замондан қониқмаслик ҳам бизга ота-

мерос эканми, деб қўяман-да. Аммо бу далиллардан қатъи назар, ўтган аср 80-йиллар китобхонлиги билан бугунгисини таққослаб бўлмайди. Яқинда 28 ёшга кирган бир инсонга “Толстой деган ёзувчи асарларини биласизми?” деб савол бериб, елка қисганини кўриб ҳайрон қолдим. “Балки Толстой деб эшитгандирсиз?” десам, яна ўша аҳвол. “Рус тилини билмассиз, шунинг учун эшитмаган чиқарсиз” деб ёлғондан вазиятни юмшатишга уриндим-у, унинг мақтанганнамо “умуман билмайман” дейишини кўриб негадир ўзимни ҳам ёмон кўриб кетдим: шунча тиришиб-тирмашиб ёзиб ётган адиллар аслида лайлак ҳайдаб юрган экан-да...

Тўғрисини айтай: у инсон олий маълумотли эмас, бироқ ўрта маҳсус таълим эгаси, мактабда (қишлоқда, албатта) дарс беради.

Бунаقا жоҳилларни беихтиёр ургинг келади. Адабиётга дахлдор нашрлар, алалхусус, журнallарнинг жами нусхаси 25 мингга ҳам бормайди. У ёғини сўрасангиз, Россия адабий нашрларининг аҳволи бизни-кидан анча хароб. “Ёшлик” журналининг шу йилги 3-сони 6660 дона чиқди. Журнал қўлдан қўлга ўтиб ўқилишини ҳисобга олсак, ўқувчилар сони бундан кўпроқ дейиш мумкин. 150 миллиондан ортиқ ҳалқ яшайдиган Россиядаги нуфузли “Дружба народов”, “Новый мир” журнallарининг адади бизни-кидан анча кам. 1988 йилги бир маълумот эсимда: Бутуниттифоқ журнали ҳисобланмиш “Юность”ники 400 мингтага етмагани ҳолда “Ёшлик”ники 800 мингдан ортиқ эди. Демоқчиманки, китобхонлик масаласи ҳаммага теккан “касаллик”, лекин ўзбеклар ҳеч вақтда адабиётдан йироқлашиб кетмаган. Бизда тинимсиз суратда китобхонлик ва маънавий тадбирлар – уларда шоир-ёзувчилар, уларнинг асарлари, адабиёт тарғиботи масаласида гап бўлгани боис оммалашувига таъсири бор, албатта.

- Ҳозирда нашриётларимиздан бешинчи синф ўқув-чисининг шеърий тўплами ҳам, Ҳазрат Навоийнинг тўла асарлари ҳам нашр этиляпти. Буни "Майли-да, ёмон йўлга кириб кетмай шеър ёзса яхши-ку" деб баҳолайдиган устозларимиз бор. "Ёшлик" журналининг "Неваракулча", "Биринчи учрашув" рукнларида бериладиган асарлар даражасида ҳам гоҳо ўша "Майли-да..." дегандек муносабат кўриниб қолади... Тўғри, бу катта мавзу, аммо...

- Навоий даврида "Ёшлик" журнали тугул мана-ман деган шоирлар шеърларини жамловчи баёзлар ҳам йўқ эди. Китоблар сони ҳам хаттотларнинг қўл меҳнати ва заҳматига боғлиқ экани уларнинг нусхалари жуда кўп бўлмаганидан, демакким, асосан хослар ўқиганидан далолат беради. Ҳазратнинг ўзи қолдирган маълумотларга кўра эса ўша вақтда Мовароуннахрнинг ўзида юзлаб етук шоирлар баравар ижод қилишган, нафис мажлислар тез-тез бўлиб турган. Шундоқ экан, савол-да энди: кимлар қолди?

Бугун аниқ статистик маълумот олишга бошингиз қотар, бироқ минглаб шоир-ёзувчилар ижод қилишадигани ва улар учун юзлаб матбуот минбарлари, яна юзлаб нашриёт эшиклари очиқ тургани ҳам бор гап.

Бу яхшими, ёмонми?

Аввало яхши дейишимиз керак! Чунки рағбат бор, сўз айтишга эҳтиёж бор. Конституциямиз белгилаб кўйган сўз эркинлиги мавжуд. Бу эркинлик юз йил давомида бўғиб ҳам келинган эди-ку. Ватан ҳақида шеър ёзишдан аввал, албатта, халқлар дўстлиги масаласини ўйлашинг керак эди. Қалбингда Ўзбекистонни севсанг ҳам, шеърингда собиқ иттифоқни куйлашинг керак эди.

Вақти-замони келиб А.Ориповга, Э.Воҳидовга муносаб издошлар етишиб чиқишининг ўзи катта гап. Бизда, муҳими, ижодий пойdevor, база бор, давлат етарли шарт-шароит яратди. Яхши асарлар ёзиш керак, холос.

“Майли-да...” Аввал ҳам шундай эди, энди... Сиранини айтганда, “Ёшлик” адабий матбуотнинг битта тури, холос. У бир ўзи умумадабиётга қараганда жуда устун туриши ҳам мантиқсиздир. Лекин имкон қадар баланд савия учун интиламиз. Бу ҳам бор гап.

- Собир ака, сиз профессионализмни адабиётнинг муҳим ҳодисаси сифатида қадрлайсизми, дейман-да. Ҳозирги сұхбат асноси ҳам бир неча бор бу сўзни та-рорладингиз...

– Тўғри, мен профессионализмни ёзувчининг бирламчи маҳорати сифатида қабул қиласман. Дейлик, унча оламшумул бўлмаган воқеалар ҳақида ҳам жуда яхши асар битиш мумкин. Шоша-пиша ваҳимали мавзуда, тез обрў олиш истагида ёзилган асардан зўр бир табиат манзарасини сўз маҳорати билан чизиб берган адиб қатрасини баланд кўйишим мумкин.

Русларда профессионал ёзувчилар кўп: Паустовский, Катаев, Казаков, Пришвин, Шукшин, Бунин, Бондарев... Бизда, иккиланмай Шукур акани тилга олиш мумкин. У киши ҳикоясида, овга чиқса, тезроқ бир ҳайвон чиқса экан, отақолса экан, деймиз. Бу сизнинг анъанавий ҳикоячиликка кўнишиб қолиб, бошқасини қабул қилолмаётганингизни билдиради. Адиб эса атайлаб сизни бошқа ёқларга етаклаб юради.

Сетон-Томpsonда ҳайвонлар ҳаётини одамникидай қизиқарли қилиб тасвирлаш маҳорати бор. Ш.Холмирзаевнинг “От иили” қисссасини ҳам шу қаторга киритардим.

А. Аъзамда диалоглар табиийлигини, ҳолатларнинг йўсинини керакли сўз ва деталлар воситасида жонли ифодалаб бера олиш устунлиги бор. Воқелик билан бошқа воқеликни боғлашда ҳам, туйғуларнинг кечиши ва отини айтишда ҳам ажабтовур услублар

қўллади. Булар бариси бир сўз билан профессионализм дейилади.

Қадимда достончи, қиссагўй оталаримиз бўлган. Бири жуда қизиқ воқеани нўноқлик билан сўзласа, бири унча эътибор берилмайдиган жиҳатлари билан обдан гапни оборади: ўзи ҳам кулади, бошқаларни ҳам кулдиради ёки ўзи жиддий туриб бошқаларни кулдира олади. Ўзи кулиб туриб тингловчиларни йиғлата оладиганларни ҳам кўрганман. Ўзингиз ҳам биласиз бундайларни, бир эсланг. Профессионализм ҳам тахминан шу нарса.

– Сир бўлмаса, айни дамда қандай асар устида ишлайпсиз? Адабиётга содиқлик инсонпарварликка, ватанга эътиқод, садоқатдир, деган гапга қўшиласизми?

– Амир Олимхон давридан бир йирикроқ нарса ёзаман деб юрибман. Материалим камроқ. Фрунзе 5-6 та тўп отиб Амирни мағлуб қилган ва амирликнинг жами олтинини 26 та вагонга юклаб Петербургга жўнатган. 26 вагон кўмирни ўйланг сиз: дунёга сифмай кетади-ку. Амир Темур дунёning асосий қисми ни эгаллаганида шунча бойлиги бормиди, йўқмиди? Олимхон бўлса, фитнага лақقا тушиб, бир ёқда Ф.Хўжаевга мушт ўқталиб, бир ёқда фақат хотинбозлик билан андармон бўлиб юраверган. Россия тумшуғининг тагига келиб қурол ўқталмагунча пинагини ҳам бузмаган. Охири шармандаларча қочиб, халқига, ватанига зор бўлиб хорижда ўлиб кетди. 26 вагон олтиннинг бир халта тошчалик аҳамияти қолмади. Бу заҳматкаш халқ эса оч эди, курашишга қурол-яроғи йўқ эди. Фикри ожизимча шунча бойлигу олтин эвазига халқни, Ватанини, керак бўлса, ўзини ҳам ҳимоя қилишга масъул эди у одам. Шахс сифатида фидойилик қилишга мажбур эди. Биз амирни шу юртнинг ҳимоячиси сифатида ҳам эслашимиз мумкин эди-ку. Хуллас, Ватанга хиёнат

қилганларнинг феъл-авторлари ҳақида гап кетади.
Гап жиддий нарсани эплаб яхши ёзишда. Қийини шу.

Чамаси саволингизнинг кейинги қисмига ҳам шу
жойда жавоб бор.

Шодмонқул САЛОМ сұхбатлашди.

БАДИЙ ЮКСАКЛИК САРИ

Мұхтарам Президентимизнинг “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласида шундай муроҳаза келтирилади: “... бугунги кунда ёзувчиларнинг машаққатли ижодий меҳнатини түғри ва адолатли баҳолаш учун давлат ва жамият томонидан яна нима иш қилиш керак, деган савол устида ўйлашимиз даркор. Аслида бу ўта мураккаб масала бўлиб, очиғини айтганда, бир ёзувчига юқорироқ, бошқасига эса пастроқ баҳо беришда ҳакам бўладиган одам ҳам, аниқ мезон ҳам йўқ.

Бундай вазифани ўз зиммасига оладиган кишилар, менинг назаримда, жуда оғир ва мушқул ишни ўз зиммасига олган бўлади. Нега деганда, инсоннинг ҳиссиётлари, унинг чексиз руҳий оламини тасвирлаб берадиган, не-не буюк донишманлар ҳам ожиз қолган бу ҳаётнинг азалий ва абадий саволларини акс эттирадиган ижод соҳасида қандайдир мезон ва меъёрлар механизмини ишлаб чиқишнинг ўзи қийин нарса.

Айтайлик, заводда ишлаб чиқарилган буюм – соат ёки машинанинг сифатига баҳо бериш мумкин, лекин ижод маҳсулига шундай баҳо бериб бўладими? Агар бу масаланинг моҳиятига түғри етиб борилмаса, ялт этган ёш истеъдодга муносиб баҳо берилмаса, уни ижодий ишдан совутиб, қобилиятини сўндириб қўйиш ҳеч гап эмас. Бу эса гавҳарнинг қадрига етмасдан, худдики уни тупроққа қўмиб қўйиш билан баробар, десак хато бўлмайди.

Хулоса шуки, адабий жараёнга, шоир ва адиллар фанологиятига баҳо беришда ўта нозиклик ва эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак.

Менга қолса, ўз истеъдоди, қўз нури ва юрак қўрини, бутун борлиғини бағишилаб, фақат ижод билан шуғулланадиган ҳақиқий ёзувчиларни моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаш учун уларга барча шароит ва имкониятларни яратиб берган бўлардим”.

Ёзувчи Собир ЎНАР билан мулоқотимиз айнан шу масалалар атрофифда бўлди.

- Собир ака, адабиётнинг бугунги кундаги вазифаси нима? Ёзувчининг жамиятда тутган ўрни қандай?

- Адабиётнинг вазифаси... одамнинг қалбига таъсир кўрсатиш, туйғуларини тарбиялаш, натижা ўлароқ одоб-ахлоқини тўғирлаш. Бу айтишга осон. Башияятни, аслида, диний йўл-йўриқлар йўлга солади. Шариат одамнинг маънавий йўлини белгилайди. Адабиёт шунга ёндош хизматчидир. Бироқ унинг кўлами шу қадар кенг ва қўли узунки, муаллифлардан минг чақирим наридаги ўқувчининг қўлига тушиб юрагини ларзага солади; Навоий 550, Қодирий 90 йил наридан туриб дилларни юмшата олади, дунёни, ҳаётни, тўғриликни, инсонни, эзгуликни севишга ўргата олади. Бинобарин, бугун ҳам адабиёт бу улкан юмушдан бўшагани йўқ. Аксинча, у бугун жаҳолат билан икки ҳисса кўпроқ курашишга мажбур. Чунки оммавий маданият хуружи, глобаллашув жараёнининг салбий оқибатлари ёзувчи ва шоирнинг маънавий позицияси тағин ҳам мустаҳкам бўлишини талаб қилмоқда. Мафкура полигонлари кутилмаган жойларда пайдо бўлаётир. Адабиёт – ғоя. Шунинг учун у азал ва асл ғоясини залворли тарзда ҳимоя қила билмоғи керак. Ёзувчи ижодкорнинг жамиятдаги мавқеи ҳам шу билан белгиланади.

Эътибор берсангиз, дунёning деярли барча давлатларида адабиёт ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Давлат у билан шуғулланмайди, яъни ҳомийлик кўр-

сатмайди. Бизда бунинг акси. Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида адабиёт маънавиятнинг асоси сифатида баҳоланади, адабиёт дарғаларининг ҳаёти ва асарлари мисол қилиб келтирилади.

Давлатимиз раҳбарининг бундан 5 йил бурун битилган “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласида ўзбек адабиётига, аҳлларига ғамхўрликнинг ҳамма жиҳатларини кўрамиз. Кекса авлод вакилларидан тортиб ҳаваскор ёшлар ижодини қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш кўзда тутилгани ҳамда амалга оширилаётганинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бундай юртда адабиёт иқтисодий баҳслар талотўпида қолиб кетмаслигининг, унинг ривожига давлат раҳнамо эканининг белгиси бу. Яхши асар беиз қолиб кетмайди. Адабиёт тараққий топади. Шундай бўляпти ҳам.

– Асарларингиздаги ҳаётийлик, қишлоқ одамлари сиймосини қўриб, ўзбек бўлиб дунёга келганингдан фахрланасан. Одамни юртсевар бўлишга ундейдиган омил ҳақида сўрамоқчиман.

– Бир-икки яхши фикр эшитгани билан ижодкор яхши ёки маҳоратли бўлиб қолмайди. Асарда одам ростгўй бўлади ёки аксинча, билиб-билмай адабий ёлғонлар тўқиёди. Бошдан ўтказилган ҳодисотлар қаламга олинса, инсон таъсирчанроқ сўзлайди, аввал ўзига тақдирдош одамларни, жойларни, фожиа ҳамда баҳтли кунларини кўз олдига келтиради, табиийки, уни ўз ҳолича тасвирлайди: бўяйди, бежайди, тўқиёди, муболаға қиласди, бадиий ғоясига буйсундиради, бироқ ёлғонга қараб ўтлаб кетмайди. Албатта, оз миқдорда ёзиб бирон нарсага эришган бўлсам, ўзим яхши кўрган объект ёхуд шахсларга рост кўз билан назар соганимдан бўлса керак.

– Бугун сценарий ёзаётган ижодкорлар талайгина. Аммо жиддий ўтириб қўриб мулоҳазага чўмдирадиган саҳна асарлари, кинолар жуда кам. Лекин яхши ёзувчилар қўп-ку! Масалан, ўзингиз сценарий ёзишга қизиқмайсизми?

– Сценарий ёзиш жуда мураккаб иш бўлмаса керак. Ҳафсала билан ёндашиш кифоя қиласади. Каминада ҳафсала масаласи андак... Унинг устига ботиний нарсаларни кинода бақириб сўзлашга тўғри келади. Негадир шундай. Шундай бўлмаса, тушунарсиз бўлиб қолади, деб ўйлайди киночилар ва пъесачилар. Натижада юзакилик келиб чиқади. Шуниси ёқмайди. Эркин Аъзам, Ғафур Шермуҳаммад, Қўчқор Норқобил, Абдуқаюм Йўлдошев, Зулфия Қуролбой қизининг бу соҳадаги уринишлари мақтагулик. Чунки улар бўлар-бўлмас асар ёзмайдилар. Нимадир дард, фикр бор ва шуни юзага чиқаришга тиришадилар.

Жиддий ёзувчиларимиз қўп. Афтидан, ҳамма ҳам саҳна асарига қизиқавермайди. Кино талаблари ва баъзи тўсиқлар уларга ёқавермайди. Лекин жиддий киноларга бугун эҳтиёж жуда катта.

– “Чамбилбелнинг ойдаласи” китобингизда она тилимизнинг нақадар бой эканини ўзига хос бадиият орқали қўрсатиб бергансиз. Лекин айрим ёзувчилар сўзни адабий тил қонун-қоидаларига мос ишлатмаслиги оқибатида тилимизда қўплаб услубий ва имло хатоларни кўрмоқдамиз...

– Мана шу нарса каминани ҳам ўйлантиради. Ўқимайдиган ижодкорлар бор. “Биз ўқувчи эмас, ёзувчи бўламиз” деган гап кеча эртак ёки латифа эди. Бугун ўқиши ёзишга халақит беради дегувчилар қўпайди. Тавбалар дейсан. Ёзувчи илмга, ёзиш усулларига, маҳоратга интилмайдими? Ўқимай қаёққа ҳам бориш мумкин? Бир ёзувчимизнинг уйида 45 минг китоб

борлигини газетада ўқиб ҳавас қилдим. Ўзидан сўрасам, аксариятини ўқиб чиққанман, фалон-фалон ёзувчиларни қайта-қайта ўқийман, дейди. Баттар ҳавасим ортди. Шунақалар ҳам бор.

Ҳабибулло Қодирий “Отам ҳақида” китобида шуларни эслайди:

“Дадам қўлимда бирор китоб кўрса, “қани?” деб олиб кўрар, ёқса “дуруст” деб қайтариб берар, ҳатто китобни илгари ўқигани учун, ундан баъзи қизиқ эпизодларни кулиб айтиб ҳам берар эди. Ёқмаса, ёвқараш қилиб, “шап” этиб олдимга ташлар эди...

– Бизда адабиёт ҳали жуда оз, ўқишга арзирлиси қўл билан санарли. Сен рус, форс, турк, араб тилларини ўрган. Шунда битмас адабиёт хазинасига кирасан. Сендек ҷоғимда мен рус адабиётидан анча асар ўқиб чиққан эдим, – дерди”.

Қодирий ҳазратлари бунда, албатта, наср жанри ни назарда тутган. Биз ҳозир рус, хорижий классик, диний адабиётларнинг ўзбекча нусхаларига ҳам зориқмаймиз. Уларда бир дунё маҳорат, бир олам маъно-хазина бор. Уларни ўқиб, хулоса қилмаслик – жуда катта айб.

Адабий нуқсонлар ўқимаслик, уқмаслик оқибати. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Ўрни келди, бир муҳим гап. Нафақат сиз айтаётган асарларда, балки бошқа матбуот нашрларида ҳам ғализ гап, тушунарсиз ибора, имловий хатоларга деярли ҳар куни дуч келамиз. Нашриёт, журнал ва газета таҳририятларида номи тилга тушган ижодкорларнинг ҳам асарлари аёвсиз таҳрир қилинганини кўп кўрар ва ўзимизча ибрат олар эдик. Ҳозир ўша таҳрир мактаби йўқолиб кетаётгандек. Олий ўқув юртини битириб чиқаётган журналист ва филологлар эса бу нарсалардан мутлақо бехабар. Ваҳоб Рўзиматов, Эркин Аъзам, Маҳмуд Саъдий, Аҳмаджон Мелибоев, Нурулло

Отахон таҳририни кўрганмиз. Таниқли ёзувчилар ҳам тан беришган. Фикримча, таҳрир мактаби ташкил қилиш, ёшларга пухта ўргатиш зарур. Акс ҳолда, ижодкор зиёли, журналистлар ўртасида ҳам имло билмаслик кенг даражада саводсизлик даражасини келтириб чиқариши мумкин.

Илгари ҳар бир олий ўқув юртига киравчилар иншо ёзишарди. Не ажабки, бугун у “Эскилик сарқити” сифатида аввал замонда қолиб кетди. Балки, уни қайта тиклаш лозимдир?..

- Бизнинг асарларимиз қачон дунёга чиқади?

– Асарларнинг жаҳонга танилишини қандай тасавур қилиш мумкин? Мисол Навоийдек муazzам каҳкашон соҳиби ғазалиёти, “Хамса”си ўзингиз биладиган ўрис тилига ағдарилганда қай аҳволга тушади. Эҳ, бу улкан уммон шалдираб оқувчи кичик жилғага ўхшаб ғариблашади. Инглиз, француз, испан тиллари бундан авлороқми?.. Навоийнинг ўзаги тилдир. Бу тилни тушунгувчи ўзбекнинг ҳам кўпинча дўпписи тор келсаки, хорижлик китобхон шўрванинг шўрвасини (ёки ёвғонини) ичиб барака топармиди... “ну и что?” дейиши мумкин-да. Яссавий, Атоий ёки Машраб ундан ҳам жўнлашиб кетади. А.Ориповнинг ҳам кўплаб шеърлари рус тилига ўгирилган. Аммо улар барибир биз билган Ориповни тасавур қила олмайдилар. Нега? Чунки А.Орипов шеъриятининг миллийлигини, дардини, қалб зарбию товланишини биз кўпроқ ҳис қиласиз, юрагимиз ларзага келади, сўзига, донолиги-га қойил қоламиз.

Аксинча, биз Пушкинни қарийб ўрисдай тушунишимиз мумкин. Сабаби, ўрис тузуми ва тили бизни юзйил давомида маҳв этиб улгурган эди.

Хориж “Ўткан кунлар”, “Мехробдан чаён”, “Навоий”, “Улуғбек хазинаси”, “Бобур” каби романларимиз-

га ҳам қойил қолмайди. Чунки бадиий насрдаги ўзларининг асарлари бизнидан яхшироқ. Ўзимиз қойил бўлган асарлар уларни қойил қолдирмаяпти демоқчиман. Балки, миллатга бўлган беписандлик ҳам кўпинча роль ўйнайди. Бу адабиётга ҳам таъсир этмай қолмайди.

Шўро даврининг энг олий соврини Ленин мукофоти эди. У ўзига хос кичик Нобель мукофоти саналарди. Ўзбек адабиёти вакиллари ичиде Ленинни, Совет тузумини ошириб, керагидан ортиқ мақтаганлар бисёр, аммо мукофот қўмитасидагилар ҳам чандон қаттиқ сиёsat қиласардиларки, Ғафур Ғуломдек шоирни ҳам тириклигига эмас, вафотидан тўрт йил кейин – 1970 йилда тақдирлашни лозим кўришган.

Расул Ҳамзатов, Чингиз Айтматов, Мустай Карим, Давид Қуғултинов сингари “майда миллат” вакилларининг “миллатпарварлик”ларига бир оз йўл қўйиб беришган. Аммо “совет адиби” сифатида бошига тўқмоқ тушириб туришни-да унутмаганлар. Нодар Думбадзе, Чабуа Амирэжиби, Грант Матевосян, Фозил Искандар, Анор каби кавказлик адиллар ҳам собиқ иттифоқ доирасида танилганликларича қолиб кетди. Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романи 60 дан ортиқ хориж тилларига таржима бўлган. Айтматов унга юксак баҳо берган. Аммо сиёsat адилларнинг ҳам шуҳрати Тўйтепадан нарига ўтмаслигини хоҳлаган. Айтмоқчиманки, адабиётда ҳам баъзи асар кўтар-кўтар қилинади, гурухбозлик, маҳаллийчилик қилинади, мукофотлар ҳам маълум – келишилган ёзувчиларга тортиқ қилинади, бироқ бадиий қиймати баланд асар ёмби сингари ўзининг аҳамиятини йўқотмай тураверади.

Жаҳонга чиқишининг ҳам мана шунга ўхшаш омиллари бор.

Менинг назаримда, дунё насли билан тенглашадиган ҳикоя, қиссаларимиз бор. Ш.Холмирзаев прозаси

профессионал маҳорат нуқтаи назаридан бирор Европа адабидан қолишмайди. Биз ўқиётган нобелчи ёзувчилар асарлари ҳам жуда зўр туюлмайди. Нобель мукофоти соҳибларининг тарихига назар ташласангиз, кўпчилиги тарих силсиларида тутдай тўкилиб тушган. Даставвал Алfred Нобелни “керосинчи савдогар” мукофотини олмайман, деб рад этган Лев Толстой, гарчи кейин ҳам шунга қизиқмаган бўлса-да, Нобель олганларнинг ҳеч бири тарих давомида граф ёзувчидан ўтиб кетолмадилар.

Дунёга чиқиши яхши ва керак ҳам. Лекин бугун ёэртага чиқамиз, деб чираниш хато. Яхши асарлар бор. Уларни пухта, савия билан хориж тилларига таржима қилиш лозим. Ёзувчилар уюшмаси қошидаги “Ижод” жамоат фонди мазкур ишга ҳомийлик қилиши хукуматимиз томонидан белгилаб қўйилган.

– Бугунги адабий жараёнга муносабатингиз?

– Адабиётимизга ўнлаб эмас, юзлаб ёшлар, ҳаваскорлар кириб кела бошладилар. Улар қўплаб танловларда қатнашишяпти, ўрин, мукофот олишяпти. Илгариги замонда бундай имконият ва имтиёзлар йўқ эди. Ҳатто газета, айниқса, бадиий нашрларда шеър ё ҳикоянгни чоп этиш кони азоб бўларди. Китоб босиб чиқаришни-ку айтмаса ҳам бўлади. Ҳозирги олтмиш ёш ва ундан каттароқлар ўттиз ёшигача ўз китобларни кўришмаган. Аммо шундай вазиятда ҳам ўнлаб истеъдодлар етишишди. Ҳозир улар билан ўзбек шеърияти, ўзбек насрининг ғурури деб фахрланишади.

Бугунги ёшлар мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишлари шарт.

Гоҳ фарзандларининг мукофот олишларини истаб югураётган ота-оналарни кўриб ҳайрон қоламан. Ахир, яхши ижодкор бўлиш учун унинг ортидан ҳаллослаб чопиш, ортиқча сарфу харажатнинг нима кера-

ги бор экан? Ўғлингиз ё қизингизнинг ўқиши, ёзиши учун шароит яратиб беринг, китоб ўқитинг, тамом. Йўқ, уларнинг қизи Зулфия мукофотини олиши лозим. Ўз-ўзидан равшанки, бу мукофот эгаси олий ўқув юртига тест синовисиз қабул қилинади, шу керак. Бошқасини ўйламайди.

Вақтли нашрлар, адабий журналлар вақтида чоп этилиб, уларда бугунги замонавий адабиётни, аҳволини, савиясини кўрсатувчи асарлар, достонлар, шеърлар босиляпти. Шуларни ўқиб, кузатиб ҳам одам билим доирасини кенгайтириши, хабардорлик даражасини ошириши мумкин.

– Замонавий технология бир-бири мизга ёзганларимизни етказишни осонлаштируди, ахборот олишимизни тезлаштируди. Лекин...

– Одам тафтини одам олади, дейди халқимиз. Киши телефон ё интернет орқали ҳам сўзлашиб, муроқот қилиши, хоҳласа сирлашиши мумкин. Устоз излаган ҳаваскор ёзувчи телефонда Худойберди Тўхтабоев, Сирожиддин Сайид, Ҳалима Худойбердиева, Анвар Обиджон ё Тоҳир Малиқдан маслаҳат сўраб ёзувчилик малакаси ошиб қолиши мумкинми?

Ёзган ҳикояларини жамлаб бирор танлов баҳона вилоятдан келиб, учрашиб, танишиб асарининг фазилати ва хатоларини аниқлатиб, қимматли ва ҳаётий зарур маслаҳатларини олиб қайтгани, яна-тағин учрашиб туриши қанда-ю, электрон почта орқали савол ўйлаб, адабнинг вақтини тополмай ойлаб, йиллаб кутиб юриши қандай?

Шошқалоқ ёшлар хусусий нашриётлардан шапалоқнинг ярмича ҳам келмайдиган юпқа-юпқа бир талай китобчаларини қўз-кўз қилиб, (албатта, унда рангли расми, ўзи ҳақида маълумот ҳам бор, қайси-дир таниқли адаб оқ йўл тилаган бўлади) шап-шап

олдингга ташлайди. Машхур шоир ё шоиранинг унга ёзган тақризи дабдурустдан сени шошириб кўяди. Китобларини вараклаб, шеърларини бир-бир кўздан кечирмагунча бирор нима дея олмайсан. Шеърларининг мавзуси шундай чегараланган. Гўё гул ҳақида, булбул ҳақида, дугонаси ёки қалбига яқин бошқа мавзулар ҳақида ёzsа, ҳайъатга маъқул бўлмайдигандек. Албатта, булаr ҳали ёш, мурғак. Ёмон томони, оз-моз истеъоди борлари ҳам катталар қистови билан танловга мослашиб қолаётгани, талантини тўла намоён қилишга йўл тополмай ота-она хоҳиши атрофида қолиб кетаётгани. Танловда ғолиб бўлолмай қолса, мукофотдан қуруқ қолса, у буткул ижодини ташлаб юбориши ҳам мумкин.

Суҳбат жараёнида ундан сўраймиз:

– Хўш, қизим, хориж адабиётидан кимларнинг асарларини ўқийсиз?

У ёқ-бу ёққа опқочмоқчи бўлади. Эплаёлмайди.

– Ўзбек адиларидан-чи?

– Муҳаммад Юсуф шеърларини...

Шоирнинг маълуму машхур қўшиқ-шеърини бир бошдан эринмай айтади.

– Муҳаммад Юсуфнинг қайси китобларини биласиз, достонларини-чи?

Қизгина каловланади.

– Бор эди уйимда, номига қарамабман, ичидаги тик туриб дарахтга суюнган ҳолдаги расми бор, пальтода... Достон-достон... Эслаёлмадим, узр.

Тахминан шундай бўлади суҳбатлар.

То фарзандларимизни онгли суратда китобга ошно бўлишга ўргатмас эканмиз, иллатлар урчиб, улар бадиий саводхонликдан узоқлашиб кетаверадилар...

– Сиз кўп йиллардан буён “Ёшлик” журналида фаолият қўрсатиб келмоқдасиз. Ушбу журнал ёшларнинг

севимли нашрларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, ёш ижодкорлар мангулликка дахлдор асарлар ёзиш учун қандай муаммоларни күтариши лозим деб ўйлайсиз?

- 1986 йилда, талабаликнинг сўнгги вақтларида “Ёшлик” журналининг 8-сонида икки ҳикоям босилган. Ўша вақтлардә мазкур журналда бирор асар чиқариш аломат воқеа эди. Шеъринг чиқса – шоир, ҳикоянг чиқса – ёзувчи сифатида тезда машҳур бўлиб кетардинг. Курсдош дўстим Ҳошимжон Мирзаахмедовнинг ўша сонда икки болаларбоп шеъри чиққан, адабий давраларда ўзбек болалар шоирлари қатори унинг ҳам номи тилга олинадиган бўлган. Менинг шу икки ҳикоямга кўп танқидчилар газета орқали мақолаларида фикр билдиришган.

10-сонда босилган Назар Эшонқулнинг “Уруш одамлари” қиссасига Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шухрат “Шарқ юлдузи” журналида мақола ёзиб мақтаган.

Биз, муаллифлар жуда қувонганмиз. Бу - жуда катта воқеа эди. Устозларга ҳанузгача раҳмат айтгим келади. Бироқ ҳаволанишни билмадик. Мукофотнинг ҳам кетидан чопмадик. Балки, қўлдан келмаган чиқар. Бироқ асар устида, тил устида ишлаш жуда зарур эканини, кўп ўқиганимиз сари билмаганимиз кўплиги, яна тинимсиз ўқиш зарурлигини англалик. Ҳамон шу фикрдаман.

Ёш ижодкор глобал муаммо атрофида ўралашиши шарт эмас. Зотан, адабиёт кўтарилган муаммо билан имтиҳон қилинмайди. Юксак бадиият унинг савиясими белгилаб беради. Шундай экан, бадиият асарнинг мезони ҳисобланади. Албатта, йирик насрый асарнинг муваффақиятли чиқиши учун биринчи навбатда катта истеъдод керак. Иккинчи галда қулай шароит ва учинчидан, бўш вақт керак. Ёшу қари ҳаммамиз шошамиз, кечаю кундуз барчамиз бандмиз. Ойларни, йилларни

сарҳисоб қилиш учун түрни сувдан күтартсак... бўмбўш. Шошиб обрў, шошиб мукофот олса бўлади. Аммо адабиёт шошиб яратилмайди. Камина бу фикрларни баъзи ёшларга танбеҳ сифатида айтаётирман, холос. Юқоридаги гапларни биз қаноатли, сабрли эдик, деб мақтаниш учун эмас, мукофот, танловларсиз, тамасиз ёзавериш мумкин, деган маънода айтдим.

Истеъоди ярқ этиб намоён бўлаётганлар кам эмас. Улар ўз вақтида мақталиб, рағбатлантирилмоқда. Китоблари жуда кўп нусхада чоп этилиб, барча ўқув муассаларига етказиб берилмоқда.

Бундай енгилликлар аслида ижодкорнинг маъсумиятини икки баробар ошириши керак. У енгилликка кўнишиб, мослашиб қолмаслиги керак.

Зулфияхонимдай улкан шоира бўлишни орзу қилиб, ижод қилиб, интилиб Давлат мукофотини қўлга киритган шоира қизларимиз кам эмас. Улар, адашмасам, мукофот олганларидан сўнг истеъдодларини тўла юзага чиқариб фаоллашиб кетишлари керак эди. Мен ижодкорларнинг бурчини шундай тушунаман.

Ўз навбатида нашриёт эгалари, газета-журнал ижодий ходимлари ҳам талабчанлик тамойилини бўшаштириб юбормасликлари керак.

Адиба УМИРОВА сұхбатлашди.

МАҲОРАТ – АСОСИЙ МЕЗОН

*Таниқли адаб Собир Ўнар билан адабий танқидчи
Жовли Хушбоқ сұхбати*

– Бугунги ижодий жараёң хусусида сўз кетганда, насрда талай муаммолар тўпланиб қолганлиги хусусида сўзлайдилар. Энг мұхими, маҳорат, истеъдод ва истеъдодсизлик ҳақидаги баҳслар ҳамон қун тартибидан тушган эмас.

Шу жиҳатдан олганда қўнгилнинг туб-тубида ётган дардлар, армонлар ва орзулар юзага қалқиб чиқади. Нега ўзбек насрининг бугунги намоёндалари жаҳон адабиёти саҳнасига чиқа олмаётпир, дея савол бергинг келади.

Эҳтимол, бугунги адабий сұхбат мавзуини танлашда ижодий жараённинг шу нозик жиҳатларига эътибор қаратиш зарурдир?

Юқоридаги каби ўйлар, мuloҳазаларни ҳисобга олиб сизга айрим саволлар билан мурожсаат қилишни лозим топдим. Ўйлайманки, сизни ҳам қийнаётган дардлар ичida шу қунгача очиқ ва ошкора айти олмаётган мuloҳазаларингиз, таклифларингиз етарли. Саволларга қисқа эмас, батағсил ва кенгрөқ жавоб қайтарасиз, деган умиддаман.

Собиржон, сұхбатимизни адабиётшунос Нусратулла Жумахўжанинг қуйидаги мuloҳазаларига жавоб излаш билан бошласак: “Хозирги адабий жараёнда мени ташвишга соладиган муаммолар қўп. Буларнинг энг ўткири – адабий жараённинг қандай кечәётганига лоқайд муносабат: муаммолардан бари бир ҳолат эмас, балки ҳар бири алоҳида ҳолат. Ташвишга соладиган муаммолардан яна бири шуки, гүёки жамиятда танқид йўқолгандек, жамиятда танқидга ўрин қолма-

гандек. Жамоатчиликнинг танқидга ёндашуви худди Салтиков-Шедриннинг “Виждан ўйқолди” номли ҳиқоясидаги вижданга муносабатга ўхшайди. Танқидга нисбатан қўрқув мавжудлиги сезилади. Ижод кишилари танқиддан, танқидчидан қўрқади. Совуқлонлик билан масофа сақлайди. Мунаққидлар ҳам ижод кишиларини танқид қилишдан қўрқади, бундан иложи борича сақланади. Бу икки қавм гўё икки қутбга ажралиб олиб, олийжанобларча ўзаро одоб сақлайди”.

Айримлар китоб дўконларида маза-матрасиз, бўш асарларнинг кўпайиб кетиши сабабини биринчи навбатда адабий танқидчиларнинг фаол эмасликларидан қидиришишмоқда. Авваллари “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози”, “Қишлоқ ҳаёти” каби нашрларда тақризлар қўп босилар, М.Кўшижонов, Н.Худойберганов, А.Расулов, П.Шермуҳаммедовнинг кескин фикрлар, ижодий жараёндаги муаммоларни кўтариб чиқкан адабий-танқидий мақолалари тез-тез кўзга ташланиб туради.

Эндиликда-чи? Профессор Н.Жумахўжа тўғри таъкидлаганидек, танқид деярли ўйқолиб кетди. Адабий танқидчиларни бугунги қун талаби даражасида юксалтириш зарур, назаримда.

– Аҳмад Аъзамни яхши биласиз. Яхши адабиётшунос, зўр ёзувчи эди раҳматлиқ. Умрининг сўнгида “Ғулистонга сафар” деган роман ёзди. Нечадир нусхада китоб бўлиб чиқди. Қўлма-қўл ўқилди, деб айттолмайман. Чунки бунаقا асар қўлма-қўл бўлмайди. Ўқилмаса ҳам ҳайрон бўлмайман, сабаби, оммага эмас, хос қатламга мўлжалланган. Қизифи, зиёлию, ҳатто ёзувчилар ҳам акс садо беришмади. Сабаби оддий: роман Ғулистон, яъни руҳи занжирбанд фуқароларнинг аҳволи хусусида эди. Мазкур аҳволидан ажабланмайдиган, кейинги туғилган фарзандлари ҳам занжир билан дунёга келаётган одамлар хусусида. Аввалги даврда бунаقا асарга баҳо бериб бўлармиди?

Биласиз, чин адабиёт дард-ҳасратли бўлади, маддоҳлик билан адабиёт барпо қилиб бўлмайди.

Бизнинг адабиётимиз жим турган адабиёт эмас. Замонавий наср Шукур Холмирзаев тирик пайтда “Динозавр” романи билан бошланган. Ҳали у романни қўпчилик ўқимади, баҳо бермади. Айтиш жоизки, наср ундан кейин ҳам янгиланиб боряпти. Жуда қўп асарлар, романлар ёзиляпти. Афсуски, халқ у ёқда турсин, ёзувчиларнинг ўзлари ҳам асарларни ўқиганийўқ. Ўзи адабиётда ҳам ҳеч ким акс садо бермайдиган турғунлик даври бўлади, шекилли.

Баъзи бир тенгқур жўраларимизнинг романларини ўзларининг юртдошлари, таниқли адабиётшунослар мақташяпти.

Адабиётни дунё саҳнасига олиб чиқиш тўғрисидаги гапга унча тушунмайман. Масалан, “Ўткан кунлар” романни “Танҳоликнинг юз йили”дан паст баҳоланишига асос борми? Ш.Холмирзаевнинг бутун бир ёзувчи сифатида Нобель мукофоти олган бирор ёзувчидан кам жойи борми? Исажоннинг кейинги романлари Пауло Коэлоникидан паст турмайди. Буни баралла айта оламан. Исажон ўзи тил билгич ошнолар топиб баъзи чет давлатларда китоб чиқарди, бир хил жойларда эътироф этилиб, мукофот ҳам олибди. Ҳалоли бўлсин!

Н.Жумахўжанинг адаб ва адабиётшунос ўртасидаги тушуниксиз, қўрқувга асосланган муносабатлари бор гап. Бу ҳам жамиятдаги умумий қўрқув билан боғлиқ. Ҳамма бир-биридан қўрқади.

– *Айрим ҳикояларингизни жаҳон адабиёти класиклари асарлари каби севиб ўқийман. Мисол учун, “Миннат” асарингизни олайлик.*

Асар тили ширали, ғашингизга тегмайди. Энг муҳими, ҳикояда оддийлик, табиийлик мавжуд, сунъийликдан холи: “Акамни, орадан олти йил ўтибди вафо-

тига, энди-энди шундай құмсайманки, Худо ҳаққи, агар ҳозир ҳаёт бүлганида, бўйнига осилиб тўйиб, бўкириб йиғлар эдим. Одам шундай экан-да: тирик ва соғлом юрганида ҳудди мангу шундай қоладигандек, сен ҳам ошингни ошаб, юз йил яшаб юраверадигандек туюлавераркан. Талабалигимда, Абдухолиқ акам ичимиизда катта бўлгани учун даставвал бир кило конфет қўтариб уйига ўтардим, ўғил-қизларини эркалааб ўтиришни хуш қўрадим". Ҳеч қийналмайсиз, қоқилмай-суқилмай, мураккаб, атайн чалкаштирилган жумлаларга дуч келмай ўқиб кетаверасиз.

Ҳикояда характер яратиш мушқул юмуш. Буни Шукур Холмирзаев каби наср усталари уddaлашган. "Миннат"да Абдухолиқ характерига хос жиҳатлар унинг ҳатти-ҳаракатлари диалоглар воситасида очиб берилгандек. Ҳатто асардаги эпизодик персонажлар ҳам эсда қолади.

Лекин ҳайрон қолдирадиган жиҳат шундаки, бир неча қиссалар яратиб, ижодий маҳоратингизни си наб қўрган бўлсангиз-да, негадир бирорта романингиз нашр қилинмаган. Ўттиз ёшингизда давлат мукофотига сазовор бўлган эдингиз. Тўғри, ижодкор унвон олиш учун ёзмайди. Аммо... Ҳатто сизнинг ёшингиздан кичикроқлар ҳам илгари халқ ёзувчиси бўлишганлигини назарда тутадиган бўлсак, ижодий камолотингизда бироз кечикиш жараёни қузатилмаяпти микан?

Сиздек истеъдолди адид дунёning барча ижтимоий, миший ташвишу ваҳималаридан қўл силтаб бутқул ижодий машғулотга шўнғиб кетолмаётганлигига афсус чекаман. Ўзингиз нима деб ўйлайсиз?

- Мезон қисса ё роман ёзиш бўлмаслиги керак, чамаси. Одам ўзини бағишлиб, кучи, илҳомини аямай ёзиши, юзакиликка берилмаслиги лозим. Нуқтаи назарим, принципим шу. Аммо эпик кўлам билан ижод қилганларга, очиғи, ҳавасим келади. Толстой, Шоло-

хов, Кодирий, Одил Ёқубовларни олинг. Қанча чигал тақдир, замон, макондаги мураккабликлар, ёзувчи-нинг айни ўша қисматлардан ҳам устун келиб баён этиши... Бу – кучлилик белгисидир.

Романга ҳавасманд бўлганимга ўн беш йилдан ошди, дейлик, шу йиллар давомида қайсиdir маъно-да унга уннаб ётаман, баъзан ҳафсаласизлик, ялқов-лик устун келади, гоҳо ўтириб, чинакамига “чечи-либ” ёзишга юмуш халақит қилади, умуман, баҳона кўп. Шукур акага ўхшаб “ҳайт!” дея ҳамма нарсадан воз кечиб узлатга кетиш, асли – жасорат. Шу боис ма-ломат қилсам, бирордан эмас, ўзимдан ўпкалашим керак.

Ҳикояларимни эътироф этаётганингиздан хур-сандман. Чунки бу гапларни оддий ўқувчи эмас, катта бир ижодкор, мунаққид айтиётибди. Кейинги чоғлар-да, вақт нуқтаи назаридан, ҳикоя менга қулайроқ ту-юлиб қолди. Ҳикояга сифмаганларини йиғиб юраман, қани, кун келиб чоғроқ бир-икки романга жой бўлар.

– Шоир Шодмонқул Салом билан бир неча йил ав-валги сұхбатингиздан бирида: “Русларда професси-онал ёзувчилар кўп: Паустовский, Катаев, Казаков, Пришвин... Бизда кам”, – дея афсус чекасиз.

Бироқ... Тошкентдаги китоб дўконларига кирсан-гиз, Худойберди Тўхтабоев, Муҳаммад Али, Нурали Қобул, Эркин Аъзам, Шойим Бўтаев, Асад Дилмурод, Назар Эшонқул, Исажон Султон, Хуршид Дўстмуҳаммад, Улуғбек Ҳамдам, Луқмон Бўрихон, Абдуқаюм Йўлдош, Кўчкор Норқобил, Гофур Шермуҳаммад, Неъмат Арслон каби ўнлаб адилларнинг роман, қисса, ҳикояларидан иборат тўпламлари таҳланиб турибди-ку? Наҳотки “профессионал ёзувчилар...бизда кам” деган фикрингиз ҳақиқатига мос келса? Юқоридаги ёзувчиларнинг қай-си бирини профессионал эмас, деб ҳисоблайсиз?

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”да босилган ана шу суҳбатингизда: “Баъзи бир ёзувчиларимиздаги зўракиликни, нотабиий-сунъийликни кўриб, руҳий кучларига ҳавас қилган ҳолда даҳолик табиийликка дахлдор эканига иқрор бўлавераман”, – дейсиз. Ва афсус билан айтасизки, “таассуфки, бизнинг мустақил замонимизнинг қаҳрамонлари адабиётимизда ҳали тўла бўй кўрсатганича йўқ”. Ва яна айтасизки, “Назаримда, сўзни беҳуда исроф қилмаслик бугун адабиётда тағин кун тартибига чиқаёттир. Образларимиз жуда кўп гапирадиган вайсақиларга айланаб бормаяптими? Тушунарсиз ҳолатни тушунтириб берамиз деб ўзимиз ҳам обдан уриниб ётганга ўхшаймиз”.

Бу фикрлар асосли ва ҳаққонийлигига шубҳа қилмайман. Аммо кейинги йилларда қўпчилик ёзувчилар кўнгилдаги гапларни тилига чиқаришга нега истиҳола қилишаёттир?

– Энди, Жовли ака, сизам жуда ёқадан олманг-да. Сиз тилга олган адибларнинг профессионал эканига шубҳа қилмаган ҳолда мен, масалан, Валентин Катаевнинг “Хаёл чечаклари” асарини мисол келтирай. “Хаёл чечаклари” шунақа нозик кузатишларга бойки, уни ўқиб роҳатланасиз, ғаройиб гўзалликларга ошно бўласиз. У ерда ҳеч қандай жамият муаммоси йўқ, ёзувчи ва ҳаёт бор, холос. Айтиш керак: “Хаёл чечаклари”ни филология ва журналистика факультетларида дарслик сифатида қўлласа бўлади. Таниқли шоир ва драматург Машраб Бобоев уни гўзал таржима қилган.

Паустовскийнинг улут рус рассоми Саврасов ва шогирди Левитан ҳақида ҳикояси бор. Ижодкор, унинг реал ҳаёти, дунёси, хаёлоти, моҳияти англашилади ҳикояда. Қаҳрамон бирор билан қурашмайди, душман орттиrmайди, ёзувчи ҳам ортиқча ғоялар ортидан ўкувчини судрамайди, моҳият-мазмун, ўзга бир олам билан сизни юзлаштириб, гўё ўзи четда томоша қиласиди.

В. Катаевнинг “Олтин гул” деган поэтик бир асари ҳам бор. Уни ҳам филологлар, ижодкорлар учун ўзига хос муҳим дарслик деган бўлардим.

Яна Катаевнинг Ленин ҳақида бир романи бор, номи “Девордаги кичик эшик” эди чоғи, Озод ака таржима қилган, 1987 йилда “Ёшлик” журналида босилган.

Биласизми, биз Ленинни керагидан ортиқ ёмон кўрамиз. Ўша пайтда ҳам зиёли қатlam ёмон кўрган. Ошкоралик йилларида гарчи “доҳий” асарларидан баҳраманд бўлсак-да, туйқус унга нафратимизни пеш қилдик. Катаев бу «мода»га эргашмаган. Ленинни инқилобчи эмас, бир ҳаётий ташвишлар, турмуш азобларидан холи бўлмаган Одам сифатида қаламга олган. У китоб бўлиб чиқмади, шекилли, агар ҳозир дўконда кўрсам, иккиланмай харид қилиб, тағин ўқиган бўлардим.

Адабиёт муаммошунослик ёки шаклбозлик эмас, санъат. У тарихийми, ижтимоий масалалар ёки инқилобий ёхуд диктатурани фош этадими, агар ёзувчи асарда маҳоратини тўла намоён этмас экан, публицистик даражада бўлиб тураверади.

Бу – менинг, аввало, бир ўқувчи ўлароқ қарашларим.

Вафо Файзуллоҳ Франц Кафканинг “Отамга мактублар” деган биографик асарини ўзбек тилига таржимаям зўр чиққан. Очигини айтай: “Жараён” романини ўқигандан кўра буни мутолаа қилиб кўпроқ завқ олдим, ёзувчининг руҳига яқин йўлдош бўлдим. Сабаби нима? У шундан иборатки, адаб, сўз санъаткори саналган бир инсон бу ерда ўз қалбини таржима қилолган, ўқувчига у юқмай қолмайди.

Жамият муаммоларини очиқ танқид қилиш адабининг иши эмас, уни журналист ҳам эплайди, лекин уни бадиий асарга айлантириб, қойилмақом тарзда ифода этиб бериш – алоҳида бир иш.

Қодирий агар “Ўткан кунлар” романида Отабек ва Кумуш севгиси билангина чекланиб қолганида, балки, биз муҳаббат ҳақида фалон ёзувчи ширин бир қисса ёзиб қолдирган эди, деб, эҳтимол, зўрға эслаган ёки эсламаган бўлардик. Севги фонида тарих, жамият дардини меъёрида (!) бадиий очиб бериш, айни санъат одамининг ёки бирор эплолмайдиган сирли юмуши.

Шу маънода профессионализм деганда камина қалбни ўртаб турган умумбашарий ёки ўзбекка, Ватанга хос дард-ҳасратни айтишни эмас, қай тарзда гўзал, йўлинин топиб, моҳирона бадиий услублар, яна ўкувчи қалби билан боғланиб, яъни аввал ўзи рост ёзаётганига ишониб яратган асарни тушунади.

Сиз тилга олган адиблар бизга устоз, кўпчилиги дўстларимиз. Ҳамма ёзувчи ўз асарининг эътироф этилишию одамлар севиб мутолаа этишларини хоҳлайди. Аммо ўзи билан ўзи қолганда – қониқмайди. Ҳали ўзи хоҳлаган асари ёзилмаганини, энди ёзиши мумкинлигини англайди.

Қодирий ҳазратлари ҳам “Амир Умархоннинг канизи” романига материал тўплаётиб, қўрқаманки, буни ўқиганлар аввалги “Ўткан кунлар” ва “Мехробдан чаён”ни қўлга олмаслар, дея ташвиш чекади. Айни чоғда ушбу яратилажак роман фавқулодда зўр ёзилишига ичидан иқрор бўлади, демак, куч топади.

Профессионализм ўтириб олиб яратиладиган, ёнбошлаб олиб шакллантириладиган бир мўъжиза эмас. У ўз-ўзидан шаклланади, юзага келади, равшанки, икки-уч кунда содир бўлмайди.

Газета муҳаррири ёхуд нашриёт, масалан, 9 май – хотира ва қадрлаш қунига ширингина бир мақола ёзиб бермайсизми, деб буюртма беради. Ёзувчининг бу “ширин” мақоласи табиий равишда газетанинг биринчи саҳифасида берилади, қалам ҳақи билан рағбатлантирилар ҳам.

Албатта, мұхаррир сизнинг қўлингиздан бу иш келишини билиб атай буюртма берәтибди, аксинча бўлса, нўноқ ёхуд ҳаваскор қаламкашга, “ширин” бир асар ёзиб беринг, деб ўтирмас эди. Фожеаларга тўла бир замонни эслаб “ширин” нарса ёзмоқ – айrim муаллифларнинг қўлидан келади.

Бу борада мен бармоғим билан нуқиб Шукур Холмирзаевни кўрсатган бўлардим. Қўймадингиз, Эркин Аъзам ҳам буюртмалиги билинмайдиган, “ширин”, аммо буюртма бўлса-да, бироннинг хаёлига келмаган бир асар ёза олади, бошқалар ҳам, алалхусус, ўзимиз ҳам тўдага урамиз, аммо буюртма бўлса-да, уни кўнгил ишидай, чин илҳом билан, юрак амри билан битилгандай қилиб эплаш – профессионализм.

Ундейлар бизда кўп эмас, деганим, аслида, ўзимизни ёзғирганим, холос, биронга айб юкламаяпман.

Бояги “бу дунёнинг ташвишларидан қўл силтаб, ижодга шўнғиши” масаласига бирров қайтсан. Хў-уш, одам нега шундай таваккал қилолмайди? Нега ўзи шундай қилолмаймиз, ахир, Шукур ака бу зоҳидона ҳаётни бошлаб берган ва кам бўлмаган эди-ку?

Йў-ўқ, биз қўрқоқмиз!

Кези келганда Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев авлоди устидан ҳукм қила оламиз, кибрланиб қула оламиз, лекин кези келганда улар журъат қилган жасоратга қўл уролмаймиз. Жасорат керак.

Шу баробар давлат ишидан, демак, маошдан узилиб, бола-чақа қош-қовоғига қарамай, узлатга чекиниш учун, албатта, биринчи галда ақалли бир-икки йилга етгулик маблағинг, ёстиқни қоринга босиб, кўк чойни хўриллатиб ичиб ижод тафаккурига чўмиб, берилиб кетиш учун инсон ҳаммасидан қўра хотиржам бўла олиши керак. Шуниси мұхим. Хотиржамлик бўлмаса, киши ҳеч бир ишга тавакkal қила олмайди.

Унисини қўйинг, Жовли ака, мана, шу сұхбатни қи-
лайлик, мавриди қачон бўлади, дея сўраб, бир-биrimиз-
ни пойлаб бир муҳлат вақт ўтказдик. Президент уюшма
аъзоларига, керак бўлса, бир йиллик ижодий таътил
берилиши мумкинлигини ижодий буюртма олиб Зо-
мин, Паркентда қурилаётган дам олиш уйларида ёзиш
имконияти берилишини таклиф қилди. Кўрамиз, қани,
ким нима ёзади. Бу енгиллик, имкониятдан ким қандай
фойдаланади? Шундан кейин хам бир иш чиқмаса, кей-
ин ёзувчи дегани ўзидан ўпкаласин. Ўзингиз ҳам кички-
на ижодкор эмассиз, бу саволни қайтариб сизга берсам
ҳам бўларди...

Буям бир гап, энди.

– Адабиётшунос Йўлдош Солижонов қуйинчаклик билан қуидагиларни ёзган эди: “Филология мутахас-
сислигига оид кафедраларни “Ўзбек тили ва адабиёти”
деган умумий ном остида бирлаштириш ҳам урфга
айланди. Наҳотки, вазирликдаги масъул ходимлар уни-
верситет умумтаълим мактаби учун ўқитувчигина
эмас, адабиётшунослик фанининг ўнга яқин йўналиши
бўйича тадқиқотчи ҳам тайёрлашини билмаса?! Сўз
санъатига бу таҳлит муносабат “Адабиётга эътибор
– маънавиятга, келажакка эътибор” деган эзгу ғояга
мос келармикан...

Адабиёт моддий бойлик ишлаб чиқарувчи корхона
эмас, аммо у инсон қалби, ақл-заковати, дунёқараши,
тафаккурини ўзгартиришга қодир! Адабиёт жамиятга
келтирадиган манфаатни олтину жавоҳир билан ўл-
чаб бўлмайди. Шундай экан, таълим тизимида адабиёт
йўналишларини ўқитишга алоҳида эътибор қаратиш,
талаба фан асосларини чуқурроқ эгаллаши учун дарс
соатини кўпайтириш, соҳага оид тадқиқот ишлари са-
виясини ошириш мақсадга мувофиқ. Адабиёт – ёруғ ман-
зилларни излаётган бани одамга йўлчи юлдуздир. Де-
мак, сўз санъатига эътиборсиз қарашга ҳаққимиз йўқ”.

Мен ҳам Термиз давлат университетининг ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси, Қизириқ туманидаги 1-мактабда адабиёт муаллими вазифасида ишлаган йилларимда гувоҳ бўлганман: ўқув масканларида давлат тили ва адабиётини ўқитиш айрим жойларда талаб дарајасида эмас. Ҳатто дарс соатлари оз.

Иккинчидан, сиз каби ёши олтмишинчи довонга яқинлашаётган истеъдодли адиларнинг ҳаёти ва ижоди хусусида талаба ва ўқувчиларга мўлжалланган дарсликлардан етарли маълумот ололмаймиз. Эҳтимол, Назар Эшонқул, Хуршид Дўстмуҳаммад, Луқмон Бўрихон, Исажон Султон, Абдуқаюм Йўлдош, Собир Ўнар, Улугбек Ҳамдам, Наби Жалолиддин ижодий фаолиятини олий ўқув юртлари ва умумтаълим мактабларида янада чуқурроқ ўрганиш зарурдир?

– Аввал замонларда бу масалалар, ихтисосликлар бўйича маълум тартибга солиниб, назорат қилиб туриларди. Москвада чоп этиладиган нашрлар орқали филология соҳасида қандай янги мавзулар, янги ишлар, диссертациялардан хабардор бўлиш мумкин эди. Масалан, камина “Вопросы литературы” номли ҳар ойда чоп этилувчи каттакон журнал саҳифаларида филология фанлари доктори Норбой Худойбергановнинг баҳс қўзғовчи замонавий ўзбек шеърияти муаммоларига оид туркум мақолалари, бошқа мутахассисларнинг эътиroz, муносабатларини ўқиганим эсимда. Ушбу мақола ва баҳслар дарҳол ўзбек нашрларида таржима қилиб босилар, кўп ўтмай ундан деярли ҳамма хабар топарди.

Бердиали Имомов деган профессоримизнинг ўзбек драматургиясига оид муаммоли чиқишлиари ҳам эсимга тушаётибиди.

Бугунга келиб гўё юқоридаги муаммолар бирин-кетин барҳам топгандек ҳеч ким индамайди. Айтганингиздек, филологиянинг ҳам соҳалари, тармоқла-

ри кўп. Мумтоз адабиёт, аруз вазни бўйича мукаммал тадқиқ этувчи олимларга муҳтоҷ эканимизни баъзи баҳслардан ўқтин-ўқтин ўқиб қоламиз. Кимдир шу муаммо ҳам бор-да, дегандек қулоққа шипшиётганга ўхшайди. Муаммо сифатида бирор кескин кўндаланг қўйганини кўрмадик.

Мумтоз адабиёт манбаларини ўқий оладиган, тадқиқотлар олиб бора оладиган мутахассисларимиз борган сари камаяётгани, ёшлар бу соҳага қизиқмаётгани, бу ахир – фожиа-ку, даҳшат-ку, ўтмишдан узилиш-ку!

Биз бўлсак, уни қимтиниб, шивирлаб, уялиб айтамиз, муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлиб қоладигандек кўп ҳафсала ҳам қилиб ўтирумаймиз.

Энди замонавий ўзбек адабиёти дарсликлари олий ўқув юрти ёхуд мактаблар ўқув дастурига киритилмагани масаласига келсак, бу ҳам бизда ўзига яраша бошоғриқ. Кимнингдир қайси бир мафкурага хизмат қилиши, қайси гуруҳ, маҳалла адабиётига кўпроқ қизиқиш билдириши ёхуд ҳеч қизиқмаслиги – бу дарслик китоб ёки мажмуада аксини топиши – дарслик тузувчиларнинг холисликдан узоқлашиб кетиши – мутлақо тушунарсиз, агар тушунарли бўлганда кулгули ҳолатни келтириб чиқаради.

– Бир неча йил аввал матбуотдаги чиқишларингизнинг бирида ёшлар фаол эмаслигидан нолиган эдингиз: “Хозирги ёшлар катта бир оқим бўлиб юзага чиқаётгандарни йўқ. Мен уларнинг аксарияти ўқимаслик касалига дучор бўлганидан қўрқаман. Ёзадилар, лекин ўқимайдилар. Бир хиллари эксперимент усулида бир балоларни ёзади, тушунтир-чи, ўзи кимга ўхшаб, кимга эргашиб бунақа нарса битдинг десанг, елка қисади. Ҳолбуки, биз бутқул бошқа замонга келиб қолгандек. Хабардорлик, огоҳлик керак.

Бадиий адабиётга бевосита тааллуқли бўлган анча-мунча адабиётлар интернетда ҳам мавжуд. Атоқли шоир Хуршид Даврон жуда кўплаб арзирли асарларни интернетга жойлаштириди. Буям жонкуярлик. Аммо ёшлар на интернет, на китобга эътиборсиз бўлаётгани чатоқ. Интернетга қизиқишади, лекин асарга, адабиётга эмас.

Йилда бир-икки марта ёшларнинг адабий кўриктанловларида хизмат тақозосига қўра қатнашишга тўғри келади. Айниқса, шоир бўламан деган ёшлар ўқимаслик бобида ҳайратга солишади мени. Ўсмоқчилаб сўраб келсанг, Муҳаммад Юсуфнинг шеърларини ўқийман дейди, унинг ҳам китоблари номини билмайди. Аслида улар М.Юсуфни ҳам ўқимаган бўлади, радио ёки телевизорда шоир шеърлари билан айтилган қўшиқларни эшишган, холос”.

Бу фикрларингизга мен ҳам қўшиламан. Ёшлар билан гурунглашганимда улар бугунги ижодий жараёнда фаол шоир ва ёзувчиларнинг ҳатто исми-фамилиясини билмасликлари мени ажаблантириди.

Эҳтимол, олий ўқув юртлари, мактабларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларини дарс ўтишга жалб қилиш керакмикин?

– Мактабда ўқиб юрганимизда ҳозиргидай адабий анжуманлар деярли бўлмасди. То ўқишига ҳужжат топшириб тўсатдан шоирларни учратиб қолмаганимизда, эҳтимол, уларга қизиқишлиаримиз орқаворатдан, сирлигича қолиб кетармиди... Аммо бугун вазият бутунлай бошқача. Хоҳлаган ижодкор билан хоҳлаган кунинг, хоҳлаганингча сұхбатлашсанг бўлади.

Лекин, айтайлик, Хуршид Даврон, Мурод Муҳаммад Дўст, Назар Эшонқул ёхуд бошқа шу тоифа ижодкорларга “Илк қўлингизга қалам олишга ундан нарса нима?”, “Биринчи нима ҳақида ёзгансиз?” ва ҳоказо энсанни қотиравчи “дежурний” саволлар билан жонига

тегсангиз, яъниким, унинг асарларини ўқимаган бўлсангиз, баҳс юрита олмасангиз, қўлини силтаб жўнаб кета қолади.

9- ёки 10-синфдалигимда Низомий номидаги педагогика университети талабалари билан шоир А.Ориповнинг учрашуви телевизорда кўрсатилган. Ўша давр қолипларига мос уюштирилган бўлса-да, барабири машҳур шоирнинг жонли мулоқоти ўта қизиқ эди. Чамаси, Абдулла aka ҳали қирқ ёшга тўлмаган ёш йигит эди, бироқ тийран дард, теран фалсафа, кўнгилни жунбишга келтирувчи армонли шеърий мисрала-ри тамом бизни ошуфта қилиб кўярди.

Ҳозирги ҳаваскорларда ҳам шоир зотига шундай талпиниш, ижодий маҳоратидан ҳайратланиш туйғу-лари бормикан? (Бормикан-а?..)

Катта ижодкор бўлиш учун кўп ўқиш кераклиги бор гап. Аммо зинҳор ва зинҳор Навоий, Машраб, Огаҳий, Орипов ёхуд Муҳаммад Юсуф бирор имтиёз туфайли етук шоир бўлиб қолмаган ва ўз навбатида, зулфиячи қизларимизнинг аксарияти тўтиқушдек сайраб “ватанпарвар” бўлиб қолишлари ортида, агар истеъдод йўқ экан – ҳеч нарса юз бермайди, яъниким, йўқ истеъдодни бир мукофот бор қилолмайди, аксинча, бор истеъдод, гарчи у давлат мукофоти даражасида маъқул кўрилмаса ҳам, адабиёт, халқ учун ёрқин воқеа бўлиб қолавериши мумкин. Бизнинг мукофотларимиз истеъдодлардан устун туради, тескариси бўлиши зарур...

Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, яъни тилга тушган шоиру ёзувчиларнинг халқ орасида, шу каби олий ўқув юрти талабалари ичida бўлиши, мулоқот қилиши, керак бўлса дарс ўтишлари фойдадан холи эмас. Айни замонда, виртуал тармоқлар кучайган даврда, эҳтимол, бунга эҳтиёж ҳам камайгандир.

Мен 8-ёки 10-синфда “Шарқ юлдузи” журналида ёзувчи Нурали Қобулнинг “Тубсиз осмон” қиссасини

ўқиб хўнг-хўнг йиғлаганман. Талабалигимнинг дастлабки ойларида факультетимизда Нурали Қобул билан учрашув бўлган. Ҳаяжонланганимдан ҳушимдан кетаёзганман.

Бошқалар савол берган, мен ёзувчининг сўзларини тинглаганман, ҳаракатларини томоша қилиб ўтирганман...

Агар мухлисда, китобхонда чиндан ҳам ихлос бўлса, жонли мулоқот керак, устоз тажрибасидан улгу олмоқ кони фойда. Мабодо китобхон “ким бўпти, буям бир одам, биологик мавжудот, нима қипти, гапиради-да” деб меҳрсиз, беписанд қабул қилса, билингки, ундай жонли сұхбатдан сира фойда йўқ.

Ўйлайманки, биздаги ўкувчиларда ундай совуқ-қонлик бўлмаса керак. Ижодкорларга ҳурмат, меҳр ва ҳаяжон доим балқиб туради.

— Ёзувчининг публицистикага мурожаат қилиши табиий ҳол. Чингиз Айтматов, Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов каби машҳур прозаиклар оташин публицист ҳам бўлишганини яхши биламиз. Ҳатто сиз ҳам иигирма йиллар аввал “Ўзбекистон овози” газетасида “Гоҳ ҳуқуқни билмаслик, гоҳ ҳийлаи шаръий” каби нордон тилли муаммоли мақола эълон қилган эдингиз. “Аччиқ, аммо очиқ гаплар” рубрикаси остида бо силган қарийб бир саҳифани эгаллаган материалингизда жиноят йўлига кириб қолган кишилар хусусида ҳикоя қилгансиз. Яна кўплаб мақолаларингизга кўзим тушган.

Адиб публицистикаси адигга нима беради? Бой ҳаётий материалми ёки ёзилажак асарлар сюжетини қизиқарли қилиш йўлини очадими?

Балки, ёзувчи публицистикага камроқ мурожаат қилгани, газета ва журналда узоқ вақт ўтириб қолмаслиги керакдир? Негаки, нашрлар нонини еб қун ке-

чирадиган ёзувчининг бадиий асарларида публицистик руҳ устуворлик қилиб қолмасмикин?

- Ёзувчи публицистикаси бошқа журналистлар публицистикасидан, табиийки, фарқ қиласди. Гап шундаки, адаб ҳаётга, жамиятга кўламдорроқ назар солади, воқеа-ҳодисаларнинг маънавий оқибатларига теранроқ разм солиши мумкин, шу боис у оддий репортаж ёки лавҳа уютираётган журналистдан айрича фикрлаши муқаррар.

Чингиз Айтматов, Одил Ёқубов, Ўлжас Сулаймон, Андрей Вознесенский публицистикаси, сухбатининг кўп шов-шувга сабаб бўлган ҳолларини кузатганимиз.

Бу адига нима беради? Айтиш жоизки, кўп нарса! Аввало жонли ҳаётга, кишилик жамияти муаммоларига яқин бўлади. Бироқ ёзувчи ҳаётга, модомики ёзувчи кўзи билан қарапкан, албатта, бошқа қарашлар қобиғидан четга чиқишга мажбур ва шунда у... журналистик замин ўзига торлик қилаётганини сезиб қолади. Ўз-ўзидан тушунарлики, айниқса, газетачиликда расмиятчилик мақоми кўпинча устуворлик қиласди. Шу нуқтада аксарият адигман дегани журналистика қобиғидан чиқади. Самимиyroқ, ҳаётийроқ, “одамгарчилиги” кўпроқ бир даврани қўмсаб қоласиз-ку, шунда беихтиёр расмиятчиликни йиғишишириб қўя қоласиз. Ёки бутунлай хайр-хўш қиласиз.

Жуда жўн мисол айтай: икки дўстдан бири – Анвар Жўрабоев ёзувчи бўлолмади, Нураги Қобул журналист бўлиб қолмади.

- Вақтим бемалол бўлгани учунми, вилоятларда ижодий сафарларда тез-тез бўлиб турман. Сурхондарёга борганимда ўнлаб ижодкорлар билан мириқиб гурунг қилдим. Уларнинг таъкидлашича, вилоядда ўз касбингина эмас, китобни, маънавиятни қадрлайдиган кишилар ҳам кўп экан. Хусусан, Тўра Боболов,

Рустам Пардаев, Чори Бегимқулов, Аҳмад Сувонқулов, Абдусалом Ҳўжакулов, Улугбек Зокиров, Абдулазиз Бозоров, Азамат Тўхтаев, Элбек Нормаматов, Анвар Холманов, Беҳзод Ҳасанов, Шерзод Ҳудоёров, Баҳодир Арзиқулов, Шуҳрат Юсупов, Ўрмон Ашурев, Шерзод Жумаев, Нурали Абдукаримов, Илҳом Сафаров, Даврон Бобоёров, Элмурод Авазов, Нурислом Тўрақулов, Фарруҳ Мирзаев каби ўнлаб тафаккури кенг, ижодкорларни қадрлайдиган инсонлар қўп эканлигини қайд этишиди. Ҳатто айрим мансабдорларнинг қутубхонасида сизнинг “Бибисора”, “Чамбилбелнинг ойдаласи” каби китобларингиз турганлигини кўриб қувониб кетдим.

Лекин негадир ўзингиз туғилиб ўсган вилоятнинг туманларида ижодий учрашувларда тез-тез бўлиб турмайсиз.

Мисол учун, Кўшработга бориб, талантли ёзувчи Собир Ўнарни танийсизларми, ҳикоя ва қиссаларини ўқиганмисизлар, деб сўраб қолгудек бўлсангиз, қўп одамлар ерга қарайди. Аммо фалончи ошпаз ёки артистни биласизларми, десангиз, юзлаб кишилар: “Ҳа, ҳар куни у пишрган ошни мазза қилиб еймиз”, – деб мақтанишади. Бу нимадан далолат, айрим жойларда руҳга қувват баҳш этадиган маънавий неъматлардан қўра танага озиқ бўладиган таомларга ружу қўйши оқибати эмасмикин?

– Бу гапни тўғри айтдингиз. Ўзим туғилиб ўсган Кўшработга, айниқса, қишлоғим Қувкаллага тез-тез боришга ҳаракат қиласман. Ота-онам тириклигида уларнинг дийдорига ошиқар эдим, энди улар йўқ, бир оз қадамим сийраклашди, аммо ака-ука, сингилларим, жигарларим, ёр-жўра, улфатлар, синфдошлар бисёр, иложи бўлса, тўй-маъракаси, яхши кунларида борсам дейман – кўнгил талпинади-да. Улар, албатта, каминани ёзувчи, журналист, муҳаррир деб хурмат қилишлари ҳам ёқимли. Ўзим ҳафсаласизроқман, бирорларга ўхшаб тўдага уравергим келмайди.

Бир тўйда давра бошловчиси каминани таништириб ўртага чорлаяпти:

- Даврамизда пойтахт Тошкентдан ташриф буюрган азиз меҳмонимиз ўтирибди, ёзувчи, "Ёшлиқ" журналининг кўп йилдан бери мухбири Собир Ўнаровга сўз берамиз. Марҳамат, меҳмонни олқишлийлик, азизлар.

Ўзингиз билганингиздай икки оғиз тилак, яхши истаклар, яна синфдошлар қуршови, ол-ол, е, ич.

Биқинимда ўтирган ўқимишлироқ синфдошимнинг биқинига туртаман.

- Аҳмоқ, қачонгача мени мухбир дейсан, ахир журналга бош муҳаррир бўлганимга ўн беш йил бўлди, олтита китобим чиққан, ёзувчилар уюшмасининг аъзосиман, давлат мукофоти ҳам олганман, шуларни анови булбулигўёга тўғри айттиранг бўлади-ку!

Шунда анови шоввоз нима деди денг:

- Ие, сен мухбир эдинг-ку, қачон бўшадинг?

Уларнинг наздида камина шаҳарда еб-ичиб, гердайиб, хоҳлаган ишини битириб юрувчи олғир мухбир эканман.

Яхшиям, уларнинг ичидаги Бойтемир Ганиев деган дўстим, йил айланиб янги қурилган қишлоқдаги 87-мактабга директор бўлиб қолди. Унинг шарофати, таклифи билан ўша мактабга бориб бир марта учрашув ўтказдим, бир қучоқ китобларимдан совға олиб бордим.

Яқинда Эргаш Жуманбулбул ўғли туғилиб ўсган Жўш қўрғонида улуғ бахшига янги уй-музей ташкил этиладиган бўлди. Ҳозир катта реконструкция ишлари кетаётганини эшитдим. Туман ҳокимиятида ишлайдиган Шавкат исмли йигит шу музейда Қўшработдан етишиб чиққан ижодкор, йирик зиёли, олимларнинг ҳам бурчаги бўлади, ўзингиз ҳақда маълумот, китоб ва расмларингиздан жўнатинг, деб қўнфироқ қилиб қолди.

Хайрият, дедим. Юбордим. Билиб турибман, бу – вилоят ҳокими ЭТурдимовнинг ташаббуси. Бошқаларга қолса, бир иш чиқиши қийин.

Ҳар бир жойнинг ўз етакчилари, пешқадам маънавий оқсоқоллари бўлади.

Аслида Кўшработ зиёлилар юрти.

Эргаш Жуманбулбул, Раҳматулла Юсуф ўғли каби зўр бахшилар етишган, Тошпўлат Ширинқулов, Бакридин Зарипов сингари академиклар вояга етган, профессор, улуғ қашфиётчи, физик ва математик Фахриддин Бадалов, шоир Равшан Файз, ёзувчи Ҳабиб Темиров, ўнлаб фан доктори, профессорлар, бир неча вилоят, республика миқёсидаги раҳбарлар вояга етган бетакрор маскан. Ўз навбатида уларнинг ҳам обрў-мартабалари улуғланса арзийди.

Шуларнинг соясида, балки, биз кичиклик қилаётгандирмиз, ким билсин. Сирасини айтганда, шахсан ўзим бу масалада қадрим деб ўйланиб ётмайман, майли, улар ва бошқалар тан олиб, олқишлиашлари учун ҳали меҳнат қилиш, яхшироқ асарлар ёзиш керак экан-да, дейман.

Кўшработ бир пайтлар чорваси билан ҳам машхур бўлган, ҳар бир бўлимда ўн минглаб қўй боқилган. Мамадиёр Шосимов сингари илғорлар ҳар юз бошга 220 талаб қўзи топширган. Бу ҳақда негадир жуда хурсанд бўлиб ёзар эдик. Мамадиёр аканинг ўзининг 600 дан ортиқ (балки, 800 тадир) қўйлари бор, шуларнинг қўзиларини ҳам қўшиб давлатга топширас, қарангки, қўзбўямачилик ўзига ҳам маъқул келиб рост ҳаётга ўхшаб кетар, гарчи қаҳрамон бўлмаса-да, райком, исполном томонидан “герой”дек эъзозланар, Ўзбекистон ССР халқ депутати эдиким, бу туманимизда бошқа бирорвга насиб этмаган, кўкраги тўла шалдираган медаллар, бирорв Шосимов олдида ип эшолмас, бир майдон наридан пусиб ўтишга мажбур эдилар. Бу обрў, эҳти-

ром, мартабалар мустақилликнинг илк даврларидаёқ пуфакдек пақиллаб ёрила берди, ёрилди-ёрилди-да, бир-икки йилда ҳеч нарса қолмади айтгулик, арзигулик, мақтангулик. “Герой”имиз ҳам мустақил юртда кўп яшай олмади... фитрати, сийрати, суврати тамом ўша давр нуқсига монанд эди, чамаси. Кенг яйлов, бедапоя, артезиан қудук, лавлагизорлар, қовунпалак, тарвузпалак, ёзда тоғнинг у биқини, бу биқини Шосимов тўрам деб бўшатилар, куз келиши билан, сентябрь ойларида буғдойдан бўшаган майдон – ангарлар ҳам Шосимов “герой”ниги эди. На бўлғайким, мустақилликнинг дастлабки кунлари, бу ўзга ғояларга у одамлар тоб бера олмади. Кўшработда машхур ошпаз йўқ, зўр ҳофиз ҳам чиқмаган, эналаримиз, опа-син-гил, чечаларимиз қозонга нени солса овқат экан, деб же-еб кетабердик, ўтрик замоннинг ўтрик гапларига монанд яшаш... қўлимииздан келган, нима дейсиз энди бунга, аммо чидамли, матонатли, қаттиқ бош, яъни тош қаттиқми ўзи ё мана бу бош қаттиқми, деб ўралашиб яшайдиган одамлар.

Афсуски, ҳали-ҳануз бу қиёфа образлари адабиётимизда яратилмади. Худо куч берса, яратилиб ҳам қолар. Умидимиз йўқ эмас.

– Сиз узоқ йиллар республикамиздаги севимли, ҳатто оммабоп адабий нашрлардан бири “Ёшлик” журналида бош муҳарир бўлдингиз. Яшириб нима қилдик, бундан йигирма-ўттиз йиллар аввал “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Гулистан”, “Туркистон”ни ҳалқ талашиб-тортишиб ўқир эди. Энди, обуна бўлинг, дўкондан сотиб олинг буларни, десангиз, негадир кўпчилик бурнини жийиради. Ўттиз уч миллиондан ошиқ одам яшайдиган, Марказий Осиёдаги катта бир мамлакатда газета ва журналларга талабгор кам эканлиги, юмшоқ қилиб айтганда, фожиа эмасми?

Айримлар ўзларини оқлаш учун айбни шўро мафкурасига тўнкашади. Бу тўғри эмас! Шахсан мени илгари ҳеч ким “Агар “Ёшлик” ёхуд бошқа нашрларни ўқимасанг ёки обуна бўлмасанг, пешонангдан отиб ташлайман!” деб мажбурламаган. Фақат мен эмас, минглаб одамлар юқоридаги каби газета ва журналларни ўз хоҳиши билан ахтариб юришар эди-ку? Ҳозир ким топа олмай сарсон бўлаётир?

Айрим ижтимоий-сиёсий нашрларга мажбурлаб обуна қилишаётганлигини айтишди. Ҳатто республикадаги нуфузли мустақил газета “Хуррият” бир неча ойлар чиқмай қолди. Бошқа айрим газета ва журналларнинг тақдиди ҳам хавф остида.

Сиз нима деб ўйлайсиз, “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдизи”, “Ёшлик”, “Гулистон”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” каби адабий нашрлар мазмундорлиги, савияси бугунги кун талабларидан орқада қоляптими?

- Аввал бу борада фикр юритдик. Шундай бўлса-да, саволингизнинг охирги қисмидан жавобни бошласак.

“Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдизи”, “Ёшлик”, “Гулистон” журналларининг бугунги сонларига разм солинг. Жуда яхши чиқяпти.

Бадиий савияси, дизайнни ҳам зўр, аммо қани энди уни ўқийдиган одам? “Ака-ука Карамазовлар”дай дунё адабиётини сескантирган роман чиқади-ю, уни энг моҳир таржимон Иброҳим Ғафуров таржима қиласди-ю, у “Жаҳон адабиёти” журналида чоп этилади-ю, ўзринг қурсин, ўзбек обуначилигининг саноғи мингтага ҳам етмаса, етмишдан ошган адаб, оқсоқол Аҳмаджон Мелибоев арбоблар корхонасининг эшигидан мўралаб, журналда палон-писмадон асарлар босилди, ўқисангиз, киройи кам бўлмайсиз, деб сарғайиб юрса, лекин оқибат, барибир худди маънавият билан ўчакишгандек ёхуд масхара майдонига айлангандек якунда ҳеч ким обуна бўлмаса, сотувга

чиқарганингни намунча қиммат деб вараклаб ҳам кўрмаса...

Ҳозир мактабларда обунанинг аҳволи тўғрисида суриштирангиз, ўқитувчиларнинг ўзлари бултур “Маърифат”га ўн киши бир бўлиб ёзилган эдик, бу йил мактаб бўйича 1–2 тага бўлибмиз, шу боис ўқимаяпмиз, янгиликлардан, нималар чоп этилаётганидан бехабармиз, дейишмоқда.

Хўш, бунинг орқасидан ким фойда кўрди: вазирликми, ўқувчими, ўқитувчими, газетами?

Шундоқ ҳам омонатгина илиниб турган матбуот нашрларига бу жуда кескин зарба бўлди. Матбуот тутдай тўкилди. Бу ёқда Президент китоб ўқи, китобхонлик маданиятини ўстир, китобсиз келажак йўқ, деяпти, қуйида эса мулозим ўқима, обуна бўлма, онлайн дарс ўтаман, мактабни қойилмақом қиласман, деб ётибди, эй, барака топкур, матбуотдан, дунёдан, қўшимча дарсликлардан бехабар мактаб қанақасига илфорлашиб кетсин?

Мактабдаги ўқитувчи ва ўқувчининг билим савијаси даражаси бугунгичалик шармандали ҳолатга келмаган эди.

Мактаб – элимизнинг номуси.

Мактаб – юртимизнинг келажаги.

Мактаб – фарзандларимизнинг эртанги кунини кўрсатиб турган ойна.

Биз бу ойнага қараб уялмай қўйдик. Биз бўлмайдиган элнинг бўлмағур болаларини етиштираётганимизга тан бердик. А, шундайми?

Шундай бўлмаганида – биз мактабда адабиёт ўқитишини тўхтатиб қўймаган: инглиз тилини билсанг бўлди, бошқасини ўқима, зинҳор ўзбек тилини ўргана кўрма, зинҳор китоб ўқима ва минбаъд обуна бўла кўрма – саводинг ошиб, маърифат кўзинг очилса, эртага бошга битган бало бўласан, демаган, қайтанга Президент

каби ўқиши, ўқиганни рағбатлантирган; мустақил ра-вишда энг кўп китоб ўқиган ёш китобхонга “Спарк” ав-томашинаси совға қилган, китобхон ўқувчимизни кўз-кўз қилиб, ҳаммага ўрнак қилган; эй, азизлар, ўқинглар, кўп китоб ўқинглар, фалон-пистон газета-журналларга ҳам обуна бўлинглар, ахир улар жуда зўр нашрлар, та-саввурни, маънавий дунёмизни бойитадиган асарлар-ни беришяпти, ахир буларни болалар, аввало мутахас-сис, педагоглар ўқисин, обуна бўлсин, обунани ташкил этсин, ўқувчилар адабиётдан, тилдан саводсиз бўлиб қолмасин, ҳар томонлама бадиий савияли бўлиши учун “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик”, “Гулистон” журналлари, булар қаторига “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси”, “Адабиёт газетаси” газетала-рини ҳам қўшинглар, ўқинглар, ижодий баҳс-дискусси-ялар уюштиринглар, демасмидик?

Йўқ, демаймиз! Чунки Президент айнан, “Ёшлик” журналини ўқинглар, обуна бўлинглар, демаяпти-да, шу масалада фармон ҳам чиқармади, мана, “Ёшлик”ни ўқинглар, десин фармонда, шундагина обуна қиласмиш. Сиз бўлсангиз, беш-ўнта журнал-газетани айтаяпсиз, қайси бирини ўқитамиш унинг, кечирасиз, оғайни, то-шингизни теринг”. Уларнинг аъмоли шу.

Мана, бугуннинг матали ҳам шу.

Хўш, нима учун халқ таълими вазирлигини танқид қиласмиш?

Сабаби аён: боламиш, неварамизнинг ҳеч бири мактабни четлаб ўтмайди.

Энг катта зиёли, ҳаракатчан, ўсувчи армия – шу-лар.

Республикамизда ҳозир 9191 та мактаб бўлиб, уларда 5 млн 800 мингдан ортиқ ўқувчи ўқийди, 444 мингдан ортиқ ўқитувчи меҳнат қиляпти.

Президент, вақти келиб мактаб ўқитувчисининг маошини минг долларга кўтараман, деди.

Бу дегани – мактаб нуфузи тағин ошади, бир пайтларда бўлгани каби, асосий илм ўчоғи шу ер бўлади деганидир.

Энди мактаб ўқувчиси қўғирчоқ театри ўйнатувчи, ўқитувчи – ҳокимият дастёри эмас.

Энди бу ерда бемалол билимлар чуқур ўзлаштирилса, китоб ўқилса, оқибат “Ёшлик”, “Шарқ юлдузи”, “Жаҳон адабиёти” журналларини ўқинглар, кони фойда, ахир, бу адабиёт, бугунги кун адабиёти, янгиликлардан хабардор бўл, барака топкур, дея тарғиб қилсанг, ўз навбатида улар ҳам, дарвоҷе, бу адабиёт, тайёр хрестоматия, хабардор бўлганимиз яхши-ку, деб обуна бўла қолса, эътибор бера қолса, ахир, бундан ҳамма ютади: ўқувчи, педагог, ота-она, ниҳоят – жамият. Ана шунда бора-бора биз китобхон жамият барпо этишимиз мумкин.

Афсуски, мактабни четлаб ўтиб, бу мақсадга етишиш мумкин эмас, чунки ўзингиз билганингиздек, мактаб – асосий зиёли армия.

Дастлабки ҳикояларим аввал ҳозирги “Ёшлар овози” газетасида, сўнг 1986 йилнинг августида “Ёшлик” журнали саҳифаларида ёритилган. Ўшанда жуда кўп журналхонлардан хатлар олувдим, ҳатто қишлоқдаги тоғаларим ҳам қаерга мактуб битишни билмай “Ёшлик” журнали манзилига хат ёзиб юборишган, бир майдон ўзимдан кетиб юрганман.

Гап менинг хурсанд бўлганимда эмас, матбуотда асаринг чиқса, одамлар ўқигани устида кетаётир. “Ёшлик”нинг ўша сони 450 минг нусха чиққан, демак, камида шунча одам ўқиган уни, орадан икки йил ўтгач, 1988 йил 10-сони 800 минг нусха чоп этилган, журналда қаторасига учта ҳикоям босилгани учун аниқ эслаяпман. Саккиз юз минг! Бу айтишга осон, биз ўзбеклар ўша вақт 20 миллионлик нуфусга эга эдикми, йўқми – билмайман. Яна шу нарса аниқ эсимдаки,

Москвадаги Бутуниттифоқ “Юность” адабий журнали “Ёшлик”дан икки баравар кам – 400 минг нусха чиқар эди. “Юность”нинг бош муҳаррири Андрей Дементьев бу фактни эшишиб, бош муҳарриримиз Омон Матжонга хат ёзгани, бунча тираж билан ўзбек ўқувчиларини кутлагани ҳам кечагидай ёдимда.

Мана, бугун “Ёшлик”нинг умумий ададини 1500 донаага етказиб ушлаб туриш катта муаммога айланган. Тўлиқ лотин алифбосига ўтилди, Ёшлар иттифоқининг этагидан маҳкамроқ тутишди. Йўқ, халқ таълими, мактаб матбуотга хайриҳоҳ бўлмас экан, ўзгариш бўлмайди, ҳадемай жуда кўп обрўли газета-журналлар ёпилиб кетади, мана кўрасиз.

Мана шу соҳа мутасаддиларига Аллоҳ куч-қувват ва қўзи очиқлик ато этсин, бошқа ҳеч чораси йўқ.

Нашрларнинг мазмундорлиги, бадий савиясига ўзингиз эътибор беринг. Хўш, уларнинг қайси нашрдан кам жойи бор экан?

Ёшлигимизда нашр тури кам эди, боз устига арzon эди. “Фунча” – 1 сўм 10 тийин, “Гулхан” – 1 сўм 20 тийин, “Шарқ ўлдузи” – 4 сўм 80 тийин, яъни донаси 40 тийин эди. Арзонлиги учунмикан, одамлар газета ва журналларга ҳам обуна бўлаверишарди.

Ҳозирги нархлар ҳам у даражада одамни қўрқита-вермайди-ю, аммо оладиган ойлигинизга мос эмасда, шу боис мактабда жамоавий обуна йўлга қўйилгани дуруст. Нима қипти, 10 та “Маърифат”, 5 та “Шарқ ўлдузи”, 5 та “Ёшлик”, 5 та “Жаҳон адабиёти” ва ҳоказо журналу газеталар мактаб кутубхонасига кеп турса.

– Йигирма йиллар аввал... “Шарқ” нашриётида босилган “Шириндир азоби севгининг” (Адабий-танқидий ва публицистик мақолалар) деб номланган китобимдан таниқли шоир Салим Ашур билан таниқли ёзувчи Собир Ўнарнинг сўзбошиси ўрин олган эди. Буни эслаш-

дан муддао, маҳоратли адабгина бўлиб қолмай ўшанда сизнинг асарлар, улардаги образлар моҳиятини нозик ҳис эта оладиган адабиётшунос сифатидаги қобилия-тингиз ҳам намоён бўлган эди.

Яхши эслайсиз, бурунги катта ижодкорлар – Одил Ёқубов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Ўқтам Усмонов ва бошқалар ҳамкасб ёзувчиларнинг роман, қисса ва ҳикояларига муносабат билдириб туришар, адабий нашрлар у ёқда турсин, сиёсий газета ва журналларда ҳам мақолалари босилиб турарди.

Бугунги кунда негадир Исажон Султон, Абдуқаюм Йўлдош, Шодиқул Ҳамро сингари истеъододли ёзувчилар кейинги йилларда нашр этилган “семиз” ва “ориқ” китоблар хусусида лом-мим демаяптилар. Нима деб ўйлайсиз, фикр билдириш, илмий ва эстетик таҳлил қилиш фақатгина адабий танқидчининг юмушими?


– Ёзувчига бу борада нима дейсиз, деб турткилаш, албатта, нокулай бўлар. Лекин, биласизми, агар сиз ушбу адаблар билан бевосита кўришиб қолсангиз, бирор сабаб билан дуч бўлсангиз, ўз-ўзидан адабиёт ва айни пайтда ёзилаётган мавжуд асарлар хусусида сўз кетади. Табиийки, юқорида Сиз тилга олган ва бошқа адаблар ҳамда уларнинг асарлари ҳақида фикрлар айтилади. Ҳеч кутмаган ва бемалол танқид руҳидаги гаплар бўлади. Бироқ буни бирор нашр учун сўзлашни сўрасангиз, у жуда “одобли” одамга айланади. Атайлаб шу ишни орқага суради ёки бутунлай бош тортиб қўя қолади. Ўзаро даврадаги фикр бошқа, матбуотдагиси бошқа. Андиша кўпинча принципиал гапни расман айтишга йўл бермайди. Бу ҳолатни ҳам табиий қабул қилиш керак чоги. Навоий ҳазрат ёзгани каби ҳар ростни сўзлаш ҳам дуруст эмас. Сиз яхши биласиз, Лев Толстой Достоевскийдай буюк ёзувчининг, Шекспирдек улуғ драматургнинг деярли барча асарларини пўстагини қоқиб ташлаган, аямай танқид қилган. Бироқ

Толстой танқид қилди-ку деб биروف на Шекспирдан, на Достоевскийдан воз кечган ёхуд ихлоси сусайган эмас. Бундан Толстой, Достоевкий, Шекспир даҳосига заха етмаган. Бу даҳо ёзувчининг қатъий адабий принципи ёки улар даҳоси қошида ғаши келгани белгисидир – буни ҳар ким ҳар хил тушуниши мумкин. Аммо ўтган асрнинг 80-йилларидағи каби асарларга қизғин муносабат билдирилмаётгани бор гап.

Назар Эшонқул бир мақоласида бизнинг авлодни авлод деб атаб бўлмаслигини ёзғирган. Маълум бир адабий тамойил, аъмолларни биргалашиб ёқламасликларини танқид қилган. Сусткашлик бор нарса, аммо бутун бир ўн йилликларни яшаб, ёзиб, керак бўлса, шу орқали ўзларининг жамиятга, ҳаётга, мавжуд тузумга муносабатларини билдириб, маълум маънода бошқа қарашларга, шаклларга интилаётган ўнлаб адилларга бир хилда баҳо бериш, балки, тўғри эмасдир, менга шундай туюлди.

Хозирги етмиш ёшли ёзувчилар билан суҳбатлашганингизда ҳам тенгқурлари асарларини оғзаки суҳбатда бемалол танқид қиласверади, лекин шу фикрининг расмий тус олишини хоҳламайди, холос. Биз мансуб 50–60 ёш теграсидаги ижодкорларда ҳам худди шу “касаллик” мавжуд. Бу яхшими, ёмонми – бир нарса дейиш қийин. Бироқ бир нарсани аниқ айта оламанки, булар аввало бир-бирларини ҳурмат қиласади, асарларини ўқиган ва ўз позицияларига эга. Адаб адилнинг асарини ўқимай туриб уни писанд қилмаслиги – ёмон қусур. Афуски, ҳаётда бундай ҳодисаларга дуч келганимиз...

Жовли ака, ушбу суҳбат доирасидан чиқиб яна қўп фикрлар баён этиш мумкин экан. Аммо бу алоҳида суҳбат бўлгани тузук. Вақт топиб, ҳафсала қилиб шу гапларни айтишга унdagанингиз учун Сизга ташаккур!



ЭССЕЛАР



ОДАМНИНГ КУЧЛИСИ

1

1986 йилнинг кузи эди. Университетни тугатганимиз. Ўша кезларда матбуотда бирор асаринг чоп этилса, тезда тилга тушар эдинг. Каминанинг “Ёшлик” журналининг 8-сонида бирйўла икки ҳикояси босилиб, босар-тусаримни билмай анчайин ҳаволаниб юрган кунларим. Курсдошим Назар Эшонкулнинг 10-сонда “Уруш одамлари” деган қиссаси чиққан, яна бир қадрдоним Ҳошимжон Мирзаҳмедовнинг “Неваракулча” рукни остида иккитагина болаларбоп шеъри ҳам эълон қилингандики, биз бошқалардан ҳам қўра Тошкентда қолиб ишлашга қўпроқ ҳақдор сезардик ўзимизни. Бориб ўз вилоятларимиздан “бизда иш ўрни йўқ” мазмунида “отказ” хат ҳам олиб келиб журналистика факультетига топширганмиз. Деканат бўлса, кунда-кунора суриштиради. Аслини олганда, бунинг ҳам сабаби бор: бир гурӯҳ курсдошлар факультетимиздаги билими саёз домлалар, хусусан, декан устидан шикоят қилиб унча-мунчамас, Марказқўмнинг ғоявий котиби хузурига-да кириб чиққанмиз. Жангарилигимиз самараси ўлароқ икки карра декан алмашган. Учинчиси – рус киши ҳам азбаройи ўзининг бор-йўқлигини сездирмайгина пусиб-қимтиниб ишларди. Акс ҳолда, хужумларимиз самарали кетаётганидан чандон илҳом олиб юрган эдикким, “ўзга миллат вакилининг ўзбек журналистикаси ўқув даргоҳига не дахли бор” мазмунида навбатдаги ҳамлага ўтиб қолиш шашти ҳам мавжуд эди. Шикоятимиз рўйхатларида тилга олинган домлаларнинг бизда “тиши” бор эди, албатта. Шу боис биз бош суққан таҳририят ёхуд идораларда аввалдан

хабардор қилинган таърифу тавсифларни эшитиб “астағфируллоҳ” дея ёқа ушлаб, сўппайиб чиқар эдик.

Сирасини айтганда, ўша шарттакилик, бетгачо-парликларимизнинг ҳеч кимга фойдаси бўлмади.

Ўша домлалардан ким бор, ким йўқ, дунё ўткинчи экан, борлари ҳалиям ўша-ўша – факультетни тўлдириб янги талабаларга ўша оҳангда сабоқ бериб ётишибди. Кўз қўзга тушганда бир оз қимтинасан. Ким билсин, баъзи бирлари ўшал даврларни эсламайдиям. Журналистика факультетлари Республикализ Олий ўкув даргоҳларида бир неча чандон ошиб ўқитгувчи кадрларга тағин ҳам эҳтиёж ошдиким... бу ёғини қўяберасиз энди.

Сиз чўчиманг, гап айланиб Абдусаид акага уланади барибир.

Ҳа, дарвоҷе, биз “поездга осилиб келган” қишлоқликларга эртадир-кечdir, барибир омад кулиб боқди. Кечаги талабалар узун-қисқа бўлиб “Совет Ўзбекистони”, “Ёш ленинчи”, “Ленин учкунни” газеталари, “Гулистон”, “Ёшлик” сингари журналларнинг эшигидан бўйлаймиз. Бор таҳририятлар ҳам шулар-да. Ҳозиргидай ёмғирдан сўнгги қўзиқорин каби газеталар уйилиб кетмаган-да. 60–70 сўмлик маошга қаноат қилиб ишламоқчимиз. Лекин иш қайда?

Кеч тушяпти. Ҳозирги ЎЗА ва журналлар жойлашган бинонинг 11-қаватида муҳаррирнинг сариқ эшикли, сариқ стол-стуллар, буни қарангки, телефон аппарати ҳам сап-сариқ кабинетида таёқ еб мулзам тортган боладай тумшайиб ўтирибман. Катта ойнадан бирин-кетин ёнаётган шаҳар чироқлари милтиллаб кўринади. Индамайман. Нима ҳам дейман? Ака бўлса, ўзига бир пиёла чой қуиди, графинда қолган сувни гулларга қуиди, сўнг киссасидан “Родопи” сигаретини чиқариб тутатди. Чека-чека мендан назарини узуб машинкаланган, бир чеккаси бўялган қўлёzmани

таҳрир қила бошлади. Бу менга “баттар бўл” дегандай туюлди. Лекин икки кўзим мұҳаррирнинг таҳрир қилаётган қўлида. У бир ҳикояни деярли қайтадан ёзиб чиқаётган эди. Тавба, бирорвнинг асарини қандай тузатиб тайёр ҳолга келтиришар экан? Ўзим не аҳволдаман-у, хаёлим шу ёққа кетади. Аканинг хати ҳам жуда чиройли. Дарвоҷе, шу қўллар билан каминанинг ҳикояларини ҳам чунон бўяб-бежаб ташлаган эдики, дабдурустдан қотиб қолганман.

Яна хаёлан бунақа бирорвнинг асарини бўяб ташлаёлмайман-ку, деб ўйлайман. Ака бўлса, қўриниб турибди, ҳикоянинг ичига кириб, балки шўнғиб кетган, менинг ўтирганимният деярли унуган эди. Сигаретидан учиб тушган кукунларни “пуф” деб учирив юборади-да, тағин ишлайди.

Чамаси, осмонда юлдузлар ҳам пайдо бўлди.

Шу пайт эшик шахт очилиб, қорачадан келган, шляпали, узун қора плаш кийган, тикқомат бир киши кирди-да, дарҳол қулиб:

– Э, устозлар, сизларда уй, ватан деган нарса йўқми? Ё бугун ишхонада қоладиган кунингизми? Э, қойил-э, – деб юборди.

Мұҳаррир қўлёzmани дарҳол четга суриб ўрнидан турди. Янги киши билан қулиб сўзлаша кетди. Чой қўйишга тутинди. Мен уларнинг ҳазил-хузулига, бирорларни лақаб билан атаб сирли гаплашишларига ҳайрон бўлиб боқаман.

Киши менга эътибор бермади. Бир фурсатдан кейин мұҳаррир менинг бундай ўтирганимга кўзи тушиб, энди эслагандай:

– Бу йигит Кўшработдан. Нуротанинг ҳавосини симириб катта бўлган. Ўқиган бўлсангиз, саккизинчи сонда “Кунсулуvнинг сирли хатлари” деган ҳикояси босилувди.

- Э, ҳа, бўлди-бўлди, – деди у одам эслаб қолиб.
- Исми Собир, – деди муҳаррир, – тортса, одам бўлади, қалами бор.

Сўнг менга юзланиб:

– Абдусаид акани танигандирсиз? – деди.

– Ҳа, танидим, – дедим. Ўзим ҳам Абдусаид Кўчимов эмасмикан, дея тусмол қила бошлаган эдим. Яқиндагина у кишининг “Ёшлик”да чиққан “Ўғил” деган ҳикоясини ўқиган эдим. Ҳикояга “Бесабаб оёққа тикан кирмас” деган мақол эпиграф қилиб олинган эди.

Ўзи Ургутдан, айни замонда “Шарқ ўлдузи” журналининг масъул котиби экан. Дарҳол мени ўзига яқин олди. Нималар дегани аниқ эсимда йўқ, аммо “кўнглинг тўқ бўлсин, бола, биз қараб турмаймиз, ёрдам берамиз”, деганга ўхшаш бир ўқтам яқинликни туйдим. Акам яна биттага кўпайгандай эди.

Рости ҳам кейин шундай бўлиб қолди.

Ака гап орасида: “Бу йигитнинг ишини Омон ака-га кириб ҳал қилдим, лекин пропискасини эплаёлмаяпти”, – деди.

– Ие, – деди Абдусаид ака, – шундайчикинам бўла-мо? Э, уккағар-э, буни қаранг.

Кейин бирдан сергак тортиб, кўзини пирпират-гансимон бир жиддий нарсани эслагандай:

– Қаерга қўймоқчисиз? – деб сўради.

– Бир қўшработлик акамиз, уйимга қўйиб бераман деб, ўн ой бўлди, алдаб юрибди, уч юз сўм берганман, – дедим, бу одамга кимнинг устидан бўлсаям шикоят қила-верса бўладиган каби. Чиндан ҳам янги акага бир халос-кордай қараб ўрнимдан туриб қўл қовуштириб турдим.

Абдусаид ака муҳаррирнинг сариқ телефонини олдига суриб олди-да рақам терди. Ким биландир ўша баланд пардада ҳазил-хузул аралаш гаплаша кетди. ЦУМнинг ёнидаги “участковой мелиса”, Бахтиёр ака

деган одам Абдусаид аканинг қўшниси экан. Ҳе йўқ, бе йўқ, “участковой”нинг бўйнига менинг “прописка”мени юклаб қўйди.

Муаммо бу қадар тез ҳал бўлганидан шошиб қолган эдим. Қўшработлик оғамиз паспортни берди-ю, пулни бермай яна бир муддат сарсон қилди, югура-югурга, ялина-ялина охири олдим. Сўнг Бахтиёр акага чопдим. Бора сола, неча пулга қилиб берасиз, деб ҳам сўрамасдан уч юз сўмни паспортга қистириб, Абдусаид ака жўнатганини айтиб узатдим.

Майор “кетдик” дея мўъжаз идорасининг ёнида турган яшил “Москвич”га ўтириб ўт олдирди. Ҳозирги “Миробод” бозори томондан ўтиб бориб тўрт қаватли ғиштин ётоқхоналар атрофида тўхтадик. Майор бир ўрта яшар рус аёлига учради. Паспортни берди. Чамаси, пулни олиб қолди. Мен у аёлнинг кўртсатмаси билан комендант номига ариза ёздим. Рус аёл Бахтиёр акадан тўрт-беш сўм умидвор бўлди. Нималарни дир баҳона қилган бўлди, бироқ мелиса ўрисчалаб кулиб аёлни кўзинг яхши, қобоғинг яхши, дея алқади, сенинг устингдан ҳам иш қўзғасам, нима қиласан, дея ёлғон пўписа ҳам қилди. Шундан сўнг аёл ожизона рози бўлди-да, паспортни олиб қолди. Аниқ эслаёлмайман, чамаси, эртаси куни «пропискага» муҳр урилган паспортимни қўлга олдим.

2

Шуйтиб, аканг қарағай “Ёшлиқ” журнали ходими ҳам бўлдим.

1986 йилнинг 3 ноябри эди. Мехнат дафтарчамга шу йил, шу сана, сўнгра “учётчик писем” номли иш тури ёзилган. Шу-шу “Ёшлиқ” журналининг содиқ ходимига айландим.

Ўшанда Абдусаид ака тез орада ҳозирги болалар газетаси, у вақтдаги “Ленин учқуни” газетасига бош муҳаррир бўлди. “Устоз-устоз”лаб бориб турман. Буни қарангки, у кишиям одамни “устоз” деб уялтиради.

– Газетамизнинг тиражи бир миллиондан ошди, устоз. Машхур бўламан десангиз, бизга ҳикоялар беринг, “Ёшлиқ” ўз йўлига, – деди бир куни.

Қоралаб қўйган бир-иккита ҳикояларимни олиб бордим. Ака кичикроқ ҳажмдаги бир ҳикоямни босиб юборди. Тағин расмим билан. Кейингиси катта ҳикоя эди, мавзуси ёшларга боғлиқ бўлсаям, ёзилиш усули катталарга мос эди. Уч ё тўрт сонда бўлиниб бу ҳикоям ҳам чиқди. Жуда хурсанд бўлдим. Қатор-қатор хатлар ҳам олдим. Болаларнинг қайси мазмун, қайси йўсинда бўлмасин, ҳарқалай муносабат билдириб атай хат ёзиши барибир ёқимли-да. Кейин яна бир ҳикоямни эълон қилишди. “Алла” деган ҳикоям “Саодат” журналида чиқди. Бу журналнинг ҳам адади чандон катта эдики, одамлар босиб ўқишарди. Маҳмуд Саъдийдек танқидчи: “Мана шу ҳикоянг бизга маъқул, аслида ҳақиқий асар шундай бўлади: ҳам рух, ҳам гап-сўз ўта миллий; колоритга ёпишиб ҳам олмагансан, орқада одам тақдири бор, қўшиқ ҳам бор, бу йўлда кетсанг, балодай ёзувчи бўласан”, – деганини эслайман.

Абдусаид аканинг одамшавандалиги, бағрикенглигига қаранг: мен ҳадеганда бостириб бориб, фалон ўртоғим ишсиз юрибди, ишга олмасангиз бўлмайди, деб тирғаладиган ҳам бўлдим. Дастрлаб хокисор шоир дўстим, чустлик Ҳошимжон Мирзаҳмедовни ишга олинг, деб етаклаб бордим. Олди. Ҳошимжон меҳнат таътилига чиқувди, ўрнига бир ой ишлаб турсин, деб яна бир курсдошим Маматқул Исмоилов (Муҳаммад Исмоил)ни оборувдим, униям олди. Кейин Навоий вилоят газетасида ишлаб юрган дўстим – курсдошим Вафо Файзуллоҳ. Буниям олди. Бу орада М.Исмоил ва

В.Файзуллоҳ уйланиб олган, бири Ховосга, бири Навоийга “хотинини кўргани” кетиб, бир ҳафталаб йўқ бўлиб кетишади. Абдусаид ака бирорвлар орқали биздан сўраттириб қолади: шунаقا бир ходимимиз бўларди, сизгаям таниш, мабодо дарагини билмадингизми?

Буларнинг ичидা, албатта, Ҳошимжондан кўра тартиб-интизомлиси йўқ эди. У ўта камтар, камсуқум, одобли ҳам кўнглимиз бир-бирига боп тушган эдими, биринчи курсданоқ иноқлашиб кетиб, биринчи семестр тугаши билан қийин-қистови билан Чуст тоғларининг қўйнида жойлашган Ғова қишлоғига борганимиз. Тоғларга чиқиб бинафша, чучмома, номини биз билмайдиган сариқ, сиёҳранг гуллар терганмиз, зилол ариқ сувларида нон бўктириб еганимиз. Ҳай-ҳай, у кунлар! Садағанг кетай, у кунлар!

3

Ҳошимжоннинг катта акаси Муҳиддинжон ака колхозда ҳайдовчи, ундан кичиги – Баҳромжон ака қишлоқ сартароши экан. Колхоз томорқага кичикроқ ер ажратаркан-у, акалари шу ерга картошка экиб озмоз тириклик қилишаркан. Отаси Эшонжон амаки Ҳошимжон ўқишига кирар кезда вафот этган экан. Мен онаси деб ўйлаганман, ўзи ҳам “оий” деб атаган бир меҳрибон аёл асли опаси экан, жуда чучук тилли, Ҳошимжонга қўшиб бизниям боласидек алқаган. Кейин ҳам бир гал шу аёл Муҳиддинжон ака билан Тошкентга келган эди.

Э-э, бу Ҳошимжон деганингиз жуссаси кичик бўлса-да, дардга мустаҳкам экан. Ўшанда у онам ҳам йўқ, ғирт етимман, жўралар, деб ёзғиришни эп кўрмаган экан... Акаларини ҳам бундай камтар бўлганлари билан картошкадан хўб даромад қиласидиган бой одамлар қилиб тушунтирган. Кўрдик: Ғовасой бўйидаги

синч-гувалали кичик-кичик пастқам уйлар. Бой эмас, камбағал эди улар. Лекин қаноатли, соғлом, камтар: биз фақир мәҳмөнлар учун жонини ҳам бериб юборадиган одамлар эди.

Учинчи курсда эди, шекилли, Ҳошимжон бир дардга чалинди. Қон қуиши институти клиникасида ойлаб ётиб даволанадиган бўлди. Ўзи айтмагани учун бу касалликнинг маъносини тушунмас эдик. Бир гал уни кўришга борсак (орада пахта теримиға кетиб анча вақт кўришмаган эдик) йигит чунонам семириб кетибди, ҳадеганда таниёлмай қолдик, соchlари ҳам жингалак тортиб, шокила-шокила бўлиб елкасига тушибди. (Ўзи у пайтлар соч ўстириш мода эди-ку). Биз унинг гулдирак кулгусидан таний олдик, холос. Худди эртакдагидек сеҳргар кампир унга қўлинни бир сермаб бошқа одамга айлантириб қўйгандек гўё... Одатда, у ғайир сочини калтароқ олдирап, шунда ҳам орқага тараб юради. То касал бўлгунича, албатта. Фақат кўзлари ўша-ўша. У билан кўришганда феълидан келиб чиқиб одамни бир зум ҳам ўйлашга қўймас эди: кулдираверарди, кулдираверарди. Қаёқдан қайнаб чиқар экан бу гаплар – ҳайрон қолардинг. Ўшандаям бир гурӯҳ курсдошлар унинг хузуридан думалаб қолгунча қота-қота кулиб чиқдик. Ташқарига чиқсанда негадир йиғлагим келди. Бунинг дарди ёмон, айтмаяпти, деб ўйладим. Курсдошим Санобарга шу гапни айтиб ёрилсам, уям хўрсиниб қўйди. “Мен, тентак, у тез орада соғяди-ку, деб гул овоппан, ўзи, курсдошлар пул йиғиб дори олсак бўлармиди”, – деди. Ҳа-я, шу нарса нега хаёлимизга келмапти-я. Йўқ, Ҳошимжон бизнинг бундоқ ҳомийлигимизга йўл қўймади. Негадир шундай қилди. “Ҳаммаси яхши, яқинда ўзим чиқиб бораман, уринманглар”, – деди.

Чиқдиям. Лекин ҳар олти ойда камида бир ой ётиб даволанадиган бўлди. Курсимиздан қолди. Қуий босқичдаги Мамадали Эроновларнинг гуруҳида ўқий бошлади. Кейин пича озди. Соч эса жингалаклигича қолди. Билсак, беморхонада қон қуиши асноси гармон дорилар беравераркан, у одамни шишириб юбораркан.

Мен ижара уйидан қувилганман. Вафо Навоийга кетиб қолган. Ҳошимжон икков излай-излай Олимпия шаҳарчасидан ижарага бир уй топдик. Абдураҳмон aka деган киши эди. Тўлов муҳлати келса, кириб олиб эзмаланаверарди. Бир гапнинг тайини йўқ, нуқул эзмаланади. Қоронғу тушади, ётар бўлади, ўн-ўн беш чойнак чой ҳам ичилиб кетади, акам кетмайди – бир зайлда, биз такрор-такрор эшитган саргузаштларни, майишатларини гапираверади, гапираверади – ҳеч тўхтамайди. Ҳар-ҳар замонда:

– Сизларда ота-она борми? Пулни қаттан оласанлар? Журналист бўлсаларинг, кўп тўлашадими?
– деган “маънодор” саволлар ҳам бериб қўядики, Ҳошимжон билан иккимиз бир-биrimizга қараб қоламиз-да, ҳамма гапларнинг ўзак мағзини тушуниб оламиз: дарвоқе, бугун ойнинг биринчи санаси-ку!..

Ўзи, ёши борса, элликдадир – нега мунча каловланади?

Хотини, бир қизи билан рўпарадаги эшиқда туришади.

– Вой адаси, шу боллардан квартир ҳақи сўраш мунча қийинми: тўла, бўлмаса чиқиб кет – тамом. Эзмаланишларини-чи...

– Мен буларга тушунтирвомман-де. Ёш боллар, бунинг устига қишлоқдан келишган. Ота-оналариям борми-йўқми...

Шундай дея Абдураҳмон акамиз қари одамлардек инқиллай-синқиллай туради ва:

– Эртага тағин бир хавар оларман, а, боллар... – деб құяди.

Кетгач қотиб-қотиб куламиз.

Бултурги йили пахта мавсумида бўлган воқеага хаёлим кетади. 7 ноябрь эди. Байрам. Абдуқаюм Абдураҳмонов деган домла бизга раҳбар. Қаердандир қўшини “Абай” совхозиданми, ароқ олиб келиб ичишимизгаям шахсан рухсат беради. Кичкина әмасмиз, учинчи босқичдамиз. Аммо меъёридан кўпроқ отиб қўйибмиз. Ҳошимжон билан пахтазор четида қоронғуликда бу ҳаётни баланд пардаларда тинимсиз сўкиб кетаётibiмиз, йигит бирдан шеърий йўсинга ўтиб олди-ку. Есенин усулида, майин, аммо дардчил шеърлар. Ўзига хос бўлмаган қўл силкишлар, оёқ тепкилари (ғўзами, кесакми – зарб билан тепиб юборади) симфониясида ўқийверди. Онаси ҳақидаям бир-икки шеър ўқиди. Бирида мазмунан “бу гал борганимда қабрингдан ўсиби қизғалдоқлар” деган маънени уқиб тек қотиб қолдим. У эса энди йиғлаб ўқимоққа тушди. Ўқиб бўлиб баралла хўнграб юборди. Мен уни қучоқлаб олганман, ўзимният тўхтатолмаяпман. Эмранишиб, бир-биримизни суяшиб турсак, қаердандир тентираклаб Вафо келиб қолди.

– Ҳой, нима гап, жўралар? Нима бўлди сизларга ўзи?

Шунда ҳайрон қолдим: Ҳошимжон ҳарбийлардек тез йиғишириниб, ўзини тутиб олди. Кулди. Ҳа, кулди. Латифа айта бошлади...

Мен эса унинг етимлигидан тамом воқиғ бўлиб, шоирлигигаям таҳсинлар айта бошлаган, қўшилиб хўнграй бошлагандим. Энди эса дабдурустдан унинг латифаларига кулишни эплаёлмай ҳиқичноқ тутган одамдай нуқул ҳиқиллар эдим.

Вафо бўлса Ҳошимжоннинг навбатдаги латифала-рига ёввойилардай “ваҳ-ҳай, ваҳ-ҳай” дея қўлларини қўполдан-қўпол қўтариб портлаб куларди-ю:

– Лекин, жўралар, бир нарсани айтмаяпсизлар-да,
– деб ўпкалар эди...

4

Абдураҳмон акамизнинг хотинини Ҳошимжон “шустрий хоним” деб атарди. Албатта, орқадан. Ўзимиз учун. Эрининг чайналишига қарама-қарши ўла-роқ хоним тезда мақсадга кўчиб масалага ойдинлик киритиб қўя қоларди.

Ака чиқиб кетгач, Ҳошимжон:

– Одамга ботадиям демайди, иккаламизният етимга чиқариб қўйдими... – деди сўкиниб. Бундан: “Мен-ку ғирт етимман, гаплари сизга ботмадими?” деган маънони уқдим.

5

Ҳошимжон “Ленин учқуни”га, Абдусайд Кўчимовнинг қўлига энди ишга ўтган маҳаллар. Шу кунларда биз азбаройи қўлимиз калталигидан, Абдураҳмон агадай эзма-зиқнанинг ижарахонасига квартирасига ортиқ пул етказолмай, дўстимиз Муҳаммад Исмоилнинг ундови билан Қорақамишнинг бир четидаги ишчилар ётоқхонасига кўчиб ўтдик. Битта секцияда 5–6 киши турамиз. Муҳаммад Исмоил бир хонани тўлиқ эгаллаган. Кечаси билан ғўнғир-ғўнғир гапириниб ижод қиласди. Биз ишдан қайтгач, А.Ахматова, М.Цветаева, В.Хлебников, Б.Пастернакдан қисқа-юлуқ лекциялар эшитамиш шоирдан, гапини асослаш учун бизга тушунксиз узук-узук русча шеърлардан ўқиб қолади. Мен айтаётган нарсалар асли адабиёт бўлади, демоқчи бўлади. Ўзи яқинда уйланган, хотини Ховосда, ишламайдиям, бир ой-икки ойда уйига бориб, мен фалон жойда ишлайпман, дейди. Бир гал бу “рост гап”ни тасдиқлатиш учун мениям опкетган, акаси Аҳмад акага, онаси – ҳожи онага “Шундок, жигит “Ленин учқуни”да

ишлаётир” деб шубҳаларини тарқатиб келганман. Ахмад ақа ишонқирамай:

– Ҳай билмадим-да, Собирбой, бунинг ишлаши... – деб елка қисган.

Кўп ўтмай ишлаган ва тез орада ишлари юришиб ҳаммамизни чангда қолдириб кетган. Деганим, бунгаям, юқорида тилга олганим – Абдусаид ака сабабчи.

6

Буларни Абдусаид ака ишга олди. Кейинчалик ҳам қаноти остида ҳимоя қилди. Қаерда бўлсаем суяб юрди, эркалик қилса – аяди, гуноҳ қилса – кечирди. Ака шу даражада синчилми ё бафоят қўнгли кенглигиданми, ҳечқурса менга: “Эй, Собирбой, опкелган одаминг мундай экан-ку, аввал айтмаб эдинг” деб юзимга солмаган. Чиппа-чин ишонган. Ҳолбуки, мен аканинг ишончини қозониб, бир нарсани дўндириб ҳам қўймаганман, аксинча ўзимни, ҳамон қарздор, деб билар эдим.

Шунаقا қарздорлик ҳиссини Ҳошимжон ҳам ўйлаб юрар экан, бир куни ёрилди:

– Устоз, бир чойхонага чақириб меҳмон қилайлик акаларни. Нима дейсиз?

Хўп дедим-у, ўйладим: ўша маҳалларда ичимлик топиш муаммога айланиб қолган эди. Ҳамхонамиз, Чилонзорда “участковой” бўлиб ишлайдиган, юридик институтнинг кечки бўлимида ўқийдиган олмалиқлик Эркиндан бу масалани ҳал қилишни сўрадик. Шу йигит ҳам ичимлик муаммосини ҳал қилолмаса денг. Икки кун орқасидан юриб, бошлиғига кириб, у киши бирорвларга телефон қилиб, ниҳоят, икки дона ароқ топдик. Набиев паркининг орқасида, Ғани Аъзамов яшайдиган маҳаллада бир арzon чойхона бор экан. Гаплашиб келиб акаларни: Абдусаид ака билан муҳаррирни чорладик. Ош қилдик, ҳалигиларни қўйдик.

Етмай қолди, албатта. Ғарибона дастурхон бўлди-да. Абдусайд ака шундаям бекорга овора бўлганимизни, шусиз ҳам бизни яхши кўришини айтди. Ошдан чиқиб бекатга бориб кечки автобусда ўзининг Кўйлиқ томондаги уйига кетди. Таксига ўтиринг, икки-уч сўм тўлаб юборамиз десак, унамади. Ҳа, аканинг Кўйлиқдаги икки хонали уйига отаси Кўчим бобо қазо қилганда фотиҳага борган эдим. Ўша кунги ғариб базмда М.Исмоил, Ҳошимжон, Эркин, Комил Жумаевлар - ҳамхоналар жам эди. Табиийки, бояги нарса томоғимизга урвоқ ҳам бўлмай ўтиб кетганди. Ҳурматли меҳмонларни-ку кузатдик, энди ўзимиз бир нарса ташкил қилишимиз зарур эди. Шунда Муҳаммаджондан ташаббус чиқди. Яқин орадаги Чифатойдаги лўли маҳаллада вино бўлармиш. Ичкиликка қаттиқ турилган давр эканми, лўли холалар ҳам у ёқ-бу ёқларга қараниб, болохонадаги пичанлар ичидан вино опчиқиб беришгани ёдимда.

Беш норғул Набиев паркининг қоронғу бурчагида виноларни “через горло” ошқозонга бўшатдик. Кеъин бирданига очилиб, баҳтли одамларга айландик. Тарабалар ётоқхонасидаги таниш қизлар ёнига бормоқчи бўлдик: мардмиз. Аммо чўнтак деганимиз қуриб бўлган экан, автобусда кетишга ҳам чақаларимиз қолмабди. Алкашлардай ғинғир-ғўнғир, ким ашула айтган, ким шеър – бир-биrimизга суйкала-суйкала Қорақамишнинг нариги чети, ботқоқ қамишзор ёнидаги ётоқхонага судралиб етиб бордик.

Ботқоқ сув ёнидалигиданми, аксар подваллари сувга тўлиб кетганиданми, ётоқхонада пашша кўп эди, кечаси деярли ухлатмас, ухласак ҳам эрталаб, калтак егандай юзимиз моматалоқ кўкариб уйғонардик.

Ҳошимжон билан анчагача гурунглашиб ётдик. Уям бир чечилди. Сочнинг жингалаклашгани мавзусига келганда бир рост гапни айтди.

Ўтган гал биз борган палатасида олти киши ётганини, ўшалардан бир ой ичидага фақат бир ўзи тирик қолганини сўзлади. Шунда ҳам умидсизликка тушмай “чёрт” деб қўйди.

– Наҳотки?! – деб юборибман.

– Шундоқ кулиб гаплашиб ўтираверади, кун бўйи қарта ўйнаймиз, кечаси бирдан оғирлашиб қолади-ю, қайтиб келмайди: ўша ёқдан моргга обориб ташлашган бўлади. Ачинамиз, эртаси куни унинг қилиқларини эслаймиз. Ўзимизни овутамиз. Бироқ... бир қун ўтиб, тағин биримиз... Яшашнинг қизиги қолмади, устоз...

Мен унга далда бермоқчи бўламан-у, нима дейишни билмайман. Қайтанга, аксинча, ўзи бизни овутади, бу қийинчиликлар ўтиб, ҳали катта ижодкорлар бўлишимизни башорат қиласди.

– Ўзи, устоз, бу қанақа қасаллик?

– Оққон.

– Оққон?

– Ҳа, қон раки, устоз...

Сўнг орқасидан бир латифа айтиб юборади-да, аввал ўзи портлаб кулиб юборади, ихтиёrsиз биз ҳам кўшиламиз.

7

Комил “Гулистон” журналига ўтди. Ҳошимжон “Ленин учқуни”га, Эркинимиз – мелиса. Муҳаммаджонимиз кечаси билан қўнғиздай ғўнг-ғўнг қилиб, чой ичидаги қилиб юради-юради-да, тонгдан шомгача пўриллаб ухлайди. Яшаш шароитимиз талабаларни-кидан тузукмас. Боз устига, – бундай воқеалар тез-тез бўлиб туради, – меҳмон келиб қолса – урди Худо. Кимнидир йўқлаб келган меҳмонга ҳам бошқаларга нимадир егизишинг керак. Қийинлиги шунда.

Ҳошимжоннинг йўқлайдиганлари бор. Улар ҳам ўзига ўхшаган беозор одамлар. Уйидагилари унинг ка-

саллигини билишмайдиям. Шунчаки, ўзининг табиати ва иродасидан келиб чиқиб айтмаган, яширган, холос.

Дард устига чипқондек Қашқадарёдан Норқобил Жалил келиб бизга қўшилиб олди. Чўнтағида ҳемири йўқ, иш керак, пул керак, яна хотинидан ажрашган – бўйдоқ, уйланиши ҳам керак, уй керак: ўзимиз қатори. Кўрпа-тўшагиям йўқ. Кечаси ўлардай пашшага таланамиз – уйқу йўқ. Ётар вақти ётоқхонадагиларнинг кўпчилиги пашшадан қутулиш илинжида кўрпа-тўшагини қўтариб тепа туйнук орқали томга, шифирлаган шағал тошлар устига чиқиб ётадиган бўлди. Бу одат менгаям юқди. Том усти салқин, кўрпага ўраниб бурканасану қотиб ухлайверасан, пашша киролмайди. Қуёш чиқиб кун қизиганда туйнукдан кўрпангни қўтариб пастга – ўз кулбангга тушиб борасан. Ҳошимжон бунаقا кўрпа қўтариб юришларга ҳафсала қилмас эди. Шу боисдандир, у пашшага кўпроқ таланди ва оқибат касали қайта қўзиди. Бу сафар ҳозирги Қатортол кўчасидаги Қон қуйиш институти филиалида ётди. Идорамизга жуда яқин жойда бўлгани учун кунига, кунора кираман. Олим ака деган бир бераҳм даволовчи дўхтири бор экан, дори-уқолларни бермайди. Бир журналист акамизнинг таниши экан, унга телефон қилдирдик, бари бир фойдаси бўлмади. Охири, Ҳошимжон бехабар, мен уйидагиларга хабар бердим. Мұхиддинжон ака билан опаси куйиб-пишиб, йиғлаб-сиқтаб келиб қолишиди. Дўхтир билан расамадини келтириб гаплашишибди чоғи, кейин даволашни ҳам бошлаб юборишиди. Ҳошимжоннинг опаси менга:

– Ўзингиз кўз-қулоқ бўлиб туринг, укажон! – деб илтимос қилди.

Ҳошимжон тағин шишиб кетди. Акалари тез-тез хабар оладиган бўлишиди. Дўхтир уларга “бу – тузалмайдиган касаллик” дебди, хавотирга тушиб қолиш-

ди. Мұхиддинжон ака бир куни Ҳошимжонни касалхонадан олиб чиқиб Чустга – ўзининг қишлоғига олиб кетди. Бир ойдан күпроқ у ёқда қолиб кетди. Ўрнига Мұҳаммаджон ишлаб турди.

Ҳошимжон келди. Анча тетик, бардам. Сабабини сұрасам, акалари тоғдаги қирғиз овчиларга илтимос қилиб суғур оттириб келиб Ҳошимжонга егизишибди. Зўр нарса экан, фойдасини аниқ билдим, деди дўстим. Шу-шу, касалхонага қайтиб бормади. Бироқ ўнг оёғини авайлаб босиб бир ёнга жичча энгашиб қадам ташлайдиган бўлиб қолди. Энди тағин Қорақамишдаги ётоқхонада пашшага ем бўлиб яшамаслигимиз керак эди. Ижарага уй топиш пайдан бўлдик. Бу сафар ҳам Абдусаид ака жонимизга оро кирди. Идорасидаги Раъно деган аёлнинг Юнусободда бир бўш уйи бор экан, одам қўйиш ниятида эмиш. Хуллас, Абдусаид аканинг далдаси билан шу ёққа узун-қисқа бўлиб кўчиб келдик. М.Исмоил, К.Жумаев, Н.Жалил, Ҳошимжон, камина.

Ўша – ит ётиш мирза туриш-у, ҳарқалай коса-товоримиз жойида, иссиқ овқат қиласмиш, вақтида еб-ичамиш, ювинамиш. Энг муҳими – пашшадан қутулғанмиз.

Ўйлаб қарасам, ҳар биримиз бу ердан мустақил бўлиб чиқиб кетибмиз. Мұҳаммаджон – кечгача уйқуни урадиган шоир биринчи бўлиб уй олди. Хотини, боласини кўчириб келиб кириб яшай бошлади. Комил уйланди. Кейин Ҳошимжон. Ундан кейин – Эркин. Икки кун ўтгач мен...

Бу шоҳона кулбамишга ҳам Абдусаид ака бир келди. Ҳошимжонга акалари олтита каклик жўнатишибди. Аканы чақирамиз, буларни ошга босамиз, дедик. Энди, Абдусаид ака бизни ҳар куни шунаقا каклик-пакликлар еб ётади, деб ўйламаган чиқар, ҳар нечук, маош олиб одамдай яшаётганимизни кўриб хурсанд бўлди.

– Ҳошимжон, бу “какибак-какибак” деб сайрайди-я?

– Ҳа, устоз, “какибак” дейди.
– Ҳозир бу жонивор бирдан қанот боғлаб “какибак” деворса-я!

Кулишамиз.

Ишхонада кўрсак ҳам, Абдусаид ака бирдан шўтаноқлиги тутиб, “қанотларини” ёяди-да:

– Какибак-какибак, – деб юборади бирдан баланд овозда.

Бегоналар кўрса нима деб ўйларкин, дея аланг-жаланг атрофга қараб қўямиз.

Демоқчи бўлганим – ака мудом шогирдларини ўзидан узоқлаштириб юбормайди, яхшилик қилиб чарчамайди. Беписанд бўлишни хаёлигаям келтирмайди.

Ёзувчилар уюшмасида, Вазирлар Маҳкамасида, Радиода, Президент девонида, сўнг Телерадиокомпанияда масъул лавозимларда ишлаб юрганида ҳам бунга қайта-қайта гувоҳ бўлдим.

8

Саксон тўққизинчи йилнинг июни эди. Ҳошимжон уйланди. Қишлоғидан – Раънохон деган иболи, ақлли, одобли, кўхликкина қизга. Тўйга биз билан қўшилишиб Абдусаид ака, Faффор акалар ҳам борди. Чуст томонларда базм дегани ихчамроқ бўлар экан. Ўргани ўраб турадиган бир қатор стол, унинг орқасидан бир қатор стул қўйиларкану енгил егуликлар тортилиб, асосан ёшлар ўйин-кулгу қилишаркан. Шунда ҳам тўй эгалари Тошкентдан келган ҳурматли меҳмонлар учун бошқача зиёфат уюштиришган. Акалар сўзга чиқиб Ҳошимжоннинг шаънига илиқ табриклар изҳор этишган.

Фарғона воқеалари яқинда бўлиб ўтган эди. Абдусаид ака шериклари билан ўша ерлик танишлари ҳамроҳлигида воқеа жойларини кўриш учун жўнаб кетишган.

9

Ака радиоқўмитада раҳбар бўлганида Ҳошимжон ва яна бир қанча шогирдлари устознинг изидан боришиган. Телерадиокомпания раислигида эса яна ўшалар гуриллаб телевидениега ўтиб олишган.

Айтдим-ку, устоз бирорга меҳри тушиб қолса, қаноти остида тутиб юришни истар эди. Чамаси, унга ёрдами тегаётганидан даставвал ўзи мамнун бўлар эди.

Сайдазим Мардиев, Минҳожиiddин Мирзо, Ҳошимжон Мирзааҳмедов, Муҳаммад Исмоиллар энди телевидениеда фаолият юритиши. Айтиш жоизки, мураккаб, ўзига хос муҳитга эга, минглаб ишчи, техник ходиму журналист, шоир-ёзувчию кекса-ёшни бирлаштирган улкан идорада бош бўлиш осон эмасди. Чамаси, бундай жойда раҳбарни гуруҳбозлик, манфаатлар тўқнашуви, ҳар хил иғво, казо-казоларнинг босими ҳам қийнаб юборади. Буларнинг барисига иродасини ишга солиб дош беришгина етарли эмаску. Ташаббус билан кўрсатувларни янгилаш, ҳар хил лойиҳаларни жорий этиш, ислоҳотлар ўтказиш, муҳими, кўрсатувлар сифатини яхшилаш, одамлар кўриб, завқланиб “баракалла” дейдиган даражага олиб чиқиш вазифаси турибди. Яна энг муҳими – телевидение давлат сиёсатининг ойнаси. Ножоиз, бўлар-бўлмас гаплар, савияси паст кўрсатувлар, сиёсий саводсизлик, нохолис танқид, кераксиз мақтов, хонандаларнинг экран талашишлари... Буларнинг бари раҳбардан нафақат ҳушёрлик, керак пайтда чўрткесарликни, масалани дарҳол бир томонга, лекин холисона, адолат юзасидан ҳал қилишни талаб этмайдими?.. Шундай, акада фавқулодда ҳушёрлик, фавқулодда жасорат, ғайратни кўрар эдим.

Аканинг бир гал нолиганини эшитганман:

– Биласизми, ука, мен бундай идорадан яна икки-учтасини бирлаштириб берсаям эплайман, куч то-паман. Чунки мухтарам Президентимиз бизга тўғри йўлни кўрсатиб турибди. Мен бу борада ҳеч қачон иккиланмайман. Бироқ ўзинг ишонган одамларинг гоҳ пулга сотилиб, гоҳ мансаб бермаганинг учун тинимсиз иғво уюштириши одамни эзади. Илгари ҳатто юрагим қаерда жойлашганини ўйламас эдим, энди бўлса шу курғур санчадиган бўлди...

Мен буни оз бўлса-да ҳис қилар эдим. Журнални кўй, қачонгача обуна, пул деб югурсан, телевиденига кел, дея таклиф қилганида ҳам оёғим тортмаган. Қайдам, балки Худо ўнглагандир...

Абдусаид Кўчимов Президент девонида масъул лавозимда ишлайтганида ҳам газеталарга турли мавзуларда мақолалар ташкил қилганини биламан. Ижодкорларнинг фаолиятини кучайтириш, кенгайтиришни ўйлар эди. Ёзувчиларнинг публицистик чиқишиларига кўп эътибор берганини кўрганман. Шахсан ўзимга ҳам маънавият мавзуларида мақола ёзишини тавсия этган, айни маҳалда ёзилажак мақоланинг руҳи, йўналиши, нималарга ургу беришни ҳам тушунтирган эди. Ўша мақолалар марказий газеталарда чоп этилган, сир эмаски, кейин ўзимнинг ҳам кўнглим тўлган эди.

10

Абдусаид aka фаолият юритган “Хабар” газетасида ҳам ижодий муҳит хукмрон эди. Ўзи эринмасдан материалларни компьютерга солиб, ўқиб, тузатиб, ифода – берилиш шаклларини ходимларга батафсил уқтириб ўтиради. Муҳими – ижод қилди. Ахир, ижодкордан нима қолади – яхши сўз, эзгу фикр, қайноқ дард – шулар сингдирилган чин асарлар.

2003 йилмиди, “Баланд тоғлар” деган сайланмаси чиқди. Жуда гүзал қисса ва ҳикоялари бор. Қаҳрамон ҳолатларини ҳаракатлантирувчи чизик, гап-сўзлар табиийлигини топади. Жуда топади. “Оқ қаптарлар ороли”, “Баланд тоғлар остида” қиссалари, “Бойчечак” ҳикоясида бу фазилат ёрқин намоён бўлган.

Икки-уч йил бурун чиройли бир шеърий тўпламини чоп эттириди. Ишқ-муҳаббатга тўла ҳароратли шеърлар.

Тўхтовсиз эсселар ёзяпти. П.Қодиров, О.Ёқубов, Қ.Йўлдошев, А.Жумаевлар ҳақида ажойиб, керак бўлса, бадий қиссадан кам бўлмаган эсселар ёзди. Устоз Одил ака ҳақидагисини биз журналда бердик. Ёзувчининг шу даражада тафаккури уйғонганки, тавба, бу узун лавҳа, узун сўзлар – суҳбатларни қандай эсида сақлаб қолди экан, деб ҳайратга тушасан.

11

Чамамда, 1988 йил эди, ўша вақтдаги иттифоқнинг марказий нашри бўлмиш “Правда” газетасида бир танқидий мақола чоп этилди. Айниқса, ёзувчилар орасида тез шов-шув бўлиб кетди. Унда Ўзбекистон матбуотида бу Республика Россия таркибига куч билан қўшиб олинган мазмунидаги миллатчилик руҳидаги мақолалар кўпайиб кетди дейилиб, нуқул болалар газетаси бўлмиш “Ленин учқуни” газетасидан мисоллар олинган. Эсимда, учта мақолани шарҳлаган, бири тарихчи М.Ҳасановнинг мақоласи, бошқа иккочилем шу газеталардан олинган. Бош муҳаррир – А.Кўчимов! Бу, биринчи навбатда муҳаррирга қаратилган сиёсий зарба эди.

Холбуки, қайси газетани, журнални олиб қараманг, бу хил мазмундаги жанговар руҳли мақолани топиш мумкин эди. Суриштирсан, мақола муаллифи

украиналик бир ғаламис журналист экан. Бошқа матбуотда ҳам шу мазмундаги материаллар бериладиган эди деяпмиз-у, аслини олганда барибир вазият қалтис эди. Чунки шўро мафкурасининг тиши ҳар қандай одамнинг бошини “чирт” узид ташлаши, сиёсий бир бўрон қўпса, унча-мунчаларни осмону фалакка кўтариб, сўнг ерга қапиштириб ташлаши мумкин эди. “Пахта иши”нинг қама-қамалари бунга мисол. Ҳали бундоқ хуружларнинг ҳиди атрофимизда анқиб турарди.

Шунда ўзбек зиёлилари, айниқса, ёзувчилар бир оёққа қалққанига гувоҳ бўлганман.

Эсласанг юрагинг ўртанади!..

Одамлар нақадар мустақил яшашга муҳтоҷ экан.

Биз ҳам қараб турмай СССР давлат раҳбари М.Горбачёвга, “Правда”нинг бош муҳарририга, яна аллакимларга бу мақола туҳмат, бўхтонлиги ҳақида бир талай нусхаларда шошилинч телеграммалар ёзиб Москвага жўнатганмиз.

Шунда кўрганман: Абдусайд акани ёқтирмай, ортидан зимдан ғаламислик қилиб юрувчи баъзи ижодкорлар ҳам телеграммага қўл қўйган. Балки уялганидан-дир, балки бу зарба бугун Кўчимовга тушаяпти, эртага менга ёки бошқасига ҳам тушиши мумкин, тек қараб туриш керакми, дея инсоф нуқтаи назаридан қарагани учундир. Ҳарқалай, шундай бўлган эди. Адашмасам, юз элликдан зиёд шоир-ёзувчи қўл қўйган. Оқсоқоллар ўзлари алоҳида телеграмма жўнатишган. Ўзимизнинг хукуматга ҳам хат ёзганларини эслаяпман...

На бўлғай, қўпган бўрон зиёлилар, ижодкорларнинг виждонини қўзғатгани учундир, балки, ҳар нечук, катта талафот солмай, яъни Абдусайд акани “учирмай” ўтди. Аммо ўшанда аканинг юрагидан нималар ўтганини, қайси маҳкамаларга чақиришганию не дашномлар эшитгани менга қоронғу. Ака бундай

нолишларни ёқтирмайдиган, қийин вазиятларда ҳам кулгуга буриб юборадиган одам.

Мұхаррир ишда қолди.

Энди әхтиёткор, хүшёр бўлгандир дерсиз?

Қайда! Яна шундай мақолалар қатор-қатор кетаверди. Аксинча, бошқа газеталар болалар газетасидан улгу ола бошлишди. Шунда кўп ёзувчилар, шоирлар, зиёлилар мисолида, давлатимиз, тилимиз, ҳудудимиз мустақиллигини ёқлаб чиқкан элнинг бир парчасини кўрган бўлсам, Абдусаид Кўчимов тимсолида эгаллаб турган вазифасидан бир лаҳзада учеб кетишдан чўчи-май эл дардини ўзидан баланд қўя олган мард мұхаррирни кўрганман.

Ахир, вақти келиб, барибир ҳақ қарор топар эканку!

12

Иттифоқо, бир гал тушликда чой ичиб ўтирибмиз. Ака Ҳошимжоннинг вафот этганини эшишиб жуда афсусланди. Эслаб ўйланиб қолди. Ҳошимжоннинг ошқозонида яра бор экан, шу очилиб, операция қилишга тўғри келибди. Кейин қон тўхтамаган. Шу... 45 ёшга ҳам кириб-кирмай ке-етди чин дунёга.

Ака фарзандларини сўради. Хабар олиб туинглар, деди. Жуда тоза йигит эди-да, деди тағин.

Яқинда у ҳақда “Ўзбекистон овози” газетасида мақола берганимни айтдим. Сўнг даставвал каминани “прописка”га қўйиб берганини, ҳикояларимни чоп этиб мени машҳур қилгани, Ҳошимжон, Мұҳаммаджонларни оборганимда ишга олганини эслатмоқчи бўлдим.

– Шунаقا бўлувдими, – деди у киши хиёл очилгандай бўлиб. – Эсимда йўқ.

– Наҳотки?

– Балки. Яхши одам яхши одамни опкелади-ку, деб ўйлагандирман-да. Тўғриси, эсимда йўқ.

Мен у вақтлар Абдусаид аканинг хаёлидан кўтарилиб кетганига ишонмайман. Шунчаки...

Шунчаки, қилган яхшилигини пеш қилишни, бировларга ўхшаб “мен фалончига мундай ёрдам қилган эдим, энди назарга илмади, яхшиликка жавоб шу экан-да” дея ёзғиришни ёмон кўради, холос.

Бу – баъзи одамларнинггина қўлидан келади.

Ростини айтсам – руҳан, қалбан кучли одамлар шундай қила оладилар!..

ОНА СОФИНЧИ

“Бир тананг дўст, бир онанг дўст” деган мақол бор. Ўзбекнинг асрлар давомида тақдир синовларига дош бериб келиб тилига кўчган нақли.

Тананг дўст экани маълум. Онанинг дўстлиги ҳам аслида маълум, аммо муштипаринг тирик чоғида ҳатто буни чукур ҳис қилмай яшашинг мумкин. Бошингга қайғу тушганда энг аввал онанг билан ҳасратлашгинг келади. Боланг, оиланг, жигарларинг, кези келса, отангнинг муаммоларини ҳам онанг билан ўртоқлашгинг келади. Чунки... Ахир, бу дунёда бошқа кимни ҳам яқин дўст тутиб бўлади?

Ҳайҳот, у зот сендан жуда олисда, қўл етмас маконда бўлса-чи? Аввал онамнинг тетик, уддабуронлиги керак эди. Бора-бора, вужудидан қуввати кета бошлагач, соғ-саломат экани менга давлатдай туюлди. Қариди, қўп бора мусибатзада бўлди, шунда бир парчагина бўлиб, яна энкайиб, мунғайиб қолган онамнинг тобора омонат экани кундай равшан бўлди: у зоти муборакка айланиб бораётган эди. Омон-эсонлиги, бу дунёда тирик-борлиги энди менга кифоя эди. Албатта, бу вақтга келиб биз бир-биrimизни авайлашни ўргандик. Илгаригидек жеркиш, қаттиқ-қуруқ гапириш, совуққонлик энди бизга бегона эди. Ёш ҳам бир жойга келиб, раҳмдиллик туйғуси ўз-ўзидан кучайган эди.

Бўлар экан-да шунаقا: биз фарзандлар онамнинг энди қаттиққўлроқ бўлишини хоҳладик. Лекин қайда, бу муштипар, бир ҳовуч зот қўлларини кўтарганча дуога қўл очар, ҳар биrimизни алқаб Оллоҳдан фақат омонлик, тани сиҳатлик сўрагани сўраган эди. Илга-

ри ёш, саркаш эканмиз, дуоларни эшитмас ҳам эдик, хушимиз ҳам, тобимиз ҳам йўқ эди чоғи, пайти келса, дуога суюниб ҳам қоларкансан.

Дуо бу сийқаси чиққан, абгор дунёнинг ичини ўзгартирадими-йўқми – билмадим, аммо уни суюб туришига тараф йўқ.

Онамнинг отаси Тинибек бобом бир куни онамга тушини айтган экан: “Қарасам, манави катта қир Зулмонотанинг устига қулаб тушаётибди, шарт туриб бориб уни суюб, кўзғалган жойига ўтқазиб қўйдим”.

Бу гапда авлиёликнинг асари бор. Бурун бундай ўйламас эдим. Назаримда, уни эшитганимда унча парво қилмаганман. Бироқ менинг суюнчларим, юпанчларим ёнимда йўқ, савдои бу дунёси хувиллаб қолган кунда икир-чикир гапларга ўхшаб миянинг бир ковагидан чиқиб келди.

Тинибек отам доно, палаги, ўзи тоза инсон эди. Ҳалол луқма еб, ҳалол яшаб ўтганига зарра гумоним йўқ. Сўнгги йигирма уч йиллик ҳаётида шерик ҳам бўлдим. У маҳалда дунё кўрмаган, ҳаётни билмас эдим, яхшиёмонни ҳам ажратмас эдим.

Энди айтай: Зулмон ота мен туғилиб ўсган Кувкалла қишлоғининг қуи тармоғи. Ўтган замонларда у ўзига яраша шаҳар бўлган, душман босқини даврида шаҳар аҳли қирғинга учраган, одам қолмаган, ҳар адирда, уй ўринларида одам суюги чиқиши, қадимги тупроқ-қўрғонлар шундан далолат беради. Катта қир шу қишлоқнинг кунбеткайини беркитиб турибди, қуёш бошқа жойга қараганда бир муддат эрта ётоғига эниб, шом мавриди эртароқ тушади, Катта қирнинг маҳобати шунда яққолроқ билинади.

Катта отам шу қир қулаётганда тутиб қолган. Тушида, албатта. Энди-энди ўйласам, шу фариштасифат, фариштафэъл одамлар қишлоғимнинг тоза виждони, чин иймони экан. Алдов, қинғирлик, айёрлик нелиги-

ни билмай намозини ўқиб, рўзасини тутиб ўтиб кетди.
Кампири Ойдай энам ҳам шундай эди.

Онам Солиҳа Тинибек қизи шу фаришталардан туғилган бошқа фаришта эди.

Мен онамни, кампир бўлгач, қиши иссиқ жойда ўтқазасиз, деб Тошкентга олиб келадиган бўлдим. Шаҳарда печ ёқилмайди, ёқилган печ кечаси қишлоқдагидек ўчиб қолмайди, аzonда тўнғиган сувни таҳоратга кўтариб совқотиб юрилмайди. Кечаю кундуз иссиққина – жонингиз хузури.

Иссиқдан тан яйраши мумкин, аммо жон роҳатланмас экан.

Онам камуйқу эди. Ўзи азалдан шундаймиди ё... Йўқ, мен эс билгандан бери эмас, кейинчалик уйқусиз бўлиб қолди. Бунинг сабабини ҳам ўзим биламан. Фол очмайман-у, ўзимча тушунган бўламан. Йўқ, сиз ундей деманг, баъзи қариялар, кўрганмиз, шунаقا уйқучи бўлишадики...

Менинг онам эса... қисқа айтганда, беғам эмас эди. У қандай ғам деб сўрарсиз. Сиз сўраманг, мен айтмай дейман. Яраларим бор. Очилади десам – кам, танам нақ ярмидан бўлиниб кетади десам – оз. Шунинг оғриғига чидаш мумкинми?

Мен жигарларга куядиган беш жигарнинг бириман. Бу мушфиқ инсон эса борию йўқ бўлган фарзандларининг барига куярди-да...

Эҳ, ушлаган қаламим ёниб кетса, не ажаб!

Онажонимни, суюнчиғимни соғиндим...

* * *

Фароғатли кунлар эди. Кечалари эртакка тўла, кундузлари тафтли, қуёшидан тортиб гиёҳигача, ҳайвонигача меҳрибон эди. Лекин бола кўнгил у кунлардан олислаб кетгиси, бир ажойиб зиёли, бир ажойиб ботир, эл ҳурмат-эъзоз қиласидиган одам бўлиб қайтги-

си, ҳамманинг ҳавасини орттиргиси келарди. Иштиёққа, ихлосга, орзуга тўла эди у қунлар. Орзуга етиш мумкин экан, одамга етиш қийин экан. Одамга ҳам етиш мумкин, ушлаб туриб бўлмас экан. Эъзозламаганинг эъзозга муҳтож, уни эъзозлай деганингда дунёсига қўл силтаб кетган бўлар экан.

Дунё ҳувиллаб қолиши мумкин экан.

Рустам, Азамат, Ўткир... Ўзидан аввал кетган уч ўғли онажонимни марҳабо дея қучоқ очиб кутиб олишган чиқар у дунёда...

Рұхлар олами ҳақида ҳеч нарса билмайман. Билсайдим... Гаплаша олсан эди... Ўқиганим – қабр ҳаёти, охират, дўзаху жаннатдан огоҳ этувчи китоблар, Абу Ҳанифа, Фаззолий таълимоти, ҳадислар, Қуръон, шайх ҳазратларининг “Ҳадис ва ҳаёт” туркумидаги асарлари. Хўрсинасан, билмасликдан куйинасан, холос. Худо сенга не атаганидан бехабарсан-у, бу ёғига йўл бўлсин...

Йилдай узун қишиш кечалари, йилдан узун қуёшли қунлар. Энди ҳаммаси қисқарди, тезлашди. Бирорга телефон қилсанг ҳам, бемаврид безовта қилмадимми, деб аввал узр сўрайсан. Йўқса, панд еб қолишинг мумкин. Каттаконларни-ку, қўяверинг. Бир-икки қайта қўнғироқ қилсанг, нафсониятига ҳам тегиб қўясан.

Ажаб замонлар.

Онажонимни ўртаниб соғинаман.

* * *

Ўнар чолнинг уч ўғлига тегишли, ҳаммаси икки том, бир даҳлиздан иборат узун қатор иморатлар. Ким уйидан чиқиб, нима юмуш бажаргани тақир ҳовлида ойдай кўриниб турарди. Ҳовли четидаги беш-олти сотих янги боғ-мевазор бизники эди. Ўнар бобом ўлмасидан бурун отамга хатлаган чоғи-да. Ҳали мевага киргани икки-уч хашаки олма ва икки туп гилос эди.

Булар ҳам пишмасдан бурун биз тирмизаклар томонидан ғўралигига ёқ шилиб олинар, уларни есак-емасак ғажиб улоқтирар эдик. Ақл билан ўйласанг, кулгули. Шунчаки жиннилик. Кунбўйи пойлаб бола очган күшларнинг томдаги, дараҳтлардаги уя-инларини бузиш, полапонларини ерга тушириб азоб бериш – буям жиннилик.

Лекин биз учун бошқа қизиқ эрмакнинг ўзи йўқ эди-да. Эшак кўпкари, қизил байроқ, оқ суяк, оқ терақми-кўқ терак, кейинчалик сигирларнинг жунидан думалоқлаб тўқиган коптогимизда ўйнаган хонаки футболларимизми? Улар биз бир қур улғайганимизда ўйналган ғоят замонавий, ҳа, замонавий спорт турлари эди, ишонаверинг. Эшак кўпкарида мол териси талашиб-тортишиларди. Маррага келиб ташлаган “чавандоз”га газеталар солим сифатида бериларди. Табиийки, газета деган матоҳ ҳам ҳамманикида бўлавермас, почтачига яқин бориб газета сўраб ўқийдиган бизга ўхшаш шоввозларда бўларди. Бу энди мақтаниш учун айтилмаётибди. Сирасини айтганда, баҳоси чақа турувчи бу газеталарнинг кимга қимматлиги бор эди? Аксарияти бир чеккада эскириб, сарфайиб ётар, узум ёйгандами, деразанинг чатнаган жойига совуқ кирмасин учун хамир билан ёпишириш учунми, зарур бўлиб қоларди. Уй ичи деворларига негадир “Кино” журналининг бетида чиқсан ҳинд актёр ёки актрисаларининг суратини михлаб тармаштирадик. Бу мода эдими, эрмакми, кўз-кўз қилишми – ҳануз тушунмайман.

Катталарнинг гаштак кўпкариларида ҳам солим-жалов қўйиларди. Мисол, солимга чиқсан чавандозга Самарқандда қадоқланган йигирма саккиз тийинлик чой пачкаси узатиларди. Кап-катта чавандоз катта отини терлатиб келиб шилинган қўли билан оқсоқолнинг қўлидан шу чойни оларди. Агар

оқсоқол чавандозга “Ма, ол!” дея ирғитиб юборса, сифатсиз қадоқланган чой ҳавода қоғози ёрилиб, тўкилиб кетар эди.

Одамлар минази тўқ, кичикфеъл эдими, дейман-да.

Кўпкари тугагач ким чопилавериб, тортилавериб, лойга буланиб абори чиққан улоқни олиб кетса, кейинги гал ўша одам гаштак кўпкари беришга мажбур эди. Яна денг, чавандозлар йиғилишиб бориб ўша куни ҳалиги улоқнинг гўштини бояги одамникида еб қайтишар, бир парчагина улоқнинг гўшти нима бўлардию, бу одамга нима зарил экан, деб ҳозирлар ўйлайман. Ахборот, телевизор йўқ, радио, газетадан бошқа кўрган-эшитганлари йўқ, бирорвонинг боласи шаҳарга бориб техникумга ўқишга кирсаям тоғдай воқеа – ҳаётнинг бошқа қизиқ жиҳатлари йўқ эдими, дейман-да.

Кечагидай аниқ эсимда, жужук эдим, Ҳалима энам (отамнинг акаси Ҳамро отамнинг кампири) валдир-шалдир, оғзига келган гапни қайтармай қўйиб юбораверар эди. Отамнинг бирор билан уришиб қолиши кам учрайдиган ҳодиса. Бироқ бир гал Ҳалима энам билан жуда қаттиқ уришган эди. Ҳовлилар четидаги бир парча ер бизга тегишли эканини айтдим. Шу жойга Ҳалима энам отамдан сўроқсиз, жўяқ олиб помидор экибди. Лойга тупроқ керак бўлган экан, отам жаҳли чиқиб, сув тўлдирилган помидор жўякларини атай сомон лой қилиб пишишиб турган жойига энам келиб қолиб, бўлди жанжал, бўлди жанжал. Ҳалима энам қўлида ерга ишлатадиган кичкина теша-чўтни олиб отамни урмоқчи бўлиб хезланиб келади, оғзидан ҳар бало сўз чиқади, ўз навбатида отам ҳам қараб тургани йўқ, сўкади. Ҳалима энам бир пайт чўтни ўқталиб сансирааб шундоқ югуриб келган эди, отам полвон одам эмасми, кўкрагидан силтаб итариб юборди, Ҳалима энам учиб тушиб сомонли лойга беланиб қолди. Ҳаммаёғи шалаббо, юролмай, ҳатто гапиролмай қол-

ди. Биз, болалар дағ-дағ қалтираймиз. Отам қаттиқ ғазабланган экан, шу туришда лойда ётган аёлнинг устига кетмон билан бостириб борди. Биз чинқириб юбордик. Ўйлагандимки, энди жанжал катта бўлади, Ҳамро отам, ўғиллари Исмат акам, Дамин акамлар ҳам жанжалга қўшилишади деб. Йўқ, ҳеч гап бўлмади. Ҳатто ўпка-гиналарни ҳам эслаёлмайман. Кейинчалик бу ерда уйлар қурилди. Аввал Ҳазан амаким иморат солди. Янги оила, бирин-кетин мен тенги ва мендан кичкина қизлари туғилиб, уй солиб чиқмаса бўлмай қолди. Отам лом-мим демади. Қайтанга иморатга ўзи кўмаклашиб юборди. Бу уйнинг ортидан, бояги помидор ери жанжал бўлган жойдан Исмат акамга уй қурилди. Янги дараҳтлар кесилиб кетди. Биз ёзда қадимда Хидир отам, Сулаймон отам, сўнгра Ўнар отам ёзги чорбоғ қилиб яшаган Кўнақишлоқقا кўчиб чиқадиган бўлдик. Уйнинг олдида бир парча ҳовли, пастда Ҳазан акам билан отамга ажратилган кичкина олмазор – бор-йўқ бисотимиз шу, шу боис қишида молларга етгулик пичан-хашакни ҳам Кўнақишлоқдан ғамлаб эшакка ортмоқлаб ташиб келишга мажбур эдик. Отамнинг кўнгли кенг эди. Унча-мунча нарсага қайғуриб ўтирамас, унча-мунчага жаҳли ҳам чиқмас, фақат... шу камбағаллигимиз, косамиз оқармаслигию, отамнинг куну тун ортидан юриб ҳеч иши юришмайдиган молларини тобора ёмон кўриб бораардик. Ошиб-тошиб бораётган чўпонлар ҳам бор эди. Кейинчалик мен уларнинг бир нечтаси ҳақида мақолалар ёздим.

Отам боқсан моллар эса бизга фақат кулфат ва қашшоқлик келтиради. Мен эс билганимда Ортиқ акага ёрдамчи, хўжаликнинг 500-600 нафар кўйини бирга боқишар, кўра Ортиқ аканинг уйи ёнида, қишлив шу ерда ўтказилар, ёзда моллар тоқقا, сентябрь ойидан бошлаб ғалла ва сомондан бўшаган ангорга ҳайдаларди. Ортиқ аканинг ҳам, отамнинг ҳам қўй

боқиб боши қарздан чиққанини эслаёлмайман. Шуннинг учун онам бечора ичида ҳам, ташида ҳам отамдан ёзғиргани-ёзғирган эди.

Бир гал қишда гаштак кўпкари бериш навбати отамга келибди. Отам ўзи йўқ, мол ортидан кетган. Бизнинг оримиз учун Худойкул тоғам чортокнинг бошида ҳомийлик қилиб турган экан. Бир маҳал менга кўзи тушиб қолди-ю:

– Уйингга бориб пул опке, кўпкарининг эгаси сизлар-ку, – деди.

Тоғамга алам қилаётганини сездим. Уйга чопдим. Онамга аҳволни айтдим. Бечора онам койина-койина ёғоч қутини мунчоғидаги калит билан очиб иккита уч сўмлик пул берди. Катта иш қилгандай пулни тоғамнинг қўлига обориб бердим. Тоғамнинг жуда жаҳли чиққани аҳвол-руҳиясидан билинарди. Эсимда йўқ, кўпкари сўнгида чопилган улоқни ҳам тоғам олиб кетган бўлиши мумкин. Отам бўлса одатдагидай бунаقا ишларга, ҳатто пулга ҳам бепарво эди. Молдан қайтгач онамнинг силтанишларига жавобан:

– Овқатинг бўлса бер, қорин жуда оч, – деб қўйди, холос.

Тоғам биопунктда ветврач, ўзига тўқ, зиёли одам эди. Ўзидан катта Отакул тоғам қўли юпқароқ, мактабда кутубхоначи, у киши бунисидан ҳам ўтиб тушган зиёли, чамаси кутубхонадаги ҳамма китобларни ўқиган, аксариятини ёд билади деб ўйлар эдим. Катта тоғамнинг мен билан бир синфга борган Аваз ва Акмал деган ўғиллари Худойкул тоғамни “Ашака” дейишарди. Акмал кап-катта бола бўлганда ҳам “р” ҳарфи ўрнига “й”ни талаффуз қилишини билардим, аммо “Ашака”-нинг маъносини кейин тушундим. “Яхши ака” дегани экан бу. Мактабда дуруст баҳо олса, бир-икки сўм пул бергани, уйига келганда конфет, печенье кўтариб келиб эркалатгани туфайли Ашака бўлиб қолган экан.

Умр бевафо, Отакул тоғам қирқ ёш арафасида күричакдан вафот этиб, беш нафар фарзанди Худой-қул тоғамнинг қўлида қолиб кетди. Тинибек бобом, Ойдай энамнинг мунғайиб ўтирганлари, онам, Хосият, Сафура холаларимнинг дод солиб йиғлаганлари эсимда.

Отакул тоғам ўта қорувли, турникка бир қўлда ўн марталаб тортина оларди. Ояси – кафтининг четига бир дона данакни қўйиб иккинчи қўли билан уриб бемалол чақиб еб ўтиради. Бунинг қўли темир, дерди отам. Ахир, кафтга олиб ёнғоқни чақолмаймиз ҳам. Энди ёлғиз данакни қўлни қўлга уриб чақишни тасаввур қилиб кўраверинг.

У маҳаллар тоғаларим ва холаларимнинг бизнисига ташрифи ҳақиқий байрам бўларди. Ёдимда, оддий ширгуруч ёки қулчатой ҳам дастурхоннинг тансиқ таоми бўлаверарди. Ҳар замонда тайёрланадиган ғилминди бўлса-ку, нақ овқат базмига айланарди. Қизиқ, агар кичик тоғам – Шерқул тоғам келар бўлса, онам ийиб кетганиданми, доим ғилминди – жуқмога уннаб кетарди. Ғилминдининг аталасини қозонда қўзғаб пишириш биз, болаларнинг зиммамиизда эди. Буям завқли бир юмуш: бир қозон сутга бир кило оқ қанд ташлаб, кейин ун солиб, сут қуюқлашиб пишаверса қозоннинг тагига олар, капгир билан қўзғаётган биз, фақирлар пишдими-пишдими, қилиб таъм кўришимиз ҳам нафсимизни бир қадар қондиргандай бўларди. Онам деярли ҳар куни қуви пишар, ёз чоғлари тонгдаги салқинда кувини қатиққа тўлдириб акам иккимизга навбати билан пиширас, қатиқ аввал роса кўпирисиб, сўнг юзида дона-дона мой пайдо бўлар, сўнг то у қуюқлашиб роса бетига чиқиб қолгач, онам кувидаги ҳосил бўлган айрондан сариёғни қўли билан сузиб ажратиб олар, сўнг қосқонда илинганд катта кодини олиб тузлаб, аввалги пишим мойлар

устига суваб ёпиштириб қўярди. Бир неча коди тўлса, унинг бирини қозонга бўшатиб куйдириб оларди. Куйган сариёғнинг тагида «дурда» тўртаси қолади. Тўртани докада сузиб олганда унинг қолган тагини, яъни тўртадан сирқиб турган қолган-қутган иссиқ ёғни шимишга биз ишқибоз эдик. Жудаям мазали бўлади-да. Аммо қозонда пишган сут ёки аталанинг олдида бу мазалар ўтаверсин. Атала тинимсиз қўзғаб турилмаса, сут ун билан аралашгани учун таги тез куяди. Вақтида қўзғалмаса, у қалинлашиб, аталанинг кўп қисми куйиб кетади. Ана шу куйган жойи ҳам биз учун дунёнинг энг тансиқ таоми эди.

Қишлоқда бизнинг Ўнар авлодни жуқмоҳўр де-йишади. Ўзи бу овқат жуда тўйимли. Эсимни танибман, тўрт донадан оширолмаганман. Отам ўн иккита, кичик укаси Омон акам, гарчи йирик гавдали бўлмасаям, йигирматасини чангини чиқариб ташларди.

Баҳорда Кўнақишлоқقا Омон акамнинг оиласи билан бирга кўчиб чиқардик. У вақтда Омон акам энди уйланган, тўнғич ўғли Жозилбой ҳам чақалоқ, шу боис отам ўзимиздан бурун ёшларнинг ғамини еб қўйган, эски замондан қолган катта ертўла устидаги тепалиқдан ёрматом қазган, устини хода, шох-шабба билан ёпиб тупроқ ҳам тўшаб қўйган экан. Ёрматом кичкина, уч-тўрт одам сиққулик, қишлоқдан олиб чиқилган шолча, олача, бир сандик, унинг устига кўрпа-тўшак йиғилган, супра, идиш-товоқ билан деярли тўлиб турар эди. Янгам Иштихондан келин бўлиб тушган, Ашир даллолнинг қизи, унча-мунча шарт-шароитларга кўниколмай қийналар эди. Начора, чидайди-да, бора-бора бу жойларнинг ўтидан кириб кулидан чиқадиган бўлди. Ўзимизга олача-куроқлардан ёпиб бир ўтов тикишган, эрта баҳорнинг изиллаган шамоли кўрпа ёпинмасанг бадани тешгудай бўларди.

Замондан, болалиқдан қанчалик олислаганинг сайин у нечуқдир күз олдингда яққолроқ намоён бўлаверади. Албатта, ўша жойларни, кунларинг бирга кечган одамларни бир орзиқиш билан қўмсайверасан.

Онажоним, Сизни соғиндим!

* * *

Кўнақишлоқ далалари боболарим, отамдан қолган. Ҳозир ушбу битикларни ёзаётганимда айни куз, икки марта эртаю кеч муттасил ёмғир ёғиб ўтган, гарчи бу ёғига кунлар бир оз илиб, кундузлари қуёш чиқиб турса-да, кечалари иссиқ кийиниб олмасанг, этинг унишиб кетадиган салқин, гоҳо эрталаблари ўтларга қирав тушиб, майса ўсган беда, отқулоқларни қорайтириб совуқ урган, кунлар қисқариб бир ту-тамгина бўлиб қолган. Ёзинг лоҳас, эринчоқ кунла-рида эмас, айни салқин куз кечалари, узун туннинг бошланишида тенг-тўшларим, яқинларим, жигарла-рим, у кунларда бирга бўлганларимни чунон қўмсаб соғиндимки, асти қўяверасиз. У кунларнинг ҳидини бўйлатиб турган отажоним қани? Эллик ёшга қадам қўйганимдаям ҳар гапида гўдак янглиғ “болажоним” деб папаловчи меҳрибон онажоним қани? Болалиқдан тенгқур-жўра бўлиб ўсган, эртакнамо кунларни бирга ўтказган, чексиз орзуларнинг қанотига бирга осилиб юрган, ота-онамнинг ғаму ташвишларини бир кунда аритиб, бир кунда уйланган жонимнинг бир парчаси, жигаргўшам Ўткирбек қани? Ўшандан буён қўзимнинг нурига, танимнинг ҳарорати, тўрут фарзанд ўстириб, бирининг ҳам роҳатини кўрмай, дунёсига қўл силтаб кетган завжайи ҳалолим, ёстиқдошим, нафасдошим, сирдошим, дарддошим Лола қани?

Қани? Қани?! Қани, ахир?!

Дунё дегани ҳувиллаб қолди-ку!

Онажоним, Сизни соғиндим!

Юлдузлар жимирлаб ётган ярим тун. Ҳарқалай, ёз-нинг зулмат туни оғушида ҳамма уйқуда эди. Икки ку-чугимиз барваракайига хуриш асноси бир эркакнинг кўркув аралаш:

– Эгаси! Ҳов, эгаси! – деб чақиргани эшитилди. Бу овлоқ ерларга ўзи кундуз палла бирор қадам босиши катта янгилик. Яна ярим тунда, чайла қошига келиб товуш бериши яна ҳам сирли, ғаройиб эди. Бундай кез уззу кун ва уззу тун мол ортидан юриб доим хушёр ётувчи отам биринчи бўлиб акс садо бериши муқаррар.

Отам ётган ерида кимлигини, ёшини ҳам билмай:

– Кимсан? – деб бақирди.

Ҳамма уйғонди.

– Эгаси! Мехмон керакми? – деб қичқирди бегона товуш. Ҳамма уйғонди. Мойчироқ ёқилди. Кучуклар отамнинг буйруғига биноан унини ўчиришди. Бегона товуш яқинроқ келиб ҳам:

– Эгаси! – деб қичқираарди.

– Ҳе, энангди... – деб ошкора сўкинди отам, – энангнинг товушига ўхшатдим, Кўмаксан чоғи?

– Йўқ, адашдингиз, ҳовли тоға, – деб ҳиринг-ҳиринг кулди бегона одам.

Отам авжига олиб сўкина бошлади.

Биласизми, бу сўкиш аслида у одамни... эркалаши эди. Тушунмадингиз-а? Тушунмайсиз-да. Бу тоғликларда янгасининг боласини уят сўкиш одати бор. Одат ҳам эмас-у, айримлар учун бу ўзига хос тил бўшатиб олиш “имтиёз” и саналиб қолган. Баъзи чегаралар ҳам бор, албатта. Мисол, ука акасининг боласини сўкмайди. Бир-икки қават нарёқдагисини, айтайлик, янгаси билан муомаласи келишса, ҳазиллашса ёки

ҳазиллашгиси келса, обдон қитиғини келтириш учун шу қилиқни қиласы. Қишлоқда ҳозир ҳам бор, аммо шаҳарга келгандар сүкинишга уялади. Менга ҳам ярамас одат бўлиб туюлади, лекин сиз ўзингиз улар ичидага бўлиб кўринг, аслида, бу эркакнинг ўзидан кичик болани суйиб-эркалашнинг ғаройиб кўриниши, холос.

Отамнинг укаси Ҳазан амаким ғоят жиддий, унча-бунчага қулмайдиган оғир-вазмин, кўп йиллар мактабда география, биология фанларидан дарс берриб нафақага чиққан эди. Ўқитувчи дегани бизнинг давримизда жондан аълороқ зот, бирор гапини икки қилмас, дунёнинг энг билимдон одами ҳисобланарди. Амаким, боз устига, камгап бўлгани учун сўкиш бобида у одамнинг қуюшқондан чиқиши бутунлай ажабланарли ҳол эди. Қарангки, шу вазмин одам ҳам Қурбонбой тоғанинг ўғли Ўролни кўрганда қулфи-дили очилиб кетар экан.

Ўрол тоғани кўрганда узоқдан ёйилиб, кулимсираб, лаби вижирлаб келар экан.

Ўролга ҳам айни жиддий одам билан гаплашиш мос тушади. Отасининг жияни агар бобой бўлса ҳам, фалончи жиян деб кетилаверади.

– Қани, келинг, жиян, жуда думоғингиз чоқ?

Бу гапга изоҳ берилмайди, жавобан боплаб сўклилади.

Амаким зиёлилиги боис теваракдагилардан тортиниб эшитилар-эшитилмас қилиб сўкинади.

– Жуда одоблисан-да, жиян, – дейди Ўрол баралла, ўзидан қарийб ўттиз ёш каттани сенсираб. – Ким айтади сени шаҳар кўрган эчки деб, бундай, товушингни чиқар-да, кимдан кўрқасан?

Шу тахлит Ўрол атай сўкишни сотиб олади.

– Ҳе, энангди... – деб баралла қўйиб юборади амаким уят-пuyатни йиғиштириб.

– Эшиитмадим, – дейди Ўрол атай.

Нақорат бу сафар бир парда баланд янграйди. Энди ҳамма эшитади.

- Шуми, бўлдими? – деб тағин қитиқ патига тегади Ўрол. – Яхши қўшиқ жуфт бўлади, жуфт бўлсин!

Амаким яна бир бор газини босади.

- Ҳа, бу бошқа гап. Чечангизга айтиб борсам, ҳамма эшитдими, деб сўрайди-да.

- Мана, ҳамма эшитди-ку.

- Эшитди эшитишга. Энди буни амалда исботлашам керак-да. Как раз, отам Иштихоннинг бозорига кетган. Чечангиз, қайнлардан бир жони бори йўқми-кан, деб зерикиб ўтирибди.

Ҳа, Ўрол тоға тегишишни шу даражада ҳаддидан оширадики, амаким паст кетишга, тан беришга мажбур бўлади.

Кўмак ака ҳам шунақалар хилидан. Онаси Бувихол момо мункиллаб қолган кампир бўлса-да, отамнинг янгаси, шу боис отам кези келгандага оғизни бир “бўшатиб” олишни маъқул билди, бундан ўзича ҳузур қилди.

Кўмак ака – етмишдан икки-уч одим ошиб қўйган кекса муаллим, албатта, кейинчалик “тил қичуви”ни биз орқали қондиргани аниқ: онам чечаси, аммо бир нарса қундай равshan: бу тилдаги бир эркалаш, холос, асло ахлоқсизлик белгиси эмас. Онам қариганда, бошқа ҳамма кексалар охират сафарига риҳлат қилганида кўрдим: қайнилари бир-бир “эна” деб келишар эди. Бевафо дунё шафқатсизлиги ҳазилга ҳам ўрин қолдирмади...

Кўмак ака Самарқанддаги педагогика техникумига ўқишига кирган – бу катта гап эди, ахир, авлодимиздан яна бир ўқимишли одам чиқмоқда.

Одам базўр кўтарадиган катта чемоданини бўсағага қўйиб ичкари ҳатларкан, биз, ака-укалар нафақат қаттиқ товушдан, балки бурнимизга ўткир урилган атири ҳидидан ҳам баравар уйғониб кетдик.

Онам сут соғиб келиб пиширди, қумғонда чой қайнатди, тонг ёришганда студент катта чемоданини чүнтагидаги калит билан очиб бизга конфет улашди, биз нафақат конфетни, бүшаган шилдирөк қозларини ҳам авайлаб-асрап, чүнтакда яшириб пул қилиб ўйнар эдик.

Ширчой, чой ичилиб бўлгач, Кўмак аканинг юкларини эшакка ортиб қишлоққа ташлаб келдим. Қишлоқ ошувидан тушаверишимизда одамлар, болалар дув ёпирилиб Бувихол момоникига суюнчига чопишар, баъзилари айқиришиб биз томонга ҳаллослаб югуришарди. Худди неча йиллик уруш ёки армиядан қайтаётган аскарни кутаётгандек.

Қишлоққа Кўнақишлоқдан тушиб бораверишда Кўмак аканинг отаси Тошбой бободан қолган боғ-токзорга дуч бўласиз, боғ қишлоқдаги энг серҳосил узумзор, чиллада ширага кирган пайтда бир бошини есангиз, қон босимингизни ошириб, бошингизни оғритиб юборарди. Майизлари ҳам ўрта бармоқнинг бош бўғинидай дона-дона, бозоргир, Кўмак аканинг акаси Эшбой ака ундан хийлагина даромад қиласарди.

Бувихол момо қора қушноч – қозоннинг куясига томоқ босиб тузатувчи иримчи кампир эди. Товуши ингичка, одатда қичқириб сўзлагувчи Бувихол момо томоқни қора куя билан силаб қўя қолмас, ортидан ёғоч қошиқ жўнатиб томоқни қонатар, оғритар, лекин албатта, бир марта соғайтирас эди. Кези келганда айтай, бир марта ғиппа бўғилиб қолганимда момо ёғоч қошиқ билан шунақа қаттиқ эзган эдикি, чинқириб йиғлаш баробарида, жон ҳукмида қошиқни қаттиқ тишлиганимдан уни сопидан синдириб юборибман. Бувихол момо сержаҳл, қўли қаттиқ, қарғиши ҳам қаттиққина, бироқ жиккак, букчайиб қолган, шу ҳолида келиб онамдан эвазига ўринга ўрин деб тузлиғимиздан бир ёғоч қошиқ ола кетган.

Акаси Эшбой ака, отаси ўлиб, ота ўрнида, укасининг техникумга кириб талаба бўлганини бир серка сўйиб овул-ҳамсоя, оға-ини, қариндошга тўй қилиб берган.

“Бурунгининг ҳадяси қўй билан қўзи, бугунгининг ҳадяси бир куйик кулча” деганлариdek, бугунни ва бурунни солиширинг.

Кўмак ака ўқиб бировга юрт олиб бермади-ку, аммо оқибатни айтаман-да. Ўқимишлини эъзозлаганларини қаранг, дейман-да.

Отам кўнгилчан одам. Онамнинг ёзғиришлари кор қилдими, мен учинчи синфга ўтганимда тоғаларим ва Тинибек бобом истиқомат қиласидиган Зулмон отага кўчиб тушдик. Ҳеч нарсасиз. Бу деганим шуки, ҳам уй йўқ, ер йўқ, кўрпа-тўшакни эшакка ортиб, молларни олдимизга солиб, шундоқ лўлиларга ўхшаб кўчавердик. Хосият холамнинг эри Рўзиқул тоға бир уйни бўшатиб берамиз, бизнига келиб яшайверишсин, дебди. Одамларнинг кўнглидаги кенгчиликни қаранг, ўзларининг ўнта боласи, Рўзиқул тоға, холам, Рўзиқул тоғанинг онаси Гайбар момо – демак, ўн уч киши устига биз – олти фарзанд ва отам, онам – саккиз жон бориб кўшилдик. Қишлоқ оқсоқоли Мансур тоға Очил тоға дегич одамнинг томорқасидан бир қисм ерни бизга ажратди. Очил тоға томондан дўнгликдан уй қураг бўлдик. Сув сероб. Биз уй қуришга мўлжалланган ер биқинида каттакон тегирмон ариқ оқади. Сойдаги сув ёзгача шарқираб ётади. Даشت кенг – мол боқса бўлади. Отам ёрдамчи чўпонлик қилаётган Ортиқ аканинг кўраси шундоқ Рўзиқул тоғанинг уйи ортида. Ёзги каникул. Кун бўйи отам пишитган лойни пахсага ташиймиз. Кун, кунора ҳашарчи келади. Ортиқ ака, Омон акам чаққон девор уришади. Биз эрталабдан акам билан эшакка ортилган икки катта флягада отам юмшатган тупроққа тинимсиз сув ташиб тўкамиз. Сўнг тай-

ёр бўлган лойни отам катта кетмонда бир кетмондан қуруқ ерга отаверади. Акам иккимиз уни думалоқлаб пахсачига етказиб берамиз. Ёз бўйи шу бир хил иш. Ҳали молхона, ғаллахона, сомонхона, қўра, ўтин айвон қуриш керак. Отам уч-тўрт кунлаб мол ортидан тоққа кетади. Келгунича биз ишга ярайдиган болалар, яъни акам иккимиз ҳар куни тупроқ бўшатиб, лой қориб, ундан гувалак ясаймиз. Уч-тўрт кун ичида ҳаммаёқ гувалакка тўлиб кетади. Отам келгач, қуриган гувалакларни девор тагига ташиймиз. Оддий лой пахсадан кўра гувалак ёки хомғишт босилса, иш унуми ортади, яъни девор тез кўтарила бошлайди. Ортиқ ака ёки ўтаган тоға бирйўла тўрт қатордан териб кетишади. Суюн тоғам бўлса обдон деворнинг синидан қарайди, кўп дам олади, дам-бадам папирос чакаверганидан иш унча унавермайди. Отам ҳазиллашиб у билан тортишгани-тортишган.

– Ҳе, папиросингдан ўргилдим. Дуволга какликдай ўтириб чекканинг-чеккан, битбилдиқдай сайрайсан, агар Ортиқ бўлармиди, тўрт қатор қилиб учинчи уйга қараб бораётган бўларди.

– Эй, довдир, – дейди жавобан Суюн тоғам. – Молхонами бу, уйми. Ортиғинг ўзиникига ўхшатиб қийшиқ-мийшиқ уради, хўпми. Сенга созгина уй қурсак дейман. Довдир.

Ёз бўйи умримиз лой билан ўтади. Одам безиллаб қоларкан. Куз бошида бир дунё ҳашак сиғадиган сомонхона, молхона, моллар учун ёзги айвон, ўтинхона ҳам қурилди. Бу пайтда холамнинг айвони биз учун ётоқ вазифасини ўтади. Узун айвонда ўн тўрт-үн беш нафар ўғил-қизлар қатор ётамиз, эрталаб турамиз, ариқдан юз чайиб келамиз. Қайтиб келиб катта олманинг соясидаги супада чойхўрлик, сутхўрлик, ширчойхўрлик қиласиз. Файбар момо косада овқат қолдирсанг, тишлиланган нонни емай қўйсанг, фиғони

чиқиб уришиб беради. Сарқитингни ким ейди, ит ейдими, деб астойдил бақиради, сўнг ҳовуридан тушиб ўзи ортган овқатларни бир-бир паққос туширади. Чойнакдаги чойни ҳам охиригача сипқориб ичгач, увол қилиш ёмон, дейди-да, чинни чойнакнинг қопқоғини очиб, қолган шаммаларни ҳам еб қўяди.

Момонинг асли исми Хонсулув, лекин ҳамма Ғайбар момо дейди. Ёшлигидан ғайири кучли, эркаклардай от минган, йигитлар билан кураш тушса ҳар гал озот кўтариб ураркан.

Аслида момонинг уришиши, кўзини олайтириб бақиришлари беозор эди. Буни ҳамма билиб турарди. Неваралари, айниқса, Зокир кўпинча энасини калака қилиб қочар, сира айтганини қилмас эди.

Чиллада қоқ туш маҳали атроф жизиллаб исиб кетар, ширач, кўзиқулоқ, шувоқ, исийди, мингбош, каррак, ёнтоқ, күшкўнмас бошларига қўниб олган жизилловуқлар куйдирувчи, аммо осуда офтоб жазирамасига симфония бўлиб бир хил мақомда қўшиқ куйлаб ётишар, бу то офтоб қайтиб кеч тушгунча давом этар, тунда эса бақалар, қора чигирткалар, дараҳтга ўралиб олган илонлар қўшиғи бошланарди. Кўлвор илон кеч киргандан боши оғрир, шу боис дод-войи белгиси сифатида ғалати чинқириқ товуш чиқаарди. Тип-тиник осмонда юлдузлар жимиirlайди, жуда яқин, қўл билан ушласа бўлар, деб тахмин қилиш мумкин эди.

Болалик осмони, болалик юлдузлари экан билсам. Энди у осмон у қадар тиник эмас, юлдузлар ҳам олис ва хира...

Момо ҳам, момо билан кураш тушган, бир вақтлар навқирон йигит бўлган, курашиб кураги ерга теккан чоллар ҳам узоқ яшадилар, беармон яшаб бу ёруғ дунёни тарк этдилар.

Чамаси, Зулмон ота қирғинидан кейин неча аср ўтиб, момо биринчи бўлиб энг эски қабристонга қўй-

илди, Нонбер отага отадош, қавмдош бўлган бу одамлар шундан кейин ҳеч иккиланмай янги майитларни шу қадим маконга қўя бошладилар. Туғилмоқ бор экан, шаксиз, ўлмоқ ҳам бор: қариидир-ёш, эркақдир-аёл, қўйилавериб бир майдон мозорот вужудга келди. Ажаб, сув чиқмас бир дашт, ёзда майсалару кўкатлари қуриб битадиган қабристонда, аниқроғи, Ғайбар момонинг бош томонидан бир туп қантак ўрик униб чиқиб ўша йилиёқ ҳосил берди...

Дашт халқи осмонга қараган одамлар, ёғингарчилик кам бўлса, йил қурғоқчилик келса, улар иложсиз қоладилар, даштда хашак, бута унмай ёппасига чорвасини сотган, тўйларида барака бўлмай қийналиб қолган йиллар кўп бўлди, аммо Ғайбар момо бошидаги қантак ўрик новча бир одамнинг бўйидек ўсиб, атрофга тарвақайлаб ўсиб, яшнаб мева туғиб бераверди.

Минг йиллик қўйиндида бир қабр обод...

Бу дарахтни на ўғли Рўзиқул тоға, на неваралари, на Улпатандаги қизи Обод хола, на Гарашадаги қизи Мактаб хола эккан, экиш хаёлларигаям келмаган.

Юз йил аввал Тўқсабонинг замонида бу атроф, сал нариси Накурт қишлоғининг ошувига қараб кетган майдон кўпкари чопиладиган жой бўлган, Хидир отам, Тўқсабо, ундан кейин не бир полvonлар, яқин йилларда, онажон, сизнинг қайнингиз Исмат полvon, тенгқурлари Мустафо полvon, Элбек полvonлар довруқ солиб ўтдилар.

Эҳ, онажон, энди бўлса Сиз эл айтганидек “кўпга қўшилиб” кетдингиз. Дарвоқе, тирикдан марҳум кўпда. Ихтиёrsиз ҳамма кўпга қўшилади. Устингиздаги кўрпа янглиғ соз тупроқقا ўзингиз тирик чоғда юз, минг, балки миллион бора ўгирганингиз таҳлил тошлари сепиб қўйилган. Мунғайиб, икки букилиб қиблага қараган қўйи жойнамоз устида Аллоҳнинг зикрини қилиб тасбех ўгирадингиз, бизларга омон-эсонлик,

мартаба, саломатлик тилаганингиз бор гап. Айни чоқда Ўзингизнинг охиратингиз учун захира тўплаётганингиз ҳам чин эди. Ўн беш йил бурун ҳажга бораётган жўрам Рашидхўжага тайинлаган Ҳажжи бадални адо этиб келгани, кейин Саудия подшоҳи муҳри урилган, номингиздан ҳаж қилган Ҳабибуллоҳ Солиҳ деган талаба йигитнинг сурати туширилган ҳужжат қоғозни қўлингизга тутқазганимда ёш боладай хўнг-хўнг йиғлаганингиз-чи. Рашидхўжани уйга чақирганимда елкасидан тавоф олиб яна кўз ёшлари қилганингиз, беихтиёр мен, Рашидхўжанинг отаси Шукурхўжа ҳожи, келинингиз ва Рашидхўжанинг ҳожи аёли ҳам тилсиз, забонсиз эмранишганимиз, ҳатто томоғимиздан нон ўтмай қолгани эсингиздадир.

Жудолик, мусибатлар зарбасига чап беролмай, мудом юзма-юз келган, бугунга келиб ҳилвираб қолган юрагингиз шу маҳал оний муддат таскин-тасалли топган эди, Худонинг даргоҳига руҳан бир зум, бир соат ёхуд бир кун ғарқ бўлган эдингиз. Айни замонда мен фарзанд бўлиб лаҳзалар ичидан онаизоримни хурсанд қилганимдан, қилолганимдан шод эдим. Сизнинг қувватсиз танангиз, талпинувчан руҳингиз Аллоҳнинг Каъбасига зиёрат қилиб келган эди. Худди Сиз каби мен ҳам бунга амин эдим.

Онажоним, ҳожи онам, энди мендан розимисиз, деб сўрамаганман. Дилингизга кўп озор берганман, қўлим узунлигида бошқа фарзандларингизга қилган яхшиликларимни миннат қилганман, шунда Сиз оғир ўксигансиз, биламан, аммо ўша оний вазиятда Сиз мени алқашингиз турган гап эди.

Келинингиз Лола билан Сизни рози қилишга интилардик, ҳа, бегидир интилардик, ўн биринчи йилда қишлоқда кенжা ўғлингиз Олим саксон ёшингиз туфайли ош берганида, масаллиғи, унга қўшиб бир олам мато ва кийимликлар кўтариб борганимизда, эртаси

куни маърака тугагач, – ноябрь ойи эди, – одатдаги-дек Сизни қишини ўтказиб қайтасиз деб Тошкентга олиб келганимизда, келинингиз, менинг фарзандларим – Сизнинг неварааларингиз ҳам ғоят шод, хурсанд эдилар.

Ҳожилигидан, болаларининг эришган мартабасидан Сизчалик ўқтамлик туйган бошқа шахсни билмайман. Ўтириб олиб ёш гўдакдек мақтаниб жўнар эдингиз, гўдакдек ғууруланаардингиз, икки минг еттинчи йил эди, Чирчиқ бўйидан дала ҳовли сотиб олганимда бир уй одамга, – улар орасида Ҳамро отам, Мусулмонхон эшон бобом, ҳамқишлоқ тошкентликлар, аёллар бор эди, – боламнинг бу уйи юз милён сўм туради, юз милёнгаям бермайди, дегансиз ҳаммага эшииттириб. Жуда чиройли дуо қилгансиз. Ҳамро отам ҳам, Эшон бобо ҳам дуога қўл очувди. Шунда мен уйнинг нархини икки баробар ошириб айтганингиздан роса кулгим келган, аммо нега бундай дейтганингизни ичдан англаб турганим учун дарёга қараб кўзёши қилиб олганман.

Сиз бўлмасангиз, Сизнинг меҳрибон нафасингиз бетимга уриб турмаса, бу дунёси, орзу-ҳаваси нима ҳам керак?

Онажоним, Сизни соғиндим!

Ўша, ўн биринчи йилнинг қиши Тошкентдаги охирги қишлолингиз эканини мен қайдан билай? Қишлоқдан келганингизда янги нашрдан чиққан китобимни қўлингизга тутқаздим. Китобга ардоқли шоирим Абдулла Орипов сўз ёзган эди. Сўзни ўқиб бердим. Жим бўлиб кўзингизни юмдингиз. “Доно одам!” – дедингиз кўзингизни очмай. Китобнинг номини ўқидингиз: “Бибисора”. Иброҳим алайҳиссаломнинг аёли. Исмоил алайҳиссаломнинг онаси. Буям майли, буни

ўқинг. Йўқ, кўзингиз ўтмади. Ўзим ўқиб бердим: “Ушбу китобимни суюкли, меҳрибон, заҳматкаш онажоним Солиҳа Тинибек қизига чин эҳтиром ила бағишиладим”. Кўзларингиз тағин юмилди. Ёш боладай бўзлаб юборишингиздан қўрқдим. Намланган қабоқларингизни очиб, сўнг китобни ҳидладингиз, пешонангизга қўйдингизми – билмайман, кейин ичи тўлиб кетган одамнинг оҳангида титраб дуо ўқидингиз. Қишлоқ одамлари, ҳайрон қоламан, дуо қилишга ҳам нўноқ, лекин Сиз шу қадар дона-дона, тушунарли ва ичдан куйиниб дуо берардингизки... ҳадисда айтилгани сингари ота-онанинг фарзандга қилган чин дуоси эди!..

Онажоним, Сизни соғиндим!

Эртага ёки худди шу бугун нима рўй бериши мумкинлигини билмайсан, тасаввур ҳам қилолмайсан. Лола билан биз тақдир ҳукми ила бир-биримизга суяниб қолаётганимизни тушуниб турадик. Сўзсиз ёки биргина “инқ” этган товушдан мақсад-муддаомизни англаш олардик, болалар энди эр етиб, бўй етиб қолган, эртага ким билан, қандай тўй қилиш, кимни келинликка, кимни куёвликка танлашнинг маслаҳатини қиласар, бирорларга ҳавас қиласар, катта қизим Мехринисога аллақачон совчи келиб тинчимизни бузишга ултурган эди.

Шундай бир замонда чақирилмаган ва табиийки, исталмаган меҳмондай икки дунёмизни алғов-далғов қилиб бедаво дард келиб қолди-ку. Мусибатни эшиксанг ҳам, гарчи уни қабул қилиб олиш нақадар оғир бўлмасин, ундан кейинги қилинадиган тадбир, маросим, жаноза, Худойи, қилинадиган сарф-харажатлар ҳақида ҳам режалар тузсанг бўлади. Масалан, ўшанда ёшим қирқ саккизга чиқиб, яъни тўрт мучални тўлдириб, анча дийдам қотиб, эртанги кунни мўлжал қиласар,

қила олар эдим. Аммо бу гал ҳеч нарса қилолмадим. Кўлимдан ҳеч нарса келмаслигини билиб лол бўлиб қолдим. Бу дарднинг номи – саратон эди...

Яна ҳам оғири, у тузалмас босқичга келиб бўлган эди. Бу дард билан олишишдан бошқа чора қолмаган эди. Ва... ўн ой давомида биз олишдик. Биз ютқазишимизни билар ва ютқазаётганимизни кўриб турар эдик. Даҳшат мана шунда эди. Оиласнгга, болаларингга бош бўлиб турган севимли инсонни, меҳрибон онани, гўзал аёлни ноилож ажал қўлига топшириб қўйиш, кўра-била ҳеч нарса қилолмаслик, кундан кунга қуриб, сўниб бораётган севимли одамингни қўзига қараб туриш, рози бўлмаганинг ҳолда иқрор бўлиб туришинг, кунлар, соатлар, лаҳзалар ажалнинг фойдасига қараб кетаётгани – чиндан ҳам даҳшат эди.

Биз эртага юз берадиган бу ҳодисани ёмон кўрардик. Ундан қочмоқчи ёхуд уни нари суришга жон хукмида интилардик. Шифокор, табибга, муллага ялинардик, харажатини айтинг, дердик, уйни, ҳамма нарсани сотишга тайёр эдик. Фақат бу одам яшаб қолса бас.

Кўзларинг юмуқ бўлса ҳам, яrim жон бўлсанг ҳам, товушинг чиқмай қолса ҳам яша, яша, яша! Шу ҳолингда ҳам бизга парвонасан, меҳрибонсан, ўлма, ўлма, ўлма, эй, жон!

У оғирлашиб бораётган кунларда қишлоқдан укам онажонимни олиб келди. Бу шунчаки бемор кўриш эмас, видолашиб учрашуви эди.

Онажоним, Сизни соғиндим!

– Нега буйтиб ётибсан, болам. Тур, улингди уяга, қизингди қияга қўй, болам. У ёққа кетишга мана мен ҳозирман, сенга йўл бўлсин, тур.

Келини – Лолам ростдан ҳам ўрнидан туриши, соғайиши шартдай сергакланиб атрофга қаради. Ўзи-

нинг абгор аҳволидан хижолат чекди. Яқинда операция бўлган, ундан аввал буйраклари ишламай шланглар улаб қўйилган, танаси қуриб қолган, энди саратон ошқозонни ҳам эгаллаб, егани ҳазм бўлмай қийналар эди. Куруқшаган лабларини қимирлатиб:

– Сиз ҳам кепсиз-да, эна, – деди.

Мия соғ, ақл жойида, хотираси жуда яхши эди унинг. Кўзларида ёш ғилтиллади. “Эна, буйтиб ғариб бўлиб кулчадай ётгунча хизматингизни қилиб юрсам бўлмасмиди” деган аянчли ўтинч бор эди.

Онам жуда чуқур, жуда узун фузун тортди. “Эсиз болам-а!” дегандай туюлди. Ҳатто қўрқиб кетдим.

– Улингди уяга, қизингди қияга қўй! – деди яна. Шундай деб ерга қаради. Дарднинг бедаволигига иқрор бўлди чамамда.

Онам қариган, мункайиб қолган эди. Шу тобда янаям мунғайиб қолди. “Олдин келган олдин кетсин, ортимда қолинглар”, – дегувчи эди. Бу гал ундай демади. Аммо Худодан шифо сўраб шундай эмрандики, беихтиёр ҳаммамиз бўшашиб кетдик...

Умидларимиз сўниб бўлган, онамнинг дуо-илтижолари уни қайта жонлантиргандай бўлди.

Кошки, кошки эди...

Онажоним, Сизни соғиндим!

Онагинам, менинг мушфифим, муштипаргинам келинидан сўнг роппа-роса тўрт ой яшади. 2013 йилнинг 1 августида, рамазон ойининг учинчи ўн кунлиги бошланганида, яна муборак жума тонгида омонатини топширди. Саксон икки ёш аслида ёмон умр эмас. Бироқ ортига – менга бурилиб, шу болам баҳтсиз бўлди, суюнчиқсиз қолди-да, деб кетгани аламли эди.

У дунёнинг тарзини биз билмаймиз. Бир хаёл, у ёқда яхши кўрган одамлари билан кўришиб, дард-ҳас-

ратлардан фориғ бўлиб базм қилиб ётгандир-а, дейсан. Яна бир хаёл, одамларга ўхшаб тўқсондан ошиб юрса нима қиласди, яна беш-ўн йил меҳрибонимнинг меҳрини эмиб юрсак нима қиласди, деб ўкинасан.

Барибир онангни ўйласанг, бу дунёда йўқлигини хис қилсанг, ҳамма ёғинг ўпирилиб, идраб кетгандай, дунёси ҳувиллаб қолгандай туюлаверади.

Ҳа, она ҳақида сўз кетса, мен фақат ҳасрат қилман, кўп суюнтиrolмадим деб куюнаман, куйиблар кетаман.

Оҳ, онажоним, Сизни соғиндим!

Аввалги йили тўнғич қизим тўй бўлди. Невара ҳам кўрдим. Қобоқлари, юз тузилишининг бир жиҳатлари бувисиникига келбат берар эмиш. Ихтиёrsиз унга талпинаман, кўргим келаверади.

Кудағай хола бўлса: “Бу сизга қош, ўғлингиздан келгани кўз бўлади”, – деди.

Бултур ўғлим уйланди. “Кўз” кутяпмиз.

Онажоним, олислаб кетманг! Ҳечкурса тушларимга киринг! Мени алқанг, эркаланг!

Ахир, Сизни соғиндим!

МУНДАРИЖА

НУР ТАРАЛАР ШАФАҚЛАРДАН

Элбошилар.....	4
Ватан ичра гўзал ватан.....	17
Виждан.....	20
Маънавият сабоқлари.....	29
Қисмат ўйини.....	43
Маънавиятимиз қадр-қиймати.....	50
Хожа Нонбер ота ёхуд Қувкалла қишлоғининг тарихи.....	63
Болалик баҳорлари.....	75
Дашт одамлари.....	78
Ҳам эътироф, ҳам ғурур.....	88
От чоптирса гумбурлайди тогнинг дараси.....	93
Спорт ирода демақдир.....	99

ХОТИРА УЙГОНСА...

Ойбегимиз.....	121
Қалби уммон адаб.....	133
Қувноқ Ҳошимжон.....	137
Дарё шоир эди.....	140
Кибрсиз одам.....	143

МАЪНАВИЯТ ҚҮЁШИ

Адабиёт, ижтимоий адолат ва...	154
Буюк бурч.....	162
Адабиёт – олдинда ёнган маёқ, у эътиқодни тарбиялайди.....	169
Ҳаммаси ялқовнинг иши.....	185
Авлодлар алмашинуви.....	189
Ёзувчининг вақт тақсимоти.....	197
Зоминдан ёзувчиликкача...	200
Шоирнинг байроғи юрагида.....	205

ДИЛКАШ ГУРУНГЛАР

Ижодкорга бардош керак.....	210
Ёшараётган “Ёшлик”.....	216
Бугунги ёшлар, бугунги талаб.....	220
Одамни орзулар улғайтиради.....	227
Хақиқий ёзувчидан яратиш иштиёқи сүнмайды.....	232
Асарлар асрлар сирдоши, унда асар қаҳрамони билан бирга аср қаҳрамони яшайды.....	240
Ёзувчининг жонсўзи.....	248
Бадиий юксаклик сари.....	262
Маҳорат – асосий мезон.....	274

ЭССЕЛАР

Одамнинг кучлиси.....	302
Она соғинчи.....	325

Адабий-бадиий нашр

Собир ЎНАР

ОЛДИНДА ЁНГАН МАЁҚ

*Бадиий-публицистик мақолалар, хотиралар,
сұхбатлар ва эсселар*

Мұхаррир Дилрабо Мингбоева

Бадиий мұхаррир Акбарали Мамасолиев

Мусахых Шаҳзода Ҳакимова

Саҳифаловчи Азамат Қайимов

“MASHHUR-PRESS NASHRIYOTI”

Нашриёт лицензияси: № AI 282. 11.01.2016

100129, Тошкент, Марказ 15. 1/90.

e-mail: mashkhur-press@mail.ru

Босишига 2020 йил 18 мартда рухсат этилди.

Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Офсет босма. “Cambria” гарнитураси.

Шартли босма табоғи 18,48. Нашриёт босма табоғи 22,0.

Адади 2000 нұсха. Буюртма № 97.

«AZMIR NASHR PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

100200, Тошкент шаҳри, Адҳам Раҳмат күчаси, 10-үй.